

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ**

**ОРИПОВ ЭЛЁР ШАВКАТОВИЧ**

**АНЪАНАВИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ  
ҚАДРИЯТЛАР ДИАЛЕКТИКАСИ**

**МОНОГРАФИЯ**

**Қўқон – 2019**

Мазкур монографияда дунё илмий жамоатчилиги томонидан кенг ва атрофлича ўрганилаётган анъана, кадрият, модернизация ходисалари бири бири билан ўзаро алоқадорликда, уйғунликда ривожланиши ижтимоий-фалсафий нуқтаи-назардан таҳлил этилган. Шунингдек, унда ушбу соҳадаги маънавий-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий жиҳатлар, анъанавий ва замонавий кадриятларни уйғунлаштириш жараёнларининг мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар билан боғлиқлик хусусиятлари, халқаро майдонларда “ўзбек мўъжизаси” деб номланишига асос бўлган “миллий модел” муваффақияти илмий далиллар асосида қиёсий-назарий тадқиқ этилган.

Монографияда анъаналар моҳияти янгича фалсафий нуқтаи назардан таҳлил этилиб, Шарқ ва Ғарб ижтимоий-сиёсий ҳаётида анъаналарнинг ўрни ва аҳамияти қиёсий-назарий ўрганилган. Шунингдек унда анъанавий ва замонавий кадриятлар узвий бирлигига асосланган, бугунги воқелик эҳтиёж ва манфаатларига мос келувчи анъанавийликнинг замонавий концепцияси ишлаб чиқилган.

Монография мамлакатда янги жамият қуриш ва уни модернизациялаш жараёнларига анъанавий кадриятларнинг таъсири билан қизиқувчи кенг китобхонлар учун мўлжалланган.

Маъсул муҳаррир: **ф.ф.д., проф. Ф.А.Мусаев**

Такризчилар: **ф.ф.н., доц. М.Аминова**

**ф.ф.н. З.Бойтемирова**

Ушбу монография “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” кафедрасининг 201\_ йил \_\_ \_\_\_\_\_ № \_\_ сонли йиғилишида кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

ҚДПИ илмий Кенгашининг 201\_ йил \_\_ \_\_\_\_\_ № \_\_ сонли йиғилишида фойдаланишга тавсия этилган

© Элёр Орипов. Анъанавий ва замонавий кадриятлар диалектикаси.

## К И Р И Ш

Бугунги кунда жамиятимизда олиб борилаётган ислохотлар диалектик мазмунга эга бўлиб, анъанавий ва замонавий жамиятга хос бўлган қадриятларни ўзаро алоқадорликда ўрганишни тақозо этмоқда. Шу маънода биринчи президентимизнинг: "бизнинг анъанавий қадриятларимизни ҳозирги демократик жамиятимиз қадриятлари билан уйғунлаштириш келажакда янада раванқ топишимизнинг, жамиятимиз жаҳон халқлари ҳамжамиятига қўшилишининг гаровидир"<sup>1</sup> деган фикрлари айни ҳақиқатдир. Аслида ҳар қандий кўринишдаги замонавийлашув анъанавийлик негизида вужудга келади ҳамда шаклланади. Шу маънода, Шарқда шаклланган "анъанавий жамият"ларнинг Ғарб жамиятларидан ўзига хослиги "яшовчанлик" хусусиятларини ўрганиш ва уларни амалиётга тадбиғ этиш механизмларини яратиш ҳам ушбу ишни долзарблигини англатади.

Комил инсон шахсини тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг энг устувор масалаларидан биридир. Бу жараённи амалга оширишда улар онги ва қалбига анъанавий қадриятларни сингдириш энг таъсирчан, самарали ҳамда тезроқ натижага эришиш йўлидир. Демак, бугунги ёш авлод ўз тарихига, маданиятига, миллий қадриятларига, тилига, динига ва урф-одатларига итоат руҳида тарбия топсагина ўзи ва ватани олдида ижтимоий масъуллигини ҳис этиши мумкин. Зеро, мамлакатимизда демократик жараёнларни ривожлантиришда анъанавий қадриятларимиз асос бўлсагина, шу юрт фуқароларининг азалий интилишлари, эзгу истаклари, хурмат билан амал қилиб келаётган урф-одат ва анъаналари ўз ифодасини топган бўлади. Зеро, "халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш"<sup>2</sup> орқалигина бугунги авлодни зарарли ғоялар хуружидан ҳимоя қилиш мумкин. Ана шу монандлик "сир"ларини илмий ўрганиш ва умумлаштириш тадқиқот мавзусининг долзарблигини

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. 29-30-бетлар

<sup>2</sup> «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3160-сонли қарори. 2017 йил, 28 июль

белгилаган омил ҳисобланади. Миллий истиқлол мафкураси ҳам ана шу анъанавий қадриятларимизга асосланиб яратилгани бежиз эмас.

Лекин масаланинг иккинчи томони шундаки, “глобаллашаётган дунё шиддат билан ўзгараётган, миллий ўзликни англаш, мустаҳкамлаш жараёнларига турли ёт ғояларнинг салбий таъсири ортиб, одамларнинг онги ва қалби учун кураш кучайиб бораётган...”<sup>3</sup> бугунги кунда анъанавий қадриятлар билан замонавий қадриятлар диалектикасини ижтимоий-фалсафий жиҳатларини таҳлил этиш масаласи янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Зеро, миллий ва демократик қадриятлар Осиё минтақаси ва мусулмон Шарқида ўзига хос хусусиятлар, ўзига хос анъаналарга эга. Демак, асрлар давомида шаклланган, тажрибада синалган анъанавий қадриятлар билан башарият тараққиёти маҳсули бўлган замонавий қадриятлар уйғунлигига асосланган фуқаролик жамиятини бунёд этар эканмиз, унинг фалсафий-назарий жиҳатдан фундаментал тадқиқ этиш ва натижалари билан жамиятни таништириш зарур. Чунки мамлакатимиз ўз мустақиллигини кўлга киритгандан кейингина ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш, модернизациялаш баробарида фуқаролар сиёсий ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, миллий анъана ва қадриятларни тиклаш каби вазифалар давлатимиз олдидаги устивор йўналиш сифатида белгиланмоқда. Қадриятларнинг айнан анъанавий ва замонавий хусусиятларини ижтимоий фалсафада ўрганилмаганлиги ҳам уни тадқиқ этишни ҳамда тегишли хулоса, тақлиф ва тавсиялар киритиш лозимлигини ҳаётий заруратга айлантиради. Юқоридаги масалаларни ўрганиш натижасида тегишли илмий хулосалар ишлаб чиқиш ва мустақилликни янада мустаҳкамлашда улардан самарали фойдаланиш мурватларини яратиш ушбу тадқиқот ишининг долзарблигини белгилайди.

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармойиши. №Ф -5456. 2019 йил 8 апрель.

Қолаверса, бугунги кунда “мамлакатимиз тинчлиги, жамиятимиз барқарорлиги, умуминсоний, миллий ва диний қадриятларимизга қарши қаратилган, миллий ўзликни англаш, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган ҳаёт тарзини барбод қилишга йўналтирилган мафкуравий таҳдидларга қарши курашишнинг самарали усул ва воситаларини ишлаб чиқиш”<sup>4</sup> зарурати ҳамда “миллий ғояни ривожлантириш борасидаги илмий изланишлар олиб бориш, назарий тадқиқотларни амалга ошириш ишларини самарали ташкил этиш мақсадида махсус амалий, инновацион, фундаментал давлат дастурларини шакллантириш ва бунда ҳозирги даврнинг долзарб ғоявий-мафкуравий мавзуларига эътиборни янада кучайтириш”<sup>5</sup> масалалари устувор вазифага айланиб бораётганлиги ҳам ушбу тадқиқот ишининг долзарблигини белгилайдиган омиллардан ҳисобланади.

Жамият барча соҳаларини модернизациялашда миллий-маънавий меросни бугунги воқелик билан уйғунлаштиришга оид назариялар ҳамда уларни амалиётга жорий этишнинг устувор йўналишлари биринчи президентимизнинг маъруза ва асарларида, буюк мақсадларни бажаришга йўналтирилган дастурларда, хусусан, миллий тараққиётимизнинг стратегик дастури “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш” Концепциясида аниқ ва изчиллик билан амалга оширилган бўлса, Ш.Мирзиёев ташаббуси билан 2017 йил 7 февралда қабул қилинган “Ўзбекистонни Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги”ги ПФ-4947-сонли фармони<sup>6</sup> орқали ушбу ислоҳотларни амалий ҳаётда ўз тасдиғини топмоқда.

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармойиши. №Ф -5456. 2019 йил 8 апрель.

<sup>5</sup> Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармойиши. №Ф -5456. 2019 йил 8 апрель.

<sup>6</sup> “Ўзбекистонни Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. - Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони. № ПФ-4947. 2017 йил 7 февраль.

Хусусан миллий анъана ва қадриятларни эъзозлаш, сақлаш ҳамда ҳимоя қилишда давлатимизнинг Асосий Қомуси ҳамда тараққиётнинг “Ўзбек модел”и катта аҳамиятга эгадир. Таъкидлаш лозимки, Конституциямизни жаҳон афкор оммаси томонидан ягона ва бетакрор дея эътироф этилиши ёки “Ўзбек модел”ини амалиётдаги муваффақияти боис “Ўзбек мўъжизаси” сифатида тан олинishi, бу икки ҳодисани уйғунлаштирган асос уларда халқимизнинг миллий-маънавий руҳи мужассам бўлгандир.

Тадқиқотда белгиланган вазифалар, йўналишлар мамлакатимизда анъанавий ва замонавий қадриятларни уйғунлаштириш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳамда ҳукуратимиз томонидан олиб борилаётган ислохотлар моҳияти билан бевосита боғлиқдир. Шунингдек ушбу соҳага тегишли илмий хулосалар ишлаб чиқиш ва мустақилликни янада мустаҳкамлашда улардан самарали фойдаланиш мурватларини яратишга оид янгича назария ва қарашларни ишлаб чиқиш ушбу тадқиқот ишининг асосий мақсадларидан биридир.

Таъкидлаш лозимки, ушбу монографияда жамият ижтимоий-сиёсий тизимини модернизациялашда анъанавий ва замонавий қадриятларни ўзаро уйғун ҳамда диалектик алоқадорликда ўрганилиши миллий тараққиётимиз барқарорлигини белгиловчи мезон сифатида намоён бўлади.

## Мундарижа

КИРИШ.....	3
<b>I.Боб. Анъанавий ва замонавий қадриятларни тадқиқ этишнинг назарий-услубий масалалари</b>	
1.1. Анъанавий ва замонавий қадрият тушунчалари моҳияти, ижтимоий-фалсафий таҳлили.....	7
1.2. Анъанавий ва замонавий қадриятларнинг намоён бўлиш шакллари ва ўзига хос хусусиятлари.....	28
1.3. Анъанавий қадриятларни тадқиқ этишда этник ва жўғрофий омиллар..	56
<b>II.Боб. Анъанавий қадриятлар: тарихийлик ва замонавийлик диалектикаси</b>	
2.1. Анъанавий қадриятлар ривожининг ижтимоий-фалсафий илдизлари ...	71
2.2. Анъанавий қадриятлар ва модернизация жараёнининг диалектик алоқадорлик хусусиятлари.....	86
2.3. Жамиятни модернизациялаш жараёнида анъанавий ва замонавий қадриятларни диалектик тадқиқ этишга доир назарияларга янгича ёндошув зарурати.....	95
<b>III.Боб. Ўзбекистонда жамиятни модернизациялашда анъанавий ва замонавий қадриятларнинг аҳамияти ва уларни уйғунлаштириш истиқболлари.</b>	
3.1. Модернизациялаш жараёнларида анъанавий ва замонавий қадриятлар уйғунлигини сақлаб қолишнинг миллий - ижтимоий асослари.....	117
3.2. Ўзбек модели”да анъанавий ва замонавий қадриятлар гармониясининг ижтимоий-фалсафий аҳамияти.....	137
3.3. Жамиятда анъанавий ва замонавий қадриятлар уйғунлигини таъминлашнинг истиқбол концепциялари ва тараққиёт тенденциялари .....	151
3.4. Анъанавий қадриятларни амалиётга замонавий асосда татбиқ этишда юзага келувчи деструктив омиллар ва уларни бартараф этиш йўллари, воситалари.....	166
<b>Хулоса.....</b>	<b>181</b>
<b>Адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>187</b>

# **I.Боб. Анъанавий ва замонавий кадриятларни тадқиқ этишнинг назарий-методологик масалалари**

## **1.1. Анъанавий ва замонавий кадрият тушунчалари моҳияти, ижтимоий-фалсафий таҳлили**

Сўнгги пайтларда мамлакатимизда кадриятларнинг барча турларига муносабатнинг ўзгариши тараққиётимиз мақсад ва вазифалари йўналишларини белгилаб берди. Воқеликка мос бўлмаган (асосан ҳукмрон гуруҳ манфаатларини ифодачиси сифатида пайдо бўлган) кадриятлар табиий равишда қадрсизланиб, улоқтирилмоқда, инсоният тажрибаси маҳсули бўлган анъана ва урф-одатларга асосланган бошқалари қайта тикланмоқда, ижтимоий тараққиёт зарурияти ҳисобланган янгича кадриятларга оид тасаввурлар пайдо бўлмоқда. Янги шаклланаётган кадриятларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у коммунистик мафкура сингари инсон ва жамиятга бирор-бир кадриятни мажбуран тикиштирмайди, аксинча кадриятлар табиий зарурият сифатида вужудга келади. Бироқ мамлакатимизда бу жараёнлар бирмунча қийин кечмоқда. Ҳозирги вазият анъаналар маҳсули сифатида намоён бўлган, маънавий-ахлоқий кадриятлар устуворлигига асосланган бозор иқтисодиёти йўлидан бориш заруриятини қўймоқда. Жамиятимиз барча соҳаларида олиб борилаётган ислохотлар жараёнини таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бозор иқтисодиёти талаблари доирасида шаклланаётган ўзгаришлар жамият маънавий-ахлоқий устунини ташкил этувчи анъана, кадрият ва ахлоқий мезонларга мутаносиб бўлмаса, улар ижтимоий тараққиётга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Биз бу фикр билан анъанавий-маънавий кадриятлар ва бозор иқтисодиётини бир-бирига қарама-қарши қўймоқчи эмасмиз, аксинча анъанавий-маънавий кадриятларнинг устуворлиги жамият моддий ҳаётини инсонпарварлаштириш омили эканлиги асосли аксиомалигини таъкидламоқчимиз. Маълумки жамият ривожда кадриятлар катта интегратив қувватга эга. Шу маънода, жамият ва кадриятлар ўртасидаги

муносабатларнинг кескинлашуви, моддий тараққиёт динамикасидаги эгриликларга кўра бирмунча хатарлидир.

Жамиятни яхлит вужуд сифатида ўрганишда қадриятларни аҳамияти муҳимдир. Хусусан улар ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этишда, онг шаклларида “аксиологик онг”нинг фарқли хусусиятларини аниқлашда анъана ва урф-одатларнинг шаклланиш босқичларини ижтимоий-фалсафий ва қиёсий-назарий ўрганиш имкониятини юзага келтиради. Бундай қараш анъана ва қадриятлар ўртасида ўзаро боғлиқлик борлигини аниқлашга имкон беради. Ушбу тадқиқотдан мақсад, анъаналар мавжудлиги ва уни ижтимоий тараққиётдаги ўрнини ўрганишдир. Қолаверса анъана ва қадриятлар макон билан замонда ўзаро боғлиқ бўлиб, ушбу воқелик анъаналар ривожланиш трансформациясини тадқиқ этишда муҳимдир. Чунки бу жараёнда жамиятдаги меъерий норма ва одатлар зиддиятлар таъсирида асл мазмунидан узоқлашади, янги воқеликдаги тафаккур ҳали тўла етилиб улгурмагани учун ижтимоий онгда ноаниқликлар, “миллий макон”да эса бегона ғоя ва қадриятлар юзага келади. Бу эса “миллий макон” қадриятларини қадрсизланишига сабаб бўлиб, янгича қадриятларни шакллантириш заруриятини пайдо қилади. Воқеликдаги қадриятларнинг қайта шаклланиш даври ижтимоий онгни таназзулга олиб келганда, жамият ҳаётида миллий анъана, ахлоқ ва урф-одатлар ўрнида моддий ҳаётни улуғловчи сохта қадриятлар пайдо бўлади. Бу эса анъанавий-маънавий қадриятларни ривожланишига тўсиқ бўлади.

Ижтимоий трансформациялар даврида қадриятларнинг “қадри” янада ортиб, жамиятда амалга оширилаётган ислохотлар воқеликдаги қадриятлар тизимини янгиланишига сабаб бўлади, бу эса жамият олдида икки йўлдан бирини: аввалги қадрият ва анъаналарни сақлаб қолиш ёки турли ижтимоий-сиёсий институтлар томонидан таклиф этилаётган (баъзи ҳолатларда мажбуран қабул қилдирилаётган) қадрият ва анъаналарга мослашиш заруратини тақозо этади. “Бу жараёнда қадриятларни барқарор қилиш, уларни амалиётдаги турли фарқлар, қарама-қаршиликларни бартараф этиш,

бу борадаги ранг-баранг эҳтиёж, қизиқиш, мақсад ва интилишларни ҳисобга олиш”<sup>7</sup> алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ушбу воқелик жамият аъзоларидан юксак даражадаги ақл-идрок, эҳтиёткорлик ва иродалилиқни талаб қилади.

Мустақиллик сабаб “қадрият”, “анъана” каби тушунчалар ижтимоий-маънавий ҳаётимизга яна кириб келди. Шу ўринда биринчи президентимиз “қадрият” тушунчасини ижтимоий ҳаётдаги аҳамиятини қуйидагича изоҳлайди: “албатта биз тарих синовларидан ўтган, миллий манфаатларимиз, бугунги ва эртанги орзу-интилишларимизга, тараққиёт талабларига тўла жавоб берадиган, йиллар ўтгани сари кадри ортиб борадиган ғоя ва тушунчаларни қадрият деб биламиз”<sup>8</sup>,

Ушбу тарихий ёндош тушунчалар мазмунини назарий – услубий томонларини тадқиқ этишда биринчи президентимиз қарашлари муҳим илмий-услубий асосга эгадир: “халқимиз сарчашмаларининг кўзлари қайтадан очилганлиги, - деб ёзган эди И.А.Каримов, - жаҳон маданияти ютуқларига зўр ҳисса қўшган буюк аجدодларимизнинг маданий ва маънавий мероси теранлиги ва чуқурлиги англаб олинганлиги, ҳар бир авлоднинг ўз ўтмишига, олижаноб миллий ва диний анъаналарига ҳурмат билан қараш, уларни асраб-авайлаш руҳида тарбияланаётганлиги, айни чоғда, ҳозирги замон жаҳон цивилизацияси ва маънавияти қадриятларини ўзлаштириш ва уларга ошно бўлиш зарурлиги равшан англаб етилганлиги - мана шуларнинг ҳаммаси ҳаётбахш бир заминдирки, бизнинг янгиланиш ва халқимизнинг миллий ўзлигини англашини ошириш, аҳолини сиёсий етуқлиги ва фаоллигини кучайтириш борасидаги сиёсатимиз мана шу заминга таянади”<sup>9</sup>.

Бугун жамиятимиз аъзолари трансформация даврида яшамоқда. Бу воқелик халқ зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Чунки келажак авлод фаровонлиги, бугун юртимизнинг “янги тарих”и саҳифаларига қандай

---

<sup>7</sup> Қ. Назаров. Қадриятлар фалсафаси. (Аксиология). Т.: Файласуфлар миллий жамияти. 2004. Б. 190.

<sup>8</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият. 2008. Б. 82.

<sup>9</sup> Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 11 томлик. Т.: Ўзбекистон. 1996, 3-т. Б. 274-275.

ислоҳотлар битилиши билан боғлиқдир. Яъни, ижтимоий-маънавий кадриятларни бугунги ташқи таҳдидлар таъсиридан ҳимоя қилиб, кейинги авлодга узатишдаги ўз вазифамизни бажара оламизми ёки ворислик масъулиятини бажаришга “нафс”имиз йўл қўймайдими, шу каби мулоҳазалар кадриятлар тизимидаги нисбатан янги йўналиш, яъни анъанавий кадриятларни мукамал ўрганиш ҳамда уларни сақлаб қолиш, ижтимоий ҳаётда улардан фойдаланишни самарали концепцияларини яратиш зарурати бизни ушбу тадқиқот ишини олиб боришга ундаган сабаблардан биридир.

Анъанавий кадриятлар тузилиши, мақсад ва вазифалари, ижтимоий тараққиётдаги аҳамияти ҳамда ушбу тизимда замонавий кадриятлар ҳолатини ўрганишдан аввал (бу ҳақида кейинги бобларда батафсил тўхталамиз), кадриятлар масаласини тадқиқ этишга оид қарашларни таҳлилини ёритиш зарурдир.

Кишилик жамияти башарият учун муҳим аҳамиятга эга бўлган кадриятларни ўрганишга ҳар доим эътибор бериб келган. Эллин маданияти асосчилари юнонлар “cultura” сўзини таълим олиш, парваришlash, шаклланган нормаларни эгаллаш маъносида тушунишган<sup>10</sup>. Аслида бу инсонни ва инсон томонидан яратилган маданий бойликларни эъзозлаш, кадрлаш томон интилиш эди<sup>11</sup>. Инсон моҳияти билан узвий боғланган “қадр” сўзи узоқ тарихда яралган бўлсада, уни фан сифатида ўрганиш XX асрдан бошланди.

Кадриятлар кишилик тараққиётининг энг муҳим ютуқларидан бири бўлиб, инсониятнинг ҳайвонот олаmidан ажралиб чиққанлиги даражасини тавсифлаб беради. Ижтимоий тараққиётнинг ҳар бир босқичида кадриятлар масаласи алоҳида ўрганилган. Ижтимоий тузумлар алмашган даврларда кадриятларни янги воқелик талаблари асосида қайта баҳолаш зарурати юзага келади. Шу маънода, бугунги воқелик ушбу муаммони диалектика

---

<sup>10</sup> Философия культуры. Становление и развитие. - Санкт-Петербург.: 1998.- С.17

<sup>11</sup> Ценность. // Новейший философский словарь.- Мн.: В.М.Скакун. 1998. - С.798

конунлари асосида таҳлил этиш талабини қўймоқда. “Гўё тасодифан пайдо бўлиб қолгандек туюладиган “янгилик”нинг ҳар қандай шаклида “эскилик”нинг қандайдир томонлари, хусусият ва жиҳатлари сақланиб қолади. Бу жараён “ворислик” тушунчасида ўз аксини топади. Бундай “ворислик” қадриятларнинг у ёки бу намоён бўлиш шакли ўрнига янгининг келишини билдирадиган диалектик инкор жараёнини ифодалайди”<sup>12</sup>

Бугун илмий жамоатчилик томонидан қадриятларга берилаётган баҳолар бирмунча хилма-хилдир. Баъзи адабиётларда қадрият категорияси этимологик маъноси кундалик онг даражасида тадқиқ этилган: қадрият бу – инсонлар учун қадрли бўлган нарса ва ҳодисалар. Буларга предметлар, нарсалар, табиий ва ижтимоий ҳодисалар, инсонлар хатти-ҳаракатлари, маданий ҳодисаларни киритиш мумкин<sup>13</sup>. Лекин биламизки “қадрият” тушунчасининг мазмуни, табиати кундалик-амалий онг нуқтаи назарида кўринганидек содда эмас.

Шу ўринда, баъзида назарий онгда ҳам қадрият тушунчасига маънодош сифатида “аҳамият” сўзини ишлатиш ҳолатлари кўп учрамоқда. Бизнингча, “аҳамият” тушунчаси “қадрият” категориясидан кенгроқ маънода қўлланади. Аҳамият қадриятли муносабатларнинг жадаллиги, кучлилиги даражасини тавсифлайди. Қолаверса, “аҳамият” тушунчаси доим ҳам қадрият каби ижобий маънода қўлланмайди. Ижтимоий тараққиётни таназзулга етаклайдиган нарса ва ҳодисалар салбий аҳамият сифатида талқин қилиниши ҳам мумкин. Юқоридаги фикрларга таяниб, қадриятни – турли кўринишдаги аҳамиятли нарса ёки ҳодиса эмас, балки инсон ва жамият ҳаётига фақат ижобий таъсир этадиган аҳамиятли воқелик сифатида тушунишимиз мақсадга мувофиқдир.

Жумладан бошқа бир илмий адабиётларда эса қадриятлар масаласига бир томонлама ёндошилиб “уларни қадрият туркумига киритиш ёки

---

<sup>12</sup> Хотима Шайхова. Маънавият камолот кўзгуси. Ғ.Ғуллом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. - Т.: 2009. Б. 59.

<sup>13</sup>Глобальные проблемы и общечеловеческие ценности. М., 1990.

киритмаслик кишиларнинг эҳтиёжлари, манфаатлари, орзу-умидлари билан белгиланади”<sup>14</sup> ёки “мазмун ва ҳарактерига кўра прогрессив ва реакцион типларга ажратиш”<sup>15</sup> каби фикрларни кўриш мумкин. Ушбу таърифлардан кадриятлар одамларнинг эҳтиёжлари маҳсули сифатида намоён бўлади, деган хулосага келиш мумкин. Агар кадриятлар объектив оламнинг инъикоси бўлмай, субъектив мазмунда намоён бўлса, уларни тўлалигича ижобий тушунча сифатида баҳолаш ижтимоий қонунларга зид бўлар эди, улар яратувчилик ва яшовчанлик хусусиятидан мосуво бўлар эди. Бу ўринда М.С.Каганнинг “кадриятни “фойдалилик”, “кераклилик” сингари объектив ҳолатлар билан тенглаштириш ҳам бирдай хатодир”<sup>16</sup> деган фикри ҳам айна ҳақиқатдир. Бизнингча, муайян объектни баҳолашда, унинг моҳиятини намоён этадиган энг муҳим жиҳатлари мантиқан асосланиши ва кўрсатилиши шарт.

Мамлакатимизда кадриятлар соҳасига оид бир қанча илмий мақола ва рисолалар муаллифи, файласуф Қ.Назаров кўп йиллик изланишлари ҳосиласи сифатида кадриятларга қуйидагича баҳо беради: “кадрият - бирор бир тарзда ва шаклда зоҳир бўладиган, субъект учун муайян таъсирини намоён қиладиган воқеликнинг турли-туман шакллари, кўринишлари, нарсалар, ҳодисалар, жараёнлар, муносабатлар, турли сифатлар, хусусият, ахлоқ ва маънавийлик мезонлари ҳамда бошқаларнинг субъект учун ижтимоий аҳамияти ва қадрини ифодаладиган умумий аксиологик категориядир”<sup>17</sup>. Бизнингча, ушбу таъриф ўзида кадриятларга оид барча жиҳатларни жамлаган хулосадир. Хусусан файласуф барча асарларида кадриятларнинг жамият маънавий – ахлоқий жараёнларидаги ворисийлик ҳамда бошқарувчилик вазифаларига эътиборини қаратиши ушбу тадқиқот ишимиз мақсади билан уйғундир.

<sup>14</sup> Туленов Ж. Диалектика назарияси. Т.: Ўзбекистон, 2001. Б. 262.

<sup>15</sup> Ўзбек совет энциклопедияси. 14 жилдлик Т.: 1980 14-ж. Б. 7.

<sup>16</sup> Каган М.С. Системный подход и гуманитарное знание. Л.Наука 1991. С. 196.

<sup>17</sup> Назаров Қ. Кадриятлар фалсафаси (Аксиология). Т.: Файласуфлар миллий жамияти. 2004. Б. 66.

Илмий адабиётларда қадриятларга турли хил таърифлар берилган. Масалан, ”Энг янги фалсафа луғати”да қадрият ”абсолютга, шартга, мақсадга йўналтирилган объект ва ҳодисаларнинг инсоний, ижтимоий ва маданий моҳиятини акс эттирувчи атама”<sup>18</sup> деб талкин қилинади. У жамиятдаги барча нарса-ҳодисаларнинг “социомаданий фаоллиги доирасини белгилаб келади”, маданий фаолият натижаси сифатида эса шахсдан, айрим ҳолларда эса тарихий ҳодисалардан айрича идрок этилади. Шунинг учун қадриятлар ўтмиш, ҳозир ва келажакни уйғунлаштириш ва фикрларни асослаш тарзида келади. Қадриятлар энг аввало нормалар орқали амалга оширилади<sup>19</sup>.

Юқорида қадриятларга нисбат берилган турли концептуал ёндашувларни атрофлича таҳлил этиб, қадриятлар таснифида қуйидаги асосларга таянишни маъқул деб топдик: 1) ижтимоий ҳаёт соҳаларига оид; 2) субъектлар, яъни қадриятлар эгаларига (ташувчилари) оид; 3) жамият ҳаётида қадриятларнинг аҳамиятига оид.

Жамият соҳаларидаги қадриятлар: моддий, ижтимоий-сиёсий, маънавий кўринишларда намоён бўлади.

Қадриятлар таснифининг иккинчи асоси – субъектлар бўйича бўлиб, улар индивидуал, жамоага оид, умуминсоний қадриятларга бўлинади.

Қадриятларнинг жамият ва инсон ҳаёти учун аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, уларни қуйидаги уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Иккиламчи аҳамиятга эга қадриятлар. Ушбу қадриятларсиз жамият ва инсон ҳаётининг нормал функцияси бузилмайди.

2. Кундалик ҳаёт ва талабга тегишли қадриятлар. Ушбу гуруҳга моддий ва маънавий қадриятларнинг аксарияти киради. Буларга инсон маънавий ва моддий эҳтиёжларини қондириш учун, шунингдек, жамият амал қилиши ва ривожланиши учун керакли барча нарсалар киради.

---

<sup>18</sup> Ценность. Новейший философский словарь.- Мн.: В.М.Скакун. 1998. - С.798

<sup>19</sup> Ўша жойда. - С.798

3. Анъанавий қадриятлар — муайян этник бирлик (ёки исталган ижтимоий тузилма шакли) аъзолари ўртасидаги муносабатлар ва эҳтиёжларни ўзида акс этувчи, энг юксак аҳамиятга эга қадриятлардир. Анъанавий қадриятлар воситасида одам шахсга айланиши, жамият ҳаёти бир маромда кечиши мумкин. Анъанавий қадриятларнинг мавжудлиги ва барқарорлиги ҳар доим индивид ўз ҳаёти доирасидан чиқиши билан боғлиқдир. Уларга итоат этиб яшаш орқали инсон ўзлигига, ўз “Мен”ига эришади. Шу маънода, анъанавий қадриятлар, одатда, умуминсоний характерга эга.

Анъанавий қадриятларга моддий, маънавий ва ижтимоий-сиёсий қадриятлар қисман тегишлидир. Бизнингча, анъанавий қадриятлар таркибий қисмларини қуйидагича таснифлаш мумкин: умуминсониятга оид қадриятлар (тинчлик, инсоният ҳаёти); ижтимоий-сиёсий қадриятлар (адолат, озодлик, эркинлик, инсон ҳуқуқ ва мажбуриятлари); қариндошлик алоқалари (муносабатлари); фаолият билан боғлиқ қадриятлар (меҳнат, ижод, яратувчилик, ҳақиқатни англаш); табиий-тарихий қадриятлар (ҳаёт, саломатлик); ўзини (ўз шахсиятини) намоён этиш билан боғлиқ қадриятлар; шахсий фазилатлар (ҳалоллик, дўстлик, садоқат, меҳр-оқибат, севги-муҳаббат, довюраклик, содиқлик, адолатлилик, эзгулик) кабилардан иборат бўлиб, улар орқали жамият ҳаёти яшовчанлиги ва барқарорлиги таъминланади.

Қадриятларни гуруҳлаш диалектик мазмунга эга, яъни у доимо ўзгариш ва ривожланишда. Қадриятлар обод ва фаровон ҳаёт куриш “дастур”и сифатида инсонлар томонидан яратилган. Шу маънода, энг олий қадрият – инсон. Бу қараш биологик тур сифатидаги одамга тегишлими ёки ижтимоийлашган индивидгами? Бизнингча, индивиднинг ўзгаларга бўлган муносабати фақат ўша одамларнинг феъл-атвориغا боғлиқ бўлмасдан, балки ўзининг қандай инсон эканлигига ҳам боғлиқдир. Инсон қадр-қиммати тарихий тараққиёт давомида воқеликдаги шарт-шароитлардан келиб чиқиб белгиланган. Масалан, ибтидоий даврларда одам қадри унинг биологик

хусусиятлари орқали белгиланса, ўрта асрларда ҳукмрон гуруҳлар манфаати йўлида минглаб одамлар (кадр-қиммати ҳам) қурбон бўлган. Бугунги кунда эса ҳар бир инсон эркин ва тинч яшаш ҳуқуқига эга. “Одамзот биологик ва ижтимоий моҳиятлар бирлигида мавжуд бўлади, аммо ижтимоий майлларнинг устун бўлиб бориши унинг табиатидаги биологик имкониятларнинг воқеликка айланишини таъминлайди”<sup>20</sup>. Қачонки инсон ўзида биологик ҳамда ижтимоий-маънавий хусусиятларни уйғунлаштира олсагина кадр-қимматга эришади.

Мавжуд адабиётларни қиёсий-назарий ўрганиш асносида “қадрият” категориясининг ижтимоий-фалсафий маъносини қуйидагича таҳлиллаш мумкин.

Қадрият ўз мазмун - моҳиятига кўра тўла маънода ижтимоий ҳодисадир. Чунки инсон ва жамият йўқ жойда қадрият ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас. Шу маънода, қадриятларнинг барча турлари ҳар доим инсоний мазмунда бўлиши шарт. Бу нафақат ижтимоий нарса ва ҳодисаларга, балки табиий объектларга ҳам тегишлидир. Чунончи, Ер деб аталмиш сайёрамизда атмосфера инсониятдан анча аввал пайдо бўлганига қарамай, унинг буюк кадри одам пайдо бўлганидан кейингина анланган.

Қадриятлар инсон амалий фаолияти давомида вужудга келади. Қадриятларни вужудга келтирувчи омиллардан бири инсоннинг келажакка йўналтирилган мақсадли фаолиятидир. Мақсад бу инсон яқин келажакда бажаришни режалаштирган фаолият тўғрисидаги тасаввур бўлиб, унга эришиш йўлида тўсиқ бўлган қийинчиликлар ушбу танланган мақсад қимматини ошириб, шахс учун қадрли ҳодисага айланади. Бу жараёнда шахс қандай йўллар билан бўлса ҳам мақсадига эришиш учун ҳаракат қилади. Агар бундай воқеликда шахс ўз индивидуал майлларини ижтимоий эҳтиёжлар билан уйғунлаштирмаса, қадрият объектив мазмунини йўқотиб, субъективлашади. Демак, инсон тахмин қилаётган барча натижалар ҳар

---

<sup>20</sup> Иброҳим Каримов. Фалсафа фанидан ваъз (лекция) матнлари. Т.: 2003. Б 103.

доим ҳам қадрият бўлавермайди. Бизнингча, қачонки улардаги хусусиятлар, эҳтиёжлар ва манфаатлар ижтимоий аҳамиятга эга бўлгандагина қадриятга айланиши мумкин.

“Қадрият” ҳам анъана сингари кишилик тараққиёти давомида мазмунан бойиб, ривожланиб боради, шу маънода унга берилган таърифлар замон ва макон воқелигидан келиб чиқади. Жамиятда олиб борилаётган ислохотларнинг инсонпарварлик тамойили асосида амалга оширилиши, воқеликдаги қадриятларнинг аҳамиятлилик даражаси юқорилиги билан белгиланади.

Қадриятлар олами плюралистик моҳиятга эгадир. Шахс ҳаётининг барча соҳаларини уларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ушбу жараёнда анъана ва жамият ўзаро уйғундир, ҳар бир ижтимоий тараққиёт ўз анъана ва ахлоқи асосига қурилади, ушбу қоида ҳар бир жамият давомийлигини белгиловчи мезон ҳисобланади. XX асрнинг охирларига келиб, фан соҳаларидаги улкан ютуқлар, маълум маънода уларнинг оқибати сифатида пайдо бўлган глобал муаммолар умумсайёравий тафаккур заруратини тақозо этади. Хусусан Ғарбдаги фалсафий таълимотлар умумпланетар онгда илмий трансформацияни бошлаб берди. Ҳозирги кунда аксиосфера соҳасидаги баъзи тушунчалар нарса ва ҳодисаларнинг реал ҳаётдаги маъно-мазмунига мос ҳолда тадқиқ этилгани йўқ. Авваллари моддий ва маънавий қадриятларни қиёслашга объектив ёндошилган бўлса, ҳозирда бу икки тушунчанинг зиддиятли томонларини эмас, балки ўзаро боғлиқлик хусусиятларига кўпроқ эътибор берилмоқда. Бу эса аксиологик тушунчаларни мазмун-моҳиятини англаш, уларнинг ривожланиш мурватларини тадқиқ этиш, жамият тараққиётга таъсирини ўрганишда бирмунча қийинчиликлар туғдирмоқда. Хулоса қилганда, қадриятлар олами ва мазмунини ўрганиш, анъана ва қадриятларнинг ўзаро таъсирини Шарқ ва Ғарб қадриятлари мисолида тадқиқ этиш ғоят муҳим концептуал масала сифатида аҳамиятлидир.

Қадриятлар гарчи объектив моҳиятга эга бўлсада, мавҳумдир. Уларни реал борликда инъикос этиши инсон омили билан боғлиқ. Шу маънода қадриятлар ижтимоий онгда турлича англонади. Юқоридаги фикрларни умумлаштириб, қадриятларга бизнингча, қуйидагича таъриф бериш мумкин: қадрият – замон ва маконда субъект ва объектларни боғловчи ҳодиса, моддий ва маънавий жараёнларни ҳаракатлантирувчи мурват (механизм), индивидуаллик ва умуминсонийликнинг қиёслашга шароит яратувчи ижтимоий-фалсафанинг концептуал тушунчасидир.

Бугунги кунда мавжуд илмий адабиётларни ўрганишдан маълум бўладики, “анъана” (лотинча, *traditio* – узатиш) категориясига барча адабиётларда бир-бирига бирмунча яқин таърифлар келтирилган бўлиб, асосан уларда анъаналарнинг умумий жиҳатлари айтиб ўтилган. Анъана категориясини урф-одат ва маросим сўзлари билан бир маънода қўлланилиши уни назарий онгдаги тадқиқини кечиктирмоқда. Анъаналарни урф-одатлар билан тенглаштириб бўлмайди. Урф-одатлар ижтимоий жараёнларда анъаналарнинг таркибий қисми сифатида намоён бўлиб, мазмунан тордир. Ф. Нажимов қарашларида урф-одатлар “кундалик ҳаётга сингиб кетган, одамлар томонидан тан олинган ва ўзлаштирилган, одат тусига кириб қолган жамиятда қабул қилинган тартиблар ва ахлоқ-одоб қоидалари, фаолият ва ҳаракатлар”<sup>21</sup> йиғиндиси сифатида баҳоланади. Этник бирлик урф-одат ва маросимлари анъаналар туфайли замон ва макон чиғириқларида сайқалланиб кейинги авлодларга узатилади. Бизнингча, бугун анъаналарни алоҳида фан соҳаси сифатида ўрганиш даври етиб келди. Чунки мамлакатимиздаги турли этнослар, ижтимоий гуруҳлар, тоифалар ҳамда қатламлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, аҳиллик муносабатларини сақлаб қолиш ҳамда мустақилликни янада мустаҳкамлаш ушбу тушунчани илмий идрок этиш билан боғлиқдир. Афсуски бугун назарий ва кундалик онгда анъана тушунчасини бир томонлама таҳлиллаш ҳолатлари

---

<sup>21</sup>Наджимов Г.Н. Народные традиции и культура. Т.: Узбекистан, 1992. стр. 14.

кузатилмоқда. Бизнингча, бунинг сабабларидан бири, уни консерватизм, ақидапарастлик тушунчалари билан баробар баҳолашдир. Бизнингча, ушбу тушунчаларни “анъана” категорияси билан айнанлаштириш илмий асосга эга эмас. Чунки фалсафага оид луғатларда “анъана” категориясини “қотиб қолган” ёки “турғун” тушунча сифатида эмас, балки “маданий тажрибанинг у ёки бу унсурларини сақлайдиган, авлоддан-авлодга ўтадиган, ўтмишдан келажакка мерос қоладиган, жамият ҳаётининг турли соҳаларида намоён бўладиган, ижтимоий жараёнларнинг тарихий-генетик узвийлигини боғлашга хизмат қиладиган моддий ва маънавий қадрият”<sup>22</sup>лиги, Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида “ўтмишдан келажакка мерос қоладиган, авлоддан авлодга ўтадиган, жамият ҳаётининг турли соҳаларида намоён бўладиган моддий ва маънавий қадрият”<sup>23</sup> каби бир-бирига жуда яқин таърифлар берилган бўлса, сиёсий луғатларда “тарихан вужудга келган, барча учун умумий, одатдаги ҳаёт услуби ва ҳаракатга айланган, муайян жамият ёки ижтимоий гуруҳда ҳуқумронлик қилувчи ва алоҳида шахслар ҳам, бутун жамият ҳам амал қилишини талаб этувчи ва амал қилинувчи ижтимоий ҳаёт тартиби”<sup>24</sup> сифатида баҳоланади.

Кўриниб турибдики, анъана “эскилик сарқити” эмас, аксинча ўзида доимий янгиликни сақлайдиган ҳодисадир. Назарий онгда анъаналарга деструктив муносабатнинг сақланиб қолиши, фан ҳамда уларнинг ижодкори этник жамоа бир-биридан узоқлашувига олиб келади, бу эса янгиланишлар даврида давлат ва жамият (этник бирликлар) ўртасида тушунмовчиликларни юзага келтириши мумкин. У.Идиоров тўғри таъкидлаганидек, “жамиятдаги тотувликни халқнинг руҳияти, анъаналарисиз тасаввур этиб бўлмайди”<sup>25</sup>

Анъана ва қадрият тушунчалари ўзаро ҳамоҳангдир. Қадриятлар анъаналарнинг ижтимоий жараёнларга инсоний моҳият бахш этишида, этник

<sup>22</sup> Фалсафа. Энциклопедик луғат. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.: 2010. Б. 22.

<sup>23</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, Давлат илмий нашриёти. Т.: 2000. Б. 610.

<sup>24</sup> Политология тушунчалари ва категориялари луғати. Т.: 2004. Б. 7.

<sup>25</sup> Идиоров У.Ю. Особенности демократизации в условиях независимого развития Узбекистана. Автореф. дисс...кан.полит.наук. – Ташкент. 1993. С. 2.

бирлик турмуш-тарзи ривожда намоён бўлади. Анъана қадрият тушунчасидан шаклан кенг бўлса ҳам, мазмунан торроқдир. Анъана қадрият сингари мавҳум эмас, балки реал воқелик бўлиб, ижтимоий-сиёсий жараёнларни ҳаракатлантирувчи ҳодиса сифатида намоён бўлади. Анъаналар муайян этник бирлик ҳаёти ва фаолияти таъсири даражасига қараб қадриятга айланади ёки аксинча. Қадрият анъаналарни шаклан ва мазмунан бойитиш хусусиятига эга бўлиб, ривожлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади. Анъаналар агарда, инсонни қадрлаш мезонлари асосига қурилган бўлса, ушбу воқелик учун қадриятга айланади ҳамда тараққиётга юз тутаяди. “Шуни унутмаслик керакки, инсоният ва миллатлар такомилли ҳеч қачон миллий анъаналарни поймол этиш, ахлоқу одоб пардаларини ғижимлаш эвазига эмас, аксинча, инсонни янада баландроқ маънавият, поклик ва одоб чўққисига олиб чиқишда намоён бўлади”<sup>26</sup>.

Инсониятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти мураккабликларга бой бўлиб, сўнгги пайтлардаги фожиали воқеа ва ҳодисалар турли этник бирликлар ўртасида илиқлик уйғотувчи консенсус мазмундаги қадриятлар тизимини шакллантиришни тақозо этмоқда. Бугунги кунда турли этник бирликлар ўз турмуш-тарзи ва хусусиятлари ифодаси сифатида намоён бўлган қадриятлар тизимига эга бўлиб, уларнинг интеграциялашуви маданий ўзига хослик, толерантлик, этник ранг-баранглик, намунали ижтимоий хулқ-атворни сақлаб қолиш каби анъанавий хусусиятларни заифлаштириб, баҳсли муаммоларга айлантirmoқда. Ижтимоий кўринишдаги барча жараёнларда қадриятлар билан боғлиқ масалаларнинг аҳамиятлилиги шундаки, улар индивид ҳамда этник бирлик турмуш-тарзи ва фаолияти соҳалари интеграциясини таъминлайди. Ҳар бир жамият турли мақсад ва эҳтиёжларга эга бўлган бир неча ижтимоий бирликлардан иборат бўлгани учун, у ерда қадриятларга ёндошувнинг қарама-қарши кўринишларини кузатиш мумкин: ижтимоий бирликлар ўртасидаги аксиологик кўрсатмаларнинг

---

<sup>26</sup>Тилаб Маҳмудов. Мустақиллик ва маънавият. Т.: Шарқ. 2001. Б. 116.

зиддиятлилиги билан боғлиқ кадриятларни фарқлашга интилиш ва уларнинг кадриятлар билан боғлиқ умумий тасаввурлари билан шартланган интеграцияга интилиш. Бу жараёнда карама-қаршиликнинг мавжудлиги аксиология соҳасидаги ривожланишнинг табиий қонуниятидир.

Бугунги кунда жамиятимиз барча соҳаларида воқелик мезонларига мос келмаган кадриятларни қайта кўриб чиқиш, уларни фаол тарзда қайта ташкил қилиш, “ўтмиш” ва “бугун” кадриятлари моҳиятини ўзида ифода этувчи ҳамда ижтимоий-маънавий борлиққа мосланувчанлиги билан ажралиб турувчи алоҳида турдаги маънавий кадриятларнинг пайдо бўлишида ифодаланади, бу воқелик нафақат Ўзбекистон учун, балки бутун сайёрамиз аҳолисига хосдир. Аксиология соҳасидаги тўпланган илмий-фалсафий билимлардан фойдаланиб, ушбу йўналиш тараққиётини парадоксал нуқтаи назардан таҳлил қилиш мумкин:

Аввало, юртимиз ижтимоий-маънавий ҳаётидаги ҳодисалар, яъни янгича кадриятлар тизимининг шаклланиши анъанавий кадриятларни инкор қилмай, аксинча унинг негизида вужудга келаётганини англатади, шу маънода асрлар мобайнида анъаналар инсонлар турмуш-тарзи ва ҳаётининг маъно-мазмунини белгилаб келган. Анъанавий ва замонавий кадриятлар уйғунлигига асосланган бугунги воқеликда анъаналар алоҳида аҳамиятга эга, чунки айнан ушбу ҳодиса кадриятлар ўз ўрнини алмашаётган даврда вужудга келадиган янги кадриятлар учун маънавий асос бўлади. Анъаналардаги барқарорлик, мустаҳкамлик, тадрижийлик, бир текис ривожланиш каби хусусиятлар ижтимоий риожланиш асосларидир. Анъанавий экзистенциал кадриятлар туфайли авлодлар тажрибаси ўзлаштирилади, анъанавий кадриятлар тизими ҳар қандай кўринишдаги этник бирликларни таназзулга етакловчи - анархия, тарқоқлик, ўзбошимчалик каби иллатларга қарши қалқон бўлиб, уларни бир бутун ва мустаҳкам жамоа сифатида шакллантиради.

Иккинчи томондан, ижтимоий-маънавий жараёнлар ҳам бошқа соҳалар каби тинимсиз янгиланишларга муҳтож бўлиб, айнан фан, саънат, дин каби

ижтимоий онг шакллари ушбу йўналишга бетакрор моҳият, янги ҳаёт ва тоза ҳаво олиб кирувчи омиллардир. Бугунги кун тафаккури анъана ва қадриятларни қайта англашга, баъзиларини тубдан ислоҳ қилишга, ҳатто ўзга маданият ютуқларини онгли тарзда ўзлаштириш (бугун фан ва саънатнинг турли соҳаларида Ғарб ҳаётига хос бўлган воқеа ва ҳодисаларни маънавий онгимизга тақлидан “кўчириш”га уринишлар бундан мустасно) талабини қўймоқда, шу маънода шаклланиб бўлган анъанавий қадриятларни ижтимоий-маънавий ҳаётга ёруғлик улашиб турган сўнмас маёқ деб баҳолаш мумкин. Аксиосферада анъанавий ва замонавий қадриятларнинг бир вақтда мавжудлиги диалектика қонунлари талабидир, чунки инновация ва анъана – ижтимоий-маънавий тараққиётнинг ўзаро боғлиқ жиҳати бўлиб, улар воқеликдаги нарса ва ҳодисаларда турғун ҳамда зиддиятли жиҳатлар мавжудлигини тавсифлаб беради.

Анъанавий қадриятлар кўп минг йиллик тарихи давомида халқимизнинг “асл” қиёфасини, ўзига хослигини сақлаб қолишдек катта вазифани бажариб келмоқда. Анъанавий қадриятларимиз негизини маънавийликнинг моддийликдан устун туриши, ислом дини, Ватанни севиш ҳамда уни ҳимоя қилиш, меҳнатсеварлик, адолат, эрксеварлик, Она заминга муҳаббат, аёлга – она ва рафиқага чексиз ҳурмат каби миллий хусусиятлар ташкил этиб келган.

Бугун халқимиз анъанавий қадриятларини қай даражада сақлаб қолди, бугунги авлод аждодлар анъаналарига муносиб ворис бўла оладими? Ушбу саволларга жавоб излашда Х.Шайхова, О.Умрзоқова, Қ.Назаров, Қ.Хоназаров, Б.Каримов, А.Қодиров ва бошқа тадқиқотчи олимлар фикрларига таяниш, халқимизга хос бўлган қадриятлар тизимини ўрганиш ҳамда уларни тадқиқотчилар қарашлари билан қиёслаш натижаси қуйидаги фикрларни қайд этиш имконини беради:

- мамлакатимиз ижтимоий-маънавий ҳаётини барқарор ушлаб туришда узоқ тарихга эга маънавий-ахлоқий кўринишдаги анъанавий қадриятлар ўзига хос функцияни бажаради;

- анъанавий қадриятлар ҳукмрон жамиятда қадриятларга тўйинтирилган муҳит ворисийлик жараёни таъсири остида бўлади;

- унга тарихий тажрибада синалган барча ижобий нарса ва ҳодисалар сингиб боради;

- у доим тарихнинг маънавий қадриятларига таянади.

Айни воқеликда жамиятимиздаги анъанавий қадриятларни тавсифлаганда диний қадриятларнинг аҳамиятини инкор этиб бўлмайди. Давлатимизнинг динга нисбатан толерант сиёсати натижасида халқимиз тафаккурида ислом дини: маънавийликнинг ажралмас қисми; дунёқарашга оид муҳим аҳамиятга эга ижтимоий-тарихий ҳодиса; миллий ғурур ва ўзликни англашда муҳим аҳамиятга эга омил сифатида тан олинади. Хусусан биринчи президентимизнинг қуйидаги фикрлари ушбу фикримиз тўғрилигини асослайди: “бу эътиқод юртимиздаги миллионлаб ватандошларим қатори менинг ҳам дунёқарашимга асос бўлиб, маънавий оламим мазмунини ташкил этади. Биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда асло тасаввур қила олмаймиз. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз<sup>27</sup>”.

Халқимиз дунёқараши асосини ташкил этувчи анъанавий экзистенциал қадриятлар тизимида эркинлик қадрияти барқарор яшаб келмоқда. Экзистенция (лот. мавжудлик) М.Хайдеггер фикрича, инсон ички моҳиятини ифодаловчи тушунча бўлиб, анъанавий экзистенциал қадриятлар деганда инсонийлик меъёрларини авлодлардан авлодларга узатиш жараёни тушунилади. Миллий менталитетимизда “эркинлик” тор маънода, муайян анъана ва урф-одат меъёрлари доирасида ҳаёт кечиришни англаган бўлса, кўп ҳолатларда ҳуқуқий ёки сиёсий қадрият сифатида тушунилган. Чунки халқимиз ҳаётининг кўп қисми мустамлакачилар таъсири остида ўтганлиги

---

<sup>27</sup> Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. – Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 350.

учун, ижтимоий онгда ушбу тушунча туб халқ орзу-умиди ифодаси сифатида эъзоланиб келинган. Мазлум халққа эркинлик бериш ёки бермаслик мустамлакачи давлат ихтиёридаги ваколат бўлганлиги учун ҳам оддий мазлум халқ “эркинлик”ни сиёсий ёки ҳуқуқий тушунча сифатида англаган.

Асрлар давомида “эркинлик” тушунчасининг халқимиз тафаккурида тор маънода сақланиб келаётгани сабабларидан яна бири, унда барча анъанавий жамиятларга хос бўлган патернализм, шахсларни илоҳийлаштириш, итоаткорлик каби консерватизмга мойил кўринишлар билан келиша олмаслик хусусияти мавжудлигидир. Лекин анъанавий жамиятлардаги қадриятларга йўналтирилган ижтимоий хулқ-атворнинг мавжудлиги “эркинлик” тушунчасини Ғарбга хос бўлган кўринишларига (индивидуаллик, гедонистик, худбинлик) чек қўйиб, унга маънавий-ахлоқий моҳият бахш этди. Шу маънода бугун жамиятимизга сўроқсиз кириб келаётган Ғарбга хос “эркинлик” кўринишларини ижтимоий-маънавий дунёқарашимизга салбий таъсирини олдини олишда маънавий-ахлоқий мазмундаги эркинлик муҳим аҳамиятга эга.

Эркинлик муаммоси ҳақида гап кетар экан, шунини таъкидлаш керакки, миллий қадриятлар тизимида “эркинлик” тушунчаси шаклланишига халқимиз менталитети кучли таъсир кўрсатган. Замонавий жамиятлардан фарқли равишда Шарқда эркинлик тушунчаси фақат ўзи учун танлаш имкониятини эмас, балки жамоага тегишли бўлган эркинликни ўзиники сифатида муҳофаза қилиш тушунилган.

Бизнингча, бугун халқимиз тараққиёти учун “эркинлик”дан ҳам “ирода” тушунчаси кўпроқ аҳамиятга эга. Чунки эндигина ўз орзу-мақсадлари йўналишини танлаётган халқ учун ирода, аввало, мустақилликни мустаҳкамлашда, олиб борилаётган ислоҳотларни тадрижийлигида намоён бўлса, эркинлик эса асосан сиёсий-ҳуқуқий қадриятлар анланган жамиятда, индивидуал онги ривожланган ва инсонпарвар менталликка эга бўлган одамлар орасида униб ўсади.

Халқимиз миллий ривожланишининг ўзига хослиги шундаки, жамият маънавий соҳасига аввалдан давлат раҳбарлик ва ҳомийлик қилиб келган. Шу ўринда “Шарқ халқларига хос спиритуализм бошқарув ишларини, раҳбарни илоҳийлаштиришга ундаган. Подшоҳни, давлат раҳбарини Худонинг ердаги вакили, ”Осмон ўғли”, “Яратган юборган раҳнамо” сифатида улуғлаш Шарқ халқларига хос анъанадир”<sup>28</sup> каби қарашларнинг шаклланиши, ижтимоий-маънавий онгда давлатнинг кадрини янада юксалтирган. Бугун ушбу соҳада тарихий тажрибаларга асосланиб, маънавий-маърифий ҳаётда давлат ҳомийлигини сақлаб қолиниши жамият маънавий муҳити барқарорлигини таъминлаб турган омиллардан биридир.

Бугунги даврнинг плюралистик кўриниши бир инсон онгида қарама-қарши қадриятлар мавжудлиги билан тавсифланади. Ушбу қадриятли номутаносибликни қуйидагича тушунтириш мумкин: “қадриятларга асосланган муносабатларнинг сифат жиҳатдан турли бўлган объектлари субъектнинг сифат жиҳатдан турли бўлган кечинмаларини ва бунга мувофиқ равишда индивидга тегишли бўлган қадриятларга асосланган муносабатнинг турли мазмунини келтириб чиқаради”<sup>29</sup>. Қадриятли номутаносиблик турли анъанавий қадриятларда иерархиядаги ўрнига боғлиқ бўлмаган равишда кузатилиши мумкин. Масалан, ижтимоий-сиёсий соҳанинг етакчи анъанавий қадриятларидан бири “эркинлик – қонунга мувофиқлик” бирикмаси анъаналар таъсирида улғайган индивид онгида қадриятли номутаносибликни уйғотади, чунки анъанавий онгда “эркинлик” асосан ўзбошимчаликни келтириб чиқарувчи, ахлоқий меъёрлардан узоқлаштирувчи тушунчани англатган. Аксинча, бугун мустақилликни янада мустаҳкамлаш учун халқимиз тафаккурида “эркинлик” тушунчасини ўзбошимчалик сифатида эмас, балки ижтимоий ҳаётда ўзбошимчаликни чеклайдиган қонунийлик сифатида англаш кўникмасини шакллантириш долзарб воқелиқдир.

---

<sup>28</sup> Виктор Алимасов. Ижтимоий-маънавий мерос ва шарқона демократия. – Т.: Noshir. 2013. Б. 38.

<sup>29</sup> Каган М.С. Философская теория ценностей [Текст] / М.С. Каган. – СПб. ТОО ТК «Петрополис», 2007. стр. 161.

Бугунги воқелик ижтимоий-маънавий соҳаларга оид “ўтмиш” кадриятларини сақлаб қолишни қувватловчи “аксилкадрият”лар ҳодисасини вужудга келтирди. М.С. Каган фикрига кўра, “икки қутбли иерархик структуралар тенг қимматга эга бўлиб, жамият ва маданиятларнинг ўзини-ўзи сақлаш ва ўзини-ўзи ривожлантириш мақсадида зарур”<sup>30</sup>. Яъни ижтимоий ҳаётнинг таркибий қисмини ташкил этувчи бир неча кўринишдаги кадриятлар тизими тараққиёти табиий тарзда “аксилкадриятлар” мавжудлигидан манфаатдордир.

Қадриятларнинг танглик ҳолати анъанавий кадриятлардан воз кечишни англатмайди, кадриятлар чуқур “илдиз”га эгаллиги, халқимиз маънавиятига хос меъёрлар, намунали ижтимоий хулқ-атвор бергани учун ҳам анъанавийдир. Айнан анъанавийлик асосида шаклланган кадриятлар индивид турмуш-тарзи ва фаолиятига инсоний “қиёфа” беради ҳамда улар тажриба ютуқлари таъсирида тадрижий тарзда бойиб, сайқалланиб кейинги авлодга узатилишида муҳим аҳамият касб этади. Анъаналар туфайли авлодларнинг узлуксиз алоқаси мавжуддир, улар, Ватанимиз ўтмиши кўрсатиб турганидек, турли мафкуралар тайзиқига дош бериб, бугунги кунда том маънода ҳақиқий маънавийликни тикламоқда.

Кейинги пайтларда халқаро илмий доираларда “традиционализм” (анъанавийлик) тушунчаси кенг ишлатилмоқда. Ушбу масала тадқиқи билан Б.Андерсон, Л.Сугрей каби кўплаб тадқиқотчилар шуғулланишган ҳамда анъанавийлик ҳодисасини ижтимоий жараёнларга таъсирини, категориал даражадаги умумназарий методологик таҳлилини батафсил ўрганган.

Анъанавийлик мактабининг асосчилари Р. Генон ва Ю. Эволалар қарашлари ҳамда уларнинг бугунги кундаги давомчилари асарларида ушбу ҳодисанинг асосан эзотерик-мистик ва метафизик хусусиятлари тадқиқ этилгани учун бугунги воқеликда уларни амалий ҳаётга жорий этиш кутилган самарани бермайди. Жумладан Р. Генон асарларида анъана ва

---

<sup>30</sup> Каган М.С. Философская теория ценностей [Текст] / М.С. Каган. – СПб. ТОО ТК «Петрополис», 2007. стр. 167.

анъанавийликни диний нуқтаи-назардан талқин қилган. Унинг фикрича, “дин жамиятнинг энг муҳим анъанавий институти сифатида талқин қилинади, унинг таркибий қисмлари эса барқарорлиги ва ўзини ўзи янгилаб туриш қобилиятига эгаллиги билан ажралиб туради”<sup>31</sup>.

Тўғри, ушбу карашлардан жамият ижтимоий-маънавий муҳитини соғломлаштиришда самарали фойдаланиш мумкин. Лекин ҳозирги воқелик талабларига жавоб берувчи, ижтимоий тараққиёт билан ҳамоҳанг тарзда ривожланиб борувчи, ўз қиёфасини замон ва макон талабларига монанд ўзгартириб бориш хусусиятига эга бўлган ижтимоий институтларнинг замонавий шакллари вужудга келмоқдаки, диндан фарқли тарзда уларнинг фаолияти маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлигига асосланади. Қолаверса, динлар бугунги кунда геосиёсий манфаатларга эришиш воситасига айлантирилиб, бу эса уларни ижтимоий онгда “бузғунчилик манбаи” сифатида муҳрланишига сабаб бўлмоқда. Энг ачинарлиси, анъанавий мазмундаги ислом дини ҳам ҳозирги авлод дунёқарашида омонат, ўзгарувчан, мақсадга эришиш воситаси сифатида намоён бўлмоқда.

Мамлакатимиз олимлари асарларида анъанавийлик тушунчаси деярли ўрганилмаган бўлса ҳам, янги шаклланаётган миллий демократик институтлар фаолиятида, олиб борилаётган ислохотларда анъанавийликнинг миллий хусусиятлари мавжудлигини кузатишимиз мумкин. Хусусан миллий ғоямиз ҳамда сиёсий партиялар дастурларида ҳам ҳалқимиз анъана ва қадриятлари инъикос этганини англаш қийин эмас. Бугун ушбу реал воқеликни англаш, жамият ички ҳаётигача кириб борган анъанавийлик белгиларини ўрганиш, уларни ҳозирги глобаллашув параметрлари билан ўзаро таъсирини тадқиқ этиш ҳамда ижтимоий тараққиётимиз учун зарур бўлган янгича анъанавий қадриятлар тизимини яратиш зарурий эҳтиёждир. (Ушбу ҳодиса илмий таҳлилига сўнгги бобда батафсил тўхталамиз.

---

<sup>31</sup> Генон Р. Символы священной науки. М., 1997. стр. 35.

Юқоридаги фикрлардан мантиқий хулоса шуки, анъанавий ҳаёт моддий ва маънавий қадриятлар диалектикасига асосланади. Ижтимоий онг тараққиёти анъана ва инновация уйғунлигига асосланган жамиятларда, айниқса трансформациялар даврида, турли соҳалардаги эврилишларга камроқ учрайди, қолаверса ислоҳотлар халқ қалби ва онгига тезроқ сингади.

## **1.2. Анъанавий ва замонавий қадриятларнинг намоён бўлиш шакллари ва ўзига хос хусусиятлари**

Ижтимоий ҳаётни ҳаракатга келтирувчи анъанавий ва замонавий қадриятларни ўзаро уйғунликда намоён бўлиш шакллари холис ва изчилликда ўрганиш уларни муайян тарзда таснифлаш заруриятини туғдиради. Бугун ушбу масалага оид турли хил қарашлар мавжуд.

Анъаналар вужудга келиш ўрнига қараб гуруҳий (оила, маҳалла, ўқув ва меҳнат жамоалари анъаналари), этник (уруғ, қабила, элат, миллат, халқ), худудий (туркий тилли давлатлар, мусулмон давлатлари ёки Марказий Осиё мамлакатлари, Болтиқбўйи давлатлари), сайёравий (Она сайёрамиз хавфсизлиги ва тараққиётига боғлиқ) анъаналарга бўлиш ушбу ҳодисани умумийликдаги хусусий жиҳатларини таҳлил қилишда самарали ёрдам беради.

Маълум бир гуруҳ эҳтиёж ва манфаатлари ифодаси сифатида вужудга келган анъаналар ижтимоий тараққиёт меъёр ва даражасини белгиловчи асосий мезон сифатида намоён бўлади. Ушбу гуруҳга оид анъаналар умумийликдан алоҳида ва айна пайтда узвий алоқадорликда ривожланади. Чунки индивиддаги ижтимоийлик хусусиятлари айнан ушбу институтлардаги анъаналар орқали шаклланади. Индивидлар ушбу ижтимоий институтлар анъаналари таъсирида келажакка йўналтирилган мақсадлар белгилайди, яшаш учун кўникма ва малакалар олади, ўз тақдирини ушбу анъаналар билан уйғун кўради. Хусусан ушбу тузилмалар юксак даражада ахлоқли шахсни шакллантириш тажриба ва малакасига эга. Шу маънода, оила, маҳалла, меҳнат жамоаси, мактабда жамоатчилик фикрининг кучлилиги, намунали ижтимоий хулқ-атвор, диний уламоларнинг обрў-эътибори – ҳаммаси ижтимоий маънавий муҳитни соғлом ва барқарор ушлаб туришда алоҳида қимматга эга. Биринчи президентимизнинг “халқ жамиятдаги барқарорликнинг оила ва маҳалла каби ишончли анъанавий воситалари соҳибидир. Айна оила ва маҳалла руҳиятимиз мустаҳкамлигининг таянчидир. Оила ва маҳалла ҳозирги ўтиш давридаги

кўпгина муаммоларни ҳал этишда, азалий яхши одатлар билан фойдали янгиликларни бирга қўшишда аҳолига ёрдам бермоқда”<sup>32</sup> фикрлари қарашларимизни тасдиқлайди.

Анъаналар ижтимоий ҳаётдаги аҳамиятига қараб қуйидаги шаклларда намоён бўлади: маънавий-маърифий, диний, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ҳуқуқий, маиший.

Муайян этник бирлик турмуш-тарзи ва фаолияти жараёнида шаклланган ижтимоий ҳарактердаги маънавий-ахлоқий мезонлар, диний ва дунёвий кўринишдаги таълимотларни сингдириш воситалари сифатида ишлаб чиқилган муайян мақсадга йўналтирилган ғоялар тизими, маросим ва урф-одатлар анъаналар сифатида намоён бўлади.

Анъаналарнинг ижтимоий тараққиётдаги қадрини қуйидаги мезонлар орқали ўлчаш мумкин: а) авлодларни ўзаро боғловчи ижтимоий-тарихий ҳодиса; б) ижтимоий тараққиётдаги маънавий-маданий жараёнларни барқарорлаштирувчи омил; в) этник бирлик турмуш-тарзи ва фаолиятини белгиловчи мезон; г) шахс ижтимоий хусусиятлари “манбаи”; д) инсониятнинг табиий ўзига хос “кутубхонаси”<sup>33</sup>.

Ҳар бир этник бирлик тафаккури, турмуш-тарзи ва маънавий-маданий етуқлиги даражаси анъана, урф-одат ва маросимларида акс этади. Муайян этник бирлик анъаналарини минтақавий, умуминсоний нуқтаи назардан ёки гуруҳий, мафкуравий баҳолаш антогонистик зиддиятларни келтириб чиқариши мумкин. Чунки анъаналар ҳар бир этник бирлик эҳтиёж ва манфаатларига қараб табиий равишда шаклланади, шу маънода муайян давлат ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлаш учун ушбу ҳудудда яшаётган этник бирликлар анъана ва урф-одатлари эркин ривожланишига шарт-шароитларни яратиб бериши лозим. Албатта бу жараёнда анъаналарнинг ижтимоий-сиёсий воқеликка таъсирини эътибордан четда

---

<sup>32</sup> И. Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. т. 3. б. 278. Т.: Ўзбекистон. 1996.

<sup>33</sup> Фалсафа. Энциклопедик луғат., “Ўзбекистон миллий энциклопедиси” нашриёти. Т., 2010 йил, 22-бет

қолдирмаслик керак. Улар зоҳиран маънавий жараёнларга оид кўринишада, ботинан жамиятдаги иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий соҳаларга узлуксиз таъсир ўтказиб туради. Ҳар бир индивид онгида оилавий муҳит таъсирида анъанавий-маънавий идеал ёки омонат ўткинчи туйғулар тизими шаклланади. Ушбу хулқ-атвор индивиднинг ижтимоийлашуви давомида мустаҳкамланади ёки аксинча.

Анъанавий қадриятлар табиати одамлар феъл-атвори каби хилма-хилдир. Уларни амалий жараёнлардаги инъикоси индивиднинг жамиятдаги мавқеи ва бажараётган вазифаларига боғлиқ. Анъанавий қадриятлар ҳам ўзга қадрият турлари каби қуйидаги хусусиятларга эга:

- Объективлик; анъанавий қадриятлар шаклан субъектив бўлсада, моҳиятига кўра объективдир. Тўғри дастлаб улар индивидуал тафаккурда вужудга келиб, секин-аста кўпчилик манфаатларига мос келгани учун ижтимоий онгда намоён бўлади. Анъанавий қадриятлар этник бирлик ҳис-туйғулари, истаклари, эмоцияларига кўра субъективлашиши мумкин. Бу ҳолат этник бирлик тараққиётини тезлаштириши ёки заифлашувига сабаб бўлади. Бизнингча, анъанавий қадриятлар этник бирлик руҳий оламини инъикоси сифатида намоён бўлгани учун ҳам, ғавқулоддаги ижтимоий эмоционал ҳолатлар этник бирлик ҳаётида кескин ўзгаришлар қилмайди. Умуман олганда анъанавий қадриятларни субъективизация қилиш нотўғри назария. Анъанавий қадриятларнинг асоси субъектнинг амалий фаолияти маҳсули бўлиб, индивидларда оламга нисбатан ўзига хос қадриятларнинг шаклланиши билан боғлиқдир. Яъни одам ва олам муносабатларининг ижтимоий онгда объектив акс этишидир. Шу маънода, анъанавий қадриятлар - этник бирлик борлигидаги турли жараёнларнинг объектив аҳамияти бўлиб, уларнинг моҳияти этник жамоа субъектлари эҳтиёж ва манфаатлари билан белгиланади.

- Муайян этник бирлик ҳаётида ягона таълимотга (диний ёки дунёвий) эътиқоднинг мавжудлиги; ҳар бир индивид ўз ҳаёти ва фаолияти давомида муайян бир диний ёки дунёвий эътиқодга эҳтиёж сезиб яшайди. Ушбу

этикод таъсирида мақсадли фаолият шаклланади. Мақсадли фаолият натижаси таълимотнинг моҳиятига боғлиқ бўлиб, ижтимоий тараққиётни олдинга ёки орқага суриши мумкин. Ижтимоий аҳамиятли таълимотлар турғунлик, яшовчанлик хусусиятларига эга бўлиб, этник бирлик турмуш-тарзи ва фаолиятининг асосий мазмунига айланиб боради. Кишилик тараққиёти тарихидан маълумки, муайян бир таълимот атрофига бирлашган жамоа аъзоларида ўзаро руҳий ҳаммаслик мавжуд бўлиб, улар орқали ижтимоий муҳит барқарорлашади. Шу маънода ислом дини бир неча асрлардан буён этник жамоалар ижтимоий-сиёсий ҳаётини мўътадил сақлаб келмоқда;

- Қон-қариндошлик ришталарининг мустаҳкамлиги; қон-қариндошлик алоқаларига таянган жамоалар, қатъий тизимда ҳаракатланувчи: анъаналар, урф-одатлар ва меъёрлардан ташкил топади. Бундай жамиятларда асосан умумий хулқ-атвор ҳукмрон бўлиб, оилавий урф-одат ва маросимлар қонун-қоидаларига итоат этиш мажбурийлиги, мавжуд муаммоларни жамоавийликда ҳал қилиш, ёши улуғларни обрў ва нуфузга эгаллиги, бир таълимотга жамоавий этикод таъсирида шаклланган руҳий яқинлик каби анъанавий қадриятлар қариндошлик алоқаларини мустаҳкамловчи омиллар ҳисобланади.

Анъанавий қадриятлар таркибий қисмларидан бири оила ва қариндошлик муносабатларининг мустаҳкамлиги бўлиб, катталарни ҳурмат қилиш, ўзаро ёрдамлашиш, келажак авлод ҳақида ғамхўрлик қилиш каби фазилатлар муқаддаслаштирилган. Ушбу қадриятлар тоталитар тузум даврида анъанавий “ўзак”ларидан узоқлашди. Совет тузуми хусусий ишлаб чиқаришни, ҳатто оилавий касаначиликни ҳам тайзикқа олиб, “яқинларини кўллаш”га қарши кураш баҳонасида оилалардаги ва қариндош-уруғ ичидаги касбий кўникмаларнинг мерос бўлиб ўтишини йўққа чиқарди. Оилалар ва уруғларнинг анъанавий касбий ва иқтисодий “ўрни” йўқотилишига сабабчи бўлди. Натижада бу кўникмалар ва ахлоқий нормалар тўсикка учради. Уруғ-аймоқчилик ва ошна-оғайнигарчиликнинг ижтимоий бузуқ шакллари юзага

кела бошлади. Шу билан бирга, қариндошларнинг ўзаро ёрдами баъзи ҳолларда жамият тараққиётини секинлаштириб қўядиган тайёрга айёрликка ва таниш-билишчиликка айланиб кетди.

Шу маънода, оила ва қон-қариндошлик муносабатларига асосланган анъаналарнинг бугунги талқини оила-уруғ муносабатларидаги ибтидоийликни мутлоқлаштириш эмас, балки қон-қариндошлик муносабатлари инсонийлик, тенглик ҳамда эркинлик тамойилларига таянишини аниқлаштириш лозим.

- Ижтимоий онгда аксиологик иммунитетни шакллантириш; анъанавий қадриятларда этник бирлик турмуш-тарзи ва фаолиятига тўсиқ бўлувчи жараёнларга қарши аксиологик иммунитет шаклланган. Хусусан анъанавий қадриятларга хос бўлган турғунлик, ворисийлик, яшовчанлик каби хусусиятлар аксиологик иммунитетнинг таркибий қисмларидир. Шу маънода, аксиологик иммунитет деганда ижтимоий аҳамиятли қадриятларга зид бўлган нарса ва ҳодисаларга нисбатан индивид онгидаги аксиологик муносабатни тушуниш мумкин.

- Миллий тарбияда қадриятлар ворисийлигини таъминлаш; миллий тарбия тажрибалари анъанавий қадриятлар воситасида кейинги авлодга узатилади. Шу маънода, анъанавий қадриятлар муайян этник бирлик ҳаёти ва фаолияти давомида вужудга келган “намунали ижтимоий хулқ-атвор”лар тизимини барқарорлаштиради ҳамда унинг ривожига диалектик таъсир кўрсатиб ворисийлигини таъминлайди.

Анъанавий қадриятларнинг жамият ҳаётига таъсири икки хусусиятга эга: функционал аҳамияти ва ижтимоий маъноси (этник жамоага оид). Булар қандай хусусиятлар?

Анъанавий қадриятларнинг функционал аҳамияти – воқеликдаги жараёнларнинг ижтимоий аҳамиятга эга хусусиятлари, функциялари (вазифалари) мажмуи бўлиб, улар ижтимоий-маънавий жараёнларнинг ушбу жамият учун қадри бўлишини таъминлайди. Масалан, жамиятдаги бирор-

бир анъанавий ҳодисага муайян инфор­ма­цион маз­мун ва унинг ишонч­ли­лик даражасига эга бўлиш хос­дир.

Анъанавий қадриятларнинг иж­ти­моий маъноси (этни­к жа­моага оид) деганда қадриятларнинг жа­ми­ят эҳтиёж­ла­ри­га бўлган муносаба­ти тушунилади. Анъанавий қадриятларнинг иж­ти­моий маъноси, бир томондан, қадрият функция­си­ни ба­жарувчи объект то­мо­ни­дан бел­ги­лана­ди, иккинчи томондан эса, жа­ми­ят­нинг ўзи­га боғ­лиқ. Анъанавий қадриятлар таъ­сир дои­раси­да камолга етган инсон воқеликдаги нарса ва ҳо­ди­са­лар­га нисба­тан муносабат бел­ги­лаш­да ўзининг табиий эҳ­ти­ё­жидан эмас, балки мазкур инсон тегишли бўлган жа­ми­ят унда тарбиялаган эҳ­ти­ё­ждан, яъни эт­ник бир­лик эҳ­ти­ё­жидан келиб чиқади. Инсон нарса ва ҳо­ди­са­лар­ни жа­ми­ят ман­фа­ат­ла­ри нуқ­таи-на­за­ри­дан ба­ҳо­лай­ди, воқеликнинг мазкур жа­ми­ят дои­раси­да унинг учун аҳамият­ли бўлган то­мо­ни­ни кўра­ди. Эт­ник бир­лик аж­рал­мас бў­ла­ги си­фа­ти­да шакл­лан­ган ин­ди­вид нарса ва ҳо­ди­са­лар мо­ҳи­я­ти­дан ўз жа­мо­а­дош­ла­ри­га тегишли ху­су­сия­т­лар­ни из­лай­ди, ай­нан шу­нинг учун уларга эътиқод кў­яди, қад­р­лай­ди. Масалан ҳам­юр­т­лар­имиз узоқ ўлкаларга саёҳат ёки ти­жорат ва­ж­ла­ри билан борган пайтда, у ерда дўппи кийиб олган ва­та­н­до­ши­ни кўриб, гарчи уни та­ни­ма­са­да, қал­би­да ўша инсонга нисба­тан ажиб бир яқин­лик сезади.

Бугунги ўз­га­риш­лар дав­ри­да мил­лий ўзи­га хос­лик­ни сақ­лаб қо­лиш­нинг ягона ме­зо­ни си­фа­ти­да на­моён бў­лаёт­ган анъанавий қадриятлар турли сиёсий ва ма­ф­ку­ра­вий таъ­сир­лар­дан ҳоли ва об­ъек­тив таҳ­лил қилингандагина ку­ти­лаёт­ган на­ти­жа­ни бе­ри­ши мум­кин. Анъанавий қадриятлар струк­ту­раси­ни таҳ­лил этиш жа­раё­ни­да иж­ти­моий та­рақ­қиёт мо­ҳи­я­ти­га зид ке­ла­ди­ган бирор-бир жи­ҳат­ни аниқ­ла­ма­дик. Биз­нинг­ча, анъанавий қадриятлар за­мо­на­вий қадриятлардан қуйи­да­ги ху­су­сия­т­ла­ри билан фарқ­лана­ди:

- воқеликдаги мил­лий ин­сти­ту­т­лар ри­во­ж­ла­ни­ши учун иж­ти­моий-маънавий асос ҳисоб­лана­ди;

- жамиятдаги маънавий-ахлоқий муҳитни барқарорлаштириш омили сифатида намоён бўлади;

- ижтимоий тараққиёт учун зарур бўлган муайян табақа ёки гуруҳлар ўзига хослиги ва такомил тажриба элементларини шакллантириш омили;

- этник жамоа бирдамлигини таъминловчи восита;

- ўзгармас маънавий-ахлоқий меъёрларни сақлаш, қайта ишлаш ва келажакка узатиш воситаси сифатида;

- ўз мазмун-моҳиятини сақлаган ҳолда воқеликдаги мезонларга мослаша олиш;

- башарият давомийлигини таъминлашга хизмат этувчи энг муҳим қадриятлар тизимини сақлаш ва янгилашдан иборат.

Ушбу хулосалардан маълумки, анъанавий қадриятларни бугунги ижтимоий-сиёсий онгда модернизациялашга қарши жараён сифатида баҳоланишига ҳеч қандай асос йўқ. Бизнингча, бундай тенденцияни сабабларидан бири тоталитар тузум давридан қолган догматик тафаккур оқибатидир. Чунки чоризм даври сиёсий ҳаётда турғунлик, бир хиллик, ягоналик тушунчаларидан шу қадар кўп ва устамонлик билан фойдаланганки, бугун ижтимоий-сиёсий онгда бу сўзларга ҳадик билан қараш ҳолатлари кузатилмоқда. Шу маънода, ҳассос шоир А.Ориповнинг “афсуски, эски давр мафқурасидан тепки еб, захага учраган онгимиз ҳанузгача замонавийликни маддоҳлик деб тушунади. Ҳолбуки, замонавийлик ўзинг яшаб турган муҳитдан олаётган тоза нафас, тоза ҳаводир”<sup>34</sup> фикрлари ушбу сўзларимизни асослайди.

Анъанавий қадриятлар ҳам бошқа қадриятлар турлари каби реал воқеликда мавжуд бўлиб, ижтимоий тафаккурнинг одам ва олам муносабатларига таъсири натижасида юзага келади ҳамда ижтимоий борлиқда намоён бўлади. Анъанавий қадриятлар жамият моддий ва маънавий ҳаётига бир пайтда тенг таъсир кўрсатади, уларни бир-бирига

---

<sup>34</sup> Абдулла Орипов. Адабиёт ва замон. //Мустақиллик даври адабиёти.//Тўплам. Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006., 7-бет.

мувофиқ ҳаракатланиши учун ғоявий-маънавий дастур бўлади. Анъанавий кадриятлар ижтимоий-маънавий жараёнларни тартибга солишда қуйидаги тамойилларга таянади:

илмийлик – бу ҳар бир анъана ижтимоий тараққиёт қонунларини ўзида ифода этишидир. Этник бирлик турмуш-тарзини тадқиқ этишда ушбу тамойил муҳим аҳамиятга эга;

ҳаётийлик – этник бирлик ҳаётидаги барча жараёнлар реалликка асосланади. Чунки унда шаклланган анъаналар ўзида фақат ушбу этнос турмуш-тарзини намоён этади. Шу маънода, жамиятимиз турли табақалари эҳтиёж ва манфаатларини намоён этадиган анъаналарни мунтазам ўрганиб бориш асносида назарий хулосалар чиқариш ҳамда уларни амалий ҳаётга жорий этиш аввало ислоҳотлар халқчиллигини таъминлайди, қолаверса миллий ғояни ўрганишдаги субъективликдан чекиниб, реал объектив ориентирларни танлаш имконини беради;

ворисийлик – аждодлар маънавий меросини қадрлаб, келгуси авлодга уларни янада бойитиб узатишдир. Ушбу тамойил авлодлар муносабатининг узлуксизлигини таъминлайди. Бу тамойил аҳамиятини файласуф Қ. Назаров ўринли тавсифлаган: “ворисийлик - кадриятлар тизими ва кадрият шакллари ўрнига янгисининг келиши ёки уларда янги-янги хусусиятлар, жиҳатлар ва қирраларнинг шаклланиши, ўзгариши ҳамда такомиллашувида эскиликнинг мерос қолишини ифодаладиган диалектик инкор жараёнини англатади”<sup>35</sup>;

толерантлик – жамиятда инсонийлик руҳидаги хилма-хил фикр-қарашлар, мафкураларга, илғор хорижий ғояларга нисбатан муроса ва ҳамкорлик муносабатидир. Юртимизда истиқомат қилаётган 136 та миллат ва элатлар ўртасидаги тотувлик ушбу тамойилга яққол далилдир;

инсонпарварлик – этник бирлик ҳаётидаги барча нарса ва ҳодисалар иерархиясининг юқорисига инсон қадри қўйилиши. Замонавий жамиятлардан фарқли тарзда бундай жамиятларда маънавий олам бирламчи,

---

<sup>35</sup>Назаров Қ.Н. Кадриятлар тизими: барқарорлик ва ўзгарувчанлик диалектикаси. фал. фан. докт. дисс. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 1996.–294 б.

моддий олам иккиламчи моҳиятга эга бўлади. Умумпланетар онгда машҳур бўлган “инсон энг олий қадрият” шиори ушбу маконда том маънода, инъикос этади;

курашчанлик – этник бирлик мақсад-муддаоларига зид бўлган барча кўринишдаги вайронкор ғоя ва таълимотларга нисбатан маънавий-ғоявий кураша олиш хусусияти.

Бизнингча, анъаналарни ижтимоий тараққиёт учун аҳамияти нуқтаи-назаридан ижобий ёки салбий ҳодиса сифатида ўрганиш мантиқ конунларига зиддир. Чунки ҳар бир ижтимоий бирлик ўз эҳтиёж ва манфаатлари учун хизмат қиладиган нарса ва ҳодисаларни қабул қилади ҳамда қадрлайди, аксинча бўлса улардан воз кечади. Қолаверса анъаналар ўз вақтида этник бирлик ижтимоий-иқтисодий ютуқлари ҳамда маънавий-руҳий таназзули оқибатлари хулосаларини ўзида ифода этгани учун ҳам асрлар давомида ушбу бирлик турмуш-тарзи ва фаолиятида алоҳида қимматга эга воқелик сифатида намоён бўлади, яъни ижтимоийлик хусусиятига эга бўлган ҳодисалар ижтимоий аҳамиятли ҳисобланади. Анъаналар салбий ҳодиса эмас, балки янги воқелик хусусиятларига мос келмагани учун ривожланишга ғов бўлиши мумкин, бу ўринда, анъаналар этник бирлик турмуш-тарзи ва фаолиятининг таркибий қисми сифатида янги воқелик қадриятлари билан мурасага келиши ёки зиддиятга бориши мумкин. Шу маънода, замонавий қадриятлар тизими ушбу маконда шаклланган ҳамда мустаҳкам ўрнашган анъанавий қадриятлар замирида вужудга келиши ва ривожланиши зарур. Бизнингча, бугун замонавий, янгича деб баҳоланаётган қадриятлар тизими аслида кишилик тарихи воқелигига бутунлай бегона эмас, балки улар муайян бир макон ва замонда кишилар эҳтиёжлари маҳсули сифатида “гоҳ намоён бўлиб, гоҳ йўқолиб кетиб, аммо мавжудликдан тўхтамай тор доирада айланиб туришини биламиз, - дейди ёзувчи Роман

Роллан. – Биз учун янги бўлиб туюлганла чиндан ҳам энг қадимги бўлиб чиқади: гап шундаки, одам уларни кўп вақтдан бўён эсдан чиқарган”<sup>36</sup>.

Айтмоқчимизки, бугунги воқелик хусусият ва муаммоларини, субъектлар эҳтиёж ва манфаатларини ўзида инъикос эттирган замонавий кадриятлар тизими авлоддан-авлодга ўтиб келаётган анъанавий кадриятларнинг янгича шаклидир. Яъни, бугунги авлод томонидан эгалланиб сайқал топган янги кадриятлар тизими вақтлар ўтиб, анъанавий кадриятлар мазмунини бойитади. Анъанавий кадриятлар бугунги воқелик кадриятлари тизими билан консенсус ҳамкорлик қилишдан манфаатдордир. Чунки янгича кадриятлар тизими объектив оламни асосан шакл – шамойилига таъсир ўтказса, анъанавий кадриятлар эса уни моҳиятида азалдан мавжуд.

Шу маънода бугунги кундаги замонавий кадриятлар тизимини атрофлича тадқиқ этиш воқелик учун муҳимдир. Одам ва олам муносабатларининг фалсафий таҳлили, бугун инсоният турмуш-тарзи ва фаолияти “қадр”ни “қиймат”дан юқори баҳоловчи янгича кадриятлар тизимига асосланишини тақазо қилмоқда. Инсон бирор нарса ва ҳодисани унга онгли тарзда эҳтиёж сезгани ёки уни реал борлиқнинг объектив инъикоси сифатида эъзозланиши учун кадрлаши мумкин. Ер деб аталмиш сайёрамиз бугун одамзотдан ўз қадрини талаб қилмоқда. Чунки одамзот Ер ва ундаги ҳаётга онгли тарзда муносабатда бўлмагани ҳамда ўзини табиатга, табиийликка қарама-қарши қўйиб “сунъий табиат”ни яратишга интилгани учун кўплаб муаммолар юзага келди. Эндиликда, фан-техника инқилоби ва глобаллашув таъсирида экологик, маънавий қашшоқлик каби ўнлаб муаммолар инсониятни эртанги кунга бўлган ишончини сўндирмоқда. Шу маънода ушбу муаммоларни ҳал этиш йўлларида бири уларни юзага келтирган омилларни аниқлаш ва уларни баргараф этиш чора тадбирларини ишлаб чиқишдир.

---

<sup>36</sup> И. Каримов Имон ва маслак тарихи. Т.: Янги нашр. 2010 йил. Б. 35.

Анъанавий ва замонавий қадриятларни ижтимоий маънавий тараққиётнинг икки томонига қиёслаш мумкин. Анъаналар орқали турли қадриятлар, урф-одатлар, ғоялар, маросимлар сақланиб, бойитилиб келажакка узатилса, янги макон ва замон воқеликлари анъанавий қадриятларга йўналганликка таянмаган ҳолда вужудга келолмайди. Бизнингча, ҳар қандай янгилик индивид турмуш-тарзи ва фаолияти таркибий қисмларини ўзгартиришга олиб келадиган ҳодисадир.

Муайян жамият маънавий ҳаётидаги ислохотлар жараёнида ушбу соҳага оид бир неча янги мазмундаги назария ва қарашлар ёки ушбу ҳудуд менталитетига боғлиқ бўлган миллий тажрибанинг турли элементлари туғилади, қайд этилади ва тарқалади. Бу элементлар тарқалишининг аҳамияти, таъсири ва даражаси улар пайдо бўлишининг манбасига боғлиқ. Шу ўринда таъкидлаш зарурки, бугунги воқелик инсониятни аввало ўзига, жамиятга, табиатга нисбатан қадриятли муносабатда бўлишни талаб қилмоқда. Бу эса биз яшаб турган оламда яна бир соҳа – аксиосферани шакллантириш ва ривожлантириш заруратини кўймоқда. Хўш, аксиосфера даври қандай янги қадриятлар тизимига муҳтож? Уларни яратишда қандай омиллар бирламчи аҳамиятга эга?

Бизнингча, ушбу масалаларни оқилона ҳал этиш учун бугунги воқеликдаги муаммоларнинг энг муҳим хусусиятларини ўзида ифода этувчи қадриятлар йўналишларини аниқлаб, уларни структуравий-функционал жиҳатларини таҳлил этиб, умумижтимоий аксиологик онгни шакллантириш зарур. Бизнингча, бугун замонавий қадриятларни инсон – жамият – табиат тизимига таъсири қуйидаги шаклларда намоён бўлмоқда: экзистенциал; технократик; экологик. Ўз навбатида ҳар бир йўналиш таъсир доирасидаги объектнинг моҳияти, намоён бўлиш шакли, инсон ва жамият ҳаётидаги аҳамияти даражасига қараб бир неча гуруҳларга бўлиш мумкин.

Биз яшаб турган воқелик аввалгиларидан тубдан фарқ қилади. Чунки инсоният пайдо бўлганидан то шу кунгача шаклланиб ва ривожланиб келаётган тамаддунлар муайян макондаги табиий ва ижтимоий таъсирлар

натижасида вужудга келган бўлса, бугунги цивилизация аввалгидек муайян худудда эмас, балки умумсайёравий макон доирасидаги глобал ўзгаришлар таъсирида шаклланмоқда. Бугун илмий-фалсафий онгда ушбу воқеликка турлича қарашлар мавжуд бўлиб, уларни асосан икки йўналишга: инсоният тарихидаги бахтиёрлик ва фаровонлик ёки одамзод яшайдиган сўнгги аср бўлиши мумкин. Афсуски, ушбу сўзлар қанчалик ваҳимали бўлмасин, илмий асосларга эга.

Ушбу йўналиш воқеликдаги инсонийлик меъёрларини сақлаб қолиш воситаси бўлмиш экзистенциал қадриятлар ҳамда уларни янги воқеликда қандай кўринишда намоён бўлиши зарурияти ҳақида кетар экан, аввало уларга ҳозирги замон Ғарб турмуш-тарзи таъсирини ўрганиш, қолаверса, бугунги кун кишисининг ички дунёсини фалсафий тушуниш, микро ва макрокоинот уйғунлигини таҳлиллаш, ижтимоий-маънавий жараёнларнинг ахлоқий ва эстетик жиҳатларини тадқиқ этиш ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Таъкидлаш жоизки, Ғарб кишиси кўриниб турган оламини (табиатни) илмий жиҳатдан тадқиқ этиб, самарали натижаларга эришаётган бўлса, Шарқ эса инсоннинг ички моҳияти “дасийн”ни (М.Хайдеггер фикрига кўра “дасийн” тушунчаси инсоннинг моддий борлиғини эмас, аксинча, унинг маънавий борлиғини ифодалайди) англашга хизмат қилувчи маънавий кўринишдаги анъанавий қадриятлар тизимини яратди. Ушбу фикр тасдиғи сифатида академик Н.Н.Конраднинг қуйидаги фикрини келтириш мумкин: “ҳар бир авлод шуни ёдда тутиш зарурки, Шарқнинг инсон ва жамият ҳақидаги илмнинг барча соҳаларидаги назарий фикрини ҳисобга олмоқ лозим, негаки, айниқса ана шу соҳалар ғоят муфассал ва кенг миқёсда Шарқда ишлаб чиқилган”<sup>37</sup>. Ёки Европацентризм ғоялари танқидчиси, экзистенциализм асосчиларидан бири К.Ясперс ҳам Шарқ маданиятининг бугунги воқелик учун аҳамиятини шундай изоҳлайди: “Осиёда бизга етишмайдиган нарса бор ва у биз учун жиддий аҳамиятга эга! У ердан бизга қаратилган саволлар

---

<sup>37</sup> Н.И.Конрад. Запад и Восток (Ғарб ва Шарқ). М.: 1972. Б. 27.

янграмоқдаки, улар бизнинг қалбларимиз тубида кўмилгандирлар. Биз ижод қилган барча нарса учун, биз нимани қила олган бўлсак, биз нималарга эришган бўлсак, бунинг учун биз муайян баҳо тўладик. Биз ҳали инсон табиатининг камолоти йўлида эмасмиз. Осиё биз учун зарурий қўшимча бўлиб хизмат қилади”<sup>38</sup>.

Бугунги воқелик аввало, ушбу икки бир-бирига моҳиятан зид бўлган цивилизациялар уйғунлигини тақозо қилмоқда, қолаверса, глобаллашув таъсирида турли туман маданиятларнинг универсаллашуви инсон моҳиятидаги ташқи ва ички уйғунлик заруриятини талаб қилмоқда – ушбу муаммоларнинг ечими ХХІ асрни “турли маданиятларнинг ҳақиқий учрашуви, турли хилдаги цивилизацияларнинг мулоқот асри сифатида”<sup>39</sup> шакллантиришни тақозо этади.

Бугун экзистенциал қадриятлар шаклланишида инсон таффақури томонидан яратилган фан-техника катта таъсир кучига эга. Техника асрига ўтиш бутун цивилизацияни янги босқичга кўтарилганини англатади. Бугунги воқелик кишисининг атроф-муҳитга бўлган муносабати кундан-кунга хиралашиб бормоқда. У оламни фақат ақл билан идрок этиши оқибатида табиат ҳам, жамият ҳам оқ-қора тусда намоён бўлмоқда. Инсон ҳар бир ҳодисага ақлий ёндошиши ундаги маънавий оламни заифлаштириб, манфаатлар қулига айлантиради. Бу жараённинг энг фожиали оқибати шундаки, инсон ички беғубор, самимий ҳис-туйғуларидан узоқлашиб боради. Бундай табиатдаги инсонлар наздида олам маъносиз муносабатлар мажмуига айланиши, бу эса уни ўз моҳиятидан бегоналашувига олиб келиши мумкин. Ҳозирги замонда ИТИ инсониятни янада ёлғизланиб қолишига ҳамда ўзини табиатдан устун қўйиб, уни ҳис қилмаслик руҳиятида тарбияламоқда, бу эса экзистенциал қадриятлар оламида бўшлиқ (хаос)нинг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Бу хаос инсоннинг руҳий бўшлиғига,

---

<sup>38</sup> К.Ясперс. Смысл и назначение истории (Тарихнинг маъно-моҳияти ва рисолати). –М., 1994. –Б. 90.

<sup>39</sup> История современной зарубежной философии (Ҳозирги замон хорижий Шарқ фалсафасининг тарихи). –СПб., 1997. –Б. 29.

парокандаликка олиб келади. Ушбу ҳолатдан чиқишнинг йўллари ҳақида экзистенциал файласуфлар М.Хайдеггер, К.Ясперс, Ж.П.Сартр ва бошқалар ўз мулоҳазаларини билдирган.

Масалан, К.Ясперс фикрича, “Инжилдаги худонинг сўзи ва амали бирдир ва ўзи яратган борликда намоён бўлади. Бу борликдаги худонинг мавжудлигини инсон ўзининг ақлий билиши орқали таҳлил қилолмайди. Биз худонинг ҳар ерда мавжудлигини фақат чегарадош вазиятларда кўрқиш ёки кўтаринки руҳий ҳолатда ҳис қилишимиз мумкин. Кундалик ҳаётимизда бу ҳис-туйғу йўқолади ва унинг ўрнини шубҳа эгаллайди”<sup>40</sup>.

Экзистенциал қадриятлар инсон борлиғи, хусусан маънавий борлик инъикоси сифатида намоён бўлар экан, у қадимдан этник бирликда намунали хулқ-атвор ҳамда инсонийлик мезонларини шакллантириш омили вазифасини бажариб келган. Бугун инсониятни ўз домига тортаётган маънавий қашшоқликнинг турли кўринишларидан ҳимоя қилиш учун унинг онги ва қалбидаги “инсонийлик” мезонига дахлдор бўлган ғоя ва қадриятлар тизимини қайтадан ислоҳ қилиш ҳамда ушбу жараёнга асос бўлувчи омилларни тадқиқ этиш зарурий воқелиқдир.

Инсон онги ва қалбида экзистенциал қадриятларни ривожлантириш омилларидан бири эзгулик йўлидаги дил-тил-амал бирлиги қонуниятидир. Ушбу “учлик бирлиги” инсон моддий ва маънавий оламини уйғунлаштириб, унда қадриятларга йўналтирилган иродани тарбиялайди ҳамда мукамал мавжудодга айланишига хизмат қилади. Акс ҳолда улардан бирининг мавжуд эмаслиги, ундаги биологик моҳиятни бирламчи ҳодисага айланттириб, уни “асл” моҳиятидан узоқлашувига олиб келиши мумкин. Масалан ислом фарзларидан бири ҳаж зиёратини олайлик, у шариат талабларига кўра, қилган гуноҳлари учун тавба қилиш, вужудини поклаш ҳамда кейинги ҳаётида ҳаром ишлардан тийилиш мақсадида амалга оширилади. Бугун ижтимоий онгда экзистенциал қадриятлар қадрсизланиши

---

<sup>40</sup> К.Ясперс. Смысл и назначение истории (Тарихнинг маъно-моҳияти ва рисолати). –М.: 1994. –Б. 117.

туфайли ушбу тушунча баъзи ҳолатларда обрў-эътибор топиш, мол-мулкини кўз-кўз қилиш ёки ким ўзар мусобақасини англамоқда. Ваҳоланки Машраб “қалби Аллоҳ нури билан равшан бўлмаган одам ҳаж қилиши Иброҳим алайҳиссаломдан қолган эски дўконни кўриб келишдан иборат”<sup>41</sup> деган эди.

Инсонда экзистенциял қадриятларни шакллантиришнинг муҳим омилларидан яна бири, ундаги маънавий оламнинг инсоний тус олишига хизмат қилувчи имон ҳодисаси бўлиб, у тўғрисида профессор Иброҳим Каримов: “одамзод ё худо, ёки олий бир ижтимоий мақсадга чин дилдан ишонса ва руҳан ўзини у билан боғлай олиб, унга содиқ бўлиш учун ҳис-ҳаяжонли қасамёд билан яшаса, ўша олий мақсадга эришиш жараёнида инсоний фазилятларга эга бўлиб боради”<sup>42</sup> дея ўз фикрини билдиради.

Дарҳақиқат ҳар бир дин намояндалари инсон учун маънавий-ахлоқий қадрият ниҳоятда зарурлигини яхши билганлар. Шу маънода улар ўзлари қадрлаган ахлоқий меъёрларни боланинг онгига ёшлигиданоқ сингдирган. Афсуски, ушбу анъанавий экзистенциял қадриятларга кейинги пайтларда беъэтибор қараш, ҳатто баъзи ҳолатларда уларни хурофот сифатида баҳолаш инсоният маънавий борлигини тубанлашувига сабаб бўлмоқда. Моддий фаровонликка эришиш инсондаги маънавий бўшлиқни ҳам тўлдиради, деган қарашлар кўпгина давлатлар сиёсатининг мазмунига айланиб қолмоқда. “Қаерда ва қачонки маънавий-руҳий ва ахлоқий муаммолар каби ниҳоятда нозик соҳага эътиборсизлик бўлар экан, ўша ерда одам зотида биологик моҳият юзага шундоққина қалқиб чиқиб, ҳайвоний инстиктлар, хирслар ривожлана бошлайди”<sup>43</sup>.

Экзистенциял қадриятларни бугунги кун кишиси турмуш-тарзига сингдиришда муайян этник бирликка хос бўлган анъана ва урф-одатлар тизими ҳам муҳим омиллардан биридир. Ҳар бир миллат ўз тараққиёти маҳсули бўлган маънавий-маданий тажрибага таянса, миллий руҳ сақланиб

---

<sup>41</sup> Иброҳим Каримов. Маънавият, фалсафа ва ҳаёт. Т., “Фан” нашриёти, 2007. Б. 42.

<sup>42</sup> Ўша манба. Б. 73.

<sup>43</sup> Ўша манба. Б. 133.

колади, бу эса бугун “омонат” бўлиб бораётган дунёни барқарорлаштиришга имкон беради.

Замонавий кадриятларнинг иккинчи йўналиши технократик кадриятлар тизими бўлиб, бугун инсоният фан-техника тараққиётининг энг юксак чўққига кўтарилган даврида яшаётганлиги билан ҳам фахрланади, ҳам саросимага тушади. Гарчи инсоният ушбу воқеликка улкан ақл-идрок ва салоҳият орқали эришган бўлсада, улардаги моддийлик хусусияти бирламчи моҳиятга эга бўлгани учун, бугун бир қанча муаммоларни юзага чиқара бошлади. Шу маънода, бугун инсоният ушбу соҳада вужудга келган салбий ҳолатни юмшатиш учун “инсонийлик” мезонларига асосланган янгича технократик<sup>44</sup> кадриятлар тизимини ишлаб чиқиши зарур.

Бизнингча, анъанавий жамиятлардаги барқарорлик омили фан-техника ютуқлари билан ижтимоий хулқ-атвор мувозанатига эришилганидир. Замонавий жамиятларда эса ИТИ ривожини жамият моддий тараққиётига хизмат қилиб, маънавий муносабатларни ўз соясида қолдирмоқда. Хусусан Европадаги илк саноат тўнтариш инқилоби ушбу воқелик учун зарур бўлган анъанавий кадриятларни сиқиб чиқарди. Масалан дастлаб техниканинг ривожланиши қўл меҳнатига асосланган ишлаб чиқариш саноатини инқирозга олиб келди, бу эса ушбу соҳада банд аҳолини қашшоқлашувига, ҳатто воқеликка нисбатан кескин норозиликларга сабаб бўлди (Лудчилар ҳаракатини эсланг!). Бу жараён бугунги кунга келиб бирмунча жиддий тус олди. “Ўтган асрнинг 80-90 йилларида АҚШ пўлат эритиш компанияларида, ишлаб чиқариш кўлами ўзгармагани ҳолда, ишчилар сони олти баробар, “Женерал Электрик” компаниясида уч баробар камайган”<sup>45</sup> бўлса, бугунги кунга келиб умумжаҳон молиявий кризиси туфайли бу рақамларни кундан-кунга ошаётгани замонавий жамиятлардаги техника тараққиёти инсониятни ижтимоий-маънавий ҳаётдан узоқлашувига, аниқроғи, фан-техника ривожини

---

<sup>44</sup>Ушбу атамага америкалик иқтисодчилар Г.Скотт, Т.Вебленлар XX асрнинг 20- йилларида ишлаб чиққан таълимот асос қилиб олинди.

<sup>45</sup>Баҳодир Зокир. Глобаллашув зиддиятлари. “Тафаккур”, 2000 йил, 2-сон, 35-бет.

одамзотни саодатга эмас, балки манфаатлар йўлида ўзаро муҳолиф томонлар шаклланишига хизмат қилмоқда. Тўғри ижтимоий фаровонликка эришиш учун фан-техника ривожини сув ва ҳаводек зарур. Лекин ушбу тараққиётнинг маънавий ва атроф муҳитга салбий таъсирини ҳеч ҳам оқлаб бўлмайди.

Технократик кадриятларнинг таркибий қисмларидан бири виртуал (лот. *virtualis* – мумкин бўлган, муайян шарт-шароитларда намоён бўлиши мумкин ёки зарур) олам кадриятларидир. Ушбу кадриятлар аввало, виртуал имкониятлар ва шакллар дунёсида пайдо бўлади. Бугунги кунда турли кўринишдаги ахборотларни узатишга мосланган технологияларнинг ижтимоий-маънавий ҳаётнинг турли соҳаларига шиддат билан кириб бораётганини кузатишимиз мумкин. Кадриятларнинг макон билан боғлиқ хусусиятлари ИТИ таъсирида йўқолиб бормоқда, бу эса этник бирлик маданиятларини универсаллашувига, анъанавий кадриятлари ва намунали ижтимоий ҳуқ-атвор меъёрларини заифлашувига сабаб бўлмоқда.

Санъат, фан ва ижтимоий ҳаётнинг тегишли соҳаларига технология таъсири натижасида бутунлай ўзгача дунё - Виртуал олам вужудга келди. Бу оламдаги нарса ва ҳодисалар ривожини ўзига хос тарзда виртуал тафаккурдаги инсонлар жамоасини ҳамда кадриятларини шакллантиради. Инсон қачонки ўзини виртуал оламнинг ажралмас қисми сифатида ҳис эта бошласа, ундаги нарса ва ҳодисалар кадриятга айлана боради. Бизнингча, виртуал олам тушунчасини тадқиқотимиз мақсадига яқинроқ таҳлили – моддий кўринишдаги нарса ва ҳодисаларни компьютер графикаси воситасида бўрттириб, ҳаёлий қайта шакллантириш ёки объектив борлиқни субъективлаштиришдир. Виртуал олам ҳам табиий олам сингари макон, вақт, мавжудлик, йўқлик каби қонуниятларга эга. Унинг ўзига хос хусусияти шундаки, у реал оламни ўз имкониятлари доирасида тасаввур этиши, ўзгартириши, оқ ёки қора рангда тасвирлаши мумкин, яъни у ҳақиқий мустақилликка эга. Айни пайтда, “барча бошқа реалликлар билан улардан онтологик жиҳатдан мустақил бўла туриб ўзаро муносабатда бўлиши мумкин, актуал, яъни уни туғдирувчи реаллик фаол бўлгунга қадар мавжуд

бўлади”<sup>46</sup>. Виртуал оламда эҳтимоллик, идеаллик, лойиҳалаштириш, инсоний ёки ҳайвоний қиёфа танлаш эркинлиги, такрорлаш, таклид каби барча имкониятлар субъектнинг ихтиёрида бўлади. Бу ерда реал оламдаги барча нарса ва ҳодисалар фақат инъикос этади. Бу олам “тасвирлар дунёси”дир.

Виртуал олам ижодкори ва яратувчиси шубҳасиз инсон ва унинг тафаккуридир. Инсон бу жараёнда реал воқеликка қараганда бирмунча эркин ва кенг имкониятларга эгадир. Виртуал воқеликда инсон фаолиятига тўсиқ бўлувчи омилларнинг йўқлиги, инсон онгида мавжуд бўлган салбий ҳолатларни эркин амалга оширишга имкон беради. Бу воқеликда алоқа имкониятларининг ўсиши индивиднинг жамиятдан ажралиб қолишига, ижтимоий тараққиётдаги бўҳронлар эса ноинсоний майлларнинг ривожига олиб келади. Бу оламда инсон кундалик ҳаётида амалга ошира олмайдиган катта имкониятларга эга бўлиб, бу унга ҳар қандай кўринишдаги тасаввурларини моддийлаштириш учун шароит яратади. Субъектив мазмундаги янги қадриятлар пайдо бўлади, улар бу олам учун аҳамиятли, энг муҳими уларни амалга ошириш мумкин. Инсон бу олам ичига кириб боргани сари дунёқараши, турмуш-тарзи, қизиқишлари ўзгариб ўзига хос қадриятлар тизими шаклланади ва улар инсон маънавий онгини юксалтиради ёки заифлаштиради.

Алоқа воситаларининг такомиллашуви ҳосиласи сифатида - Net-ўйинлари пайдо бўлди. Интернет макони дарвозаси кенг очилган, у маънавий қадриятлар дунёсини шиддат билан ўзгартириб, қайта қурмоқда, инсоннинг виртуал олам асирига айланиши ўзига бўлган ишончни кучайтириб, масофали мулоқот орқали ўз “Мен”ини намоён қилишга бўлган эҳтиёжини тўлалигича қондиришга ёрдам беради. Албатта виртуал оламдаги воқелик реал оламдан қизиқроқ ва афзалдир. Бугун ушбу ҳодиса аксарият одамлар учун муаммо ва ташвишларга тўла ҳақиқий оламдан воз кечтириш

---

<sup>46</sup> Михайлов А.Н. Диагностика виртуальной образности [Текст] А.Н. Михайлов, Н.А. Носов. М.: 2008. с. 8.

(вақтинча) омили сифатида намоён бўлмоқда. Виртуал оламда инсон фаолияти чегаралари кенг бўлиб, дунё жиддий тўсиқ сифатида йўқ бўлади, чунки бу оламда ҳаммасини янгидан бошлаш, яъни бемалол “хато” қилиш мумкин бўлиб, ўз фаолияти оқибати учун ҳеч ким ёки ҳеч нарса олдида жавобгар бўлмайди. Реал оламдаги энг олий қадрият – инсон ҳаёти бу оламда умуман кадр-қимматга эга эмас. Чунки оддийгина “қайта юклаш” имконияти виртуал оламни ўзига хослигини тушуниш учун етарли.

Виртуал имкониятлар ва шакллар дунёсида икки турли асос мавжуд, улар Интернет асирига айланиш жараёнида фаол намоён бўлади ва инсон қадриятлари дунёсига турли даражада таъсир кўрсатади. Виртуал оламнинг яна бир ўзига хослиги инсонлар ўртасидаги мулоқот қилиш имкониятларини кенгайтирганидир. Бу танишиш, мулоқот қилиш, алоқаларни ўрнатиш, дўстлашиш, хатто севишни соддалаштиради, чунки бунда виртуал мулоқот иштирокчилари бир-бирини кўрмаслиги, заиф томонларини яшириши мумкин. Буларнинг барчаси мулоқот қилувчиларда руҳий қулайлик ва ҳимояланганлик ҳиссини туғдиради, психотерапевтик таъсирга эга, инсонга ўз-ўзини, хоҳиш-истакларини тушуниб етишига ёрдам беради, дам олиш ва ижодий қобилиятларни намойиш этиш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширишга кўмаклашади, шунингдек қадриятлар танглиги даврида руҳий мослашишнинг оддий ва ҳаммабоп усулларида биридир.

Виртуал оламда шаклланган қадриятлар тизими инсон турмуш-тарзи ва фаолиятига салбий таъсирлари қуйидагиларда кўринади:

биринчидан, ушбу олам “асири”га айланган инсон онгида воқелик зерикарли ва рангсиз кўринади ва экзистенциал муаммолар ечимини ҳаёллар дунёсидан излайди, шунингдек гиёҳвандликнинг “кимёвий бўлмаган” кўринишига тобе бўлади;

иккинчидан, муайян ўйин қаҳрамонига, бошқарувчисига айланган шахс маънавий қиёфаси бир неча “қатламларга ажралиши” мумкин, яъни бир шахс ўйин давомида ҳоҳлаган жинс, ёш, эътиқод ёки гуруҳ кўринишида мавжуд бўла олади. Маълум маънода ушбу фикрлар биз яшаб турган оламга

хам тегишли бўлиб, инсон ўз ҳаёти ва фаолияти давомида бир неча қиёфада (масалан оилада ҳукмрон эркак, иш жойида тобе ходим) намоён бўлишга мажбур бўлади.

Бу жараёнда “Мен” ва “виртуал Мен” категориялари қандай ўзаро таъсирга киришади? Бизнингча, воқелик билан алоқанинг узилиши натижасида онтогенезда қадриятларга асосланган муносабатлар асосий белгиларининг бир ёшдан бошқасига силжиши содир бўлади. Бу қадриятлардаги ворисийлик тамойилини бузилишига ва инсон ҳаётида қадриятли номутаносибликни юзага келтиради, чунки, “ўйин қадрияти мактабгача болаларнинг қадриятлар иерархиясининг доминантаси бўлиб хизмат қилади. Катта ёшдаги болалар ва катталарда қадриятлар иерархиясига бошқа доминанта - қадриятларга асосланган ўзликни англаш, ўз ҳаёти маъносини мустақил тарзда аниқлашга интилиш - хосдир”<sup>47</sup>.

Виртуал олам ўз “асир”ига бошқаларга тобе бўлмасдан ҳузур-ҳаловатда яшаш, ўзини турли хил йўллар билан доимо хурсанд қилиб юриш имкониятини беради. Бу “эркинлик” тўлақонли мулоқот қилиш имкониятини йўқотишга олиб келади, “ахборот узатиш” бундан мустасно. Виртуал дунё асирига тушиш турли ижтимоий низоларга, қадриятларнинг бузилишига олиб келиши мумкин.

Янги ахборот макони умумпланетар онгда чуқур аксиологик ўзгаришларни амалга оширмоқда. Инсоният шу кунгача эъзозлаб, қадрлаб келган анъана ва урф-одатлар виртуал олам қадриятлари олдида кўп ҳолатларда ожиз қолмоқда. Хусусан виртуал маконда шаклланаётган қадриятлар тизими инсоният томонидан юқори тезликда қабул қилинибгина қолмасдан, балки ҳақиқий оламга маънавий ҳаёт бағишлаб турган анъанавий қадриятларга қарши кураш усулига айланиб, оила, унумли фаолият (иш), ижтимоий масъулият, жамоавийликдан узоқлашишга олиб келмоқда. “Бизнинг келажагимиз, агар у бор бўлса, бугунги технологик жараёнларга

---

<sup>47</sup> Каган М.С. Философская теория ценностей [Текст] / М.С. Каган. – СПб.; ТОО ТК «Петрополис», 2007. стр.153.

муносабатимизга боғлиқ. Ҳамон биз жадал ривожланаётган технологияларга боғлиқ эканмиз, инсоният жамиятидан “пост инсоният” жамиятига ўтиш динамикасини яхши англаб етишимиз даркор. Айниқса тузоқ қаерда жойлашганини, муқарра ўлимга олиб бориши мумкин бўлган йўлларни пайқай билишимиз зарур”<sup>48</sup>.

Умумлаштириб айтганда, ижтимоий ривожланиш жараёнида қадриятлар ўзгаради, мукаммалашади. Ўтмишда инсоният учун қадрли бўлган нарса ва ходисалар бугун қадрият бўлмаслиги мумкин, келажакда эса янги қадриятлар пайдо бўлиши билан бир қаторда ўтмишдаги қадриятларга “қайтиш” мумкин. Бугун аксиология соҳаси ўз ривожини янги босқичида турибди. Катта имкониятларга эга бўлган ахборот ва алоқа технологиялари ҳозирда нафақат инсониятни ўзаро яқинлашувини тезлаштирмоқда, балки қадриятлар тизими модернизациясига шароит яратмоқда. Бу жараёнлар тадқиқи қуйидагича хулоса беради: инсоният - илмий-техник тараққиёт ютуқлари ва энг янги ахборот инқилоби кўринишида - ҳозирги замон аксиосфераси доирасида янги қадриятларнинг вужудга келишини кузатмоқда.

Тоталитар тузум даврида юртимиздаги экологик вазият бирмунча ёмонлашди. Табиат неъматларидан мақсадли ва ўринли фойдаланиш борасида аجدодларимиз риоя этган анъанавий одоб – ахлоқ меъёрлари унутилиб юборилди. Хусусан Оролнинг бугунги аҳволи ер шаридаги барча онгли мавжудотлар учун ибратли воқелиқдир. “Ўз вақтида голландлар табиатга оқилона яратувчилик муносабатида бўлишдан иборат ўз миллий моделларини амалга ошириб, денгиздан серҳосил ерларни ажратиб олдилар. Мана шу мисол биз учун чуқур рамзий маънога эга. Оролдаги экологик

---

<sup>48</sup> Ник Бостром. Ph.D., is Director of Oxford University’s new Future of Humanity Institute. Угрозы существованию человечества. Анализ сценариев вымирания. // 2007. <http://www.nickbostrom.com>.

фожиа туфайли денгизни курукликка эмас, балки курукликни денгизга айлантиришимиз керак бўлади”<sup>49</sup>.

Шу маънода умумсайёравий экологик тангликнинг реал ҳақиқатга айланиб бораётгани ушбу соҳадаги кадриятларга эҳтиёжнинг ортиб бориши билан белгиланади. Бизнингча экологик тангликнинг келиб чиқиш асослари аввало, ИТИ ютуқлари шахсий, гуруҳий манфаатларга бўйсундирилиши оқибатида ақл-идрок иккиламчи моҳиятга айланди, қолаверса, инсон-жамият тизимидаги ўзаро маънавий муносабатлар табиатга нисбатан қўлланилмади. Инсон ва табиат муносабатлари бугунги кунга келиб зиддиятли ҳодисага айланмоқда, чунки экологик бўҳрон моддийлик ортидан эргашаётган инсонлар сафи кенгайиб планетар онг даражасига кўтарилгани билан боғлиқ.

Кишилиқ тарихий тараққиёти давомида одамзодни табиатга бўлган муносабатини икки гуруҳга ажратиш мумкин. Ушбу жараёндаги муносабатлар инсоният ақл-идроқи ва эҳтиёжи даражасига қараб турли даврларда бир-бири билан ўрин алмашиб яшаб келмоқда. Ушбу муносабатларнинг биринчи гуруҳи одам табиат қонунлари ижодкори тамойилига асосланади. Бундай қараш қадимдан ижтимоий тафаккурда мавжуд бўлсада, амалда Ғарб Уйғониш даврида қўллана бошланган. Ўша давр мутафаккири Рене Декарт, одамлар “табиатнинг хўжайини ва эгалари бўлишлари керак” деган бўлса, Френсис Бэкон “фан фақат табиатни забт этиш ва унинг кучларини инсонга хизмат қилдириш учун керак”<sup>50</sup> деб даъват қилган эди. Ушбу чақириқлар оқибати бугун инсониятга қанча кулфатлар ёғдирмоқда.

Ушбу муносабатларнинг иккинчи гуруҳи табиатни илоҳийлаштириш, идеаллаштириш каби кадриятлар тизимидан иборат бўлиб, улар инсониятнинг дастлабки пайтларида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Қадимги даврларда инсон ва табиат муносабатлари шаклланишида ибтидоий эътиқод

---

<sup>49</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997.– Б. 146.

<sup>50</sup> Бэкон Ф. Новый органон. Предисловие [Текст] / Ф. Бэкон. // Соч. Т. 1. – М., 2008. стр. 114.

шакллари (тотемизм, анимизм, фетишизм) алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улар ибтидоий онгда табиат ҳодисаларидан кўрқиш ва ожизлик ҳисси ҳосиласи сифатида вужудга келган. Л.Н.Гумилёв фикрига кўра, айнан “қадим замонларда инсон уни қуршаб турган ландшафт билан “гомеостазис” ҳолатида бўлган”<sup>51</sup>. Дарҳақиқат ибтидоий давр одамлари дунёқараши табиат каби ожиз ва меҳрга муҳтож бўлиб, унинг тақдири табиат ва жамият қонунлари ихтиёрида эди.

Ғарб Ренессанс даври кашфиётларидан бири Ж.Ж.Руссо фалсафий фикрларида табиат билан муносабатда ақлга хос қадриятлар устувор бўлишлиги алоҳида таъкидланади. У табиатни хусусий мулк объекти сифатида эмас, балки ҳар қандай турдаги ижодга асос бўлувчи илоҳий қудрат сифатида баҳолаб, унга нисбатан “пассив ва жонсиз материя” атамаси қўлланилишига қарши бўлган. У ўз изланишлари давомида табиатни теологик, табиий-тарихий, психологик, эстетик хусусиятларини аниқлаган. Табиатни худо томонидан яратилганлиги теологик қарашларининг мазмунини ташкил қилса, уни табиий-тарихий тушуниш инсон ва табиат доимо муросада яшаш зарурлиги, ўзаро алоқаларда манфаатдорлик мавжудлигини тан олиш каби қарашларга асосланади.

Инсон ўзини доимо табиатнинг ажралмас бўлаги сифатида ҳис этиши, ундан илтифот ёки жабр кўриш даражасига қараб ҳис-туйғуларни ижобий, салбий томонга оғиб туриши табиатни психологик хусусиятларини ташкил этса, табиатдаги барча нарса ва ҳодисалар ўртасидаги уйғунликни гўзаллик мезонлари асосида англаш эстетик жиҳатларини ташкил этади<sup>52</sup>.

Ғарчи ушбу муносабатлар тизими бир-бирига зид кўринсада, аслида инсоннинг табиатдан алоҳида воқелик сифатида идрок этилиши уларнинг умумийлигини ифодалайди.

---

<sup>51</sup> Гумилёв Л.Н. Этногенез и биосфера Земли [Текст] / Л.Н. Гумилёв. – М.: Мишель и Ко, 2010. с. 206.

<sup>52</sup> Мельник Н.Б. Сущность человека в понимании Ж.-Ж. Руссо [Текст] / Н.Б. Мельник // Человек – Культура – Общество. Актуальные проблемы философских, политологических и религиозно-исследовательских исследований. – М.: 2008. с. 180.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб айтганда, бугунги вазият инсониятга воқеликда яшаб қолишнинг энг қулай ва самарали йўлини танлаш заруратини қўймоқда. Бизнингча, бугун инсоният олдида табиатни “талаш”да давом эттириш ёки уни илоҳийлаштириб сажда қилиш методларини умумийлаштирган янги воқеликдаги ўзаро муносабатлар моддий ёки диний асосда эмас, балки маънавий-ахлоқий қадриятларга асосланиши зарурати турибди. Ҳозирги вазият экологик қадриятларнинг янги фалсафий асосларини шакллантиришни муқаррар масала сифатида қўймоқда. Шу маънода В.И.Вернадский, К.Э.Циолковский каби олимларнинг назариялари инсон-жамият-табиат тизимидаги қарама-қаршиликларни бартараф этишга имкон беради. Улар ердаги ҳаётни космик нурланиш ҳосиласи сифатида эътироф этиб, инсон ва табиат мутаносиблигига эришиш табиий тараққиётни барқарор сақлаб қолиш омили эканлигини таъкидлашган. Уларнинг фикрича, ушбу ғоялар моддий кучга айланиши учун табиатни мақсадли ва қадриятли англаш йўлида умумпланетар илмий тафаккурни ривожлантириш зарур. В.И.Вернадскийнинг ноосфера концепцияси моҳияти “табиатни инсон манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ўзгартириш, ундаги мувозанат ҳолати инсониятнинг мақсадга йўналтирилган фаолияти орқали сақланиб туради, булар – инсон томонидан онгли равишда яратиладиган табиий муҳит ҳолатидир”<sup>53</sup>.

Ноосфера атамаси илмий онгда бирмунча оммалашди. Хусусан профессор И.Каримов ўз қарашларида ушбу термин аҳамиятига бирмунча юқори баҳо беради: “одамлар эндиликда Ноосфера (Ақл соҳаси) тантанаси даврига кирганликларини англаб етишлари зарур. Динларнинг муқаддас китоблари ҳам, илмий-фалсафий адабиётлар ҳам шу ноосферанинг маҳсули бўлиб, уларда инсониятнинг буюк тарихий тажрибаси мужассамдир. Ноосфера тантанасига ишонч руҳини инсон онгига сингдириш, уни объектив

---

<sup>53</sup> Вернадский В.И. Биосфера и ноосфера / В.И. Вернадский. – М.: 2009. с. 400.

руҳнинг етакчи ғоясига айлантириш бағоят долзарб бўлиб турибди. Олимларнинг яқдил бўлиб таъкидлашларича, эндиликда биосфера (тириклик соҳаси)нинг тақдирини Ноосфера – Ақл соҳаси қандай йўналиш олишига боғлиқдир”<sup>54</sup>.

Ушбу фикрлардан англаниб турибдики, Ноосфера даври инсониятдан инсон-жамият-табиат тизимида юзага келадиган барча нарса ва ҳодисалар фаолият йўналишини фақат ақл-идроқка таяниб белгилашни тақозо этади. Бизнингча, ноосфера назарияси айни пайтда экологик қадриятларнинг янги тизимини шакллантириш учун назарий-услубий асос бўлади. Бугун табиат билан боғлиқ муаммоларнинг ортиб бораётгани, унинг инсон ва жамият олдидаги қадрини янада оширмоқда. Шу маънода табиатни қадрият сифатида англаниши, инсон ва жамиятни ўз-ўзини англаш, қадрлаш билан баробардир. Ушбу тенденцияни умумпланетар онгда қарор топтириш орқали инсон маънавий борлиғи билан боғлиқ қадриятлар тизимида табиат “яшаш воситаси” сифатида эмас, балки умумбашарият орзу-мақсадларига элтувчи “макон” кўринишида намоён бўлади.

Одам ва олам муносабатларининг маънавий-ахлоқий хусусиятларини ўзида тўла жамлаган қадриятлар тизими табиатга ҳам ушбу муносабатда бўлиши зарур, бундай муносабат инсон ва табиатни боғлаб турувчи ақл ва сезги аъзоларимиз воситасида ҳосил бўлган билим ва кўникмаларимиз хулосаларига асосланган қадриятли онгни ривожлантиришга хизмат қилиши лозим. Экологик вазиятга аксиологик ёндошув табиатга янгича муносабатда бўлишни тақозо этади. Бугунги кунда фан-техника тараққиёти янгича турмуш усулини шакллантириш талабини қўймоқда, унга кўра инсоният ўзини умумийликнинг бўлаги сифатида ҳис этиб яшаш мажбуриятини олиши зарур.

Бугунги кунда инсоният қаршисида юзага келган муаммоларни ечишда аввало, ушбу соҳада улкан тажриба мактаби - анъаналарни ўрганиш,

---

<sup>54</sup> Иброҳим Каримов. Маънавият, фалсафа ва ҳаёт. Т.: ФАН. 2007. Б. 199.

итоат этиш, уларни анъанавий қадрият даражасига кўтариш зарур, қолаверса улар воситасида Она табиатни бунданда ёмон оқибатлардан сақлаб қолиш мумкин. Ҳозирги вазият воқеликдаги экологик муҳитни соғломлаштиришга хизмат қиладиган янгича экологик қадриятлар тизимининг фалсафий асосларини шакллантиришни муқаррар масала сифатида қўймоқда. Фикримизча, табиатни муҳофаза этишга йўналтирилган янгича қадриятларни шаклланишида энг муҳим омил ушбу соҳада аجدодларимиз асрлар давомида ҳурмат қилиб, ўз турмуш-тарзининг таркибий қисмига айлантирган анъана ва урф-одатлар бўлиши мумкин, улардан бугунги кун амалиётида ўринли фойдаланиш инсон-жамият-табиат тизимидаги қарама-қаршиликларни бартарф этишга имкон беради.

Ўтган аср инсониятга жуда кўп имкониятлар берди. Биз ушбу имкониятларни субъективлаштириб ядровий қуролланиш ҳамда атроф-муҳитни ифлослантиришга алмаштирдик. Хусусан “инсон табиат қонунлари ижодкори” деган тамойил бугун ўз умрини яшаб бўлгани, бугунги тамаддун моддий шаклдан маънавий шаклга ўтиши заруруати етилгани дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда. Табиат инсониятни хусусий мулкига айланиб, унинг нафсини қондириш учун бутун борлиғини сарф қилиб (ваҳоланки инсон нафси шу кунгача “тўйдим” деб айтмади), табиийлик хусусиятларидан секин-аста мосуво бўлмоқда. Табиат бугун одамзотга “тарозу палласи мувозанати бузилганини, энди табиат қасос олишни бошласа, инсоният қаердан бошпана топиши ҳақида ўйлаб, унга яна бир бор имконият берилса бунданда оғирроқ аҳвол юзага келмайдими?” - дея хитоб қилаётганга ўхшайди.

Шу маънода, бугун биз табиатнинг яна ишончига кириш учун унга бўлган муносабатларимизда соддалик, самимийлик, меҳрлилик (гўё она каби), онглилик, меҳнатсеварлик фазилатларимизни тиклашимиз зарур. Бу жараёнда воқеликдаги инсоният ўз ўтмиш анъаналарига қайтиши ва уларга итоат этиш орқали табиатнинг меҳрли қиёфасини сақлаб қолиш мумкин. Ўтмишдаги исталган цивилизация мифологиясида олов, сув, тупроқ, ҳаво

муқаддас саналиб, уларга нотўғри муносабатда бўлганларга оғир жазолар берилган. ИТИ шароитида яшаётган одамзот учун ушбу тўрт унсурнинг муқаддас саналганлиги балки “ибтидоийлик белгиси”дек кўринар, ваҳоланки ушбу унсурлар тирикчилигимиз асоси эканлиги аксиомаку. Наҳотки ақлни шоширадиган фан-техника ютуқларига эришган бугунги одамзот онги илк тамаддун даври одамлари дунёқарашидан тор бўлса?

Афсуски, бугун халқаро майдонда “қиймат”ни “кадр”дан устун билиш тамойили ҳукмронлиги манфаатлар тўқнашувида “беимкон” табиатни ўз қадрини талаб қилиш имкониятга эга эмаслигидан безбетларча фойдаланмоқда. Ушбу фикрларимизни “Экологист” журналининг ношири Н.Хилдьярд қуйидагича асослайди: “мавжуд муаммоларга қарши гўё “қурашаётган”, аслида эса табиий заҳираларга эгалик қилмоқчи бўлган жаҳон технократияси экологик инкироздан фойдаланиб қолишга интилмоқда. Атроф-муҳитни ҳимоя этиш баҳонасида фақат моддий манфаатларни кўзлаётган глобал менежерлар қавми қулдорликнинг янги шаклига замин ҳозирламоқда”<sup>55</sup>.

Бизнингча, янгича экологик қадриятлар тизими, аввало, ўтмишда шу соҳада тўпланган илм ва анъаналарга асосланиши, қолаверса, давлатлар, ишлаб чиқаришга асосланган турли корпорациялар, концернлар ва ташкилотлар манфаатлари туташган нуқта табиатни ифлослантиришга эмас, балки тозалашга қаратилиши ушбу соҳа муаммолари ечимига ижобий туртки беради.

Бугунги экологик бўҳронлар табиатда тиклаб бўлмас фожиаларни юзага чиқармоқда, улар инсон орзу-умидларини чеклайди, экологик қадриятлар эса кундан-кунга экзистенциал мазмунга эга бўлиб бораверади.

Хулоса қилиб айтганда, бугун жамиятимиз маънавий-ахлоқий муҳитини мўътадил ва барқарор сақлаб туриш учун инсон маънавий борлигини юксалтиришга хизмат қилувчи “намунали хулқ-атвор” Миллий

---

<sup>55</sup>Баҳодир Зокир. Глобаллашув зиддиятлари. “Тафаккур”, 2000 йил, 2-сон, 35-бет.

Дастурини ишлаб чиқиш лозим. Ушбу Дастур учун энг муҳим асос - анъана, урф-одат ва қадриятларимиз бўлиши даркор. Маълумки, бирор ғояни яратиб, уни халқ онги ва қалбига сингдириш жуда мушкул ва кўп вақт талаб қиладиган ҳодисадир. Бу вазиятда тезроқ самарага эришиш учун яратилган ғоя аввало, объект эҳтиёжи, мақсад ва манфаатларига мос келиши, қолаверса, унинг эътиқодга айланиши ҳам мураккаб жараёндир. Лекин бизда ушбу назарияни амалиётга татбиқ этишда муаммолар нисбатан камроқ бўлиши мумкин. Чунки халқимиз асрлар давомида “намунали хулқ-атвор” дастури асосида яшаб келмоқда. Шу маънода биз фақат ушбу ноёб тажрибани ижтимоий фан соҳалари ёрдамида, турли тадқиқот сўровлари орқали халқдан ўрганишимиз ҳамда ушбу натижаларни воқелик талаблари асосида қайтадан амалий ҳаётга жорий этиш механизмларини ишлаб чиқишимиз керак бўлади. Акс ҳолда ўттиз асрлик ўтмишга, тажрибага, маънавий салоҳиятга эга халқ, ўтган асрда пайдо бўлиб, шиддат билан оламни маҳв этишга киришган “оммавий маданият” ниқоби остидаги турли хуружлар қурбонига айланиши мумкин.

### 1.3. Анъанавий ва замонавий қадриятларни тадқиқ этишда этник ва жўғрофий омиллар

Маълум бир этник бирлик турмуш-тарзи жараёнида шаклланган анъаналарни ушбу этник жамоа хусусиятлари билан ўзаро боғлиқлигини ўрганишда уларнинг ижтимоий-маънавий борлигини тадқиқот объекти сифатида белгиланиши мақсадга мувофиқдир. Чунки ҳар бир этник бирлик ўз тараққиёти давомида замон ва маконда бир қанча муаммоларга дуч келган, уларни ҳал этишнинг минг хил усулларини ўйлаб топган, самара берган усуллар билан ижтимоий-маънавий тажрибасини бойитган. Бу ҳодисага тадқиқотчи Сугрей Л. А шундай изоҳ беради: “муайян этнос вакиллари фойдаланадиган тилда, уларга тарбия берувчи моддий ва маънавий маданиятда, мазкур этник бирбутунликнинг индивидни ижтимоийлаштирувчи ўзига хос муносабат шакллари, умумий аҳамиятга эга ҳодисаларга психик жавобнинг ўзига хос хусусиятларида маълумот кодлаштирилган, дастурлаштирилган – бу маълумотнинг этнос учун аҳамияти худди генетик маълумотнинг организм учун бажарадиган ролининг ўзидир”<sup>56</sup>. Бу ўринда тадқиқотчи анъаналарнинг шахс ижтимоийлашувидаги аҳамиятига тўғри баҳо беради. Этник жамоалар анъаналарини келажак авлодларга табиий қонунлар асосида эмас, балки ижтимоий қонунлар орқали узатилишини таъкидлайди.

Ҳар бир этник бирликнинг тафаккур даражаси нарса ва ҳодисаларга муносабати, уни тарихий тажрибалари, қадимий анъаналари асосида шаклланган турмуш-тарзи ва фаолияти орқали белгиланади. Умуман, “ҳаёт тарзи, анъаналар ҳамма вақт ҳар бир мамлакат халқларининг хулқ-атворини шакллантиради. Ҳатти-ҳаракатини, воқеаларга муносабатини одатга айлантиради, миллатнинг қон-қонига сингиб кетади, минг бир хужайрасидан жой олади”<sup>57</sup>.

---

<sup>56</sup>Сугрей.Л.А Традиционализм в контексте социально-философского анализа. Ставрополь. Автореф. док. филос. наук. 2003. стр. 16.

<sup>57</sup> Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 330.

Сўнгги йиллардаги ижтимоий жараёнлар моҳиятидан аён бўлмоқдаки, президентимиз Ш.Мирзиёев иш услубидаги вазминлик ва ақл-идрок миллий сиёсатимиз анъанавий кадриятларга асосланаётганлигини англатади.

Анъанавий кадриятлар этник бирлик ҳаёти ва фаолиятини маълум бир меъёردа ривожланишини таъминлайди. Анъанавий кадриятларга асосланган жамиятда камол топаётган инсон тафаккурида ушбу кадриятларга нисбатан табиий равишда тобелик шаклланади. Бу жараёни илмий таҳлил этган социологлар У.Томас ва Ф.Знанецкийлар “шахсинг кадриятларга йўналганлиги” тушунчаси билан изоҳлайди. Улар кадриятларга йўналганликни, “хулқ-атвори тартибга солувчи, шахсинг ижтимоий кўрсатмаси”<sup>58</sup> деб тушунтиради. Кадриятлар тўғри англаниб ва тушунган ҳолда қабул қилинган тақдирдагина, инсонлар ҳаёти ва фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тадқиқотни ўрганиб, илмий мавзуимизга дахлдор жиҳатларини тадқиқ этдик. Бизнингча, кадриятларга йўналганлик индивид онгида этник бирлик ҳаётини тажрибаси ва руҳий кечинмалари мажмуини инъикос этириб, унда ижтимоий аҳамиятли хусусиятларни шакллантиришга хизмат қилади. Анъанавий кадриятлар орқали индивид тафаккурида мустаҳкам, турғун кадриятлар мажмуи шаклланиб, онгининг ўзига хос ўқига айланади, бу эса шахс идеаллари, орзу-истаклари, эҳтиёжлари ва манфаатларини аждодлар феъл-атвор ва фаолияти билан бирлаштириб, ворисликни таъминлайди. Шу боисдан анъанавий кадриятлар шахс ички ҳис-туйғуларини бошқарувчи, тартибга солувчи омил сифатида муҳим аҳамиятга эгадир.

Дарҳақиқат муайян этник бирлик ҳаёти ва фаолиятини маънавий идеаллар билан бойитишда анъанавий кадриятлар муҳим аҳамиятга эга. Бу масалага буюк ёзувчи Чингиз Айтматов қуйидагича тавсиф беради: “инсоният идеаллари ютуқлари сифатидаги моделларда бизнинг ижтимоий тузумимизни характерлайдиган маънавий принципларнинг баҳридан

---

<sup>58</sup> Американская социологическая мысль: Тексты. М., Изд-во МГУ, 2004.

Ўтмаслигимиз лозим. Бу принциплар ичида энг асосийлари – жамият фаровонлиги йўлидаги ҳалол меҳнат, кишилар ўртасидаги инсоний муносабатлар ва ўзаро ҳурмат, ҳалоллик ва ҳақгўйлик, адолатсизлик билан келишмаслик кабилардир. ...Уни ҳар бир авлод, ҳар бир индивид ўтмиш аجدодларининг муқаддас ва бузилмас мероси сифатида қабул қиладилар”<sup>59</sup>. Дарҳақиқат ҳар бир этник бирлик ривожини учун анъанавий қадриятлар мавжудлиги барқарор муҳит, шарт-шароит яратиш имконини беради.

Индивиднинг анъанавий қадриятларга риоя қилиши, унинг ижтимоийлашуви даражасини белгилайди. Хусусан бунда ватанпарварлик, жамоавийлик, инсонпарварлик ҳамда ижод энг юқори кўрсаткичдир. Индивид тафаккури ички қарама-қаршиликлардан озод бўлган тақдирдагина, унда анъанавий қадриятларга хос бўлган фазилатлар шаклланади, акс ҳолда индивид тафаккурида ўз жамоаси ва қадриятларидан узоқлашув, яъни нигилизм вужудга келиши мумкин. Шу маънода, индивид шахсий қадриятлари тизимини тадқиқ этиш, унинг ижтимоийлашиши жараёнида юзага келадиган муаммоларни ҳал этишда алоҳида қимматга эгадир.

Шахсий қадриятлар объектив оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг субъект томонидан ўз эҳтиёж ва манфаати талаблари доирасида анланган ҳолда намоён бўлади. Мақсад ва мазмун жиҳатидан бир-биридан фарқ этувчи ушбу қадриятларнинг бир маконда тўнашуви диалектик аҳамиятга эга бўлиб, аввало ижтимоий онгда қадриятларга нисбатан “бағрикенглик” туйғусини шакллантириш орқали умуминсониятга тегишли қадриятлар ривожини учун замин яратиб, одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солади, қолаверса улар индивид хулқ-атворини янада юксалишига хизмат этувчи “кўзгу” вазифасини бажариб, ижтимоий-маънавий тараққиёт учун асос бўлади. Шахсий қадриятлар тизими эса индивидлар томонидан

---

<sup>59</sup> Айтматов Ч. Верю в человека. // Собр. соч. В 7-ми т. Т. 7. –М.: 1998. Б. 478.

моддий ва маънавий маданият асарларида объективлашган ижтимоий кадриятларни фаол ўзлаштириши жараёнида вужудга келади.

Муайян бир шахсда ижтимоий хулқ-атвори шакллантиришда В.А.Ядов ишлаб чиққан концепция эътиборга моликдир. Унда “инсон иерархик тарзда ташкил топган турли диспозицион тузилмалар мураккаб тизимига эга, улар унинг хулқ-атвори ва фаолиятини тартибга солади”<sup>60</sup> дейилади. Бу тизимнинг ҳар бир босқичи уч таркибий қисмдан иборат: индивид ижтимоий фаолиятнинг турли доираларига киритилганлиги нуқтаи назаридан таснифланган эҳтиёж; индивид ҳаракат қилаётган вазиятлар ва бу вазиятларнинг муайян эҳтиёжлар билан “тўқнашуви” ва индивид хулқ-атвори ва фаолиятини тартибга солувчи “диспозицион тузилма”<sup>61</sup>. Айтмоқчимизки, шахснинг кадриятларга йўналганлик даражаси индивиднинг анъанавий кадриятларга бўлган муносабати орқали белгиланади ҳамда шахс ҳаёти ва фаолиятини ижтимоий аҳамиятли томонга йўналтиради, бу эса индивид турмуш-тарзи ва феъл-атворида ижтимоий меъёрларга ҳайрихоҳлик майлларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Анъаналар мавжудлиги туфайли этник бирлик ҳаётида ўзаро низолар деярли юзага келмайди. Чунки асрлар давомида муаммо ва қийинчиликларга қарши биргаликда кураш натижасида вужудга келган анъанавий ҳаёт уларни ягона ғоя ва маслак атрофига бирлаштириб, ички масалаларни ўзаро келишиш, ён бериш (консенсус) асосида ҳал этиш кўникмасини шакллантирган. Ваҳоланки, аксарият Ғарб жамиятларида “бир гуруҳ одамларнинг худбинлик интилишлари бошқа гуруҳ одамларининг интилишларига зид келиши”<sup>62</sup> ушбу воқеликда ички ва ташқи зиддиятларни келтириб чиқарган. Ўтмиш бу каби ҳодисаларга кўп бора гувоҳ бўлган.

Этник анъаналар маълум бир этник бирлик турмуш-тарзини ўзида ифода этиб, воқеликдаги нарса ва ҳодисалар асл моҳиятини ўзгартирмай кейинги

---

<sup>60</sup> Ядов В.А. Социальная идентичность личности. М., 1994. стр. 112.

<sup>61</sup> Ядов В.А. Социальная идентичность личности. М., 1994. стр. 114.

<sup>62</sup> Гоббс Т. Левнофан или материя, форма и власть государства церковного и гражданского // Соч. В 2-хт. – М.: Мысль, 1991. – Т.2. – стр. 96.

авлодларга узатиладиган узлуксиз жараёндир. Шунингдек анъаналар ривожланишида этник бирликнинг келиб чиқиш тарихини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки этник жамоа шаклланиши жараёнида ижтимоий-сиёсий вазият, табиий-географик муҳитнинг қулайлиги, ижтимоий онг даражаси каби омиллар анъаналар моҳиятини ўзида ифода этади. Айнан ушбу омиллар анъаналар кўлами ва умрбоқийлигини белгилайди. Этногенез жараёни жуда мураккаб ҳодиса бўлиб, узлуксизлик ва изчилликни талаб этади. Ҳар бир этнос замон ва макон талаблари даражасида йиғилган тажрибани қабул қилади, ўз тажрибалари билан уни бойитиб қайта ишлайди, кейингиларига узатади. Бу ҳолат узлуксиз давом этиши натижасида анъаналар моҳияти соддадан мукамалликка, яхлитликдан умумийлик томон ортиб боради. Бу ҳодисага Сугрей Л. А шундай таъриф беради: “этногенез - авлодлараро ворисийлик механизмининг кенгайтирилиши ва унинг бутун этник бирликка тарқалишидир. Шунга муносиб равишда катта бўлмаган, масалан, этносга ном берган этник гуруҳ анъаналари этногенез давомида катта этнос учун муҳим бўлган анъаналар билан бойиб боради”<sup>63</sup>. Тадқиқотчи тўғри таъкидлаганидек, этнос доимо ривожланишда бўлиб, унга хос ҳеч бир белгини доимий хослик деб қараш керак эмас. Этногенез ҳодисасининг энг муҳим вазифаларидан бир шуки, замон ва макон талаблари анъаналар мазмунини қайта баҳолашга мажбур этганда ҳам этник бирлик ўзига хосликни сақлаб қолиш омили сифатида намоён бўлади.

Маълум бир этник жамоа турмуш-тарзи ва тафаккури ҳосиласи бўлган анъаналар шахс дунёқараши ва қалбига асосан микро (оила, маҳалла) муҳит ва катталар ибрати орқали сингдирилади. Айни пайтда шахс анъаналар содиқ ҳимоячисига, баъзида уларни ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб қайта баҳолаш субъекти сифатида намоён бўлади. Шахс ижтимоийлашуви жараёнида ўзи учун қадрли бўлган анъаналарни қабул қилади, турмуш-тарзи

---

<sup>63</sup>Сугрей.Л.А Традиционализм в контексте социально-философского анализа. Ставрополь. Автореф. док. филос. наук. 2003. стр. 18.

ва тафаккурида ушбу жамоа “хаёти ва фаолиятининг шаклланган турларининг модификацияси (ўзгариши) амалга ошади”<sup>64</sup> Бу жараёнда этнос стратегик тараққиёти учун муҳим бўлган анъаналар яшаб қолади, қолганлари табиий танланиш таъсирида ўз-ўзидан қадрсизланиб боради.

Этнос ва анъана ўзаро боғлиқ тушунчалар бўлиб, бири иккинчисини тақозо этади. Этник бирлик ва анъаналар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар анъанавийлик парадигмаси орқали тадқиқ этилади. Анъанавийлик парадигмаси эса этник бирлик турмуш-тарзи мазмунига айланган анъанавий қадриятларга таяниб воқеликдаги ижтимоий-маънавий жараёни қўриқлайди ва тартибга солади. Этнос ва анъаналар барқарорлигини таъминлаш зарурияти анъанавий қадриятларга бир қатор ижтимоий вазифалар юклайди:

ижтимоий-маънавий башорат вазифаси – анъанавий қадриятлар этник бирликнинг яқин келажакдаги ижтимоий-маънавий соҳадаги тараққиёти мезонларини белгилайди;

интегратив вазифаси – жамиятдаги мавжуд турли ижтимоий гуруҳларни, этник жамоларни ягона мақсад йўлида бирлаштириб турувчи умуминсоний анъаналарни шакллантиради. Бу каби анъаналарга эътиқод қилувчи жамоа аъзоларида ўзаро маънавий-руҳий яқинлик вужудга келади, бир-бирларига нисбатан ҳамдард, ҳамжиҳат бўлиб яшаш уларни руҳан яқинлаштиради, бу эса жамоа учун умумий бўлган одоб-ахлоқ меъёрлари, ижтимоий мақсадлар уйғунлигини юзага келтиради. Улар ўртасидаги ўзаро ишончнинг мустаҳкамланиб боришига имконият туғилади. Ўзаро мустаҳкам ишончга асосланган жамоа ноаниқ ва мураккаб вазиятларда вужудга келган муаммоларни биргаликда, гўёки бир “оила”дек ҳал этади. Бугунги кунда юртимизда шундай маънавий-руҳий маслакдошларни вужудга келтиришда ислом динининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Шу маънода

---

<sup>64</sup> Сугрей.Л.А Традиционализм в контексте социально-философского анализа. Ставрополь. Автореф. док. филос. наук. 2003. стр. 19.

анъаналаримиз юртимизда маънавий-руҳий маслакдошларни шакллантирувчи институтлардан биридир, уларни жиддий таҳлил этиб, амалиётга жорий этиш бугунги куннинг стратегик вазифаларидандир;

тарбиявий-маърифий вазифаси – этник жамоа аъзолари онги ва қалбида собит имон-этиқодни шакллантиради, нафақат ўз “Мен”ини, балки ижтимоий “Мен”ни англашга ундайди, энг муҳими бугунги маънавий тажовузлардан ҳимоя этувчи миллийликнинг барча кўринишларини сақлаб қолади;

йўналтирувчилик вазифаси – анъанавий қадриятлар жамият аъзолари турмуш-тарзига айлангач, улар фаолиятида эзгулик, инсонийлик бирламчи ҳодисага айланади ҳамда буюк мақсадлар учун йўналиш белгилайди. Хусусан тарихий бурилишлар, чуқур ислоҳотлар даврида бу вазифа ҳаёт-мамот аҳамият касб этади;

ўз-ўзини янгиловчи ва бошқарувчи вазифаси – унда этник бирлик яшаш тарзи мазмуни бўлган анъанавий қадриятлар замон ва макон талаб-эҳтиёжлари ўзгарган даврда ҳам асл моҳиятини сақлаб қолиши тушунилади. Анъанавий қадриятлар ўз-ўзини доимий янгиловчи ва бошқарувчи тизим бўлса-да, унинг олдинга ёки орқага ҳаракати инсон омили билан боғлиқдир. Шу маънода, анъанавийлик фалсафаси дунёдаги барча этник жамоалар турмуш-тарзини ғарблаштиришга уринаётган “замонавийлик” тарғиботчилари таълимотларига қарши тура олади. Чунки анъанавийлик ижтимоий онгда миллий ўзликни англаш феномени сифатида намоён бўлади.

Анъана хусусиятларини ўрганишда ижтимоий тафаккур ва борлиқ ўртасидаги муносабатлар таҳлили муҳим аҳамиятга эга. Этник жамоа анъанавий хусусиятларини янада баркамоллаштиришда ижтимоий ва индивидуал тафаккурда ўзаро ишонч, кўпчилик фикрини қадрланиши, эҳтиёжлар уйғунлиги каби жиҳатлар объектив заруратдир. Жамият тараққиёти учун зарур бўлган анъаналар ижтимоий тафаккур шакллари фан, дин, санъат орқали халқ турмуш-тарзига кириб боради ҳамда воқеликдаги

эҳтиёжлар доирасида янгиланади. Ушбу эҳтиёжлар ижтимоий борлик қонуниятларига мувофиқ бўлиши даркор. Этник жамоа кундалик турмуш-тарзи ифодаси сифатида пайдо бўладиган анъаналарда кишилар феъли-характеридаги ижтимоий ва табиий хусусиятларни кузатишимиз мумкин. Анъана мазмун-моҳиятига кўра, жамиятнинг моддий ҳаётига бирламчи таъсир кўрсатадими ёки маънавий оламига-ми? – ушбу қарашни структуравий-функционал таҳлили миллатнинг иқтисодий ва маънавий ҳаётини холис ва объектив ўрганишга имкон беради. Гносеология қоидаларига кўра, нарса ва ҳодисаларни моҳиятини билишда унинг ташқи хусусият ва белгилари муҳим аҳамиятга эга бўлганидек, анъаналарни асл мақсад ва мазмунини ташқи белгиларига қараб, яъни моддийлашган ҳолида аниқлаш мумкин, акс ҳолда улар утопия, ҳаёлий ҳодиса сифатида намоён бўлади. Бу билан анъаналарни ижтимоий тараққиётнинг бирламчи асоси сифатида баҳоламоқчи эмасмиз, гарчи улар жамият моддий ҳаёти ривожланиши жараёнига таъсир этсада, аслида ушбу жараёндаги ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштиришдаги хизмати муҳимдир.

Анъанавий қадриятлар:

- 1) этник бирлик аъзоларига ҳаётнинг маъносини чуқурроқ англаш, муайян доирадаги ижтимоий меъёрларга мослашиш имконини беради;
- 2) кишиларни ҳаёт тарзи, фикрлаш усули, ҳаётининг принципларини белгиловчи муҳим восита сифатида намоён бўлади<sup>65</sup>;
- 3) инсон-жамият-табиат тизимидаги ўзаро муносабатларни уйғунлаштириб, уларни изчилликда ривожланишини таъминлайди;
- 4) этник бирлик маънавий-руҳий дунёсини соғломлаштириб, ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот объектимизнинг ижтимоий фалсафа учун энг аҳамиятли жиҳати анъаналарни вужудга келтирувчи омиллар ҳамда ривожланиш сабабларининг тадқиқидир. Айнан ушбу хусусиятлар ижтимоий тузумга оид

---

<sup>65</sup>Бу ҳақда туларок маълумот олиш учун қаралсин: Назаров Қ. Аксиология. Қадриятлар фалсафаси. Т. Маънавият. 1998. Б.47.

кайси таълимотлар яшашга ҳақли ёки ҳақли эмас деган муаммони ечими сифатида намоён бўлади. Анъанавийлик концепциясини замонавий кўринишдаги таълимотларга зид қаралиши сабаби “анъаналар ўзгармас тарзда қотиб қолган ва консерватив ҳодисалар сифатида тасвирланади, инновацияларга эса барча янгиланиш ва тараққиётга олиб боровчи нарса ва ҳодисалар киритилади”<sup>66</sup> каби ҳаёлий ва бир томонлама дунёқарашнинг мавжудлигидир. Анъанавийлик концепциясини таълимот сифатида тан олмаслик жамият ижтимоий-маънавий ҳаётидаги муаммолар ечимида сунъий хулоса чиқаришга ёки ўзга таълимот қарашларига таянишга мажбур қилади. Энг ачинарлиси, этник бирлик қадриятлари, яъни анъаналар давлат ва жамият эътиборидан ажралиб қолади. Бугунгидек анъаналар назарияда тадқиқот объекти сифатида улуғланади, қадрланади, амалиётда эса ушбу таълимотга эргашувчилар айрим хорижий кузатувчилар наздида “эскича фикрловчи” миллат сифатида эътироф этилади. Шу маънода, анъанавийликни таълимот сифатида шакллантириш учун этник жамоа анъаналарини кишилиқ тараққиёти жараёнидаги ривожланиши диалектика қонунларига асосланиши, яъни анъаналарда миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши, қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши ҳисобига уларни янги воқеликка мос меъёрлари яратилиши эътиборга олинishi лозим. Шунингдек бу жараёнда инкорни-инкор қонуни орқали эски анъаналар негизида янгиларини яратиш имкониятидан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Диалектика қонунлари ёрдамида анъанавийлик концепциясини тадқиқ этилиши, уни замонавий таълимотлар зидди сифатида эмас, балки ҳар қандай жамият тараққиёти анъанавий ва замонавий парадигмалар гармониясига асосланиши объектив зарурат эканлигини баҳолашга имкон беради. Бугун илмий жамоатчилик томонидан ушбу тенденция атрофлича ўрганилмоқда, улардан бири Шаповалов В. ушбу ҳолат ечимини шундай изоҳлайди: ”ўз асосидаги модернизация, инъикос этувчи ва эргашувчи

---

<sup>66</sup> Сугрей.Л.А Традиционализм в контексте социально-философского анализа. Ставрополь. Автореф. док. филос. наук. 2003. стр. 20.

модернизациядан фарқ қилган ҳолда, мазкур мамлакатнинг миллий ва цивилизациявий хусусиятларини, анъаналарини эҳтиёт қилиш, маданий хусусиятлар ва ўзига хосликни ҳисобга олишни тақозо этади”<sup>67</sup>. Яна бир тадқиқотчи Сугрей Л. А. бу жараёнга позитив ёндошиб: “анъаналарга, айниқса этномиллий анъаналарга “модернизация” идеологлари томонидан амалга оширилаётган ғарб схемалари бўйича танбеҳ бериш, ҳозирги давр дунёсида ижтимоий борлиқ анъанавий шакллариининг мустаҳкамлиги, турғунлиги ҳодисасига эътибор қаратган концепцияларни кўпроқ ёқтирилишига олиб келмоқда”<sup>68</sup> дея ғарб назарийетчилари қарашларини маъқуллайди.

Замонавийлик тарғиботчиларининг анъаналарга қарши кураши, том маънода ўз ўтмишига, аجدодлари яратган анъанавий меъёрларга, умумий маънода миллий мафкурасига қарши курашдир. Анъаналарни бундай таъқибчилардан қўриқлаш учун уларни юзага келтирувчи омилларни ўрганиш керак. Чунки улар ҳар қандай анъана мазмун-моҳиятини ўзида намоён этади, шу маънода уларни ривожлантиришга қодир.

Замонавий дунёда анъанавий қадрият шаклларига қизиқиш кундан-кунга ўсиб бормоқда. Улар жумласига халқ ўтмиши ва бугунини боғлаб турган миллий спорт турлари, миллий фольклорлари, ижоддаги ташаббускорлик, миллий халқ тиббиёти ва педагогикаси, байрамлари ва диний маросимлари, миллий ахлоқий этикаси ва пазандачилигини киритиш мумкин. Ушбу анъанавий қадриятларни ўрганиш орқали халқ ички оламига кириб бориш, уларни ўзига хос хусусиятларини кашф этиш мумкин. Анъаналар инсоният ўтмиши, бугуни ҳамда келажagini боғлаб турган муқаддас маънавий меъёрлардан тузилган мустаҳкам занжирдир. Анъаналар панд-насиҳат маъносида, ахлоқий меъёрлар, қоидалар ва хўжаликни бошқариш малакасини, турар-жой қурилмасини, фарзанд тарбиялаш усулларини,

---

<sup>67</sup> Шаповалов В.Ф. Основы философии современности. К итогам XX века.М., Флинта-Наука, 1998.С.121

<sup>68</sup> Сугрей.Л.А Традиционализм в контексте социально-философского анализа. Ставрополь. Автореф. док. филос. наук. 2003. стр. 22

беморларни доривор-гиёҳлар ёрдамида даволаш йўллари орқали ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этади. Бизнингча, анъаналарни умрбоқийлигини таъминлашда:

-турғунлик;

-яшовчанлик;

-ворисийлик;

-тадрижийлик;

-жамоавийлик;

-хулқ-атвор намуналарига юқори даражада риоя қилишлилик;

-ўзаро ёрдам ва қўллаб-қувватлаш кучлилиги каби ўзига хос хусусиятлари алоҳида аҳамиятга эга. Анъаналар барча ижтимоий тизимларда ҳаракат қилади ва керакли шарт уларни фаолияти ҳисобланади. Одамзоднинг анъаналарга ёмон муносабати мерос бўлиб қолган жамият ва маданият ривожини бузилишига олиб келади. “Анъанага кўр-кўрона эргашиш ижтимоий ҳаётда мутассиблик ва ҳаракатсизликни туғдиради”<sup>69</sup> Анъаналар қандай ва нима мерос олишни тўғри баҳолайди.

Анъанавий қадриятларнинг шаклланиши ва ривожланишида муайян этник бирликка хос бўлган қуйидаги омиллар муҳим аҳамиятга эга: анъана, урф-одат ва маросимлари; бирлашганлик даражаси; меҳнат тақсимотининг хусусияти ва даражаси, уни такомиллаштиришга интилиш<sup>70</sup>; тарихий, этник ва жўғрофий муҳит; кенг маънода маънавий-маданий мерос; этник бирлик қадриятлари, турмуш-тарзи ҳамда орзу-интилишлари. Ушбу омиллар нафақат анъанавий қадриятларни ривожланишига ёрдам беради, айти пайтда уларни озиқлантиради ҳамда мустаҳкамлайди.

Анъаналар этник бирлик ҳаёти ва фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлиб: тартибга солувчи, йўналтирувчи, тасалли берувчи, аксиологик, тарбиявий, эстетик завқ берувчи, ўзаро яқинлаштириш, ахборот билан таъминлаш каби бир неча вазифаларини бажаради. Анъаналар ушбу

<sup>69</sup> Социология” А. А. Радугин, К. А. Радугин, Москва, 2003 г. Издательство “Центр”. Стр. 49.

<sup>70</sup> Саид Шурмухаммедов. Миллий ғоя – ижтимоий тараққиётнинг қудратли омили. Т.: 2010. Б. 20.

функцияларининг бир маромдаги фаолияти этник бирлик бошқарувининг самарали мурватини (механизми) шакллантириб, этник онгда “намунали хулқ-атвор”ни ривожланишига кўмак беради. Хусусан халқимиз “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамият”ига ўтаётган бир пайтда анъаналардаги ушбу жиҳатларни структуравий-функционал таҳлиллаш орқали аввало, уларни амалиётга жорий этиш имконияти туғилади, қолаверса, ушбу воқелик маҳсули сифатида намоён бўлган ҳосилалар туб халқ руҳиятига тезроқ кириб боради.

## Бобга оид хулоса

Дарҳақиқат ижтимоий тузум, унда инсоннинг ҳаёти ҳамда яшаш тарзини бошқаришда кадриятлар муҳим ўрин эгаллайди. Биз яшаётган жамият инсонлар, этник гуруҳлар, миллатларнинг биргалашиб кун кечирадиган замини, масканидир. Жамият ана шундай кишилар уюшмасидан иборатлигини ҳисобга олсак, унга мураккаб тизим сифатида қарашимиз, тушунишимиз ва у маълум қонун-қонуниятлар асосида бошқарилишини назарда тутмоғимиз лозим бўлади.

Жамият ҳаётининг барча соҳалари, ижтимоий, маданий, сиёсий, иқтисодий бўлмасин, улар бари бир-бири билан муштарак, узвийликда бўлиб, ўзаро алоқадорлиги билан бири иккинчисини тақозо этиши ва ворисийлик тарзда ривожланиши билан ўлчанади. Буларнинг марказида ягона меъёр - кадрият тушунчаси, категорияси бўлиб, жамиятни бошқаришнинг бир жиҳати у орқали ифодаланади. Кадрият тушунчаси, маданият, тамаддун, борлиқ каби категорияларига ўхшаш кенг қамровли тушунчадир. Ушбу муаммо Шарқ ва Ғарб файласуфлари томонидан атрофлича татбиқ қилинган<sup>71</sup>.

Инсоният қадимдан табиат бағрида яшар экан, ўзини табиатнинг ажралмас бўлаги сифатида ҳис этиб келган. Лекин вақтлар ўтиб одамзод тафаккури юксалиши билан ўзи учун янги оламини яратиб, табиатдан узоқлаша бошлади. Хусусан ортиқча маҳсулотнинг пайдо бўлиши мулкий тенгсизликни келтириб чиқариб, урбанизация жараёнини тезлашувига олиб келди, бу эса инсониятни Она – табиатдан бегоналашувига сабаб бўлди. Одамзот келажаги фаровонлиги учун яратилган ихтиро ва кашфиётлар ушбу жараённинг кучайишига олиб келди. Ягона қавмдан бўлган одамзод миллатлар, элатлар ва давлатларга бўлиниб кетди. Инсониятдаги қон-қариндошлик муносабатларининг заифлашиши бегоналашишнинг иккинчи

---

<sup>71</sup> И.М.Мўминов. “Амир Темурнинг ўрта Осиё тарихи”, -Т., Фан, 1968, Х.А.Алиқулов “Нақшбандия кадриятлари”. “Туркистон” газетаси, 1993 йил 15 сентябрь, Х.П.Пўлатов “Сизни яхши кўрар эдим, одамлар”. -Т. Хазинов, 1994; Виндельбанд. В.Прелюдин. Спб.1904; Риккерт Т.О. Понятия философии. Спб. Логос, 1914; Ценности жизни и ценности. Спб. Логос, 1912-1913

босқичи эди. Бугун инсоният бегоналашувнинг энг фожиали ва охириги босқичини кузатмоқда. Бунда инсоният ўзлигидан, ўз “Мен”идан онгли тарзда воз кечмоқда. Бу жараёни олдини олиш мумкинми? Инсоният ўз ўтмишини унутса, кимлигини англамаса, воқеликдаги нарса ва ходисаларга лоқайд муносабатда бўлса, ҳаёт мазмуни, кадри қиймат билан баҳоланса – инсониятнинг нафақат келажаги балки бугуни ҳам маъносиз воқеликка айланмайдими?

Бизнингча, бегоналашув жараёни инсоният турмуш-тарзи ва фаолиятида кескин бурилишлар, фожиали оқибатларга олиб келмаслиги учун ижтимоий-маънавий тараққиёт маҳсули - анъанавий қадриятларни сақлаш, қайта баҳолаш ва келажак авлодга узатишнинг назарий-услубий асосларини шакллантиришимиз зарур.

Анъанавий ва замонавий қадриятларнинг назарий-услубий таҳлили шуни кўрсатадики, улар ўртасидаги диалектик алоқадорлик аниқ бир ижтимоий-маънавий муҳит ҳамда субъектив омиллар таъсирида вужудга келади. Агар мавжуд ижтимоий-маънавий макон муайян даврда анъанавий ва замонавий қадриятларнинг диалектик тарзда ривожланишига шароит яратса, субъектив омиллар уларга йўналиш бериб, амалий жараёнларга тортади.

Анъанавий ва замонавий қадриятларни тадқиқи борасида сўнгги пайтларда оз бўлсада илмий изланишлар олиб борилмоқда. Лекин ушбу тадқиқот ишининг назарий-услубий жиҳатлари ҳалигача илмий жамоатчилик эътиборидан четда турибди. Бу мавзуга яқин бўлган санокли изланишларда ушбу масаланинг айрим хусусиятлари ёритилган бўлиб, уларда мазкур тадқиқот объекти айнан танланмагани учун, қолаверса, бугунги модернизация жараёнида ўрганилаётган объектга боғлиқ бўлган илмий-назарий қарашлар, хулосаларни умумлаштириб концептуал мазмунда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш зарурияти ушбу тадқиқот ишига ундаган омилдир.

Жамият маънавий муҳитини соғломлаштириш анъанавий ва замонавий кадриятлар уйғунлигига асосланади, бу ўринда бугунги ёшларнинг маънавий етук, имон-эътиқодли қилиб тарбияланишидан давлатимиз ҳам манфаатдордир.

Маънавий қашшоқлик шахсни, халқни, миллатни таназзулга етаклайди. Шу маънода ёшларни маънавий кўринишдаги анъанавий кадриятларга содиқлик ҳиссида тарбиялаш, улар онгида бугун пайдо бўлаётган янги кадриятларга диалектик муносабатни шакллантиради. Бу эса бугун аксарият ривожланган давлатлар маънавий ҳаётида рўй бераётган ўз “Мен”идан бегоналашувини олдини олади. Зеро, анъанавий кадриятларни ўрганиш, улар орқали шаклланган “намунали хулқ-атвор” мезонларига риоя қилиш ҳамда уларни қайта ишлаб, бойитиб келажак авлодга узатиш ҳар бир халқ фарзандининг аждодлари олдидаги қарзи, авлодлари олдидаги бурчидир.

Алоҳида таъкидлаш зарурки, бугун шаклланаётган кадриятларни халқимизнинг руҳияти, анъана ва урф-одатларига тўғри келмайдиган, маънавий идеал ва эҳтиёжларини ўзгартириб юборишга қодир бўлган жиҳатларини мажбуран ёки турли “ниқоб”лар воситасида тикиштиришга уринишларга чек қўйиш лозим. Тўғри, кучли анъанавий тажрибаларга эга бўлган халқимиз маънавий тафаккури деструктив тавсифдаги таҳдидларга чидамлидир. Лекин ғаразли кучлар менталитетимиздаги соддалик, ишонувчанликдан айниқса, ислом дини ниқоби остида фойдаланаётгани анъанавий кадриятларимизни қайтадан танқидий баҳолаш заруриятини туғдирмоқда. Бу фикр билан анъанавий кадриятларни тубдан ислоҳ қилиш керак демоқчи эмасмиз, балки ушбу ҳодисани амалга ошириш учун аввало, ижтимоий онгда уларга нисбатан эҳтиёжни ўрганмоқ керак. Чунки халқнинг “ўқ” илдизидан бегона бўлган янгича кадриятлар унинг руҳий дунёсида инъикос этмай, балки, ундаги ўзига хосликни емириб, кундан кунга ўз моҳиятидан, кейинчалик ўзидан бегоналашувига олиб келиши мумкин.

## **II. Боб. Анъанавий қадриятлар: тарихийлик ва замонавийлик диалектикаси**

### **2.1. Анъанавий қадриятлар ривожининг ижтимоий-фалсафий илдизлари.**

Қадимги Шарқ худуди инсоният кейинги тараққиёти учун асос бўлувчи энг муҳим маънавий қадриятлар юзага келган макон сифатида аҳамиятлидир. Хусусан бу ерда халқ оғзаки ижоди намуналари, ёзув, фан соҳалари, биринчи жаҳон дини - буддизмнинг пайдо бўлиши инсоният тарихидаги дастлабки маданий цивилизация вужудга келганини билдиради.

Шарқда анъанавий қадриятларнинг шаклланишига таъсир этган энг муҳим омиллардан бири хўжалик юритишда суғорма деҳқончиликка асосланганлигидир. Суғорма деҳқончилик эса мустаҳкам жамоа бўлиб ўтроқ яшашни тақозо қилади. Аввало, суғорма деҳқончилик этник жамоалар феъли характерида муайян тизимдаги умумий хислат ва фазилатларни шакллантирди, кейинчалик объектив равишда аста-секин ўтроқлашувнинг маданий тус олиши ўзига хос анъанавий қадриятлар тизимини вужудга келтирди. Бизнингча, улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин: деҳқонлик, ер-сувга ихлос; мустаҳкам жамоалик (маҳалла, қишлоқ), жамоа фикрини қадрлаш; туғилиб ўсган жойга боғланганлик, муқимлик; аждодлар хотирасига садоқат; оилапарварлик; қариндош-уруғчилик, қўни-қўшничилик кучлилиги; миллий, диний ҳамжиҳатлик; урф-одатларни қадрлаш; хушчақчақлик, тўй-томошалар кўплиги, хилма-хиллиги; сабр-тоқатлилик, андиша кучлилиги; маънавий сахийлик; пазандалик, миллий кулинариямизнинг бойлиги ва бошқа кўплаб миллий хусусиятларимиз анъанавий қадрият сифатида авлодлардан авлодларга узатилиб келинмоқда. Шу маънода суғорма деҳқончиликни анъанавий қадриятларнинг “бешиги” сифатида баҳолаш мумкин.

Анъанавий қадриятлар ўтмиш билан боғлиқлиги учун ҳам қадрлидир. Чунки уларда инсоният тарихий тараққиёти тажрибалари мужассамдир. Ушбу фикрни И.П. Вейнберг Шарқ маданияти “илк кашфиётчи ва асосчи

сифатида улкан миссияни”<sup>72</sup> бажарди дея асослайди. Дарҳақиқат дастлаб Ғарб ижтимоий-маънавий ҳаётини Шарқ ютуқларидан фойдаланиб ривожлантирган бўлса, Шарқ ижтимоий-маънавий ҳаёти ҳанузгача замонавийлик антитезиси ҳисобланган анъанавийлик кўринишида ривожланмоқда. Шарқда анъанавий турмуш-тарзини сақланиб қолишида ибтидоий муҳитнинг таъсири кучли бўлган.

Бизнингча, кишилиқ тарихининг илк даврларида анъаналарнинг шаклланиши ихтиёрий онг иродасига боғлиқ бўлмай, балки табиий зарурият туфайли юзага келган. Масалан, дастлаб жамоанинг соғлом, бақувват ёшлари ўз уруғидаги куч ва мадордан айрилган кексаларни ўлжа тутолмаган кунлари истеъмол қилган (бу ҳолат фанда “каннибализм” дейилади). Кейинроқ овчилик ва термачилиқ соҳасидаги тўпланган билим ва тажрибаларни сақлаш ҳамда кейинги авлодга узатиш зарурати жамоадаги кексалар қадрини оширди, бу эса авлодлар ўртасидаги муносабатларни юмшатилишига олиб келди. Ёши улуғлар секин-аста фақат билимларни сақлаб, келажакка узатувчи “воситадан” ҳар қандай кўринишдаги ижтимоий муаммоларни ҳал этувчи фаол ва керакли шахсга айланиб борди. Улар “табу” тизимини шакллантириб, умумий назоратни қўлга олдилар. Ушбу руҳсат ва тақиқлар анъаналарнинг дастлабки, энг содда кўриниши бўлиб, уларга оммавий итоат этиш жамоанинг эътиқодига айлана борди. “Дастлабки пайтларда ва узоқ йиллар “табу”ларда қандайдир сеҳрли куч борлиги ҳақида тасаввурлар бўлмаган. Уруғ жамоалари шакллангач, ўз ақл-заковатлари билан қариндош-уруғларига тўғри йўл-йўриқ кўрсатган қариялар вафот этгач, улар ҳақида турли афсоналар тўқилди, урушларда мардлик кўрсатганларни ёшларга намуна этиб кўрсатиш натижасида уларда қандайдир сеҳрли куч бўлганлигига ишонч руҳи сингдирила бошланди. Афсоналар, эртақлардаги ғояларга сиғиниш руҳи ибтидоий жамоа

---

<sup>72</sup>Вейнберг И.П. Рождение истории: Историческая мысль на Ближнем Востоке середины I тысячелетия до н.э. М.: Наука, 1993. стр 125.

барқарорлигини шарти бўлиб қолди”<sup>73</sup>. Профессор И. Каримов фикрларидан кўриниб турибдики, анъаналар ибтидоий жамоа даври одамлари тафаккури ва турмуш-тарзини юксалишида катта туртки бўлиб, одам ва олам муносабатларига тўғри ёндошиш кўникмасини шакллантирди. Ибтидоий даврдан мифологик фикрлаш усули, нутқ ва фаолият мерос бўлиб ўтди. Шу билан бирга қадимги Шарқ маданияти намуналари ўз дунёсининг “бошловчиси” сифатида намоён бўлди. Қадимги Шарқда яратилган мифлар ташқи томондан анъанавий шаклда намоён бўлсада, аслида улар келажакка йўналгантирилгандир. Масалан “энклар ва коинот” (Месопотамия), тангри Птах ҳақида (Миср), Хитойнинг афсонавий ҳукмдори ҳақидаги мифларда худолар ва илк аجدодлар зироатчилик ва хунармандчилик кашфиётчилари, дастлабки қурилиш лойиҳачилари, қонун ва ёзув ихтирочилари яъни, анъанавийлик замирида замонавийликка хос бўлган қадриятларни ижодкори сифатида намоён бўлади. Шунингдек, асотирларда ижтимоий тараққиёт қонунларидан бири қарама-қаршилиқлар бирлиги ва кураши қонуни анъанавий образлар орқали тасвирланади.

Қадимги Шарқ халқларининг анъаналари ва эътиқодлари ҳақидаги маълумотлар бугунги кунгача сақланиб қолган, улар бизнинг тасаввур дунёмизни кескин фарқ қилувчи оламга бошлайди. Қадимги Шарқда анъаналарнинг шаклланиши мифларга асосланган дунёқараш билан чамбарчаст боғлиқдир.

Қадимги Шарқда воқеа - ҳодисалар оқибати илоҳий куч билан боғланади. Шунинг учун кўпинча муаммога “нима учун” деб эмас, балки “ким айбдор” деб мурожаат қилинади. “Сабабларни” бундай идрок қилиш оқибатида мифларга асосланган дунёқараш айрим ва бутунча, бир-бирига ўхшаш ҳар қандай ташқи мосликни қабул қилади. Функционал алоқадорлик сифатида макон ва замондаги ҳар қандай боғлиқлик сўзи билан мифологик тафаккурнинг фикран боғлиқлиги ҳақида гапиришга имкон туғилади.

---

<sup>73</sup>Иброҳим. Каримов. Имон ва маслак тарихи. Т.: Янги нашр. 2010. Б. 27.

Фикрий боғлиқлик билан ўхшаш тафаккур ҳам алоқадор. Ўзи учун нотаниш воқеа- ҳодисани англаш учун унга ўхшаш воқеа-ҳодисани ўтмишдан излаб қиёслайди. Зеро, “илк андоза” тенденциясига мувофиқ воқеликдаги барча воқеа-ҳодисаларга ягона асос яратганнинг “илк андоза” сидир.

Мифларга асосланган дунёқарашнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда ҳар қандай тараққиёт қарама-қарши тарафлар бирикуви натижаси сифатида баҳоланади. Масалан: юкори-қуйи, ўнг-сўл, осмон-ер, мағриб-машрик, кун-тун, ҳаёт-ўлим ва бошқалар. Шу маънода, ўнг, юкори, яқин, ҳаёт, ёруғ ижобий хусусият, сўл, қуйи, узок, коронғу эса салбий жиҳатини ташкил қилади.

Мифларга асосланган дунёқарашнинг ўхшаш жиҳатлари унинг анъанавийлигини белгилайди. Маълумки анъаналар халқимизнинг турли кўринишдаги турмуш-тарзи, урф-одат ва маросимлари билан ўзаро узвий боғланган бўлиб, улар маълум ”намуна”даги ахлоқий меъёрларга таянади, этник бирлик фаолиятида “адолат” мезони ҳисобланади. Чунки уларда жамоанинг улуғ тарихий сабоқлари акс этгандир. Шарқ халқлари ҳаёти, турмуш-тарзи қадимдан анъанавий қадриятлар асосида олиб борилган. Шу маънода, аждодлар мероси мутлоқ ҳақиқат сифатида қабул қилинган. Д. С. Лихачев таъбирича, мутлоқ ҳақиқат ҳукмронлиги ижтимоий “одобилик” гарови ҳисобланган<sup>74</sup>. Шарқона ахлоқ негизини азалдан мавжуд бўлган анъаналарни қайта тиклаш ҳамда ўз ҳаёти параметрларини белгилашда уларга бўйсуниб яшаш ташкил этади. Гуревич шундай дейди: “кишилар ҳаракатининг кўкдаги илоҳий тимсолга талпиниши уларни илоҳ билан боғлаб, ахлоқда воқеликка айланди”<sup>75</sup>. Кишиларнинг шахсий, оилавий ҳамда жамоа билан фаолиятида маросимлар алоҳида аҳамият касб этади. Бундай жамият кишилари онгида ўтмиш қадриятлари эъзозланиб, уларга ижобий қарашган. Шу маънода маданий-маиший қадриятлар асрлар давомида “асл” қиёфасини сақлаб келмоқда. Хусусан баъзи ижтимоий онг шакллари

<sup>74</sup> Лихачев Д. С. Человек в литературе древней Руси. М.: 1958. стр. 186.

<sup>75</sup> Гуревич П.С. Философская антропология. - М.: Вестник. 1997. С. 217-218.

(санъат, дин) барқарор ривожланиши ҳам анъанавий жамиятларга хос белгидир. Замонавий жамият вакиллари эса оламни доимо интенсив ўсишда деб билади. Улар фикрича, олам янгича қиёфага кириши учун тиинмсиз ўзгаришлар, ислохотлар зарур. Бу ҳолат бир томондан, замонавий жамият аъзоларини оламни чуқур ўрганишга қизиқишининг кучлилигини ифодаласа, бошқа томондан оламдаги табиий ресурсларни ҳаммадан илгари ва кўпроқ эгаллаб олишга йўналтирилган фаолият (буюк географик кашфиётлар, йирик ва майда урушлар натижасида мустамлакаларга эга бўлиш) эканлиги билан ҳам ҳарактерланади. Анъанавий жамият аъзолари фикрича, оламдаги барча нарса ва ҳодисалар “ўз ҳолича” яшаши керак. Олам тақдирини қадимдан худолар белгилаган ва улар истак-ҳоҳишлари қараб келажак белгиланади.

Мифларга асосланган дунёқараш бўйича индивид этник бирликнинг бўлаги ҳисобланса, этник бирлик ўзи ва жамоа тақдирини илоҳий куч билан боғлаган. Айтиш лозимки, деярли барча анъанавий таълимотларда “шахсий жавобгарлик” ҳисси мавжуд бўлсада, умумий ижтимоий воқеликка нисбатан у иккиламчи мазмун касб этган.

Марказий Осиёда жамиятимиз маънавий-ахлоқий муҳитини соғломлаштиришга хизмат қиладиган қадриятлар тизими узоқ тарихга эга. Жумладан шу кунгача бутун инсониятга маънавий озуқа бериб келётган зардуштийларнинг муқаддас китоби “Авесто”, мустамлакачилар билан курашларда миллат ғурури ва номуси учун ўз жонини қурбон қилган Спитамен, Широқ ва Тўмарис қаҳрамонликлари мадҳ этилган афсоналарнинг авлодлардан авлодларга ўтиб келётгани миллий-маънавий қадриятларимиз анъанавий хусусиятга эгалигини кўрсатади.

Мифологик дунёқараш маҳсули сифатида вужудга келган, анъана ва қадриятларнинг шаклланиши ва ривожланишининг маънавий “булоқ”ларидан бири зардуштийларнинг муқаддас китоби “Авесто”дир. Унда халқимизнинг жамият ва табиат ҳақидаги дастлабки қарашлари ва тасаввурлари акс этган бўлиб, ундаги хулосалар бугунги кун кишиси учун олам ва одам муносабатларини ўрганишда назарий-услубий асос бўла олади.

Зардушт таълимотида ижтимоий адолатни қарор топтириш яккаю-ягона худо – Ахурамазда ваҳийларига қаттиқ амал қиладиган комил Ақл эгаси инсон образи билан боғланади. Комил ақл эгаси ўз ҳаёт маъносини белгилаши уч ахлоқий тамойилга асосланади: эзгу фикр, эзгу ният, эзгу амал. Бу тушунчалар қадриятга айланиши учун шахс-оила-жамият тизимида ягона умумижтимоий рухий ҳолат шаклланиши учун тинимсиз ушбу сўзлар муқаддаслиги такрорланиб, афсоналар, аллалар, шеърлар, дostonлар, маталлар кўринишида тарғибот-ташвиқот қилинган. Зардушт тилидан Нисше қадрият тушунчасига шундай баҳо беради: “Қадрлаш бу яратишдир! Қадр барча қадрланган нарсаларнинг дурдонаси ва жавоҳири. Қадр қадрлаш орқали намоён бўлади, мағзсиз ёнғокда қадр йўқ”<sup>76</sup>.

“Авесто”даги фикр ва қарашлар милоддан аввалги XIII-IV асрлар оралиғида яшаган этник бирликлар дунёқараши, ўй-хаёллари, турмуш-тарзи, анъана ва урф-одатлари маҳсули сифатида намоён бўлиб, бутун бир қадриятлар тизимини ташкил этади. Ушбу таълимотда туб этник бирлик мақсад ва манфаатларига мос келган фикр ва қарашлар анъана сифатида эъзозланиб, ворисийлик тамойили асосида авлоддан-авлодга узатилиб, бугунги кунгача ижтимоий ҳаётнинг кўпгина соҳаларида яшаб келмоқда. Зардуштийлик таълимотида анъанавий қадриятлар икки тизимда намоён бўлади:

- шахс-табиат тизимидаги анъанавий қадриятлар;
- шахс оила-жамият тизимидаги анъанавий қадриятлар.

“Авесто”да тупроқ, сув, ҳаво, олов муқаддаслаштирилиб уларни ифлослантириш ва исроф этиш энг оғир гуноҳ ҳисобланиб, бундай жиноятлар учун “судья Заратуштроэма - Оқсоқоллар Кенгаши вакиллари ва жамоанинг нуфузли аъзолари билан келишган ҳолда ижтимоий хавфлилик даражасига қараб асосан қамчи билан жазолаш, жарима, баъзи ҳолларда ўлим жазоси”<sup>77</sup> ҳам қўлланган. Тупроқ, сув, ҳавога нотўғри муносабат ечиб

<sup>76</sup> Виктор А. Фалсафа ёхуд фикрлаш чанқоғи. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ. 2007. Б. 52.

<sup>77</sup> Бобоев Ҳ., Ҳасанов С. “Авесто” – маънавиятимиз сарчашмаси. – Т.: Адолат. 2001. – Б. 76

бўлмас экологик муаммоларни келтириб чиқаришини Зардушт яхши билган. Ваҳоланки у давр одамлари дунёқарашидан ривожланган бугунги кун одамлари табиатнинг ҳам объектив қонунлари мавжудлигини, уларга нотўғри муносабат ўнглаб бўлмас салбий оқибатларга олиб келишини ўз кўзлари билан кўришса ҳам, эътиборсиз бўлмоқдалар (гўёки ўзга сайёраликдек). Айтиш лозимки, 30-40 йил илгари сувга ахлат ташлаш у ёқда турсин, ҳатто тупуриш ҳам уят саналган. Ҳозир эса шахсий ва гуруҳий манфаатлар қули бўлган айрим завод, ташкилот ҳамда хусусий фирма эгалари чиқиндиларни ер ости қувурлари орқали арик, сой, каналларга чиқариб юбормоқдалар. Ушбу ҳолатлар келажакда давом этмаслиги учун ҳам Зардуштийлик ғояларини ёшлар онги ва қалбига сингдириш зарур. Ахурамазданинг “ерга яхши, соғлом уруғлар сепишдан ортиқ савоб иш йўқ”, “олам гўзаллиги деҳқондан, кимки ерга уруғ қадабди, у одамийликка имон келтиради, ягона шу йўлгина ҳақиқат бўлиб, қолгани саробдир” каби фикрлари бугунги кунда ҳам амалий аҳамиятга эга бўлиб, кишиларда меҳнатсеварлик кўникмасини шаклланишига хизмат қилади. Хусусан илмий-техника инқилоби таъсирида бугунги ёшларда “истеъмолчилик” кайфияти ривожланиши, уларда меҳнат қилиш майлларини заифлашувига сабаб бўлмоқда, бу эса “Авесто”даги деҳқончиликка оид анъанавий қадриятларни қайтадан баҳолаш заруратини туғдиради. Шу маънода бугунги кунда ҳам ҳукуматимиз раҳнамолигида зардуштийликнинг анъанавий байрамларидан Наврўз, Меҳржон ва деҳқончиликка оид турли маросимлар ўтказилиб, халқимиз томонидан ардоқланиб келинмоқда.

“Авесто”да шахс-оила-жамият тизимидаги муаммолар ҳам атрофлича ўрганилиб, уларни “инсонийлик” мезонлари асосида ҳал этиш усул ва воситалари ишлаб чиқилган. Зардуштнинг “тарбия ҳаётнинг энг муҳим таянчи бўлиб ҳисобланиши лозим” деган фикри бугунги янгиланишлар жараёни учун маънавий ўлчовдир. Зардуштийлик дини анъанасига кўра, бола 7 ёшга тўлганда “муқаддас кўйлак” кийдириш маорсими ўтказилган ва шу кундан у мураббий кўлига топширилган. Маросимда бола мураббийси

билан бирга Ахурамаздага эзгу фикр, эзгу ният, эзгу амал орқали Комил ақл эгаси бўлишга қасам ичган. Бундай машғулот бир кунда беш маротаба такрорланган. Бутун ҳаёти давомида ушбу қасамни ёдга солиб туриш учун 15 ёшида жун ипакдан тўқилган камар боғланган. Онтини бузган кишидан камар ечиб олиниб, жамиятдан бадарға қилинган. Ушбу анъана орқали аввало ёшлар қалбида ягона Ахурамазда эзгулик тимсоли сифатида гавдаланиб, унинг ваҳийлари асосида яшаш ризолиги пайдо бўлади, қолаверса ёвузлик тимсоли Ахримандан нафратланиш ҳисси шаклланади. Бу эса келажакда оқни қорадан, ҳалолни ҳаромдан ажратувчи, гуноҳ ишлардан ҳазар қилувчи кишилар жамоасини шаклланишига хизмат қилган. Ушбу таълимотга кўра “яқин қариндошлар ўртасида фарзандларнинг ўзаро оила қуриши маън қилинганлиги, соғлом авлоднинг туғилиши учун ота-оналар шароб ва турли гиёҳванд моддаларни истеъмол қилмасликлари зарурлиги”<sup>78</sup> каби қарашлари нафақат миллат соғлигини, балки жамият маънавий муҳитини соғломлаштириш омили бўлишлигини яхши билганлар. Ёки “ёмон овқатланган халқ на яхши, кучли ишловчиларга ва на соғлом, бақувват болаларга эга бўлади...Ёмон овқатланишдан одоб-ахлоқ ҳам айниб кетади. Агар нон мўл-кўл бўлса, муқаддас сўзлар ҳам яхши қабул қилинади”<sup>79</sup>. Бу фикрлар ташқи томондан жуда содда кўринсада, аслида уларда бутун бир инсоният тажрибаси мужассам.

Бугунги янгилинишлар даврида кўпгина анъанавий қадриятлар мазмун-моҳияти ижобий ёки салбий томонга оғиб кетмоқда. “Инсоннинг бу жараёндаги қадри эса, яхшиликнинг ғалабаси учун курашда бефарқ турмаслигида, яшаш тарзида, маънавий қиёфасида, ижтимоий фаолиятида ўз ифодасини топади”<sup>80</sup>. Воқеликдаги ижтимоий онг нарса ва ҳодисалар қадрини моҳиятидан эмас, балки сиртидан изламоқда. Бу эса фалсафадаги шакл ва мазмун мутаносиблигини бузмоқда. Ушбу ҳолатни жамиятни барча

---

<sup>78</sup> Бобоев Ҳ., Ҳасанов С. “Авесто” – маънавиятимиз сарчашмаси. – Т.: Адолат. 2001. – Б. 54

<sup>79</sup> Каримов И. Маънавият, фалсафа ва ҳаёт. Т.: - Фан. 2007. – Б. 17.

<sup>80</sup> Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси. – Т.: Файласуфлар миллий жамияти. 2004. - Б. 14.

соҳаларида кузатиш мумкин: санъат, меъморчилик, кундалик турмуш-тарзимиз. Ушбу воқелик ечими “Авесто”да бир жумла билан “таналарингизга нисбатан қалбингиз ҳақида кўпроқ қайғуринг” ифода этилган.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб айтиш мумкинки, зардуштийлик таълимотида қадимги ибтидоий эътиқод шакллари элементларини ҳамда уларга хос бўлмаган яккахудолилик, ижтимоий-маънавий юксалиш белгиларини учратиш мумкин. Ушбу таълимот инсон ва жамият ҳаётига хавф солувчи ҳар қандай кўринишдаги ҳаракатларни қоралаб, уларни ўз истакларида холис бўлиб, бир-бирлари билан муроса қилиб яшашни одат қилишлари, ғаразгўйлик, ҳасадгўйлик, калондимоғлик, шуҳратпарастлик, қонунсиз ишлардан ўзларини тийиб юришга даъват этади. Зардуштнинг асосий мақсади ўзини ва оиласини фақат ҳалол меҳнат билан, яъни ўз кўллари билан яратган неъматлар орқали тарбия этувчи кишилар жамоасини шакллантириш эди.

Зардуштийлик таълимотидаги ғояларнинг халқ томонидан қадрланиб, анъанага айланиши бизнингча, қуйидаги омиллар билан боғлиқ:

- “Авесто”да одам ва олам муносабатларига доир барча қарашларнинг ечими илк маротаба “инсонийлик” мезонлари бўйича таҳлил этилганлиги;
- “фикрлар софлиги, сўзнинг собитлиги, амалларнинг инсонийлиги” қондаси ҳар қандай макон ва замон учун бирдай аҳамиятлилиги;
- зардуштийлик маросимлари шартларига кўра кунига беш марта ювиниб, покланиб, қуёшга қараб уни олқишлаб сиғиниш кишилар онги ва қалбида олий худо Ахурамаздага бўлган ишончни янада қатъийлаштиришга хизмат қилганлиги;
- ушбу таълимотга кўра, “эзгулик охир-оқибат ёвузлик устидан ғалаба қозониши” оддий халқ онгида келажакка ишонч уйғотган. Ўша давр воқелиги нуқтаи-назаридан баҳолаганда ушбу қарашимиз янада асосли бўлади;

“Авесто” нафақат умумбашариятга дахлдор ғояларнинг “бешиги”, балки ўзидан кейин пайдо бўлган барча таълимотлар учун маънавий асос сифатида ҳам кадрлидир. Биз бугунги янгиланишлар даврида анъанавий қадриятларни сақлаб қолиш учун зардуштийлик таълимотининг кучли ва таъсирчан мафкураси хусусиятларини янги методлар, тадқиқот усуллари ёрдамида тадқиқ этиш, бу диннинг бугунги кунда ҳам ўз таъсирига эга, замон руҳига мос қадриятларини амалиётга жорий этишнинг ижтимоий мурватларини ишлаб чиқиш орқали инсон ва жамият маънавий барқарорлигини таъминлаш мумкин.

Турк ҳоқонлиги даврида ижтимоий маънавий ҳаётнинг барча соҳалари юксак даражада ривож ҳақидаги маълумотлар қабрларга битилган Кўк турк битиклари (Кул тегин ва Билга ҳоқон битиклари) ҳамда Қалъаи Муғ (Панжикент яқинида), Афросиёб (Самарқанд)дан топилган бўлиб, улар асрлар давомида қадриятларимиз мазмун-моҳиятини янада бойитиб, бугунги тарраққиётга асос бўлаётган анъанавий қадриятлар тизимини шаклланишига кучли таъсир кўрсатди. Фикримизни турк ҳоқони Ишпарахоннинг Хитой императори талабларига берган жавоби далиллайди: “Эртаю-кеч амрингизга тайёрман. Аммо кийимимизнинг олдини очишга, ўрилган сочларимизни ёзишга, тилимизни ўзгартиришга ва сизнинг қонунларингизни қабул этишга келсак, бизнинг анъана ва урф-одатларимиз жуда қадимий бўлгани туфайли уларни бузишга жасоратим етмайди. Бутун халқимизнинг қалби бирдир”.

Одам ва олам муносабатларининг турли соҳаларига доир масалаларни ечишда ислом дини ҳам жуда катта назарий ва амалий тажрибага, аҳамиятга эга. Шунинг учун IX-XX асрлар адабиёти асосий моҳияти ислом дини қадриятлари билан чамбарчаст боғлиқдир. Ислום динининг қадриятлари “манбаи” Қуръони Карим ва Ҳадислар ҳисобланиб, улар орқали ижтимоий онгда кадр ва кадрланиш туйғулари ривожлантирилган. Инсонлар онгида исломий анъаналарга асосланган “ақидавий онг”ни шакллантиришда ушбу дин маросим ва урф-одатлари муҳим аҳамиятга эга бўлган. “Ислום динида Қуръоннинг биринчи марта Муҳаммад алайҳиссаломга нозил бўлган

қунининг “Лайлатул кадр” деб, яъни “кадр кечаси” деб аталиши, хозирга қадар рамазон ойининг 27-қунига ўтар кечасининг мусулмонлар томонидан мўъжиза содир бўлган қун сифатида нишонланиши”<sup>81</sup> ушбу фикримизнинг асослайди.

Барча анъанавий жамиятлар сакрал моҳиятга эга бўлиб, уларда дин жамият соҳаларини ҳаракатлантирувчи “манба” сифатида намоён бўлади. Темурийлар сулоласи инқирозга учрагач, XVI аср охирларига келиб Ватанимиз ҳудуди бир неча мустақил хонликларга бўлиниб кетди. Бу даврда исломий қадриятларни тирикчилик манбаига айлантириб, уни “асл” мазмунидан ўзгача тарғиб ва ташвиқ қилувчи янги ислом “фидойилар”и шаклланди. Аксари ҳолатларда улар йирик мансабдор шахслар ишончига кириб, уларнинг қатта миқдордаги инъом этилган ер-мулки эвазига “авом” халқни ҳар қандай жабр-зулмга сабр-қаноатли бўлишга, Аллоҳни ердаги “соя”си бўлмиш хонларга сўзсиз итоат этишга чақирди. Ёки хонликлар ўртасида ер-мулк учун олиб борилган тинимсиз урушлар оддий халқ аҳволини оғирлаштирди, ўсиб келаётган янги авлод келажаги ҳеч қимни қизиқтирмас эди, чунки қундан-қунга ортиб бораётган солиқ ва мажбуриятлар халқни фаровон келажак ҳақидаги ўйларини саробга айлантирган эди. Шу маънода, бу даврда илм-фан ҳамда ижтимоий-иқтисодий тараққиётда вақтинчалик турғунлик юзага келди. А.Эркаев бу жараёнга бироз позитив ёндошади: “XVI асрдан бошлаб Шарқнинг Ғарбдан ортда қолишининг маънавий сабабларидан бири шарқ ижтимоий-маънавий мўлжалларини инсоннинг ички камолотига, камсуқумликка, сабр-қаноатга қаратилганидир”<sup>82</sup>.

Ислом дини ёйилган анъанавий жамиятлар ички ҳаётида қонун ва нормалар кўп ҳолатларда исломий анъана ва урф-одатлардан озроқ таъсирга эгаллигини кузатиш мумкин. Жамият ҳаётида исломий анъаналарнинг бундай

---

<sup>81</sup> Қамбаров А.А. Жамиятнинг маънавий янгилини жараёнида илмий қадриятларнинг роли. фалс.фан. номз. дисс. – Фарғона: 2006. Б. 14.

<sup>82</sup> Эркаев А. Миллий ғоя ва маънавият. – Т.: “Маънавият”. 2002. Б. 181.

таъсирга эгаллиги, бир томондан ижтимоий-маънавий барқарорликка хизмат қилса, бошқа томондан фуқаролар тинчлиги ва осойишталигига хавф туғдирмоқда. Ўзбек жамиятида исломий анъаналар XX асргача эътиқод, мафкура, давлат бошқаруви “дастури” сифатида ижтимоий тараққиётга баъзида ижобий баъзан салбий таъсир этган. В. Пластун “ислом айрим исломшунос ҳуқуқшунослар изоҳлашича, оммавий дунёқарашни шакллантиришда асосий ролни иқтисодга ҳам, мафкурага ҳам, фалсафага ҳам эмас, балки сиёсатга беради. У жамият қурилишининг тамал тоши ҳисобланади”<sup>83</sup> деб тўғри асослайди.

Чоризм даврида исломий анъаналар ҳам коммунистик мафкура таъсирида қолди. Шўро ҳукумати бундай анъаналарга қарши кураш эълон қилди. Тинимсиз олиб борилган атеистик ислоҳотлар натижасида жамият аъзолари онгида том маънода “қўшэътиқод” шаклланди. Яъни ташқи томондан тоталитар жамиятнинг “лаббайгўйи”, аслида исломий анъаналарни “ҳимоячилари” кўринишидаги янгича тоифа шаклланди. Бу ҳолат жамият аъзолари тафаккурида секин-аста атрофдаги воқеаларга лоқайдлик, бепарволик каби иллатларни шаклланишига, бу эса жамият соҳаларида турғунликка олиб келди. Ушбу воқеликнинг авж олиши жамиятимизда “янгича фикрловчи” кишилар тоифасини шакллантириб, уларни хуррият йўлида бирлашувига асос бўлди.

Мустақилликка эришгач, ислом дини ва у билан боғлиқ бўлган анъаналарни тиклаш, уни мамлакатимиз маънавий ҳаётига четдан олиб келиш дегани эмас, балки асрлар давомида халқимиз турмуш-тарзи ва фаолияти асосий мазмунини ташкил этган қисмигина биз учун қадрлидир. Улар бизни ҳеч қачон алдамайди, чунки уларда ўтмишни бугун билан боғлаб турган миллат руҳияти ва аجدодлар тажрибаси мужассамдир.

Бугунги воқелик моҳиятидан хабардор бўлган ҳар бир давлат ижтимоий-маънавий ҳаётнинг барқарорлиги одамлар тафаккурида маънавий

---

<sup>83</sup> Владимир Пластун. Такой разный ислам. Центральная Азия и Кавказ. Стокгольм. 2000. №5(11) С. 15

кўринишдаги анъанавий қадриятларни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш орқали юзага келишини яхши англайди. Узоқ давом этган маънавий - мафкуравий таҳдидларга қарамай, халқимиз авлоддан авлодга ўтиб келаётган ўзига хос анъанавий қадриятларини сақлаб қолди. Шу маънода, ушбу улкан бебаҳо қадриятларни тиклаш мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ устувор вазифага айлантирилди. “Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз”<sup>84</sup>.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, анъана ва қадриятларни қайта тиклаш жараёни бир-биридан тубдан фарқ қилувчи тузумлар ўрин алмашаётган жуда мураккаб вазиятда амалга оширилди. Ушбу жараёнда аввалги қадриятлар тизимидан бутунлай воз кечилмади, аксинча мавжуд қадриятлар тизимини воқеликка мослаштириш, яъни диалектик инкор қонуниятидан унумли фойдаланилди.

Айни шу инкор этишнинг дастлабки давларида ижтимоий-сиёсий ҳаётда бирмунча чигалликлар келиб чиқди. Бу чигал ҳолатларни юзага келиш омилларидан бири ижтимоий онгда воқеликдаги вазиятни тўғри баҳолашга қодир бўлган илмий – фалсафий дунёқарашни заифлигидир. Чунки тоталитар тузум даврида нарса ва ҳодисаларнинг сифати эмас, балки сони, миқдори муҳим аҳамиятга эга бўлган. Улар учун етук салоҳиятга эга кадрлар эмас, ҳар қандай буйруқни мушоҳадасиз бажаришга тайёр турган “итоатли лаббайгўй”лар керак эди. Собиқ тузум асорати сифатида намоён бўлган ушбу ҳолатлар мустақилликнинг илк онларида бузғунчи қиёфадаги диний ва сиёсий мухолифатларни вужудга келтирди. Воқеликнинг бундай тус олиши ижтимоий – маънавий жараёнларни эҳтиёткорлик ва пухта ўйланган режалар, дастурлар асосида амалга оширишни тақозо этди. Ушбу стратегик аҳамиятли дастурлар аввало янги воқеликка мослашаётган қадрият ва

---

<sup>84</sup>Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон. 1997.– Б. 137.

анъаналарга ижодий ёндошишга, жамиятимизни модернизациялаш талабларига жавоб берадиган маънавий - ахлоқий жиҳатдан ахамиятли анъаналарни, урф- одатларни танлаб олиш заруриятига асосланган эди.

Тан олиш керакки, бугун жамият ижтимоий-сиёсий даражаси нисбатан кучсизлиги сабабли, умрини ўтаб бўлган баъзи ижтимоий-сиёсий кўринишдаги анъана ва урф-одатларни қадрият сифатида эъзозлаб келмоқда, бунинг оқибатида воқелик талаб қилаётган замонавий қадриятларнинг ижтимоий онгга сингиш жараёни қийин кечмоқда. “Тарих ва ҳозирги замон воқеликларига мурожаат қилиш бизнинг ижтимоий тафаккуримиздан ҳаётни идрок этишнинг мавҳум ва ақидапарастлик қолипларини енгиб ўтиши, мустақил фикр юритиш ва рўй бераётган ҳодисаларни баҳолай олиш қобилиятини талаб этади”<sup>85</sup>. Шу маънода, ҳозирги модернизация жараёнлари халқимиздан нафақат юксак даражадаги сиёсий ва ҳуқуқий билимларни ўрганишни, балки ушбу ҳодисани муваффақиятли давом этиши учун уларга онгли тарзда итоат этиб, ҳаётий дастурларга айлантиришни тақозо этмоқда. Анъанавий қадрият хусусиятларидан бири турғунликни ижтимоий онг ва жамият соҳаларидаги турғунлик эмас, балки маънавий – ахлоқий муҳитни барқарорлаштириш омили сифатида тушуниш ёки анъанавий қадриятлардаги яшовчанлик, ҳатто деструктив кўринишдаги тузум тайзиқларига қарши кураша олиш хусусиятига эга эканлигини англаш лозим. Собик тоталитар тузум ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги зўрликка асосланган жараёнлар ушбу фикримиз исботидир.

Ушбу фикрларни умумлаштириб айтганда, “тарихий тажриба, анъаналарнинг мерос бўлиб ўтиши — буларнинг барчаси янгидан-янги авлодларни тарбиялайдиган қадриятларга айланиб қолмоғи лозим”<sup>86</sup>. Биринчи Президентимизнинг бу даъвати бугунги авлод зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Чунки биз янги давлатнинг фуқароларимиз,

---

<sup>85</sup>Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон. 1997.– Б. 150.

<sup>86</sup>Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон. 1997.– Б. 140.

эртанги авлод келажаги, тақдири кўп жихатдан бугунги ўзгаришларимизнинг сифати ва кўламига боғлиқ.

Юқоридаги фикрлардан мантиқий хулоса шуки, ушбу ҳудудда бир неча асрлардан бўён турли мазмундаги маданиятлар, динлар “бир оила” каби яшаб келган. Ҳар бир цивилизация эгалари ўз анъана, урф-одат ва қадриятларини халқимиз турмуш-тарзига асосан мажбурлов воситалари ёрдамида сингдирган. Ушбу таҳдидларга акс таъсир сифатида аجدодларимиз асрий анъаналари: сабр – тоқат, бағрикенглик (кенг маънода), самимийлик, меҳнатсеварлик, ўзаро қўллаб-қувватлаш каби фазилатлар нафақат халқимиз, балки башарият умрбоқийлигини таъминловчи зарур табиий мезонга айланган. “Ҳатто бу ҳудудларни босиб олганлар ҳам Марказий Осиё халқларининг маданияти олдида бош эгибгина қолмай, унинг энг қимматбаҳо анъаналарини, шу ҳудудда мавжуд бўлган давлатчилик анъаналарини авайлаб қабул қилганлар”<sup>87</sup>.

Анъанавий қадриятларни сақлаш ва ривожлантириш орқали халқ руҳи ҳам тикланиб, ижтимоий онгда умумий руҳ, хулқ – атвор юзага келган, бу эса мустақил юртимизда миллатлараро тотувлик манбаи ҳисобланган маънавий-руҳий асосни вужудга келтиришда муҳим омил бўлди.

---

<sup>87</sup> Ўша манба. Б. 142.

## **2.2. Анъанавий қадриятлар ва модернизация жараёнининг диалектик алоқадорлик хусусиятлари.**

Хусусан глобаллашув сайёрамизнинг барча нуқталарига шиддат билан кириб бораётган бугунги давр, аввалгилардан янада мукамалроқ ва гуманистик мазмундаги қадрият ва қарашларга эҳтиёж туғдирмоқда, бу эса ижтимоий тараққиётнинг барча соҳаларидаги ислохотлар фақатгина назарий онг даражасида амалга оширилишини талаб этади. Шу маънода Абу Наср Форобийнинг қуйидаги фикри муҳимдир: “ҳаммаси ҳақиқат ёки барчаси ёлғон деган икки қарама-қарши муҳокама бир-бирини инкор этмайди, балки улар бир-бирини тўлдиради; уларни алоҳида олиб қараганда эмас, балки биргаликда, яхлитликда олиб қарагандагина ҳақиқат аён бўлади”<sup>88</sup>. Бугун ижтимоий-назарий онгда анъанавий ва замонавий қадриятларни бир бутун ҳолда изоҳлаш ўрнига уларни ўзаро қаршилантириш тенденцияси ушбу воқеликдаги ҳодисаларни асл мазмунини англашга тўсиқ бўлмоқда. Форобийнинг юқоридаги назариясини мушоҳада қилмаслик ижтимоий ҳаётда анъаналарни инновацияларга қарши қўйиб, назарий онгда тарафкашликни юзага келтирмоқда. Маълумки тарафкашлик тарихнинг барча даврларида ижтимоий тараққиёт ва инсон камолотини таназзулга олиб келган. Воқеликдаги ҳар бир ҳодисани олдиндан оқ ёки қора рангда тасвирлашга интилиш умумийнинг алоҳида жиҳатларини бўрттириш ва уни идеаллаштиришга олиб келади, бу эса нарса ва ҳодисанинг кўз ва ақл илғамас хусусиятларини эътибордан четда қолишига сабаб бўлади. “Агар биз ҳаёлотга берилиб, ўзимизча жамият ва инсон, унинг тақдири ҳақида фикр юритиш ўрнига тарихий тажрибаларга суянсак, одамзотни маънавий таназзул ботқоғига ботиб қолишидан сақлаб қолган бўламиз”<sup>89</sup>.

Анъанавий қадриятлар ва модернизация жараёнлари уйғунлиги концепцияси макон ва замонда ижтимоий тараққиётнинг икки хил томонини ифода этади, лекин унда анъанавийлик ва модернизацияни қарама-қарши

<sup>88</sup> “Диалектика” Тарихий-фалсафий трактат (русча). Олма-ота. 1985. Б. 15.

<sup>89</sup> Иброҳим Каримов. Имон ва маслак тарихи. Янги нашр. Т.: 2010. Б.

кўйиш нотўғри, чунки бу икки парадигма бир вақтда ҳаракатланган тақдирдагина инсон ва жамият тараққиёти юксалади.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигига эришгач, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида ислохотларни чуқурлаштириш, эркинлаштиришда халқимиз менталитетидан келиб чиқиб, миллий ва маънавий-ахлоқий кадриятларга таяниб фаолият юритишни давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлантирди. Бу жараёнда халқимизнинг менталитетининг шаклланишига замин бўлган бой ва бетакрор тарихимиз, асрлар давомида сайқал топган маънавий, миллий, ҳуқуқий, ахлоқий-руҳий кадриятларимиз тикланмоқда. Бизга тарихдан яхши маълумки, муайян бир давлатнинг ривожланиши ёки инкирози, шу давлат фуқароларининг аввало анъанавий кадриятларига қай даражада содиқлигига, қолаверса, давлат бошлиқларининг дунёқараш тарзи, жамиятда ўрин олган ахлоқ мезонлари, асосий урф-одатлар, мамлакатнинг жўғрофий жойлашуви, табиий иклими ва бошқа омилларга боғлиқ. Айнан ушбу омиллар жамият аъзоларининг онги, руҳияти, эзгу орзу -истаклари ва интилишларини шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Дарҳақиқат, “аник-равшан тарихий, ижтимоий-иқтисодий, миллий-руҳий, демографик, табиий иқлим ва бошқа шароитларни, минтақаларнинг объектив фарқини ҳисобга олмайдиган сиёсат ва хўжалик тажрибаси инкирозга учраши муқаррардир”<sup>90</sup>. Анъанавий кадриятлар, миллий маданият ва қадимий давлатчилик анъаналаридан, унинг асрлараро тарих синовларидан ўтган миллий, маънавий-ахлоқий тажрибаларидан самарали фойдаланиш ҳозирги кунда фуқаролик жамиятини маънавий-ахлоқий негизларини янада такомиллаштиришда, хусусан жамият ижтимоий-сиёсий тизимини модернизациялаш жараёнида фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга янгича миллий демократик тафаккурга, соғлом маънавий-ахлоқий руҳ тарбиясига ҳам ижобий хизмат қилиши шубҳасиздир.

---

<sup>90</sup> Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. – Т.: Ўзбекистон. 1996. Б. 6.

Ҳар бир жамият ўз тараққиёти давомида муайян кадриятлар тизимини яратади. Ушбу кадриятлар асосида миллий тараққиёт стратегиясини белгилайди. Миллий ривожланиш дастури ушбу ҳудуддаги халқларнинг орзу-мақсадлари ифодачиси сифатида намоён бўлган анъанавий кўринишдаги барча кадриятлар негизида шакллантирилади. Чунки уларда жамият тарихий тараққиётининг бир неча босқичларидаги “тараққиёт ва таназзул” тажрибалари мужассамлашган бўлади.

Шу маънода, кадриятлар азалдан кишилик жамиятининг орзу-истаклари, турмуш-тарзининг мазмунини ифодалаб келган. Улар ҳар доим халқнинг насл-насабини, миллий ўзлигини англаш маҳсули ўлароқ шаклланади. Ушбу жараёнда воқеликдаги ўз аҳамиятини йўқотган кадриятлар янгиларига ўрнини бўшатади ва айна пайтда уларнинг ривожланиши учун асос бўлади. Янги шаклланган кадриятлар жамият ва миллат ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. “Вужудга келган янгилик тарихий тараққиётнинг ўзига хос оқимига мос бўлса, амалдаги кадриятлар қаторида яшаб қолади. Агар у давр ўтиши билан жамиятнинг ривожланиш талабига жавоб беролмай қолса, аста-секин тарих саҳнасидан тушиб кетади. Ўтмишга айланиб қолган, ўз ўрнини бошқа ижобий ва фаолроқ янгиликка бўшатиб берган кадриятнинг эскириб қолган томонлари изсиз йўқолиб кетмасдан, айрим сифат ва хусусиятларини мерос қолдиради. Бутун инсоният тарихи авлодларнинг янги авлодларга зарурий тарзда ўз ўрнини бўшатиб бериши, кадриятларнинг тарихий давомийликка мос келадиган жиҳатларини мерос қилиб қолдириши билан борадиган узлуксиз жараёндан иборат”<sup>91</sup>

Ушбу кадриятлар муайян миллатнинг маънавий-руҳий оламини амалий ифодаси сифатида намоён бўлганлиги учун ҳам, жамият ҳаётида ижобий маънода муҳит шаклланишига негиз бўла олади.

“Антик давр, Ўрта Осиё ва Европадаги Уйғониш, Маърифатпарварлик даврлари номини олган буюк бурилиш даврлари ана шу изланишлар

---

<sup>91</sup>Хотима Шайхова. Маънавият камолот кўзгуси. Ғ.Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Т.: 2009. Б. 61.

ҳосиласидир. Айнан мана шу тарихий босқичларнинг ўзи ҳам инсоният тараққиётининг узвийлигини, бир даврда ҳукмрон бўлган, умуминсоний мазмун билан суғорилган кадриятларнинг янги кадриятлар дунёсига замнн тайёрлашини кўрсатиб турибди”<sup>92</sup>.

Чунки анъанавий кадриятларда халқнинг дунёқараши ва ҳаётга муносабати, ички табиати ва турмуш-тарзи ўз ифодасини топади. Буларда халқнинг рухий олами ва тафаккур тарзи, орзу умидлари ва идеаллари, виждони ва ор-номуси акс этади. Халқнинг кундалик ҳаёти ва турмуш тарзида ўзига хос мезон вазифасини ўтайди.

Ҳозирги кунда тадқиқотчи ва олимлар кадриятлар масаласини атрофлича ўрганиб, улар ҳақида кўпгина илмий фикрлар билдиришаётган бўлсада, айнан анъанавий кадриятлар масаласи эътибордан деярли четда турибди. Бизнингча, жамиятимиз соҳаларини замонавийлаштириш амалга оширилаётган бугунги кунда анъанавий кадриятларни ўрганиш, уларнинг мазмун-моҳиятини англаш, инсон ва жамият тараққиётига таъсирини таҳлил қилиш масалалари амалий аҳамиятга эгадир. Шу маънода, тарихий тараққиётимиз барқарорлигини таъминловчи омиллардан бири анъанавий кадриятлар бўлиб, бизнингча, у муайян ижтимоий маконда истиқомат қилувчи этник бирликнинг жўғрофий жойлашуви, табиий иклими, маълум бир диний ёки дунёвий таълимотга эътиқоди, ўзга этнослар маданияти ва бошқа омиллар таъсирида шаклланиб, уларни рухий яқинлигини таъминлашга хизмат қиладиган ҳамда ушбу этник бирлик ҳаётининг тартиб-қоидалари, улар билан боғлиқ миллий хусусиятлари ворисийлигини сақлайдиган кадриятлар тизимидир.

Инсоният қадимги даврлардан бошлаб, ўзини ўраб турган дунёдаги нарса ва ходисаларни моҳиятини билишга ва англашга ҳаракат қилган. Шу аснода секин аста табиат ва жамият қонунларини ўргана борган, аксари холларда бу қонунларни ўзлаштиришга интиланган. Дастлаб жамият ва шахс

---

<sup>92</sup> Ачилдиев А.С. Миллий истиқлол ғояси-миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш омили. Ф.ф.д. -Т.: 2004. Б. 153.

ўртасидаги, кейинроқ давлат-жамият-шахс ўртасидаги ижтимоий–сиёсий муносабатларни инсонларнинг атрофдаги жараёнларни мустақил баҳолай олиш кўникмаси ортиб бориши натижасида мукаммаллашиб борди. Масалан, қадимда ижтимоий–сиёсий муносабатлар ҳукмрон синф орзу истакларини ифода этган бўлса ҳозирги кунда бундай муносабатлар оддий ҳалқ мақсад муддаоларини реал воқеликка айлантормоқда. ХХI асрга келиб ер сайёраси улкан ўзгаришлар майдонига айланди. Хусусан, шу кунгача амалда бўлган давлат–жамият–инсон кетма-кетликдаги занжир мавжуд воқеликда инсон–жамият–давлат тамойили билан алмашди. Бу эса амалда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг тўла маънодаги ғалабасини англатади. Вақтлар ўтиб муайян маконда шаклланган эски тартиблар ўз ўрнини янги умумсайёравий тартибларга бўшатиб бермоқда. Дастлаб маълум бир жамоа аъзолари ўртасидаги алоқалар глобаллашув таъсирида кенгайиши ва мураккаблашиши, жамият ҳаётининг барча соҳалари–иқтисодий, сиёсий, мафкуравий маданий ҳатто шахсий турмушда ҳам кескин ўзгаришлар содир бўлмоқда. Демак, инсоният тараққиётининг тарихий тадрижий давоми, янги сифат босқичига кирмоқда. Ғарбий Европа олимларининг таъкидлашича, бу жараён модернизациялаш дейилмоқда.

ХХ асрнинг 70-йилларида Ғарбий Европада пайдо бўлган бу атама дастлаб технологик аспектда тушунилган бўлса, ҳозирда жамиятнинг барча соҳадаги янгиликни назарда тутди. Ушбу жараён башариятдан ХХI асрга хос яшаш ва фикрлашни талаб қилади. Яъни дунёдаги барча мавжуд ижтимоий тартиблар ўз ўрнини янгиларига бўшатиб беришини англатади. Энди инсонларнинг тафаккур ва турмуш тарзи қандайдир ҳис туйғуларга эмас, балки фақат инсонга хос бўлган ақлга мувофиқ келиши, уларда янгича ижтимоий идеалларга асосланган замонавий қадриятлар тизими шаклланиши лозим. Шу ўринда таъкидлашг жоизки, модернизация атамаси айнан Ғарбий Европада пайдо бўлгани учун улардаги ижтимоий сиёсий қадриятлар билан бирга, уларнинг маданияти ва турмуш тарзида ҳам ўз аксини топган. Шу маънода биз жамият соҳаларини модернизациялаш

жараёнида инсонийлик, бағрикенглик, сабр-қаноатлилик, меҳр-оқибатлилик ва албатта эзгулик каби миллий фазилатларимизни ҳам мужассамлаштиришимиз лозим.

“Модернизациялаш ижтимоий тараққиёт бўлиб, инвентив-(лотинча “очиш”) ва инноватив (лотинча “янгилик киритиш”), яъни инновацияни ва янги технологияни жорий қилиш жараёнларидан иборат. Шунингдек, интегратив жараён ҳам мавжуд бўлиб, у кўпроқ миллий характер, маданият анъаналар, халқ менталитетини ҳисобга олади, ўзгаради ва ўз имконияти, тайёргарлик даражаси асосида амалга оширади”<sup>93</sup>.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб бугунги янгиланиш жараёнига куйидагича таъриф бериш мумкин, бизнингча модернизация - муайян жамиятда юзага келадиган талаб ва эҳтиёжларнинг ақл ёрдамида халқ этилиши, давлат ва жамият бошқарувида халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилувчи ҳар қандай илғор ғояни анъанавий қадриятлар билан умумлаштирган ҳолда амалий ҳаётга татбиқ этишдир. Албатта, мамлакатимизда замонавийлашиш жараёнининг барқарор кечиши бир қанча омиллар билан боғлиқдир. Хусусан, ушбу жамиятда ўз илдизи ва асосига эга бўлган институтлар, қадриятлар, урф-одатлар, аҳоли менталитети, минтақавий, миллий, диний, маданий-маънавий хусусиятлар халқнинг замонавийлашган қадриятларни қай даражада қабул қила олиши, сиёсий тизимнинг янгиланишига мослашиши кабилар эътиборга олиниши муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу фикрларнинг исботи тариқасида айтиш мумкинки, XX асрнинг 50-60-йилларида Ғарб назариётчилари замонавийлашиш жараёнлари Ғарбда пайдо бўлди, шунинг учун уни ўзлаштирмоқчи бўлганлар Ғарбнинг маданияти, ижтимоий институтлари, технологиялари каби омилларни айнан шу ердагидек татбиқ этишлари керак деган фикрни илгари суришди. Лекин бу фикр XX асрнинг 80- йилларига келиб ўз тасдиғини топмади. Чунки Ғарб мамлакатлари Осиё, Африка,

---

<sup>93</sup>Бахтиёр Омонов “Янгиланиш -табий жараён” // Жамият ва бошқарув. 2007. 2-сон Б. 40.

Лотин Америкаси давлатларида “Европалашган модернизация”ни жорий қилди, лекин бу ҳаракатлар “сароб”га айланди. Шунинг учун ҳам бу даврдан бошлаб жамият, давлат ҳаётида барқарорликни сақлаган ҳолда ривожланиш учун замонавийлашиш жараёнини миллий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга бўлди. Лекин, тан олиш керакки, ҳозирги кунда ҳам Ғарб ўз цивилизациясини асосан “учинчи дунё” давлатларига ўз институтлари, кадриятлари, турмуш тарзини мажбуран тикиштиришга ҳаракат қилмоқда. Шунингдек Шарққа хос бўлган анъанавий кадриятлар тизимига ривожланган давлатлар, хусусан АҚШнинг ғоявий таъсирини тадқиқотчи М.Қаҳҳорова шундай изоҳлайди: “АҚШ жамиятига унинг отахон файласуфлари Ж.Сартрга эргашиб “мутлақ кадриятлар йўқ ва асосий муаммо инсоннинг қайси кадриятни танлаб олишидадир” деган ғояни тақдим қилишган. Бироқ бунда улар Ж.Сартрнинг “бу масалада масъулиятни унутмаслик” тамойилини олиб ташлашган. Бу жамиятнинг психологлари эса З.Фрейдга эргашиб АҚШ жамиятида “инсон учун муҳим асосий тамойил эҳтиёжни қондириш” эканлигини уқтиришган ва унда улар З.Фрейд фикрининг иккинчи қисми бўлган “жамиятнинг умум институтлари билан ҳисоблашиш” тамойилини олиб ташлашган. АҚШ жамиятининг иқтисодчилари эса М.Веберга эргашиб, “одамларни жуда кўп бойлик орттиришга ва ҳаражатларни кўпайтириб боришга” даъват қилишдан ҳеч чарчашмайди, лекин улар бу масалада М.Вебер қатъий қўйган “протестантизм этикасига амал қилиш” тамойилини олиб ташлашган”<sup>94</sup>.

Кўриниб турибдики, АҚШ тарғиб қилаётган замонавийлик хусусиятлари моҳияти “тўймайдиган нафсни қондириш”дан иборат эканлиги бугун ошкора ҳақиқатга айланди.

Шу маънода, Ғарб олимлари ҳам бу масалага ўз мулоҳазаларини билдириб ўтишган. Чунки ушбу вазият охир - оқибат замонавий жамият аъзоларида гедонизм ва гегемонизм руҳиятини шакллантириши мумкин, бу

---

<sup>94</sup> М.Қаҳҳорова Маънавий идеал. Т.: Маънавият, 2008. Б. 55.

эса ҳар бир этник бирлик ўтмишидан сақланиб келинаётган анъана ва урф-одатларни қадрсизланишига, авлодлар ўртасидаги ижтимоий ахлоқ меъёрларини бузилишига сабаб бўлади. Шу ўринда Х.Хеллоуэл жамият маънавий муҳитини “анъанавий маданиятни сақлаб қолиш”<sup>95</sup> орқали барқарорлаштириш мумкинлигини таъкидлайди.

Тўғри, бугунги кундаги сиёсий институтлар, улар фаолиятининг ўзига хослиги, шахс эркинлиги учун яратилган имкониятлар, бошқарув самарадорлиги ва манфаатдор катламлар гуруҳларининг сиёсатдаги иштироки сингари кўплаб масалаларда Ғарбнинг ютуқлари катта. Ушбу омиллардан Шарқнинг ва умуман ривожланаётган барча мамлакатларининг ўз миллий манфаатларида фойдаланиши муҳим аҳамиятга эга. Лекин уларнинг турмуш-тарзи ва формулаларини ўз ҳаётларига бутунлай жорий қилиш мумкин эмас. Бунинг асосий сабабларидан бири, мамлакатнинг сиёсий ривожланишида ҳар бир миллатга хос, унинг турмуш-тарзи, маданияти, этник ва миллий қарашларини ўзида акс эттирадиган анъаналари, урф-одатлари, қадриятлари ва институтлари мавжудки, аксарият ҳолларда ушбу маҳаллий омиллар бошқа институтларни ўзига бирданига ёки умуман сингдира олмайди. Бунинг оқибатида эски бошқа маданиятга нисбатан акс таъсир ва жамият соҳаларида таназзул юзага келиши мумкин.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиб таъкидлаш мумкинки, юртимизга кириб келаётган маданиятнинг ҳар қандай кўринишига қарши, у “замонавийлашиш” бўладими ёки “вестернизация”ми, биз пировард мақсад миллий демократик қадриятларга асосланган фуқаролик жамиятини куришда ўз миллий давлатчилигимиз анъаналаридан унумли фойдаланамиз. Чунки Шарқ халқлари орзу-истак ва мақсад-муддаоларига Ғарб демократияси мезон бўла олмайди. Шу маънода, фуқаролик жамиятини фаоллаштирувчи мурватларидан бири миллий демократик тамойилларни шакллантиришда анъанавий ва замонавий қадриятлар ўртасидаги диалектик

---

<sup>95</sup>Дж. Х. Хеллоуэл. Моральные основания демократии. М., «Юность», 1993, 41-б.

таъсирни ўрганиш асосида эришилган хулосаларга таяниб, воқеликдаги янгилашни жараёнларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Бизнингча ушбу жараёнда анъанавий ва замонавий қадриятлар алоқадорлиги қуйидагиларда кўринади:

- биринчидан, анъанавий қадриятлар жамиятни замонавийлаштириш жараёни учун маънавий негиз, манба бўлиб хизмат қилади;
- иккинчидан, жамиятни янгилаш шароити анъанавий қадриятларни янгилари билан бойитади ҳамда одамлар онги ва қалбига уларни тезроқ сингишига хизмат қилади;
- учинчидан, анъанавий қадриятлар жамиятни модернизациялаш жараёнини халқнинг туб манфаатлари билан уйғун кечишини таъминлайди, ижобий жиҳатларини ривожлантиради, салбий томонларини инкор этишнинг маънавий мезони ҳисобланади;
- тўртинчидан, анъанавий қадриятлар фуқаролик жамияти институтларини мазмун-моҳиятини белгиловчи замонавий қадриятлар учун миллий меъёр вазифасини бажаради.

Кўришиб турибдики, ҳозирги кунда жамиятнинг барча соҳаларига шиддат билан кириб бораётган замонавий қадриятларни халқимизнинг асрлар давомида шаклланган анъанавий қадриятлари билан уйғунлаштириш жамият ҳаётининг жуда мураккаб ва серқирра, айти дамда ўзаро узвий алоқадорликда бўлган соҳага айланиб бормоқда.

### **2.3. Анъанавий ва замонавий қадриятларни диалектик тадқиқ этишга доир янгича ёндошув ва уларнинг жамиятни модернизациялаш жараёнига таъсири.**

Туронзамин халқи қадимдан ўз анъана ва қадриятларини асраб-авайлаб келажак авлодга етказишни муқаддас ва шарафли вазифа деб билган. Таъкидлаш лозимки, фақат жисмонан соғлом, руҳан бакуват халқгина ватани, унинг келажаги учун ўзини масъул деб билади. “Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади. Агар биз у масалада хушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озикланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан айрилиб қолишимиз мумкин”<sup>96</sup>.

Анъанавий қадриятларга асосланган Шарқона жамият ижтимоий ҳаётни ўзгартиришни, такомиллаштиришни инсон ва унинг ички, маънавий ҳаётини мукаммаллаштиришда деб билади. У адолатли жамиятни фақат баркамол инсонлар орқали яратишни мақсад қилади. “Замонавий жамият” тарафдорлари эса жамиятни модернизациялаш жараёнининг асосий объекти ижтимоий - сиёсий институтлар ҳисоблаб, уларни бош қадрият сифатида эътироф этади. Шу ўринда К.Гелбрейт Ғарбга хос бўлмаган ривожланишни қоқоқлик деб талқин қилади. Унинг фикрича, анъанавий қадриятларга асосланган жамоалик хусусиятлари ривожланиш жараёнида эгалланиб бўлиш керак эди. У “анъанавий қадриятлар”ни ривожланишга тўсиқ бўлувчи “девор” ҳисоблаб, “улар реформа ва ўзгаришларга тўсқинлик қилади, ишлаб чиқаришнинг кўтарилиши ва жамғарма фондининг ўсишига халал беради”<sup>97</sup>

<sup>96</sup> И. Каримов. “Юксак маънавият- енгилмас куч” Маънавият. 2008. Б. 4.

<sup>97</sup> Galbraith J.K. The Anatomy of Power. London, 1984. p. 76.

деб ҳисоблайди. Бир тизимда ҳаракатланувчи: анъана, урф-одат ва меъёрлардан ташкил топган жамоалар турмуш-тарзини “шахс эркинлиги тантанаси“ учун курашувчи замонавий жамиятга нисбатан юқори ёки паст мавқега эгаллигини белгилаш фикридан йироқмиз. Чунки сайёрамиздаги мавжуд ижтимоий воқелик ушбу ҳолатни диалектик тушунишга, яъни анъанавий ва замонавий жамиятга хос бўлган қадриятларни ўзаро алоқадорликда ўрганишни тақозо этмоқда. Бироқ анъанавий қадриятларга асосланган жамиятнинг ўзига хос хусусиятларга эгаллиги илмий асосларга эга. Шу асрнинг “60- йилларида ўтказилган турли тадқиқотлар анъанавий институтлар маълум адапция имкониятига эга ва ривожланишга мослашган деган хулосага олиб келган. Анъанавий қадриятларга асосланган жамоаларнинг замонавий жамиятга айланишида анъанавий қадриятлар стабиллаштирувчи вазифани бажаради ва инқилобий ўзгаришлар ва нотурғунликка қаршилик қилади. Этник қабилаларнинг бирлашуви қабила бошлиқларининг ҳурмати ва ҳукмронлик кучи колониализм билан курашда ижобий рол ўйнайди”<sup>98</sup> деб тан олинди.

Дарҳақиқат ҳозирги кунда, яъни замонавий қадриятлар ҳукмрон бўлган саноатлашиб бораётган дунёда турғун яшовчанлик хусусиятига эга бўлган анъанавий қадриятларга асосланган жамоалар кенг тарқалган. Этникликнинг ўсиши анъанавий меъёрларнинг аҳамиятини кучайишига олиб келди. Аксарият илмий адабиётларда анъанавий ва замонавий жамият орасидаги фарқлар қатъий кўрсатилмайди. Лекин асл ҳақиқат шуки, “анъанавий жамият миқёсида шу жамиятнинг асосий парадигмал тавсифномасидан ўзгача бўлган ҳар қандай ўзгариш маълум бир даражада модернизация деб аталиши мумкин”<sup>99</sup>. Ҳар қандай кўринишдаги замонавийлашув анъанавийлик негизида вужудга келади ҳамда шаклланади. Шарқда шаклланган “анъанавий жамият”ларнинг ғарб жамиятларидан ўзига хослиги “яшовчанлик” хусусиятига эга бўлган қадриятлар тизимини

---

<sup>98</sup>Дугин А. Философия традиционализма. -М.: 2002. с. 72.

<sup>99</sup>Дугин А. Философия традиционализма. -М.: 2002. с. 58.

яратгандир. Масалан, Ғарб жамиятида тараққиёт: худбинлик, катталарни сенсираш, тап тортмай гапириш, ҳар бир нарсани “қиймати”га кўра баҳолаш каби хусусиятларга асосланса, Шарқда аксинча, андишалилик, ўзидан катталарга, раҳбарга ҳурмат билан қараш, мулоҳаза юритиб, ақл билан иш тутиш, ҳар бир нарсани “қадр”ига кўра баҳолаш каби анъанавий қадриятлар мавжуд. Демак, Ғарб халқлари менталитетидан келиб чиққан ушбу қадриятларни “яшовчанлик” хусусиятига эга бўлган анъанавий қадриятларга мослаштиришга уриниш, ворисийлик тамойилини ушбу авлод томонидан бузилишига олиб келади. Шунинг учун ҳар бир ижтимоий тараққиёт халқнинг хур фикрлаш даражаси, атрофдаги воқеа ва ҳодисаларга ўз мустақил муносабатини белгилай олиши, уни баҳолаш мезони, ўзининг тарихий келиб чиқиши, қадимий анъаналар асосида шаклланган турмуш тарзи ва табиати билан баҳоланади. Ушбу воқеликка диалектик ёндошилса, қадриятлар ва мезонларни кўр-кўрона кўчириш, нусха олиш ҳар қандай тақлидчи миллатни инқирозга олиб келишини англаш қийин эмас. Анъанавий қадриятлар инқилобий йўл билан ҳосил қилинадиган ҳодиса эмас, у жамият тараққиётининг барча босқичларида унинг эҳтиёжлари туфайли юзага келади ва ўша давр ҳаётини акс эттиради, у жамият ўзгариши билан йўқолиб кетмайди, кейинги авлодлар учун маънавий мерос бўлиб қолади. Ҳар бир авлод анъанавий қадриятларни янгидан яратмайди, асосан миллий меросга таянади, бироқ уни қандай бўлса шундайлигича, кўр-кўрона қабул қилавермайди, балки тараққиётпарварлик, инсонпарварлик, адолат нуқтаи назаридан қабул қилади ва ривожлантиради.

Шарқ халқлари тарихий тараққиёти жараёнида “яшовчанлик” хусусиятига эга бўлган қадриятлар тизими яратилди. Ушбу тизим ворисийлигини белгилашда, ғарбдан фарқли ўлароқ, “инсон маънавий дунёси” объект сифатида танланди, унинг ўсиш ёки пасайиш даражасига қараб ривожланиш мезони белгиланди. Жамиятда яратилган шарт-шароит ва барча тартиб-қоидалар ушбу мезонга мувофиқ тарзда шакллантирилди. Масалан, бир-бирига итоат этишда “қиймат” эмас, “қадр” нинг устунлиги;

жамиятда қонун нормаларига қараганда ахлоқ меъёрларининг кучлилиги; маънавиятнинг шахс-жамият-давлат миқёсида уйғунлиги; турли кўринишдаги муаммоларни ҳал этишда исломий-ахлоқ меъёрларига таяниш; юзага келган низоларни муроса ва ён бериш йўли билан ҳал этиш; ижтимоий бирликлар муаммолари жамоавий кенгашларда ўрганилиши; жамият ривожини тадрижийликка асосланиши; амалдор шахснинг ўзи ва ходимлари ҳаёти учун Аллоҳ олдида масъулликни ҳис этиши; давлат жамиятнинг маънавий-маърифий ҳаётига ҳомийлик қилиши ҳамда жавобгарлиги; ҳар бир мансабдор шахс иймон-эътиқодли, эзгу амалли, хушмуомала бўлишга, бировнинг мулкига кўз олайтирмаслик, ҳаққига хиёнат қилмаслик каби адолат ва ахлоқий-маънавий меъёрларга “Қуръон”ни ўртага қўйиб қасам ичиши каби қадриятларнинг улуғланиши халқимиз дунёқарашини белгиловчи мезонлардир.

Ушбу мезонларни Ғарб сиёсий қарашларига таққослаб, “замонавий жамият” тафаккури социантропоцентризмга мойиллигини англаш қийин эмас. Шарқ тафаккури космоцентриқ ғояларнинг ифодаси бўлиб, унга кўра, ижтимоий ҳаёт самодаги тартиб-қоидаларга асосланиши зарур. Дарҳақиқат, барча жаҳон динлари оламни мажбурий куч билан янгилашни оқламайди. Чунки бу динлар фаровон ҳаётга эришишни жамият маънавий-ахлоқий хусусиятлари билан боғлайди. Хусусан, жамиятнинг самодаги тартиб-қоидаларга мувофиқ яшаши, унга иймон келтириши ерда адолатнинг улуғланиши ва юксалиши кафолатидир. Шарқда анъанавий қадриятларни “яшовчанлиги”ни таъминлашда ўзининг илғор сиёсий-ахлоқий қарашлари билан катта ҳисса қўшган Низомулмулк, жамият маънавий муҳитини соғломлаштиришга ижобий таъсир этадиган анъанавий қадриятлар тизимини ўрганади. Масалан, “ҳаё, яхши хулқ ҳалимлик кечирини, тавозе, саховат, сабр, сидк шукр, раҳмат, илм, ақл, адл<sup>100</sup>” каби қадриятларга риоя этиш ҳар қандай жамиятнинг ривожланиши учун “калит” бўла олади. Ушбу

---

<sup>100</sup>Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк. Т., “Адолат” 1997, 17-бет.

кадриятлар асрлар давомида ривожланиб халқимиз эътиқоди ва менталитетига сингиб кетган. Шу маънода бугунги кундаги ислохотларни ушбу анъанавий кадриятларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Шарқона жамиятнинг ўзига хос белгиларидан яна бири миллий анъаналарига содиқлигидир. Фарбда эса бу ҳолатни аксини кузатамиз: “икки минг йил христиан бўлганимизнинг ҳаққини тўлаш вақти келмоқда, - дейди Нисше истехзо билан, - биз ҳаётга мақсад берган муқимликни йўқотдик, маълум вақтгача биз қаерга бораётганимизни англай олмаймиз”<sup>101</sup>. Тўғри, ушбу кескин мушоҳада эгаси орқали бутун “замонавий жамият” тарафдорларини ўз аждодлари ва тарихига нисбатан “хоинлик”да айблаш фикридан йироқмиз. Лекин “тириклигида бирорта асарини ўқишга, бирорта фикрини тинглашга ўзида куч топа олмаган Европа XX асрда уни (яъни, Фридрих Нисше) ўзининг Буддаси-набисига айлантирди”<sup>102</sup>. Шу ўринда XX асрда ижод қилган француз файласуфи, интеграл традиционализм асосчиси Рене Генон анъанавий жамиятларнинг ғоявий асосларини кенг таҳлил этиб, “замонавий парадигма анъаналарнинг бузилган, регресс ва дегратациянинг натижаси”<sup>103</sup> деган қарашлари маълум маънода ҳақиқатдир. Рене Генон ғояларини “замонавийлик антитезисини юксак формаси”<sup>104</sup> деб ҳисоблаш мумкин. Муаллиф юқоридаги фикрлари орқали “замонавий жамият” ривожланишини инкор этади, “замонавийлик” руҳини қоралайди, янги даврнинг бутун сиёсий тизими инкор этилади, сиёсий тузумлар ва институтлар модернизацияси жараёни бутунлай салбий ҳолат сифатида эътироф этилади.

Жамият маънавий муҳитини соғломлаштиришда анъаналаримиз ахлокий-тарбиявий мезон вазифасини бажармоқда. Айниқса, анъанавий кадриятлар оилавий муносабатларда кучли сақланган бўлиб, баъзида

---

<sup>101</sup>Ницше Ф. Воля к власти. Опыт переценки всех ценностей (1884-1888). - М.: 000 “Транспорт”, 1995, с. 86.

<sup>102</sup>Алимасов Виктор. Фалсафа ёхуд фикрлаш чанқоғи. Т.: “Фалсафа ва ҳуқуқ”, 2007йил, 47-бет.

<sup>103</sup>Генон Р. Кризис современного мира. - М.:, 1991, с. 117.

<sup>104</sup>Ўша манба, б. 115.

юридик меъёрлар ушбу анъаналар билан мураса қилишга мажбур бўлади. Масалан, оилада эркак кишининг устун бўлиши ҳамда оила, уруғ шаъни учун масъуллик ҳисси мавжудлиги, оилавий масалаларни қариндошлари орасида ёши улуғлар томонидан ички тартибда ҳал этилиши, фарзандларни ёшлиқдан меҳнатга чиниқтирилиши, ижтимоий ҳаётда маънавий-ахлоқий фазилатларни моддиятдан устун қўйилиши, никоҳ ва ажралишларда диний қадриятларнинг устуворлиги каби анъаналар халқимиз этник-маданий ҳаётининг мазмунини ташкил қилади. Ҳар бир оила муайян даврда эътиқоди, турмуш-тарзи, мавжуд ижтимоий воқелик таъсирида анъанавий қадриятлар тизимини яратади, айти пайтда ушбу тизим воқелик жараёнларида тобланади, камчиликлари тўлдирилиб, тажрибадан ўтган қадриятлар тизими кейинги авлод учун “тайёр андоза” ҳолига келади. Ушбу тизимга оид меъёрларни қабул қилган янги авлод “тайёр андоза”ни реал воқеликка мослаштиради.

Анъанавий қадриятларни эстафета тарзида авлоддан-авлодларга етказишда ворисийлик тамойили ушбу қадриятлар тизими мазмун-моҳиятини тўла сақлаган ҳолатда узатишни таъминласа, миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўтиш қонуни эса воқеликдаги авлод фарзанд тарбиясидан, то оила шаъни, қадр учун масъулиятни ҳис этгунга қадар бўлган ораликдаги муносабатлар жараёнини аниқ ва холис ўрганиб, келажак авлодга узатилиши тушунилади. Мазкур жараёнда инкорни-инкор қонунининг ўрни ҳақида тўхталадиган бўлсак, “тайёр андоза” шаклидаги анъанавий қадриятлар тизимининг туб мазмун-моҳиятини сақлаган ҳолда, ижтимоий воқелик хусусият ва талабларидан келиб чиқиб, янгича қадриятлар тизимини шакллантириш тушунилади. Ушбу воқеликни диалектика қонунлари нуқтаи-назаридан таҳлил этишдан мақсад, анъанавий қадриятлар “буюк турғун яшовчанлик хусусияти”<sup>105</sup>ни сақлаш билан бир

---

<sup>105</sup>Дугин А. Философия традиционализма.- М.: 2002. с. 73.

пайтда, замонавий жамият қадриятлари ривожини учун “озуқа манбаи” бўла олади деган ҳақиқатни кўрсатишдир.

Ғарб келажакнинг олдиндан кўрган файласуфлардан бири “Қуёш шарқдан чиқади”, деган эди. Албатта ушбу башорат “замонавий жамият” аъзолари учун огоҳлантирувчи “хабар” эканлигини пайқашмади. Ғарб фалсафий, сиёсий, иқтисодий таълимотлар яратди, фан ва техника соҳаларида улкан кашфиётлар қилди, лекин инсон ва жамият ҳаётини юксак даражада ўзгартиришга қодир бўлган ақл “энг олий қадрият-инсон маънавияти” эканлигини англамади. Аксинча, у муқаддас билган қадриятлар: бойлик орттириш, ҳузур-ҳаловатда яшаш, такаббурлик, зўравонлик билан шуҳрат топиш эди. Бу эса иқтисодий, экологик, демографик муаммоларнинг авж олишига сабаб бўлди, янгича тараққиёт йўлини танлаш заруратга айланди. Ушбу жараёни К.Кантор янада батафсилроқ ёритади: “инсониятнинг келгуси тараққиёти Ғарб илмий-техник ютуқларини Шарқ тўплаган маънавий бойликлар, ахлоқий мезонлар, диний, руҳий соҳалардаги ижобий консерватизм билан уйғунлаштириш орқали кечади. Энди Шарқни Ғарбга қарши қўйиш ёки улар ўртасидаги фарқларни атайин бўрттириб кўрсатиш тараққиёт қонунларини тушунмаслик ё худудий калтафаҳмлиқ аломатидир”<sup>106</sup>.

Дарҳақиқат, асрлар давомида сайқалланиб, тажриба ва синов чиғириқларидан ўтиб, жамият ривожининг ҳар бир босқичида янги мезонлар билан бойиб келган анъанавий қадриятларни сақлаб қолиш ва уларни келажак авлодга ворисийлик тамойилларини ҳурмат қилган ҳолда етказиш нафақат долзарб масала, балки сайёрамиз аҳолиси тақдирини белгилаб берувчи муҳим вазифага айланмоқда.

Жамиятни модернизациялаш жараёнида олиб борилаётган барча ислоҳотлар анъанавий қадриятлар негизига таяниши муҳимдир. Дунё тарихидан маълумки, ҳар бир миллат ўз миллий мустақиллигига асрлар

---

<sup>106</sup>Алимасов Виктор. Фалсафа ёхуд фикрлаш чанқоғи. Т.: “Фалсафа ва ҳуқуқ”. 2007. Б. 87.

мобайнида шаклланган кадриятлар тизимига таянган ҳолдагина эришган. Чунки миллий маънавий-ахлоқий кадриятларга таянмасдан ўзига хос ва мос давлат қуриб бўлмайди. Ҳар бир янги шаклланаётган жамият миллий рамзлари: конституцияси, тили, миллий валютаси, миллий мадҳиясига эга бўлиши уни суверен давлат эканлигини англатганидек, ўз анъанавий кадриятларига таяниб стратегик мақсадларни белгилаши ҳеч бир бошқа миллатга ўхшамаган ўз йўли борлигини англатади. Кўплаб ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, ҳар бир халқ ўз тараққиёт йўлини миллий анъана ва кадриятлар негизида белгилаган ва айна дамда шакллантираётган жамиятининг назарий қоида ва режаларини шу асосда ишлаб чиққан. Мустақил Ўзбекистон ҳам шундай жараёни бошдан кечирмоқда. Давлатимиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ ўз тараққиёт йўлини аниқ ва равшан белгилаб олди. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти йўлини шакллантириш жараёнида анъаналар, кадриятлар ва урф-одатлар эътиборга олинди. Биринчи Президентимиз ушбу жараёни қуйидагича изоҳлайди: ”умуминсоний кадриятларни ижодий ўрганиб, ўз заминимизга татбиқ этишимиз лозим. Шу билан бирга миллий ўзига хослигимизни, асрлар синовидан ўтган анъаналаримизни, ҳамиша иймон-этиқод билан яшаш каби ҳаётий тамойилларимизни ҳам сақлаб, юксалтириб боришимиз зарур”<sup>107</sup>

Дарҳақиқат анъанавий кадриятлар халқимиз кўп асрлик тарихининг онгимиз, феълимиздаги муҳридир. У суяк-суягимизга, қон-қонимизга сингиб кетган, дунёқарашимиз, иймон-этиқодимизга айланиб қолган урф-одатларимизда, кундалик турмушимизда, санъатимизда намоён бўладиган ҳодисадир. Ҳар бир халқнинг ўзига хос тарихи, яшаш муҳити, хўжалик фаолияти бор. Айна ушбу омиллар негизида маълум кўринишдаги кадриятлар тизими шаклланади. Инсон ижтимоий воқелиқдаги муносабатларга муайян турдаги кадриятлар асосида ёндошади. Албатта,

---

<sup>107</sup>. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Т. 7. – Т.: Ўзбекистон. 1999. Б. 410.

имонли, инсофли, ҳалол бўлиш, ҳаромдан тийилиш, ўзига нимани раво кўрса ўзгага ҳам раво кўриш, меҳр-оқибатлилик каби қадриятлар миллат ва ҳудуд танламаса керак. Нега улар минг йиллар давомида халқнинг юрагида ва тафаккурида сақланиб келмоқда, деган табиий савол туғилади. Бизнингча, ушбу қадриятлар “замонавий жамият” қадриятлари каби қандайдир “қиймат”лар ёки “ижтимоий институт”лар билан боғлиқ жараёнда эмас, балки “инсонийлик” хусусиятлари замирида шакллангани боис умрбоқийдир.

Ҳозирги ижтимоий янгиланишлар шароитида халқимизнинг кўп асрлик инсонпаварлик анъаналарини сақлаш, уларнинг мазмунини янги замонавий қадриятлар билан бойитиш долзарб илмий амалий вазифа бўлиб турибди. Бизнингча, аввало “инсонийлик” тамойиллари асосига қурилган анъанавий қадриятларимизни миллий мафкура асосида қайта баҳолаш, уларнинг шаклини янгиламоқ зарур. Албатта халқимиз узоқ тарихий тараққиёти жараёнида яхши ва ёмон кунларни бошдан кечирди. Гоҳо босқинчилар таъсири остида адолат, тенглик ва озодлик учун курашган бўлса, баъзан ҳурлик ва мустақиллик туфайли жуда катта ютуқларга эришди. Лекин ҳар қандай вазиятда асрий анъаналаридан воз кечмади. Аксинча ушбу анъаналарни ўз тажрибалари билан бойитиб, кейинги авлодларга қолдириш йўлида ўз жонларини қурбон қилганликлари тарихдан маълум. Шу ўринда анъанавий қадриятларни бугунги воқелик талаб ва истаклари нуқтаи-назаридан таҳлил қилиб, уларни туб мазмунини сақлаган ҳолда янгилаш аввало, аجدодларга муносиб ворислик белгиси, қолаверса, бугунги ислоҳотларнинг муваффақиятини белгиловчи омил сифатида аҳамиятлидир.

Анъанавий қадриятларимиздан бири кўп болалиқдир. Бугун оила учун ҳам, жамият учун ҳам фарзандларнинг миқдори эмас, сифати, жисмоний ва маънавий баркамоллиги муҳимдир. Ёки сахийлик, саховатлилик ночор ва муҳтожларга аввалгидай садақа кўринишида эмас,

балки, умуммиллий ижтимоий ҳаракатга айланиб, инсоний бурч сифатида бажариладиган қадриятга айланмоғи лозим.

Яхши маълумки, халқимизнинг асосий қисми азалдан дарёлар воҳаларида яшаган ва суғорма деҳқончилик билан шуғулланган. Чунончи, бундан қарийб уч минг йил аввал ёзилган “Авесто”да деҳқончилик энг улуғ касб сифатида тавсифланади<sup>108</sup>. Суғорма деҳқончилик эса мустаҳкам жамоа бўлиб ўтроқ яшашни тақозо қилади. Мазкур омил объектив равишда халқимиз феъли характерида муайян хислат ва фазилатларни шакллантирган. Ушбу фазилатларни энг улуғи шубҳасиз, меҳнатсеварликдир. Шу маънода, анъанавий деҳқончилик сир-асрорларини ривожланган аграр давлатлар илғор тажрибалари билан уйғун ҳолда энди ўсиб келаётган қишлоқ ёшларига ўргатиш, уларда меҳнатсеварлик кўникма ва малакаларини шакллантириш жамиятимиз учун ҳаёт мамот масаласидир. Бунинг учун эса қишлоқ меҳнати ўз инсоний энергия сарфига яраша ижтимоий аҳамиятига кўра юксак даражада қадрланмоғи шарт. Бунинг асосий йўли деҳқонга янада эркинлик бериш, қишлоқ хўжалигига бозор муносабатлари тамойилларини изчил қўллашдир. Чунончи, деҳқон маҳсулоти сарфланган меҳнат ва реал ҳаражатлар асосида баҳоланмоғи лозим. Ушбу жараён ечимини биринчи раҳбаримиз қуйидагича изоҳлайди: “давлат деҳқончилик маҳсулотлари билан саноат маҳсулотлари ўртасида мувозанат бўлишни таъминлайди. Қишлоқ аҳли ўз маҳсулотларини 74 йил мобайнида сув текинга сотиб, ўзи ниҳоят даражада қашшоқ бўлиб қолди. Харид нархларини қишлоқ аҳолиси манфаатини кўзлаб кўпайтиришимиз керак. Агар биз халққа ёрдам бермоқчи бўлсак, харид нархини оширишимиз керак, бу сиёсатни бошқа мамлакатларда кўриб чикдик. Малайзияда ҳам, Индонезияда ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қимматроқ сотиб олиб, кейин аҳолига сотаётганда бюджет ҳисобидан ҳаражатларни қоплар экан”<sup>109</sup>.

<sup>108</sup> Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик / Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. Б. 395.

<sup>109</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т. 1. – Т.: Ўзбекистон. 1996. Б. 20.

Дарҳақиқат подшоҳи одил, савдогари сахий, деҳқони тўқ, бадавлат халқина фаровон бўлади.

Анъанавий-маънавий кадриятлардан бири жамоавийликнинг шаклланишида дастлаб Хоразм, Сўғд, Бактрия, кейинроқ уни янада такомиллашувига сомонийлар, хоразмийлар, темурийлар давлатлари бошқарувидаги умумийлик-деспотияга асосланган ҳокимият мавжудлиги, ягона ислом динига эътиқод, доимий босқинчилар хавфи борлиги, оила-қариндошчилик ва жамоавий ҳаёт кечириш катта таъсир кўрсатган. Хусусан подшоҳлик томонидан аҳолини суғориш иншоотларини, сардобалар, кўприклар, йўлларни қуриш ёки таъмирлаш ишларига оммавий тарзда, аксарият ҳолларда мажбурий жалб этиш ҳам жамоавийликни шаклланишига ижобий таъсир кўрсатган. Бугунги кунда ўз кадрини йўқотиб бораётган анъанавий кадрият “ҳашар” ҳам юқоридаги фикримизни исботлайди.

Бизнингча, воқеликда заруратга айланган—фуқаролик жамиятини ривожлантиришда жамоавийлик хусусиятига янгича ёндошиш жамият тараққиёти жараёнида юзага келадиган муаммоларни умумдавлат миқёсида ҳал этиш имконини беради. Чунки фуқаролик жамияти ривожланиши ҳукуматдан кўра кўпроқ жамият учун манфаатлидир. Маълумки, менталитетимизга кўра, индивид онгидан жамоа онги кўпроқ қадрга эга. Хусусан бир қишлоқда яшовчи аҳоли дунёқараши ўзаро уйғундир. Бизнингча, ушбу уйғунликни юзага келтиришда анъанавий хусусиятларимиздан бири тўй маросимларининг аҳамияти каттадир. Хусусан уларда халқимизнинг “асл” миллий қиёфасини кўриш мумкин. “Тўй олдидан бўладиган маслаҳатлар, қариндош-уруғнинг эрта саҳардан келиб, тўйхона олдида қўл қовуштириб, нозик тавозе ила меҳмонларни кутиб олишлари, ҳовлида эса тўй мутасаддиларининг одамларни жойлаштириб, уларнинг олдида илтифот билан чой ва ош тортишлари – бу миллий анъаналаримизнинг кўрки эмасми? Етти ёт бегона одамлар маҳалладан стол-

стул ташишса, қозон, самовар, чойнак-пиёла олиб келса, тўй тарқалгунча мезбон ёнида турса – бунақа олижаноблик, бунақа жамоавий руҳ ва меҳрни қаерда кўргансиз?

Одамларни бошини қовуштирадиган, уларни бир тан бир жон бўлиб меҳнат ва роҳатга жалб этадиган пурҳикмат урф-одатларимизни санаб адо этиб бўлмайди. “Ҳашар” деб аталган шундай миллий удумимиз борки, унинг таърифи ҳар қандай миллат одамларини ҳайратга солади. “Вақт – бу пул” деган ақида бутун дунёга илдиз отган пайтда ўз вақтини текинга, одамгарчиликка, миллий анъанага беминнат бахшида этиш инсоний эҳсонликнинг чўққиси эмасми?”<sup>110</sup>. Ушбу воқелик гувоҳи бўлган инсон (ўзга дин ёки қавм вакили ҳам) қалбида беихтиёр ўз миллатига нисбатан руҳий яқинликни ҳис қилади ва шундай жамоа вакили бўлганидан қувонади. Айнан анъаналардаги ушбу жиҳатлар уларга инсонийлик бахш этиб, яшовчанлигини таъминлайди.

Чунки ушбу худудда қадимдан бирга истиқомат қилиш асносида шаклланган урф-одат, анъана ва маросимлар уларни руҳан ва ақлан бирлаштирган. Замонавий жамиятлар ижтимоий муносабатларида ҳар бир шахс ўз фикри ва ахлоқига эга бўлса, Шарқда эса, шахс ахлоқи умумийликни бўлаги сифатида намоён бўлади, яъни у ижтимоий идеалга интилади. Масалан, анъаналарга асосланган жамоаларда шахс ўз орзу-мақсадларини ижтимоий воқелик билан уйғун ҳолда тасаввур қилади, яъни инсон интилаётган “орзу дараҳти” мевасини бир ўзи эмас, балки бутун бир жамоа билан баҳам кўришни хоҳлайди, шу маънода бу ҳолат “ижтимоий масъулият”, “ижтимоий дахлдорлик”, “ижтимоий-маънавий яқинлик”, “ҳаммаслаклилик” каби қадриятларни шакллантиради. Ушбу фикрларни тор маънода жамоавийликнинг “олтин қондаси” “ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун” шиори орқали асослаш мумкин.

---

<sup>110</sup> Тилаб Маҳмудов. Мустақиллик ва маънавият. Т.: Шарқ. 2001. Б. 108.

Анъанавий жамият аъзоси ўзини оила ва маҳалладан айро тасаввур эта олмайди. У бутун ҳаёти давомида ўзини жамоанинг бир бўлаги сифатида ҳис қилади. Жамоа билан яшаш унинг учун ҳар қандай бойлик ва обрўдан афзалдир. Нимаики иш қилса, оиласига, яқин биродарларига кўрсатади, уларни фикрини сўрайди. Хуллас жамиятдаги одат ва меъёрлар анъанавий жамият кишиси учун ихтиёрий тавсифдаги муқаддас вазифадир. Ушбу белгилар ғарб кишиси учун “эскилик” асорати сифатида кўринса-да, аслида бугунги замонавий жамият ҳоҳлаб турган “жамоавийлик” парадигмаси учун негиз ҳисобланади. “Биз илгари сураётган коммунитар парадигмага кўра, яхши жамият шундайки, унда эзгу ижтимоий фазилатлар ҳам, шахснинг ҳуқуқи ҳам равнақ топади. Шунини таъкидлайманки, яхши жамият ижтимоий тартиб билан шахс автономияси ўртасидаги мувозанатни қатъий қўллаб-қувватлаши, аммо ушбу қадриятдан асосан бирини устун қўймаслик лозим”<sup>111</sup> Ушбу фикрлардан аёнки, бугунги кунда ғарб жамияти ҳам шахсий манфаатни ижтимоий манфаат билан уйғун кўриш жамиятдаги барқарорликни таъминловчи бирламчи омил эканлигини тушуниб етди. Лекин таъкидлаш керакки, Ғарб олимлари илгари сураётган жамоавийлик ғоясида жамият ва шахс манфаатлари уйғунлигига эришиш учун эгоцентризм майлларидан воз кечиш талаб қилинади. Бунинг акси сифатида Шарқ анъанавий жамиятларидаги жамоавийлик ғояси индивидуализм хусусиятларини сақлаган ҳолда, воқеликдаги ижтимоий тартибларга ихтиёрий итоати сифатида намоён бўлади.

Шунингдек эркин мулкӣ муносабатларга асосланган жамиятга ўтиш жараёни маълум маънода анъанавий қадриятлар структурасини бирмунча ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Аслида, бозор иқтисодиётига асосланган янги ҳўжалик тизими халқимиз турмуш-тарзига бегона эмас. Лекин ушбу жараёндаги ўзгаришлар аҳолимиз иқтисодий тафаккуридаги анъанавий меъёрларни замонавийлашувини талаб қилмоқда. Миллатимиз

---

<sup>111</sup> Новинская М. Коммунитарная парадигма: модификация левой идеи в западной политической культуре: // Мировая экономика и международные отношения, 2000, №4. – С. 37.

тарихидаги иқтисодий тараққиёт “инсонийлик” мезонларига хос бўлган анъанавий-иқтисодий кадриятлар тизимини шакллантирган. Улар жумласига: ҳалоллик; саховатлилик; хайр-эҳсонга мойиллилик; маҳсулотини айбини айтиб сотиш фарзлиги; судхўрликнинг қораланиши; ўзга мулкига кўз олайтирмаслик; ўзи ҳалол билган нарсани ўзгага раво кўриш каби кадриятларни киритиш мумкин. Албатта ҳозирги кунда ҳар бир фуқаро бозор муносабатларининг субъекти сифатида хоҳлаган турдаги иқтисодий фаолият билан шуғулланиши мумкин. Лекин ўз маҳсулотини арзон, тезроқ, қимматроқ сотиш учун “миллат номуси” ҳисобланган анъанавий кадриятларни менсимаслик ўз ўтмишига ҳурматсизликдир. Тўғри, ушбу касб эгалари “инсонийлик” мезонларига бўйсунмишга мажбур эмас, қолаверса бозор муносабатлари шароити кўпроқ даромад топиш учун миллий ахлоқий меъёрларимизга зид бўлган ҳатти-ҳаракатларни бажаришга мажбур қилади. Албатта Ғарб иқтисодий муҳитида бундай ҳолат табиий жараён сифатида баҳоланади. Айниқса ҳозирги кунда жамият аъзолари иқтисодий тафаккурида ўзгаришлар кечаётган бир пайтда “қиймат”дан “қадр”ни устун деб билгувчи маънавий-ахлоқий механизмни шакллантириш ҳамда амалда ижросини таъминлаш долзарб масаладир. Бу борада “савоб ишни ҳар ким ҳар кун қилиш керак”, “аждодларимизга муносиб ворис бўлайлик”, “маънавий бойлик моддий бойликдан минг бора устун”, “ҳалқ очликка, йўқчиликка чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидай олмайди” каби стратегик аҳамиятга эга бўлган чақириқлар негизида нафс кетидан эргашиб, ўз миллати, халқини алдаш ҳисобига бойлик орттираётган кимсаларни анъанавий кадриятларни унутмасдан, балки уларга амал қилиб яшашга чорлайди.

Патернализм анъанавий жамиятларга хос тушунча бўлиб, баъзи элементлари жамиятни модернизациялаш жараёнларига бирмунча салбий таъсир этмоқда. Фуқаролик жамияти кадриятлари тенглик, плюрализм, эркинлик каби тушунчалар патернализм мазмун-моҳиятини тўла ифода этмайди. Биз ушбу анъанавий хусусиятдан бутунлай воз кечиш керак деган

фикрдан йироқмиз. Чунки жамият ва табиат қонунларини билишда тажриба жуда катта илмий аҳамиятга эга. Айнан патернализм анъанаси кишиларни ўтмишдаги хатоларни такрорламасликка, келажакда буюк адашишлардан, хатолардан асрайди. Шу маънода, қонунлар диктатурасига асосланган ҳуқуқий демократик давлат билан шахс-оила-маҳалла-жамият тизими гармониясини таъминлаш учун патернализм анъанасини воқеликдаги жараёнларга мослаштириш зарур. Фуқаролик жамияти “эркин ва озод” шахсларни тарбия қилса, патерналистик анъаналар “бошқариладиган ва итоатгўй” шахсларни тарбиялайди. Бу икки воқеликка позитив ёндошилиб, уларни тўғри уйғунлаштириш механизмлари ишлаб чиқилса демократик тамойиллар ва қонунлар доирасида фаолият юритадиган, уларга масъулият билан итоат этадиган том маънодаги “эркин” шахсни шакллантириш мумкин.

Юртимизда анъанавий қадриятларни ривожланишида, уларнинг инсон ва жамият ҳаётида алоҳида таъсирга эгалигида тасаввуф таълимоти ҳам халқимиз учун айнан зарур бўлган маънавий эҳтиёждир. Дарҳақиқат ўзида дунёвий ҳамда диний ахлоқ меъёрларини бирлаштирган тасаввуф олами инсоният тараққиётнинг янада юксалишини ҳамда унинг таркибий қисми бўлмиш тафаккур тарбиясининг юкори даражада ривожланишини назарда тутди. Ҳозирги “замонавийлашув” даврида соф инсонга хос фазилатларни, анъанавий хусусиятларни асл холида сақлашда ушбу таълимотни таянч мезонлардан бири сифатида ўрганиш зарур деб ўйлаймиз.

Маълумки, ҳар қандай ривожланган, ривожланмаган ёхуд ривожланаётган давлатнинг ўз миллий менталитети, келиб чиқиши, анъана ва урф-одатлари, тарихий, маданий мероси мавжуд. Аввало жамиятимизда янгиланишлар жараёни, қолаверса сайёрамизни кундан-кунга универсаллашиб бораётганини назарда тутсак, ота боболаримиздан мерос қолган унутиб бўлмас анъаналарни асраб-авайлаш давримизнинг бош муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Зеро анъана ва урф-одатлар миллат кўзгусидир. Айниқса, бизнинг анъанавий қадриятларимиз қадимдан ўзга

давлатларни ўзига ром этиб келган. Бизнингча, бунинг боиси халқимиз тафаккуридаги одоб-ахлоқ, ҳаё-ибо, сахийлик, умуман олганда, инсонийлик - энг олий қадрият сифатида тушунилганидир. Шу ўринда таъкидлаш зарурки, ҳар қандай вазиятда биз ёш авлод онги ва қалбига анъанавий қадриятларни сингдириш учун ижтимоий масъулликимизни унутмаслигимиз даркор.

Хўш, анъанавий қадриятларни сақлаб қолишда тасаввуф таълимоти қандай аҳамиятга эга? Аввало, ер деб аталмиш планетамизда фан-техника ривожланиб бораётган даврда мозийда қолиб, унутилиб кетаётган гўзал ва бой маънавий қадриятларимиз, анъаналаримизни асраб қолиш, уларни ривожлантириш, уларнинг янги қирраларини очиш ва келажак авлодларга беками кўст етказиш, қолаверса, ижтимоий тафаккур тараққиётини ривожлантириш, ботиний ички кувватларни юзага чиқариш, шахсни комил, баркамол этиб тарбиялаш, жисмоний, рухий қобилиятини юксалтиришдир.

Тарихдан яхши маълумки, эътиқодсиз инсонда миллий ифтихор, миллий ғурур туйғулари ҳам заиф бўлади. Бундай инсонлардан иборат жамиятда анъаналаримиз, миллий қадриятларимизга бефарқ қарайдиган хислатлар тезроқ ривожланади. Шу маънода, шиддат билан ривожланиб бораётган фан-техника асрида анъанавий қадриятларимизга эскилик сарқити деб қараб, уларнинг қадрини сусайишига йўл қўймаслигимиз даркор. Атрофимиздаги баъзи мамлакатлар анъанавий қадриятларини эсдан чиқарганлиги ёки менсимаслиги оқибатини теран нигоҳ билан англаш мумкин. Мантиқан олиб қараганда, ҳар қандай навдаги дарахт ўз ҳолича кераклигини тушуниш қийин эмас-ку. Масалан бу ҳолатга нотўғри ёндошув Ғарбни маънавий фожеалар гирдобига ташлади. Яхши аёнки, Ғарб муҳитида фан-техника жадал ривожланиши натижасида меҳнат унуми ва самарадорлигини ўсиши, бир томондан айрим кишилар қўлида катта миқдорда маблағ тўпланишига, иккинчи томондан ишлаб чиқаришда инсон “қадр”ини пасайишига олиб келди. Бу ҳолат дастлаб халқнинг анъаналари, удумлари, одатлари аста-секин йуқолишига сабаб бўлди, кейинроқ,

ижтимоий онгда “кадр”дан қиймат“ни устун билиш, “инсон эрки чексизлиги”, “вақт бу пул”, жамоа манфаатидан шахсий манфаатни юқори кўйиш каби тенденцияларнинг шаклланиши ушбу макон ижтимоий тараққиёти воқелигига боғлиқ бўлмаган бутунлай янгича қадриятлар тизими вужудга келишига асос бўлди. Масаланинг қизиқ жиҳати шундаки, ушбу жараён диалектиканинг инкорни-инкор қонунини четлаб ўтган, яъни иккинчи янги воқеликни пайдо бўлиши биринчи тарихий удум асосида эмас, балки бутунлай ўзга муҳитда пайдо бўлган. Эндиликда улар ушбу диалектик қонунни тиклашга ҳаракат қилишмоқда. Лекин бу ҳаракатлар самара бермаслиги мумкин, чунки ижтимоий онг анъанавий қадриятлар тизимидан бирмунча бегоналашган. Миллий маданий меросларни асраб-авайлаш учун ватанпарвар одамлар чиқмаган. Аксарият кишилар Америкага ёхуд бошқа масканларга яшашга интилишган, замонавий ҳаётни орзу қилишган. Техника, технология, компьютер соҳаларига қизиқиш устувор бўлиб, ҳеч бир маданият уйлари ёки халқнинг урф-одатларини сақлаб қоладиган марказлар ташкил қилинмаган. Бу эса ижтимоий онгда “моддият”нинг ривожланишига олиб келмоқда. Масалан, Европада кишилик турмуш-тарзи ҳар йили янгича шаклда ривожланади. Ҳар бир инсон ўз хоҳиш-истагига қараб эътиқодига йўналиш белгилайди. Асосан прагматик кайфиятдаги ғарб жамияти вакиллари учун руҳга озуқа бўлувчи эътиқод шакли ҳам кўп ҳолатларда моддий манфаатларга бўйсундирилмоқда.

Лекин сўнгги пайтларда Ғарбнинг илғор тафаккур эгалари ўз қарашларида анъанавий кўринишдаги экзистенциал қадриятларнинг жамият маънавий муҳитини барқарор сақлашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақида хулосалар бермоқда. Кўриниб турибдики, бу кўринишдаги жамиятларда бугун маълум маънода ўтмиш билан боғловчи анъанавий идеалга эҳтиёж етилган. Ушбу “идеал” жамият маънавий эҳтиёжларини “озиклантирувчи” манба сифатида намоён бўлиб, собит ижтимоий эътиқодни шаклланишига олиб келади. Ғарб жамияти кўпинча аجدодлар тажрибасига асосланган ижтимоий идеалга эмас, балки қандайдир

вақтинчалик кўнгилхушликни ифода этувчи реал воқеликка ишонади. Улар учун инсоннинг маънавий дунёси иккиламчи, моддий олам эса бирламчи аҳамиятга эга. Кўп ҳолатларда улар инсон руҳиятига оид билимларни ҳаёт тарзини қизиқроқ ўтиши ёки тушкунлик ҳолатидан чиқиш усуллари билиш учун ўрганишади.

Жамиятни янгилаш жараёнида юқоридаги каби анъанавий қадриятларни бугунги замон талаб ва шартларига мослаштириш зарур воқеликдир. Айни дамда ҳар бир ўзгариш маънавий ахлоқий қадриятларимизни янгилари билан бойитиши ҳисобига замонавийлашади. Ижтимоий-тарихий қонуниятга айланган анъанавий қадриятлар этник бирликларнинг ўзига хос хусусиятларини сақлаши билан бир биридан фарқланади. Масалан, ўзбек хонадонига меҳмон келса, нима мақсадда келгани маълум вақт ўтгач сўралади. Бу фақат ўзбек миллатига хос бўлган қадриятдир. Шу каби анъанавий қадриятларни замонавий жамият тарафдорлари “улар реформа ва ўзгаришларга тўсқинлик қилади”<sup>112</sup> деб баҳолашмоқда. Албатта, “замонавий жамият”га тўхтовсиз янгилик, ижтимоий ҳаётни тинимсиз ислоҳ этиш хос хусусият бўлсада, аслида ҳар қандай кўринишдаги жамиятга хатто нигилизм ҳам ҳосдир. Ғарб жамиятлари анъанавийликни ўзида сақловчи нарса ва ҳодисаларни консерватив нуқтаи назардан баҳолашади. Жамиятимиз аъзолари томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар эса анъанавий қадриятларни мазмун ва моҳиятини сақлаган ҳолда уларни янада бойитишни устувор вазифа деб билади. Замонавий кўринишдаги ҳар қандай ижтимоий тараққиёт анъанавий қадриятларни инкор қилмайди. Ҳар бир этник бирлик ривожда ислоҳотлар жараёни анъанавий хусусиятларга асосланмас экан, бундай янгиланишлар халқ руҳиятидан, дунёқарашидан жой олмайди.

Дарҳақиқат мамлакатимиздаги ўзгаришлар миллатимиз орзу истакларини ўзида ифода этгани билан аҳамиятлидир. Ижтимоий

---

<sup>112</sup> Дугин А. Трансформация политических структур и институтов в процессе модернизации традиционных обществ. М., Ростов-на-Дону, 2004. стр. 112.

тараққиётнинг анъанавий қадриятлар билан ҳамоҳанглиги халқимизнинг шарқона хусусиятлари ва турмуш-тарзида аниқроқ намоён бўлади. Шу маънода анъанавий қадриятлар негизида инсон хулқ-атвори, имон-эътиқоди ва маънавий дунёсини юксалтириш мақсади ётади. Дарҳақиқат биз учун замонавий жамиятга хос хусусиятлар ҳисобланган демократик институтлар, бошқарув усулларини эмас, аксинча, инсоннинг ички маънавий дунёсини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Анъанавий қадриятлар нафақат жамиятда шаклланган миллий-маънавий меъёрларга итоатда яшаш кўникмасини ривожлантиради, шу билан бирга ижтимоий-маънавий маконда шахслараро ва институтлараро муносабатларга барқарорлик, муқимлик бағишлайди. Шу маънода анъанавий қадриятлар фуқароларга ўз келажагини ақл-идрок асосига қуриш имконини беради.

“Замонавийлик” тарғиботчилари ҳисобланган баъзи Ғарб давлатлари тасаввурида ижтимоий ривожланиш учун маънавий-ахлоқий қадриятлар ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, шунинг учун уларда иқтисодиёти энди ривожланаётган этнослар яшаш-тарзига, анъана ва урф-одатларига беписандликни кузатиш мумкин. Бизнингча, улар моддий тараққиёт ва ҳарбий кудратга эга халқнигина ҳурмат қилиш керак деб ўйлашади. Дунёдаги глобаллашув жараёнлари сайёрамиз халқларини ҳам моддий, ҳам маънавий-руҳий жиҳатдан бирлаштириб бораётган бир шароитда, ер деб аталмиш планетамиздаги ҳар бир давлатнинг ўз ўрни, масъулияти, вазифалари, бурчи ҳамда “ҳурмат”и бўлиши зарурлигини тақозо қилади. Ўз ўрнини билмаган, “замонавийлашув” ниқобини кийиб олиб, дуч келган эшикка бошини суқиб кўрадиган давлатнинг вақтлар келиб, “аждод”лар олдида номусга қолиши муқаррардир. Чунки андишасизлик, такаббурлик, маънавий маҳдудлик ҳар қандай халқни, миллатни маънавий таназзулига сабаб бўлганини тарих кўп бора гувоҳи бўлган.

Умуман олганда, юқоридаги фикрларни хулоса қилиб айтганда, ҳар қандай кўринишдаги жамият тараққиёти ушбу жамият аъзолари эҳтиёж ва манфаатлари, асрий анъана ва удумлари негизида вужудга келади ва

ривожланади. Бу ўринда мавжуд тизимнинг вазифаси ҳукумат томонидан амалга оширилаётган барча ислохотлар воқеликдаги халқнинг “ўзак томири” бўлган анъанавий қадриятларни мазмун-моҳиятини сақлаган ҳолда замонавийлаштиришдир. Шу ўринда В Васовичнинг “тараққиётнинг Ғарб моделидан воз кечиб, ҳар бир халқ, ҳар бир давлат ўз цивилизация анъаналарига таяниши керак”<sup>113</sup> деган фикри тўғри ва ягона йўл экани ушбу қарашларимизни амалий исботидир.

---

<sup>113</sup> Васович В. Переход и демократия в посткоммунистических странах (парадоксы перехода и демократизации) 1998. с. 124.

## Бобга оид хулоса

Бугун юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг юқори даражадаги ижобий самараси ҳукуматимиз раҳбарияти танлаган йўлнинг тўғрилигини тасдиқламоқда. Ушбу ўзгаришлар халқимиз дунёқарашини, турмуш-тарзини, хусусан унинг келажакка муносабатини кескин ўзгартириб юборди. Халқимиз юзидаги табассум - бугунидан розилик, келажакка катта ишонч аломати. Энг муҳими, миллатимиз буюк давлат қуриш йўлида ягона маслак остига бирлашиб, стратегик мақсадларни амалга оширишда ўз имконият ва эҳтиёжлари доирасида секин-аста “буюк мақсад” томон интиломоқда.

Анъанавий қадриятларни амалиётга замонавий асосда тадбиғ этиш муаммоси бугун нафақат республикамиз халқи, балки бутун инсоният олдида турган энг долзарб масалалардан биридир. Шу маънода сўнгги пайтларда дунё майдонида этник, диний, сиёсий ва бошқа кўринишлардаги ўзаро зиддиятларни авж олаётгани ҳар бир давлат ўз миллий сиёсат йўналишларини белгилашда ушбу воқелик талабларини эътиборга олиш зарурлигини тақозо қилмоқда. Шунинг учун ушбу ҳодисани кенг ва чуқур ўрганиш, унинг асосига алоҳида эътибор бериш зарурати юзага келди. Ушбу воқелик долзарблиги бугунги замон хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, ер юзидаги инсонларнинг фан-техника ютуқлари ёрдамида ўзаро универсаллашиб бораётганлиги билан тавсифланади. Файласуф Л. Беляев бугунги воқелик: “сайёрамизда мавжудликни сақлаб қолиш учун дунёқарашимизни ўзгартириш, инсон ҳаётининг фаолияти мақсадини ўзгартириш тақозо этилаётган давр”<sup>114</sup> деб тўғри изоҳ берган.

Анъанавий жамиятларда асосий эътибор шахс маънавий дунёси ҳамда намунали хулқ-атвориغا қаратилади. Маънавий қадриятлар туфайли аввало инсон қалбида, қолаверса жамият муҳитида барқарорлик реал воқеликка айланади. Маънавий кўринишдаги анъанавий қадриятлар кишини ҳаёт

---

<sup>114</sup> Беляев М.И. Концепция русского национального государства. – М.: 2006. стр. 124.

қийинчиликларига бардошли, оғир вазиятларда вазмин бўлишга, ҳар қандай дамларда инсоний фазилатларни сақлаб қолишга, руҳий тушкунлик даврида “халоскор” сифатида намоён бўладиган беқиёс ҳодисадир. Лекин инсон, жамият мавжуд экан ижтимоий эҳтиёжлар ҳам сақланиб қолади. Бугун жамият барча соҳаларидаги ислоҳотлар инсон манфаатлари ҳамда уларни кондиришга йўналтирилган. Бироқ бугун фалсафий-антропологик тадқиқотлар инсонга камчиликлар, қусурлар ҳатто ёвузликлардан холи фаришта деб эмас, балки у деструктив истакларга мойил, комилликка муҳтож, тарбияланиши мумкин мавжудот сифатида қарашга ундайди”<sup>115</sup>. Ушбу ҳолат бугунги янгиланишлар даврида инсон маънавияти ва тарбияси учун ижтимоий негиз бўлган анъанавий қадриятларни сақлашга ҳамда уларни замонавий асосда амалиётга жорий этиш заруратини юзага келтиради.

---

<sup>115</sup> Мусаев Ф. Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришининг фалсафий-ҳуқуқий асослари. Фалс. фан. док. ... дис. автореф. – Т.: ЎЗР ФА, 2008. – Б. 41.

### **III. Боб. Ўзбекистонда жамиятни модернизациялашда анъанавий ва замонавий кадриятларнинг аҳамияти ва уларни уйғунлаштириш истиқболлари.**

#### **3.1. Мамлакатимизни модернизациялаш жараёнларида анъанавий ва замонавий кадриятлар уйғунлигини сақлаб қолишнинг миллий - ижтимоий асослари.**

Ўзбекистонда ислохотларни чуқурлаштиришнинг “Кучли давлатдан кучли жамият сари” тамойилининг қабул қилиниши, шунингдек, мамлакатда фуқаролик жамияти куришда маънавий - мафкуравий омилларнинг ўрнини беқиёс даражада муҳим аҳамият касб этиши бу соҳада илмий тадқиқот олиб боришнинг долзарб вазифалардан бири эканлигини англатади. Фуқаролик жамиятини шакллантиришга доир ислохотлар чуқурлашиб бориши жараёнлари шунини кўрсатмоқдаки, миллий маънавият, миллий мафкура, анъанавий кадриятларсиз жамиятни модернизациялаш асло мумкин эмас. Айниқса, фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшлар дунёқарашини ғоявий - мафкуравий жиҳатдан бойитиш, умуман, баркамол авлодни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги даврда мамлакатда фуқаролик жамияти куриш ислохотларини халқимизнинг анъанавий кадриятлар ҳамда миллий манфаатларига боғлиқ ҳолда амалга оширилиши заруратидан келиб чиқиб ривожланишнинг “Ўзбек модели” шаклланди.

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида анъанавий ва замонавий кадриятларни уйғунлаштиришга оид илк асос биринчи президентимизнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” номли рисолаларида жамият соҳаларини модернизация қилишда таянишимиз лозим бўлган мезон сифатида кўрсатиб берилган. Улар: “умуминсоний кадриятларга содиқлик; халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш; инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши; ватанпарварлик” каби тўртта асосий негиздан иборат. Бу воқеликнинг мантиқий таҳлили, ушбу тараққиётимизга таянч бўлувчи назарий-услубий

кўрсатмалар моҳияти анъанавий ва замонавий қадриятлар уйғунлигига таяниш зарурлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда миллий мустақиллик эълон қилиниши билан мамлакатда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш асосий стратегик пировард мақсад сифатида эълон қилиниши натижасида бу каби жамиятни шакллантиришда ҳалқимизнинг миллий менталитети, анъанавий қадриятларини эътиборга олишга зарурат туғилди. Шу билан бирга, фуқаролик жамияти қуришни стратегик мақсад сифатида давр кун тартибига қўйди.

Шу билан бирга, ҳозирги даврда мамлакатда кучли фуқаролик жамияти қуриш ислоҳотлари жараёнида маънавият, мафкура ва маърифатнинг ўрни бекиёс даражада ортиб бормоқда. Фуқаролик жамияти барпо этиш ислоҳотларини янада чуқурлаштиришда фуқаролар ўртасида маърифий ва мафкуравий ишларни янада ривожлантиришга кучли эҳтиёжлар сезилмоқда. Шунингдек, мамлакатимиз худуди атрофида турли диний ақидапарастлар теократик жамият ва халифалик давлати қуришни илгари сураётган бир даврда янги жамият қуришнинг маънавий ва мафкуравий жиҳатларига муҳим эътибор бериш зарурият туғилмоқда.

Маълумки, халқимиз ўзининг бир неча минг йиллик тарихида фозил жамият қуриш орзусида яшади, юртимизда ижод қилган мутафаккирларнинг адолатли фозил жамиятни шакллантиришга доир ўз қарашлари ва назарий асарлари анъанавий қадриятлар сифатида баҳоланиб, улардан бугунги кунда жамиятни модернизациялаш жараёнларида унумли фойдаланилмоқда.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва 2010 йилнинг 12 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги эълон қилинган “мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”сида янги жамият қуришга доир ўз концептуал назарий қарашларида бу соҳадаги анъанавий қадриятларга муҳим аҳамият берилади.

Концепцияда “фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислохотларимизнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг ролини кучайтиришда “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилишни белгиланиши, мазкур қонунда “ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳуқуқий нормалар кўзда тутилиши даркор”<sup>116</sup> эканлиги нафақат ҳозирги даврдаги замонавий демократик қадриятларга мос келади, балки унда халқимизнинг бир неча минг йиллик орзу армонлари ҳам ифодаланган.

Жумладан, Алишер Навоийнинг талқинича, “аҳли маъни”га мансуб бўлиш, яъни юксак маънавият соҳиби бўлиш инсоннинг энг олий орзусидир. Дунёдаги барча инсониятни жамият сифатида яшаб туришни таъминловчи шундай қудратли тутқилар ҳам мавжудки, улар инсоний ривожланиш ёки умуман цивилизацияга эришув, жамият ривожини барқарорлигини таъминлаб турувчи ва янада такомиллаштирувчи беқиёс ва ҳадсиз кучга қиёслаш мумкин. Албатта, бу беқиёс ва ҳадсиз куч – маънавиятдир<sup>117</sup>.

Умуман олганда, қабул қилинадиган “Ижтимоий шериклик” қонунида жамият институтлари билан давлат органлари ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий асослари ифода этилар экан, бу анъанавий қадриятларимиздан бири жамоавий муносабатларнинг ҳуқуқий кафолати ёки жамият ва давлатнинг ўзаро маънавий бирлиги сифатида ҳам намоён бўлиши демакдир.

---

<sup>116</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь.-Тошкент: Ўзбекистон, 2010, 45-б.

<sup>117</sup> .Қаранг: Қирғизбоев М.Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба.-Тошкент: Янги аср авлоди, 2006, 45-46-б.

Шунингдек, Концепцияда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти – маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлашга алоҳида аҳамият берилган. Зеро, маҳалла жамият институти сифатида бир неча минг йиллар давомида яшаб келмоқда. XI асрда Наршахий “Бухоро тарихи” асарида маҳаллани “шаҳар ичидаги шаҳарча”, деб атаган бўлса, Алишер Навоий эса Ҳирот шаҳрини “юзта маҳалладан иборат” эканлигини ўз шеърида келтирган эди. Кўриниб турибдики, маҳалла институти нафақат демократия институти, балки у бир вақтнинг ўзида миллий институт ҳамдир.

Шунингдек, Концепцияда “давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш” масаласи илгари сурилмоқда. Шу билан бирга, “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига жамият ва давлат қурилиши, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг турли соҳаларида нодавлат ноижорат ташкилотлари ҳуқуқларини белгилаб берган қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтиришни назарда тутадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш”<sup>118</sup> белгиланган. Албатта, бу қонунларда кўзда тутилган қоидалар ва нормалар бир неча минг йиллардан буён халқимизнинг орзуси сифатида яшаб келмоқда эди. Чунки, давлат ҳокимияти органлари фаолияти халқ иродаси асосида кечиши нафақат демократик қадриятларга мансуб бўлган воқелик, балки анъанавий қадрият ҳамдир. Тарихий анъаналаримиз ва миллий қадриятларимизга эътибор

---

<sup>118</sup>Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь.-Тошкент: Ўзбекистон, 2010, 45-б.

берсак, уларда бошқарув органлари фаолиятини назорат қилишга интилиш азалдан мавжуд эканлигига гувоҳ бўламиз. Алишер Навоийнинг “Ҳайратул-аброр” асарида Султон Ҳусайн Бойқаро, бошқа асарларида эса Искандар каби ҳукмдорлар даврларидаги давлатлар мисолида мансабдорлар устидан халқ назоратини амалга ошириш бўлган даъватларни учратамиз<sup>119</sup>.

Инсоннинг ахлоқи ва маънавий дунёсини юксалтиришга нисбатан ҳокимиятни ўз функцияси чегарасидан чиқмай ишлашини таъминлаш қийин муаммодир. Бунинг учун на фақат олий даражадаги, балки барча даражадаги раҳбарлар ҳақиқий инсоний маънавий кадриятларни ўз дунёқарашларига сингдирган бўлиши зарур. Бу ҳолатда қонунлар билан маънавий кадриятларнинг уйғунлигига зарурат туғилади.

Маънавиятли раҳбарлар ва бошқарувчилар устидан халқ назоратини амалга ошириш ўта мураккаб, ўта машаққатли бўлгани сабабли ҳам барча мутафаккирлар ўз шоҳ асарларини ҳукмдорларга бағишлаб ёзганлар. Чунки, қадим ва ўрта асрларда мансабдорларни маънавият ва шариатга амал қилишини назорат қилиш кўп жиҳатдан ҳукмдорларнинг қандай сиёсат юритишига боғлиқ эди. Қолаверса, жамият мансабдорлардан доимо маънавий етук бўлишни талаб қилиб келган. Масалан, эслаб кўрайлик: Низомулмулк (“Сиёсатнома”), Фирдавсий (“Шоҳнома”), Юсуф Хос Ҳожиб (“Қутадғу билиғ”), Ахмад Югнакий (“Ҳибатул ҳақойиқ”), Абу Наср Форобий (“Бахт-саодатга эришув”, “Фозил шаҳар одамлари”), Кайковус (“Қобуснома”), Соҳибқирон Амир Темур (“Темур тузуклари”), Алишер Навоий (“Садди Искандарий”, “Ҳайратул-аброр”), Ҳусайн Воиз Кошифий (“Ахлоқи Мухсиний”) каби мутафаккирлар ҳукмдорларни адолатли сиёсат юритиш, мавжуд зулм, ўзаро низо ва урушларга барҳам беришга чорловчи асарларини асосан ҳукмдорлар воситасида мансабдорлар маънавиятини юксалтиришга бағишлаган эди. Бундан шундай хулоса чиқадики, давлат бошқаруви, ҳокимият ва сиёсат ҳам маънавиятли сиёсат асосида қурилмоғи ва фаолият кўрсатмоғи -

---

<sup>119</sup> Қаранг: Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр.-Тошкент.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. Б. 242-246.

асосий умуминсоний кадриятлардан биридир. Бошқача айтганда, бу соҳада қабул қилинган қонунларда ҳуқуқ ва маънавият уйғунлигига эришмоқ талаб этилади.

Кўриниб турибдики, Концепцияда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш мақсадида илгари сурилган ғоялар нафақат демократик принципларга асосланади, балки улар миллий тарихий тараққиётимиз давомийлигини ифодачиси анъанавий кадриятлардан озиклангани учун ўзида миллий манфаатларни акс эттиради. Ислохотларнинг ҳозирги босқичида давлатимиз халқ анъанавий кадриятларини юксалтириш, уларни қонунчиликда ифодалаш, шу билан бирга ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш асосида ХХІ асрнинг кейинги ўн йилликлари сари шиддат билан интилмоқда. Президент И.А.Каримов томонидан Концепцияда белгиланган Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги, “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонунларни қабул қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига “жамият ва давлат қурилиши, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг турли соҳаларида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳуқуқларини белгилаб берган қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтиришни назарда тутадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш”<sup>120</sup> билан нафақат янги жамият қуришнинг ҳуқуқий асослари яратилади, балки, фуқаролик жамиятига доир назарияларни бойитишга зарурият туғилади, фуқаролар онгида бу жамиятга доир янги тасаввурларни шакллантириш вазифалари ҳам пайдо бўлади.

Маълумки, фуқаролик жамиятига доир назариялар деярли 200 йилдан буён ўз шаклланиш ва ривожланиш босқичларига эга бўлиб, уларга биноан бу жамиятнинг ўз тамойиллари, кадриятлари ва ўз институтлари мавжуддир.

---

<sup>120</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь.- Тошкент.: Ўзбекистон. 2010. Б. 46-47.

Тарихдан маълумки, фуқаролик жамиятига бир қанча сиёсатшунос ва файласуф олимлар таъриф беришган. Буюк немис файласуфи Г.Гегель фикрича, фуқаролик жамияти – бу оила билан давлатнинг қарама-қарши ҳолати, лекин, улар хусусий ва гуруҳий қизиқишлари билан бир-бирларига боғлиқ тизим бўлиб, қайсики, бунда ҳар ким ўз мақсади учун ҳаракат қилади, аммо, бошқаси билан муносабатда бўлмасдан ўз мақсадига эриша олмайди. Бу ҳолатда давлат ахлоқий-сиёсий бирликни ва умумий қизиқишларни намоён этади<sup>121</sup>.

Кўришиб турибдики, фуқаролик жамияти – индивидларнинг эркин ҳолда ўзини-ўзи бошқаришни юзага келишини ҳарактерлайди ва фуқароларнинг ўз ташкилотлари ва ассоциацияларини ташкил қилиниши ҳамда бунда давлат ҳокимияти органлари томонидан тўғридан-тўғри уларнинг фаолиятига аралаша олмайдиган жамиятдир.

Буюк Франция инқилоби давридан кейин жамиятнинг ва давлатнинг манфаатлари билан қиёсланадиган, ўз шахсий манфаатларини англайдиган тенг ҳуқуқли жамият аъзолари – фуқаролар пайдо бўлиши билан фуқаролик жамияти қуриш даври бошланди. Узоқ ривожланиш натижасида фуқаролик жамиятини замонавий тушуниш шаклланди. Унга кўра, фуқаролик жамияти деганда - жамият аъзоларининг туб манфаатлари давлат ҳокимиятининг манфаатлари билан уйғунлашадиган давлат ташкилотларининг янги шакллари пайдо бўлишининг олдини олишга қаратилган манфаатлар, муносабатлар, институтлар мажмуи тушунилади.

Фуқаролик жамиятининг асосий элементлари: мулкчилик шакллариининг хилма-хиллиги ва тенглиги, меҳнат ва тадбиркорликнинг эркинлиги, мафкуравий хилма-хиллик ва ахборот эркинлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг мустаҳкамлиги, ривожланган ўзини ўзи бошқариш, маданийлашган ҳуқуқий ҳокимиятдир.

---

<sup>121</sup> .Қаранг: Социологический энциклопедический словарь.-Москва: НОРМА-ИНФРА. 2000, с.212.

Фуқаролик жамияти ниҳоятда мураккаб ижтимоий ҳодисадир. Шу боис уни учта асосий йўналиш бўйича таърифлаш мумкин: иқтисодий жиҳат; сиёсий жиҳат; аксиологик жиҳат.

Мавзуимиздан келиб чиқиб, аксиологик жиҳат тўғрисида тўхталадиган бўлсак, фуқаролик жамияти чуқур маънавий, юксак маданий инсоний муносабатлар замирига таянади. Бу жамиятнинг маънавий ҳаётида бир нарса устуворлик қилади, яъни инсон бениҳоя даражада улуғланади, улар мўътабар ва муқаддас саналади. Бунда инсоннинг кадр-қиммати, меҳр-оқибат, ахлоқий поклик, адолатпарварлик ва инсонпарварлик каби олий қадриятлар одамлар ўртасидаги муносабатларни белгиловчи мезони сифатида майдонга чиқади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, фуқаролик жамиятининг маънавий жиҳати, жамиятнинг юксак маънавий-маданий ва ахлоқий ривожланганлиги, инсонлар ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳурмат, иймон-инсоф доирасида, инсон қадрини эъзозлаш асосига қурилган<sup>122</sup>:

Шундай қилиб, фуқаролик жамияти – бу ҳар бир инсон манфаатини устувор билувчи, ҳуқуқий анъана ва қонунларга ҳурмат муҳити шакллантирилган, анъанавий қадриятлар эъзозланадиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари сўзсиз таъминланадиган, давлат ҳокимиятининг самарали жамоатчилик назорати механизмлари вужудга келтирилган, инсоний муносабатлар чуқур маънавий-маданий қадриятларга таянадиган эркин демократик ҳуқуқий жамият демакдир.

Фуқаролик жамияти – мазкур мамлакатнинг ҳар бир фуқаросига иқтисодий ва сиёсий турмушини ўз ихтиёри асосида қуришга тўла эркинликни кафолатловчи маълум ижтимоий тизим<sup>123</sup>. Фуқаролик жамиятини инсонлардаги ўз – ўзини англаш, уларнинг объектив равишдаги масъулият ҳиссини сезиш қобилиятининг юксалишига ҳамоҳанг равишда шаклланиб боради.

---

<sup>122</sup> Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти.-Тошкент.: Шарқ, 2002. Б. 171-172.

<sup>123</sup> Қаранг: Фалсафа: комусий луғат. Тошкент.: 2004. Б. 438.

Таниқли сиёсатшунос олим М.Қирғизбоев таъкидлагинидек: “фуқаролик жамиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири, унинг институтлари тизимидаги барча – давлат ва нодавлат жамоат ташкилотларига аъзоликнинг ихтиёрий шаклда бўлишидир. Бу қоида, биринчидан, жамиятдаги демократиянинг юқори даражасини намоён қилса, иккинчидан, жамият аъзоларининг ижтимоий онги ва фаолликлари юксаклигини билдиради”<sup>124</sup>. Фуқаролик жамияти тушунчаси фуқаро ва давлат, ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларнинг уйғунлигига асосланган ҳуқуқий жамият тизимини ўз ичига қамраб олади.

“Фуқаролик жамиятининг умумий тан олинган тамойиллари, – деб ҳисоблайди Акмал Саидов, – бизнинг шароитларда даврий равишда ва ҳар доим амалга оширилади. Анъаналарга таяниш, улардан янгиланиш билан бирга самарали фойдаланиш демократик қайта ташкил топишлар даврида жамиятнинг барқарорлигига ёрдам беради”<sup>125</sup>. Ушбу фикрларни рус файласуфи В. Шаповалов қуйидагича асослайди: ”ўз асосидаги модернизация, инъикос этувчи ва эргашувчи модернизациядан фарқ қилган ҳолда, мазкур мамлакатнинг миллий ва цивилизациявий хусусиятларини, анъаналарини эҳтиёт қилиш, маданий хусусиятлар ва ўзига хосликни ҳисобга олишни тақозо этади”<sup>126</sup>. Дарҳақиқат ислохотларни кетма - кет тадрижий амалга оширилиши, қонун устуворлиги асосида халқнинг менталитети, қонун ва ҳокимиятга чуқур ҳурматини таъминлайди. Худди шундай кучли ижтимоий сиёсатни қувватлаш Туроннинг кўплаб таниқли ҳукмдорларининг давлатни бошқариш сиёсатида намоён бўлади.

Фуқаролик жамияти – инсоният цивилизациясининг нодир кашфиёти, демократик тараққиётнинг олий шакли, ўзига хос эркин ижтимоий макон сифатида у муайян муҳитда ўз-ўзидан, ундан манфаатдор бўлган асосий

---

<sup>124</sup> Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. Тошкент.: 2006. Б. 102.

<sup>125</sup> . Саидов А. Х. Нужен новый закон о неправительственных организациях. // Правда Востока. - 1998. 18 сент

<sup>126</sup> Шаповалов В.Ф. Основы философии современности. К итогам XX века. М.: Флинта-Наука. 1998. С. 121.

кучлар, кенг жамоатчилик, айниқса, аҳолининг энг фаол қисми бўлган ёшларнинг иштирокисиз барпо бўлмайди. Зеро, жамият тараққиётида субъектив омиллар ҳам ўта муҳим ўрин тутиши, субъектив омиллар ҳам объектив омилларга айланиши мумкин. Шундай экан, у ёки бу жамиятнинг ривожини уни ташкил қилиб турувчилар, жумладан, ёш авлоднинг маънавий баркамоллигига, ижтимоий ҳаётни такомиллаштириш жараёнларидаги иштирокига ҳам бевосита боғлиқдир. “Жамиятнинг ривожланиши унинг, ташкилий жиҳатдан етук ёки етук эмаслигига эмас, балки шахслар ички маънавий ҳаётининг фаол ёки нофаоллигига боғлиқдир”<sup>127</sup>. Демак, баркамол авлоднинг маънавий тарбияси жамият тараққиётининг стратегик аҳамиятга молик масалаларидан биридир.

Миллий кадриятларимиз иерархиясининг энг юқорисида анъанавий учлик – оила, жамоавийлик, меҳнатсеварлик жойлашган бўлиб, ушбу институтлар қадимдан халқимизни жамият тараққиёти йўлида ҳамкор, ҳамнафас бўлишга, ижтимоий жараёнларда фаол иштирок этишга ундаган кадриятлардир. Шу маънода бугун ҳам давлатимиз миллий ривожланиш концепциясини уларга таяниб ишлаб чиқди. Ушбу “учлик” уйғунлигини таъминлаш миллий сиёсатимизнинг стратегик вазифаларидандир. Хусусан биринчи президентимизнинг “инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир” номли маърузасида “2012 йилга мамлакатимизда “Мустаҳкам оила йили” деб ном берганимиз, оила институтини мустаҳкамлаш билан боғлиқ қонунчилик ва ҳуқуқий базани янада ривожлантириш ва такомиллаштириш”<sup>128</sup> масаларига алоҳида аҳамият берилгани ёки “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши, халқимизни фаннинг барча соҳаларида эркин ижод этишини

---

<sup>127</sup> Швейцер А. Благовение перед жизнью. Москва, 1992. С.63.

<sup>128</sup> Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. Т.: Ўзбекистон. 2012. Б. 16.

рағбатлантириш мақсадида тузилган “Ижод” фонди фикрларимиз учун илмий асосдир.

Жамиятни модернизациялаш жараёнида аҳамият берилиши лозим бўлган масала, халқимизнинг анъанавий кадриятларидан бири – комил инсон тарбияси бўлиб, ҳозирги кунда ўта долзарб ва муҳим ҳисобланади. Буюк келажак ва фаровон ҳаёт, энг аввало комил инсон маънавиятидан бошланади. Шахс маънавияти юксалиб, моддий кучга айланганда, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг сифат жиҳатдан мутлақо янги босқичи, янги ижтимоий муносабатлари, инсоний кадриятлари тизими қарор топади. Ҳар томонлама ривожланган баркамол инсон меҳр-мурувватли, адолатли, тўғрисиўз, виждонли, ор-номусли, иродали, матонатли, тадбиркор, жисмонан етук каби анъанавий кадриятларни ўзида мужассам этмоғи керак. Бу тўғрида Республикамиз биринчи Президенти Ислам Каримовнинг қуйидаги сўзлари фикримизни тасдиқлайди: “биз соғлом авлодни тарбиялаб, вояга етказишимиз керак. Соғлом киши деганда фақат жисмоний соғломликни эмас, балки шарқона одоб-ахлоқ ва умумбашарий ғоялар руҳида камол топган инсонни тушунамиз”<sup>129</sup>. Бу фикрлардан кўриниб турибдики, Шарқона одоб-ахлоқ ва умумбашарий ғояларни онгига сингдириб олган киши юксак маънавиятли, яъни маънавий баркамол инсон ҳисобланади.

Фуқаролик жамиятининг ахлоқий талаби бўлмиш эркинлик яккаҳоқимлик, вольонтаризм, синфий адоват, тоталитаризм ва зўравонликка қарши бўлган ахлоқий тамойил сифатида майдонга чиқади. Бундай жамиятда ахлоққа асосланган ҳуқуқ, адолатга асосланган қонун устуворлик қилади. Бунда қонун устувор бўлиб инсоннинг ўз - ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча ёрдам беради, шахс манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларининг тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айти пайтда бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўймайди, яъни эркинлик ва қонунга бўйсунуш бир вақтнинг ўзида амал

---

<sup>129</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т.: Ўзбекистон. 1995. Б. 57.

килади. Жамиятда эркинликсиз демократия бўлмайди. Демократик жамиятнинг халқаро тан олинган тамойилларидан бири шахс эркинлигидир.

Биринчи Президентимиз Ислоом Каримов таъкидлаганидек, “одамларимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётда, бунёдкорлик ишларида, фуқаролик жамиятини қуришда, турмушимизнинг мазмун-моҳиятини белгиловчи кадриятларни шакллантиришда кўпроқ ва фаолроқ қатнашсинлар”<sup>130</sup>. Бинобарин, фуқаролик жамиятини сиёсий соҳасига миллий мазмун бахш этмасак, агар у ҳаётимизнинг ҳар бир сониясига сингиб кетмаса, турмушимизнинг ажралмас қисмига айланмаса, ҳамма шиорлар ва таърифлар ё мазмунсиз бақир-чақир ёки ҳеч нарсани англамайдиган сўз ўйини бўлиб қолаверади.

Албатта, жамият сиёсий ҳаётини модернизациялаш билан анъанавий кадриятлар уйғунлиги юзага келиши жамиятни барқарор ривожланиши учун асосий омил ҳисобланади. Шунга мувофиқ сиёсий кадрият тушунчасининг моҳиятини англаш муҳим аҳамият касб этади.

Сиёсий ва анъанавий кадриятлар уйғунлигини таъминлаш нафақат инсонга муайян мақсад, келажакка ишонч билан қараш ва истиқболга бориш учун катта куч қудрат, умид бахш этади, балки, инсон қалбида камол топиши жараёнида у қалбан ва виждонан, ақл ва қўл билан меҳнат қилишга ундайди. Бу инсон ҳаётига барқарорлик бағишлайди, унинг қарашлари шунчалик бойлик орттириш йўлида кун кўришга йўл қўймайди, фожиалар вақтида омон сақлаб қолади ва иродани мустаҳкамлайди.

Юқоридаги мулоҳазаларга таяниб, фуқаролик жамияти тараққиётини анъанавий-замонавий-сиёсий кадриятлар учлигида кўриш мумкин. Зеро “агар диалектик қарама-қаршилиқлар алоҳида бир халқача деб билинса, учлик деганимиз ушбу халқачалар занжиридир”<sup>131</sup>. Ушбу таърифга қиёсан, қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

---

<sup>130</sup> . Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд.-Т.: Ўзбекистон. 1999. Б. 160.

<sup>131</sup> Анвар Зиё. Кучли жамият фалсафаси. “Тафаккур” журнали, 2000 йил, 1 сон, 28-бет.

биринчидан, фуқаролик жамияти ва анъанавий кадриятлар – Ўзбекистон халқининг мақсадга эришиш йўлидаги, шаклланиши ва ривожланишидаги бир-бирига уйғун ҳолда икки ҳаётий ва маънавий манба, икки таянч нуқта, икки ўқ илдиз эканлигинин алоҳида таъкидлаш жоиз;

иккинчидан, ҳар бир жамият тараққиёти умуминсоний хусусиятларга эга эканлиги ҳамда анъанавий ва замонавий кадриятларга таяниб, улардаги ижобий ютуқлар, ғоялар, фикрлар ва қоидаларни қабул қилиб, ижодий ўзлаштириб ривожлантира олганлиги билан белгиланади;

учинчидан, ҳар бир сиёсий кадриятларни шаклланиши ва ривожланишида шу жамиятда яшаб турган халқ анъанавий кадриятлари ҳамда жаҳон халқлари яратган замонавий кадриятларнинг ҳам улуши ва таъсири мавжудлиги, ҳар бир халқ қайси халқлар билан алоқа қилса, унга маънавий таъсир кўрсатиши ва маънавий таъсир олиши табиий жараёнدير;

тўртинчидан, жамиятни модернизациялаш жараёни билан ҳамоҳанг шаклланаётган янги сиёсий кадриятлар айти пайтда у халқларнинг анъаналари, урф-одатлари, расм-русумлари билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида, улардан самарали фойдаланиш пировард мақсадга эришиш имкониятини яратади.

Миллатимиз минг йиллар давомида шаклланган, турмуш-тарзи ва қон томирига сингиб кетган урф-одат, анъана ва кадриятларга бой халқ ҳисобланади. Айти пайтда урф-одат ва анъаналаримиз халқимиз дунёқараши маҳсулидир. Улар миллатимизнинг узок тарихий тараққиёти жараёнида вужудга келган бўлиб, бугунги кундаги ўзгаришлар учун катта аҳамият касб этади. “Анъана - маданий тажрибанинг у ёки бу унсурларини сақлайдиган, авлоддан-авлодга ўтадиган, ўтмишдан келажакка мерос қоладиган, жамият ҳаётининг турли соҳаларида намоён бўладиган, ижтимоий жараёнларнинг тарихий-генетик узвийлигини боғлашга хизмат қиладиган моддий ва маънавий кадрият”<sup>132</sup>. Дарҳақиқат, анъаналар муайян жамият ёки миллат

<sup>132</sup> Фалсафа. Энциклопедик луғат., “Ўзбекистон миллий энциклопедиси” нашриёти. Т., 2010 йил, 22-бет

тараққиётида ворисийлик вазифасини бажариб, тарихан шаклланган маънавий-маданий муҳит бардавомлигини таъмиловчи қадриятдир. Хусусан анъаналар жамият ихтиёридаги маънавий қурол, воситадир. Ушбу восита ёрдамида жамият ижтимоий-маънавий ҳаёти тезлашиши ёки секинлашуви мумкин. Агар маънавий қурол туб миллатнигина эмас, балки, шу миллат орқали бошқа жамият аъзоларининг ҳам манфаатларини ҳимоя қилса ёки ҳеч бўлмаса қадриятларини оёқ ости қилмай, аксинча, умуминсоний қадриятлар сифатида уларнинг ижобий жиҳатларини ўзлаштирса макон ва замонда тараққиёт юзага келади. Хусусан, бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида анъанавий қадриятларни сақлаб қолиш масаласи айни дамда ижтимоий воқелик заруратидир. Анъанавий қадриятлар кишилик жамиятининг тарихий тараққиёти давомида шаклланиб, макон ва замон воқелигининг инъикоси сифатида намоён бўлади. Бу жараёнга муайян ҳудудда яшовчи халқ турмуш-тарзи (касб-кори), орзу-мақсадлари, эътиқоди (диний-дунёвий), ижтимоий-маънавий муҳит ўз таъсирини кўрсатади. Анъанавий қадриятларнинг жамият ва миллат учун энг қадрли жиҳати шундаки, улар аввало, маълум бир жамиятнинг ўтмишдан келажак томон ривожланишида асл хусусиятларини ўзида сақлаб қолади, қолаверса, жамиятни ижтимоий-маънавий структурасини янги воқеликка мослаштиришда “диалектик андоза” вазифасини бажаради.

Маълумки, кундалик онгда “анъана” барқарорлик, турғунлик, ўзгармаслик, ақида каби тушунчаларга маънодош сифатида ишлатилади. Шунинг учун “ақида” тушунчасини илмий таҳлил этиш, аввало “анъана” атамасини бир ёқламаликдан сақлайди, қолаверса унга нисбатан қўлланаётган ҳар хил қарашларга барҳам беради.

Баъзи диний рисоаларда бу тушунчага бир ёқлама қарашлар мавжуд<sup>133</sup>. Кундалик дунёқарашда ақида, арабча сўз бўлиб, “эътиқодий тушунча” демақдир. Яъни, муқаддас китоблардаги асосий тушунчалар,

---

<sup>133</sup> Ислом. Справочник. Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси.Т., 1989. Б. 62.;  
Ғаввосларга зорикқан уммон. “Миллий тикланиш” ҳафтаномаси, 1995 йил, 19 сентябрь сони.

фикрлар, ғояларга шак келтирмасдан ишониш, эътиқод қилишдир. Ҳозирги кунда илмий рисолаларда “ақидани фақат диний тарзда тушуниш ҳам тўғри эмас. У айрим дунёвий оқим ва таълимотларда ҳам муайян ғоя ёки тамойилга қатъий ишонч, уни мутлоқлаштириш маъносида ишлатилади” ёки “ақидапарастлик муайян шароитда, бирон-бир ғоя ёки тамойилга қатъий ишонч ва уни мутлоқлаштириш асосида шаклланган қоида ва тартибларни, бошқа шароит, ҳолат ва вазиятни ҳисобга олмаган ҳолда, кўр-кўрона кўллашга уриниш”<sup>134</sup> каби бир-бирига зид бўлган қарашларни учратишимиз мумкин.

Яна бир луғатда у бундай изоҳланади: “Догма (ақида) грекча бўлиб, фикр маъносини англатадиган ва ҳақиқатлиги аён бўлган, бинобарин, у ёки бу фалсафий система асосига қўйиладиган тезисдир. Етарли жиҳатдан далилланмаган ниманидир асослаш, унга қарши билдириладиган ҳар қандай эътирозларга қарамай ўз фикрида муқим турадиган кишилар ақидапараст дейилади”<sup>135</sup>.

Юқорида келтирилган иқтибосларни умумлаштириб айтганда, бизнингча, ақида муайян жамиятда обрў-эътиборга эга бўлган шахс ёки ижтимоий гуруҳ томонидан илгари сурилган бирор-бир ғоя ёки таълимотга эргашиб уни илмий асосларсиз охириги ҳақиқат сифатида қабул қилишга ундовчи собит фикр деган хулосага келиш ўринлидир. Ушбу таърифлардан келиб чиқиб айтганда “ақида” қотиб қолган тушунча экан, ундан ижобий маънода фойдаланиш мумкинми? Бизнингча, мумкин. Масалан, анъанавий қадриятларнинг предметларидан бири ҳисобланган маънавиятга доир кўпгина тушунчалар, келажак авлодга ақида орқали етказилади, чунки уларда халқ донишмандлиги, одамзот тарихий тажрибаси мужассамлашган бўлади. ”Чунончи, номус, ҳаё, иффат, меҳр, муҳаббат, гўзаллик каби тушунчалар ақидавий онг туйғули тарихан қадриятга айлантирилиб,

---

<sup>134</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қисқача изоҳли тажрибавий луғат). Т., “Янги аср авлоди”, 2002. Б. 10-11.

<sup>135</sup> Философский словарь. (Сокращенный перевод с немецкого). Москва, изд. Иностранной Литературы, 1961. стр. 207.

жамоатчилик фикри шу тушунчаларни ақида сифатида ардоқлаб келган, уларга риоя қилган индивидларга нисбатан чексиз иззат-икром муҳитини шакллантирган”<sup>136</sup>. Агарда иффат, ҳаё, садоқат каби тушунчалар “ақида” тарзида келажак авлодларга узатилмаганида эди, тарихий тараққиётнинг ҳар бир босқичидаги ўзгаришлар таъсирида асл мазмундан бирмунча узоқлашган бўлар эди. Бизнингча, бугунги илмий тафаккурда бу тушунчага муносабатни тўғри қўйиш давр талабларидан биридир. Дарҳақиқат, маънавий кўринишдаги ҳар қандай анъанавий қадрият ақида орқали одамзот руҳиятига сингиб, уларнинг иродасини яратувчилик, бунёдкорлик томонга буриб юборади. Барча онг шакллари каби “ақидавий онг ҳам тинимсиз, изчил такрорлашни талаб қилади”<sup>137</sup>. Зеро, имон мукаммал бўлиши учун диний амалларни тинимсиз такрорлаш нечоғлик зарур бўлса, анъанавий қадриятларни ардоқлаб, такрорлаб туриш жамият поклиги учун шунчалар даркордир. Бу эса жамиятимиз аъзоларини руҳан бой, ахлоқий жиҳатдан мукаммал бўлишлари учун хизмат қилади. Албатта, анъанавий қадриятларни ақида тарзида мафкуравий воситалар орқали изчил ва доимий такрорлаб ишонтириш орқали жамиятимиз аъзолари қалбида алоҳида руҳий ҳолатни қарор топтириб, ижтимоий воқеликдаги нарса ва ҳодисаларга муносиб яшаш кўникмасини шакллантириш мумкин. Ҳозирги кунда сир эмас, ижтимоий онгда фаровонлик фақат моддий эҳтиёжларни қондиришдан иборат деган майл тобора ривожланиб, жамиятда истеъмолчилик руҳи барқарор бўлиб бормоқда. Шундай вазиятда, маънавий ҳаёт, хусусан, анъанавий қадриятлар инсонлар наздида қадрсизланиб қолмоқда. Бундай ҳолат ижтимоий онгда жамият ва табиат тақдирига бефарқ, беписанд қараш майлларини вужудга келтирмоқдаки, башарият ўзлигидан кундан-кун узоқлашмоқда. Шу сабабдан, тарихий давр хусусиятидан келиб чиқиб, янгича тафаккур ва турмуш-тарзини қарор топтирадиган ижтимоий мурватларни излаб топиш ва уларни ҳаракатга келтириш муҳимдир. Аммо бундай мурватлар шинам ва

---

<sup>136</sup> Иброҳим Каримов. Имон ва маслак тарихи.”Янги нашр”. Т.: 2010. Б. 129.

<sup>137</sup> Ўша манба. Б. 129.

қулай хоналарда ишлаётган одамлар ҳаёлида эмас, балки жамият маънавий-ахлоқий муҳитини соғломлаштиришда тарихан тўпланган анъанавий кадриятларга ижодий ёндошган ва албатта ворислик сақланган ҳолда шаклланмоғи даркор.

Дунёда глобаллашув авж олаётган бир шароитда бизнинг сайёрамиз халқлари ҳам моддий, ҳам маънавий-руҳий жиҳатдан бирлашиб бормоқдаки, ҳозирги ривожланган фан-техника ёрдамида тарқалаётган фикрлар, ғояларнинг қай бирини танлаб олиш қийин кечмоқда. Худди шундай бир вазиятда асрлар давомида сайқалланиб, тажриба ва синов чиғириқларидан ўтиб, жамият ривожининг ҳар бир босқичида янги мезонлар билан бойиб келган анъанавий кадриятларни сақлаб қолиш ва уларни келажак авлодга ворисийлик тамойилларини ҳурмат қилган ҳолда етказиш нафақат долзарб масала, балки сайёрамиз аҳолиси тақдирини белгилаб берувчи муҳим вазифадир.

Жамият ҳаётини, унинг бугунги қиёфасини ижтимоий гуруҳларнинг (қавмлар, этник гуруҳлар, миллат ва элатлар) кўринишисиз тасаввур қилиш мушкул. Зеро, асосий эътибор миллат тушунчасини кишиларнинг руҳий психологик, ҳудудий, маданий тил жиҳатдан уюшган гуруҳларисиз тушуниш ва баҳолаш мумкин эмас. Миллатнинг умумий кўриниши, унинг мангу борлиғи, ўзлигини бир куч, иқтисодий-сиёсий макон сифатида билиши бугунги кун нуқтаи назаридан олганда муҳимдир. Айниқса, миллатлараро тинчлик, тотувлик, минтақавий бирлик, инсоният олдида турган хавф ва муаммоларни биргалашиб ҳал этиш ҳар қачонгидан муҳим ва долзарбдир. Биргина Орол фожiasi нафақат ўзбек халқини, шу билан бир қаторда ер деб аталмиш сайёрамизда яшовчи барча халқларнинг, миллатларнинг умумий ҳал этилиши лозим бўлган муаммосидир. Инсониятнинг янги асрдаги бу каби экологик муаммолари анъанавий кадриятларга замонавий муносабатни талаб қилмоқда. Миллат - анъанавий кадриятларда ўз борлигини кўради, уни сақлаш, асраб-авайлаш уларнинг яшовчанлигини белгилайди. Шу билан бирга, миллатнинг ўтмиши, келажаги

ва ҳозирги ҳаётини кўрсатиб турувчи, белгиловчи омилдир. Тарихий онг ва тарихий хотира миллат ҳаётини, қадриятини ўзида мужассам этувчи, барқарор ривожланиб, ҳар томонлама мустаҳкамлигини таъминловчи ҳодисадир. Авлодлар ворисийлигини, анъана ва удумларимизни сақлаш билан бир қаторда, келажак авлодни миллий ғурур, миллий эътиқод руҳида тарбиялаш ўта муҳим ва лозим, албатта.

Анъанавий қадриятлар тушунчаси муайян макондаги жамият аъзоларининг табиий, тарихий ва ижтимоий ривожланиши жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликларигина эмас, балки улар яшаётган ҳудуд, маданий-маънавий мерос, миллий моҳият, тил, миллий онг, миллат руҳи, тарихи, ўтмиши, турмуш ва яшаш тарзи, халқ ҳаётининг тартиб-қоидалари ҳамда улар билан боғлиқ миллий хусусиятлар, жиҳатлар ва бошқаларнинг аҳамиятини ифодалайди.

Анъанавий ва замонавий қадриятлар уйғунлашишида санъат, адабиёт арбобларининг ўзаро учрашувлари, турли фестиваллар ўтказилиши катта аҳамият касб этади. “Шарқ тароналари” мусиқа фестивалининг Самарқандда анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Биринчи Президентимиз И.Каримов ташаббуси билан “Туркистон – умумий уйимиз” шиори остида кенг авж олиб бораётган оммавий ҳаракат ҳам анъанавий қадриятларимизни сақлашда муҳим восита бўлмоқда. Ушбу масала бўйича Марказий Осиё давлатларининг бир гуруҳ зиёлилари томонидан қабул қилинган мурожаатномада шундай дейилади: “Биз Марказий Осиёдаги беш мустақил давлат фан, маданият, адабиёт ва санъат арбоблари ҳар бир халқнинг анъанавий маданий қадриятларини сақлаб қолишнинг яхлит жараёни асосида халқларимизни бир-бирига маънавий жиҳатдан яқинлаштиришдек олижаноб мақсадларни кўзлаб, ҳукуматга алоқадор бўлмаган “Туркистон халқлари маданиятлари анжумани” минтақа ҳаракатини тузиш ташаббусини кўтармоқдалар”<sup>138</sup>. Албатта, бундай

---

<sup>138</sup> Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси.- Т.: 1998 йил. Б. 328.

тадбирлар Марказий Осиёдаги мустақил давлатлар ҳудудида яшовчи халқлар маданияти, маънавиятини юксалтиришда, ҳамда миллий ўзлигини англашида муҳим омил саналади.

Таъкидлаш лозимки, жамият соҳаларини модернизациялаш жараёнини анъанавий ва замонавий кадриятлар уйғунлигини такомиллаштириш руҳида амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Дунёда ҳеч бир давлат иккинчи бир давлатнинг тараққиёти, ривожланиши, фан ва техника янгиликларидан фойдаланмасдан яшай олмайди. Ҳеч бир халқ, жамият кадриятларсиз яшай олмайди. Кадриятлар халқлар ҳаётининг таркибий қисми сифатида турмуш тарзини безаш билан чегараланмай, ижтимоий ҳаётнинг тараққиётига ҳисса қўшади. Айтилган пайтда кадриятлар жамиятни модернизациялашда фаол иштирок этиб келажак учун муҳим омил ҳисобланади.

Мамлакатимиз ижтимоий-маданий ҳаётидаги анъаналарни бугунги воқелик мезонлари билан уйғунлаштириш, уларга нисбатан ёш авлод қалбида меҳр уйғотиш орқали уларни ўрганишга иштиёқни ривожлантириш ҳамда рағбатлантириш мақсадида бир қанча тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда. Жумладан, Пойтахтимизда 2009 йил охирида бўлиб ўтган “Art Week Style.uz – 2009” ва 2012 йил октябрдаги санъат ҳафталиклари, 2010 йили Хива шаҳрида, 2012 йили Тупроққалъада, 2013 йил Сармишсойда “Асрлар садоси-2010”, “Асрлар садоси 2012” “Асрлар садоси 2013” ёки 2019 йил апрель ойида Термиз шаҳрида ўтказилган “Халқаро бахшичилик” маданият фестиваллари ташкил этилиши ўтмиш меросимиз ва анъаналаримизни бугунги авлодларга етказишда муҳим аҳамият касб этади. Айтилган пайтда ушбу тадбирлар навқирон авлод қалбида ўз тарихи ва аجدодларига нисбатан чексиз фахр ва ифтихор туйғуларини шакллантириш билан бир қаторда, ҳозирги воқеликда ўз “Мен”ини англашга ҳамда муносиб ворислик мезонларини шакллантиришга кўмак берувчи восита бўлмоқда.

Жамиятни модернизациялашда анъанавий кадриятларни қотиб қолган, ҳеч қачон ўзгармайдиган ижтимоий ҳодиса сифатида баҳоламаслик лозим. Аксинча, жамиятдаги иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳаларда рўй

бераётган ўзгаришлар таъсирида анъанавий қадриятлар ҳам доимо ривожланиб, янгиланиб туради ва айрим жиҳатлар доимий тарзда моддийлашган, объективлашган тарзда авлоддан-авлодга ўтади, жамиятни модернизациялашга ўз таъсир кучини кўрсатади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, аввало, мустақиллик туфайли жамиятни модернизациялашда анъанавий ва замонавий қадриятлар уйғунлигига таяниш кафолати пайдо бўлди. Иккинчидан, мустабид совет бошқаруви “коммунистик ғоялар” асосида миллий-маънавий меросни, қадриятларни ҳисобга олмас эди. Миллийлик, миллий-маънавий қадриятлар ўрнида “синфийлик”, “коммунистик маданият”га хос мавҳум ақида ҳамда тамойиллар бошқарувда ҳукмронлик қилар эди. Учинчидан, анъанавий ва замонавий қадриятлар уйғунлигини давлат ва жамиятни модернизациялашда ҳисобга олиниши мустақил тараққиёт йўлидан ривожланишини амалга оширишга имконият беради. Тўртинчидан, анъанавий ва замонавий қадриятларни уйғун тарзда амалга ошириш мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишини Дунё мамлакатлари эришаётган ютуқлардан самарали фойдаланиш, демократик тараққиётни кафолатлаб беради. “Халқимиз умуминсоний қадриятларга нисбатан ўта очиқлиги туфайли, замонавий демократик қадриятларни тез ўзлаштиришига умид қилса бўлади. Бу албатта, халқимизнинг тарихий-ижтимоий анъаналаридаги демократик ғоялар, тажрибалар, хусусан, жамоавий демократия намуналари билан ҳам боғлиқ. Бу табиий, зеро шарқона ижтимоий-сиёсий анъаналар асосида доимо жамоатчилик, ижтимоий адолат ғоялари, жамоатчилик фикри, ахлоқий ва маънавий илдизлари устувор бўлган”<sup>139</sup>.

---

<sup>139</sup> Б.А.Алиев, Т.Хошимов. Сиёсий фикрлар тарихи. Монография. ТДИУ «Иқтисодиёт» нашриёти, Т.: 2008. Б. 59.

### 3.2. “Ўзбек модели”да анъанавий ва замонавий қадриятлар

#### гармониясининг ижтимоий-фалсафий аҳамияти

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгач, асосий стратегик мақсад миллий давлатчилик пойдеворини барпо этиш, мустақилликнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий асосларини яратиш эди. Мустақил тараққиёт йўлини белгилаб олиш мақсадида ривожланган мамлакатлар тажрибасини чуқур ўрганиб, мамлакатимизнинг анъанавий қадриятлари ва географик-демографик шарт-шароитларига мос бўлган ўзига хос моделни яратиш зарур эди. Мазкур масалага мустақилликка эришган барча мамлакатлар турли даврларда дуч келишган ва улар бу масалани турлича ҳал этишган. Шу сабабли илмий адабиётларда ижтимоий тараққиётнинг “Швед модели”, “Америка модели”, “Япон модели” каби тушунчалар ишлатилмоқда. Мазкур тушунчалар замирида муайян минтақа ёки мамлакатлар ижтимоий тараққиётида сиёсий-иқтисодий ислоҳотларни қайси йўл билан, қай йўсинда амалга оширилиши билан бир-биридан фарқланади. Жумладан, “Америка модели”да бозор муносабатлари ниҳоятда либераллиги билан ҳарактерланса, “Япон модели” иқтисодий муносабатларда давлатнинг етакчи ўрни билан белгиланади. “Швед модели”да иқтисодиётнинг ижтимоий йўналтирилганлиги устувордир. Бизнингча, фақатгина миллий хусусиятлар доирасида шаклланган анъанавий қадриятлар қобиғи билан чекланиб қолиш нафақат “ўзбек модели”нинг шаклланиши, шу билан бирга миллий демократик тараққиёт учун ҳам тўсиқ бўлган бўлар эди. Албатта, замонавий қадриятларни миллий заминга жорий этиш, тоталитар тузум шакллантирган эски тушунчаларни замонавий демократик парадигма билан алмаштириш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар катта тажриба мактаби ҳисобланади. Шу маънода, “ўзбек модели”да анъанавий ва замонавий қадриятларнинг уйғунлашув жараёнига диққат қаратайлик. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов миллий давлатчилик асослари ҳақида фикр юрита туриб, қуйидагиларни таъкидлайди: “давлат қурилиши борасида танқидий нуқтаи назарсиз қабул қилинадиган тайёр қолип ва

андозалар йўқ, дунёда бир-бирига айнан ўхшаган иккита инсон бўлмаганидек бир-бирига айнан ўхшаган иккита давлат ҳам йўқ. Бундай бўлиши мумкин ҳам эмас. Ҳар бир давлат бетакрор ижтимоий ҳодисадир. У ҳар қайси халқ тарихий ва маънавий таракқиётининг ҳосиласидир, унинг ўзига хос, ўзига мос маданияти ривожининг натижасидир<sup>140</sup>.

Дарҳақиқат, жамиятимизнинг модернизациялаш жараёни халқимизнинг асрлар давомида шаклланган тарихий-маданий анъаналарига таяниши лозим. Биз қураётган давлат “умумжаҳон цивилизациясига, давлат қурилиши соҳасида бошқа халқлар эришган тажрибаларга, ижтимоий қадриятларга асосланиши лозим”<sup>141</sup>. Ушбу назарий методологик асосга эга бўлган кўрсатма жамиятимизнинг модернизациялаш жараёни Шарқда яратилган анъанавий қадриятларга ва жаҳон цивилизацияси эришган замонавий қадриятлар гармониясига таянишни тақозо этади, деган хулоса беради. Хўш, ушбу хулоса “ўзбек модели”да, умумназарий нуқтаи назардан олганда, қандай акс этади? Бугун нафақат юксак даражада таракқиётга эришган давлатлар ижтимоий-сиёсий тизимида балки энди ривожланаётган халқлар ҳаётида илғаб олиш, идрок этиш бирмунча мураккаб бўлган ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар юз бермоқдаки, улардан миллий ҳаётимиз манфаатларига анъанавий қадриятларни уйғунлаштирган, таракқиётимизга мос бўлган воқеликни танлаб олиш анча мураккаб ҳодисага айланмоқда. Бу ўринда, бизнингча, “ўзбек модели”нинг белгиларини ёдга олиш зарур. Улар, биринчидан, иқтисодиётнинг мафкурадан мутлақ холи бўлиши, иккинчидан, давлат бош ислоҳотчи эканлиги, учинчидан, қонун устуворлиги, тўртинчидан, кучли ижтимоий сиёсат, бешинчидан, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишдир.

“Иқтисодиётнинг мафкурадан мутлақ холи бўлиши” деганда, фуқароларни ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг том маънодаги субъектларига айлантириш ва хусусий мулкчиликни шакллантириш назарда тутилади.

---

<sup>140</sup>И.Каримов. Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. т. 3. 6-б., Т., Ўзбекистон, 1996.

<sup>141</sup> Ўша манба, 7-бет.

Бозор иқтисодиётига асосланган жамият халқимиз луғатини бир неча янги атамалар билан бойитиш асносида уларнинг дунёқарашида янгича қадриятлар тизими вужудга келиши учун омил бўлди. Албатта, ушбу жамият фуқаролар онгида, турмуш-тарзи ва фаолиятида: ташаббускорлик, хусусий мулкка эгалик ҳисси, индивидуализм, тадбиркорлик, мулоҳазакорлик каби янгича қадриятлар тизимини шакллантирди. Ушбу замонавий ижтимоий-иқтисодий қадриятлар тизимига асосланган бозор иқтисодиётигина жаҳон халқлари билан кенг савдо-сотик алоқалари ўрнатишга, замонавий техника ютуқларидан баҳраманд бўлишга, чет элларда кенг тарқалган тажрибани ўзлаштиришга - фирмалар, фермер хўжаликлари, кичик корхоналар очишга имкон яратади.

Лекин ушбу жараёни диалектик таҳлили шуни кўрсатадики, замонавий кўринишдаги ижтимоий-иқтисодий қадриятлар тизими маънавий кўринишдаги анъанавий қадриятларимизни мазмун-моҳиятига баъзи ҳолатларда салбий таъсир кўрсатмоқда. Бир томондан, одамларда иқтисодий тафаккур, фаоллик, мустақил иш тутишга интилиш, ташаббускорлик тез шаклланаётган бўлса, иккинчи томондан худбинлик кучайиб, жамоавийлик заифлашиб бораётирки, бу анъанавий қадриятларимизни қадрсизланишига сабаб бўлмоқда. Аслида бугун биз замонавий деб атаётган ижтимоий-иқтисодий қадриятлар тизими азалдан жамиятимиз аъзолари учун “тадбиркорлик, эркин савдо, ижтимоий адолат, ўзаро муросаю-мадора ва бошқаларнинг фикрини ҳурмат қилиш тарихий илдизларига эга”<sup>142</sup> бўлган, лекин, тоталитар тузум даврида халқимиз ҳаётидан сиқиб чиқарилган эди. Ушбу воқелик сабабли ҳозирги кунда анъанавий қадриятлар ворисийлигини таъминловчи миллий макон-маҳаллаларда хусусий мулкчиликни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, аҳолининг кучли ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, истеъмол бозорини ҳаридоргир маҳсулотлар билан тўлдириш, одамларнинг моддий фаровонлигини ошириш, кам таъминланган

---

<sup>142</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997., 148-бет.

ижтимоий заиф ва ёрдамга мухтож кишиларга хомийлик қилиш, тадбиркорликни рағбатлантириш каби ҳаётий зарур муаммоларни ҳал этишга сафарбар қилинган.

Хусусан биринчи Президентимиз томонидан 2013 йилни мамлакатимизда “Обод турмуш йили” деб эълон қилиниши ҳам том маънода, маҳаллани обод қилиш демакдир. “Маҳалла идорасининг, маҳаллада яшайдиган аҳолимизнинг ўзини-ўзи бошқариш тизимини, керак бўлса, ижтимоий ҳимоялаш тизимини янада такомиллаштириш, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини янада кучайтириш” каби вазифаларни амалиётга жорий этишда ушбу дастур муҳим аҳамиятга эга.<sup>143</sup> Шунингдек “маҳаллаларда сиёсий, иқтисодий ва бошқа масалаларга доир жамоатчилик фикри шаклланади. Бу эса халқимизнинг турмуш тарзи, ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган тафаккур тарзидир. Бинобарин, ҳаётнинг ўзи маҳаллаларни ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлашни тақозо этмоқда. Мамлакатимизда кўп қиррали ислоҳотлар амалга ошаётган бир пайтда маҳалла жамият учун ишончли таянч ва таъсирчан куч бўлиб хизмат қилиши лозим”<sup>144</sup>.

Дарҳақиқат айнан мана шу маконда фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асоси, ишлаб чиқариш муносабатларининг мураккаб тизимларидан иборат пойдевори барпо этилади. Ижтимоий воқеликдаги ушбу институт хусусий мулкчиликнинг ривожлантирилиши учун кенг ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга имкон яратади. Демак, бу жараёнда, аввало, маҳалла анъанавий ва замонавий қадриятлар гармониясини таъминлаш орқали “ўзбек модели”нинг тўғри танланганлигини намоён этади, қолаверса, ижтимоий воқеликка хос бўлган анъанавий қадриятлар ворисийлигини белгиловчи миллий мезон вазифасини бажаради.

---

<sup>143</sup> И. Каримов. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. Т.: Ўзбекистон. 2012. Б. 29.

<sup>144</sup>И. Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. т. 3. 10-б., Т.: Ўзбекистон. 1996.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида давлатнинг бош ислохотчилик вазифаси аввало, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ислохотларни ташкил этиш ва амалга оширишда ташаббускор бўлишни назарда тутди. Ушбу концептуал назария мамлакатимиз тараққиётининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан бўлиб, жамият ҳаётидаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни амалга оширишда анъанавий ва замонавий кадриятлар гармониясини асос қилиб олади. Ўтмишдан маълумки, ҳокимиятга ва унинг раҳбарларига катта ишонч ва ҳурмат билан муносабатда бўлиш ўзбек халқи ижтимоий онгидаги муҳим сиёсий кадрият бўлиб келган. Жамиятни янгилаш жараёнида давлатнинг бош ислохотчилик қобилияти бевосита раҳбар кадрларнинг ижтимоий-маънавий фаолиятида кўринади. Давлат хизматчиларининг ўзлари юқори малакалигина эмас, айти пайтда ўзлигини таниган, азалий кадриятларимиз таъсирида тарбияланган фидокор ва ватанпарвар инсон бўлмоғи керак. Фикримизча, раҳбар кадрлар фаолиятини қуйидаги мезон бўйича баҳолаш мумкин:

- а) иш қобилияти, билими;
- б) шахсий фазилятлари.

Аввало, ўз ихтисоси бўйича махсус билимга, малакага эга бўлиши, ўз вазифасига масъулият билан ёндошиб, бириктирилган вазифани талаб даражасида бажариш учун етарли қобилиятга эга бўлмоғи шарт. Биз учун муҳим хусусият иккинчи мезон, яъни раҳбар кадрларнинг шахсий фазилятларидир. “Сир эмаски. оддий фуқаро, аввало, давлат номидан иш кўрувчи мансабдорларнинг ўзлари қонунларни қандай бажарётганига эътибор беради. Агар шундай бўлмаса, агар ўша органлар ёки мансабдор шахсларнинг ўзлари қонунларни оёқ ости қилишса мазкур қонунларнинг ўзи обрўсизланади, янаям тўғрироғи жамиятнинг маънавий асосларига путур етади. Бундай вазиятда қонунларни менсимаслик илллати бутун жамиятни

захарлайди, давлат томирлари емирилади, чирий бошлайди”<sup>145</sup>. Ушбу фикрлар инсон-жамият-давлат ўртасидаги ўзаро ишончни шакллантиришнинг энг муҳим қондасидир. Давлатимиз ўз фаолиятида ушбу қондаларга риоя этгани исботи бугунги тараққиётдир. Хусусан Хусайн Воиз Кошифийнинг қуйидаги фикрлари ушбу фикримизни асослайди: “подшоҳлик шукри ҳамма оқли оқим ва бани одамга адлу эҳсон қилмоқ бўлур. Мамлакат ва вилоят васифлигининг шукри раялат мулкидан таъма қилмасликдир... Қудрату қувватнинг шукри ожизлар ва заифларга олам еткурмоқдан кўп йиғмоқдир. Сиҳату саломатлик шукри ситам ражондан бемор бўлғонларга адл доруси бирла шифо бермоқдур”<sup>146</sup>.

Шу ўринда, ваколатли давлат кадрларининг шахсий фазилатларини анъанавий қадриятларимиз, аждодларимизнинг ўғитлари, тажрибалари воситасида тарбиялаш миллатимиз келажагини ҳал қилувчи омиллардан бири сифатидаги аҳамияти янада ортади.

Хусусан, Амир Темурнинг "Тузуқлар"ида раҳбар кадрларда тўрт сифатнинг бўлиши талаб қилинган: биринчиси-асиллик, тоза наслик; иккинчиси-ақл-фаросатлилик; учинчиси-сипоҳ, раият ахволдан хабардорлик, уларга нисбатан хушмуомалалик; тўртинчиси-сабр-чидамлилик ва тинчликсеварлик<sup>147</sup>.

Нафақат у давлат хизматчиларининг қандай сифатга эга бўлишини, балки шундай сифатга эга шахсларни давлат бошқарувига келиши жараёнини назорат қилиб, уларга йўналиш берувчи “тузуқ”ларни ҳам ишлаб чиқади. Бу борада у шундай дейди: “Агар ҳар нарсани ва ҳар кимни ўз мартабасида сақлай олмасанг, салтанатингга бундан кўп ҳалол ва зиён етгай. Демак, ҳар кимнинг қадр-қимматини, тутган мавқеини ва ҳар нарсанинг

<sup>145</sup> Каримов И. Бунёдкорлик- фаровон ҳаёт асоси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IV —сессиясида сўзлаган нутқи. —Т.: Ўзбекистон. 1995. Б. 4.

<sup>146</sup> Махмудов Р. Дегонимни улусқа марғуб эт. Т., “Ўзбекистон”, 1992. Б. 21.

<sup>147</sup> “Темур тузуқлари” Б.Алиев., Т.Хошимов Амир Темурнинг давлат чилик тамойиллари. Т. 2006. Б. 20-37.

Ўлчовини белгилаб олишинг ва шунга мувофиқ иш юритишинг керак”<sup>148</sup> деб, у давлат хизматида иқтидори бор шахсларнинг иштирокини қўллаб - қувватлайди. Жумладан: “Кимнинг ақли ва шижоатини синов тарозусида тортиб кўриб, бошқаларникидан ортиқроқлиғни билсам, тарбиятимга олиб, амирлик даражасига кўтарар эдим. Сўнгра кўрсатган хизматларига яраша мартабасини ошириб борардим”<sup>149</sup> дейди.

Тарихдан яхши маълумки, амалдор Қуръонни кўлга олиб подшоҳга садоқат билан хизмат қилишга қасамёд қилган. Ушбу анъана аста-секинлик билан тикланиб бормокда. Хусусан, биринчи президентимиз ушбу анъанавий қадриятга ҳурмат маъносида 1992 йил 4 январда халқ олдида қасамёд қабул қилган эди. Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев ҳам ушбу анъанани давом эттирган ҳолда 2016 йил 14 декабр куни Республика парламенти олдида қасамёд қабул қилди. Бу анъанани кейинроқ, Ўзбекистон Республикаси прокуратура ва суд идоралари ходимлари давом эттирдилар. Бизнингча, бу анъанавий қадриятни янада ривожлантириб, давлат ишларига масъул бўлган барча турдаги кадрларни қасамёд қилишини белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Тан олиш керакки, бундай анъаналар фақат Мустақиллик туфайли мантиқий ифодасини топди ва янги мазмун билан бойитилмокда. Ҳар қандай жамият тараққиётида давлатнинг бош ислохотчилик вазифаси муҳим аҳамиятга эгаллигини файласуф Э. Тоффлер қуйидагича тавсифлайди: “агар тизим беқарор бўлса, бу нотекис ривожланишга сабаб бўлади. Бундай, ҳатто арзимас кўринган ҳол бутун тизимга акс таъсир этади ва бутун тузумнинг емирилишига олиб келади. Шунинг учун социал тизимлар ва уларнинг қуйи тизимлари давлатга, ҳокимиятга эгаллиги нуқтаи назаридан бир хил мувозанатда бўлолмайди. Мабодо шундай мувозанат юзага келгудек бўлса, у янги тенгсизликни пайдо қилади. Яъни, тенг ҳуқуқлилиқ янги тенгсизликни вужудга келтиради. Тенгсизлик юзага келмаслиги учун давлат, ҳокимият,

---

<sup>148</sup> Ўша манба. Б. 20-37.

<sup>149</sup> Ўша манба. Б. 20-37.

бошқа қуйи тизимлардан фарқли ўлароқ кучли бўлиши шарт, чунки уларнинг кучли бўлиши нафақат ташқи ва ички хавфлар, шунингдек фуқаролик жамиятига “зарурдан зиёд тартиб” жорий этилишининг (масалан, тоталитар бошқарув) олдини олади. Бундай вазифани давлатдан, ҳокимиятдан ташқари ҳеч қандай институт, куч ўз зиммасига ололмайди”<sup>150</sup>. Ғарб демократияси танқидчиси Э. Тоффлернинг ушбу таъкиди маълум маънода “ўзбек модел”ида анъанавий ва замонавий кадриятлар уйғунлиги мавжудлиги исботидир. Жамиятни трансформациялаш даврида бир қатор салбий ҳолатлар, жумладан, ишсизлик, қонунбузарлик, жиноятчилик кабилар юзага келганда давлатнинг тартибга солиш, назорат қилиш ва бошқаришдаги роли янада ортади. Қолаверса, Шарқда ижтимоий тараққиёт азалдан моддий ва маънавий жараёнлар уйғунлиги асосида шаклланган. Шу маънода ҳар бир жамиятнинг “янгилашишлар даври”да иқтисодий омиллар бирламчи, маънавий омиллар иккиламчи аҳамиятга тушиб қолади. Шундай бир вазиятда, жамият маънавий-ахлоқий муҳитининг бузилиши ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ҳуқуқий бўҳронларни келтириб чиқариш хавфини юзага келтиради. Бундай салбий ҳолатларни олдини олишда, ижтимоий-маънавий муносабатларни мувофиқлаштиришда, жамиятнинг барча соҳаларида адолатни қарор топтиришда давлатнинг бош ислоҳотчилик вазифаси янада ортади.

“Ўзбек модели”даги қонунлар устуворлигини таъминлаш тамойилида анъанавий ва замонавий кадриятлар уйғунлашуви яққол акс этади. Ушбу фикрни диалектик таҳлилини Хитой фалсафасида кўришимиз мумкин. Азалдан Шарқ халқлари ижтимоий-маданий тараққиётининг асоси сифатида шахс маънавияти ва ахлоқи каралган. “Агар, халқ қонунлар билан бошқарилиб, жазолар ёрдамида тартиб ўрнатилса, одамлар жазодан қочади ва ўз қилмишларидан ҳижолат тортмайдиган бўлади, — дейди Конфуций— агар халқ эзгу амаллар билан бошқарилиб, хулқи одоб, гўзал хулқ-атвор

---

<sup>150</sup> Тоффлер Э. Метаморфозы власти. М.: АСТ, 2004. стр.75.

билан тартиб ўрнатилса, халқ ўз қилмишларидан уяладиган бўлади ва тузаладиган бўлади”<sup>151</sup>. Дарҳақиқат, Конфуций ўз қарашларида халқ қонунқоидалар орқали ахлоқли, итоатгўй, ижтимоий масъулиятли бўла олмайди, аксинча, улар одамларда давлат ва жамият назоратидан ўзини “панага олиш” майлини кучайтиради. Бошқарув куч, зўравонлик тайзиқ билан эмас, балки кишилар ахлоқини тузатадиган, уларни эзгуликка чорлайдиган воситалар - “ли” орқали амалга оширилиши даркор. “Амалдор эзгу амалли бўлса, халқ ҳам эзгу бўлади”.<sup>152</sup> Лекин бу ҳолат жамиятдаги мавжуд қонун-қоидаларга иккиламчи ҳодиса сифатида итоат этиш керак деган хулоса бермайди. Масалан, қадимги Хитой файласуфи Хан Фэйнинг фикрича, “қонунлар халқнинг отаси ва онасидир. Хукмдор ва амалдорлар, олий насаблилару паст табақадагилар – ҳамма қонунга бирдек амал қилмоғи лозим”<sup>153</sup>. Агар миллий давлатчилигимиз тарихий тараққиётига эътибор берсак, ўрта асрлардаёқ анъана ва одатларга асосланган ҳуқуқий давлат меъёрлари шаклланган. Жумладан, ўзбек давлатчилигининг буюк намоёндаси Амир Темур ўзи барпо этган жуда катта давлатни “куч адолатдадир” деган шиор билан идора этган. Ушбу стратегик мазмундаги қадрият юртбошимиз томонидан яратилган “Ўзбекистонни ривожлантириш ҳаракатлар стратегияси”нинг концептуал асосини ташкил этади.

Зеро, Ғарб жамиятида қонунлар “анъанавий макон”дан алоҳида вужудга келади. Улар деярли анъанавий қадриятларни инкор этиб, фуқароларнинг “шахсий истак”ларини тўла қондирадиган меъёрларга итоат этишга чақиради. Ушбу меъёрлар анъанавий қадриятлардан фарқли равишда муваққатлик хусусиятига эга бўлиб, муаммолар билан бирга юзага келиб, ҳал этилиши билан якун топади. “Замонавий демократия, - деб ёзади Ф Хайек - кўпинча қонунга ҳурмат кўрсатмайди”.<sup>154</sup> Лекин бу билан замонавий жамият аъзолари қонунларнинг муҳимлигини инкор қилади,

<sup>151</sup> В.Алимасов. Конфуций // “Шарқ юлдузи”. 2005. 2-3 сон. Б. 177.

<sup>152</sup> Ўша манба. Б. 178.

<sup>153</sup> Ҳақиқат манзаралари. (96 мумтоз файласуф). “Янги аср авлоди”. 2010. Б. 138.

<sup>154</sup> Хайек Ф.А. Общество свободных. Лондон. 1990. Б. 76.

деган хулоса бермоқчи эмасмиз. Шу маънода, муайян қонун-қоидаларга риоя этишда ҳар бир халқ ўз менталитети, анъаналари ва урф-одатлари, мавжуд воқеликка муносабати, сиёсий-ҳуқуқий маданият даражаси билан боғлиқ фарқлар мавжуд. Масалан, замонавий жамият аъзолари мавжуд қонунлар тизимига аксарият шубҳа билан қарайди, шунинг учун ҳуқуқ ва эркинликларини бироз бўлсада чекловчи ҳолатларга нисбатан кескин муносабат билдириб, ўз норозиликларини митинг ва намойишлар шаклида ифода этади. Баъзан бу ҳолатлар давлатга катта зарар келтириб, ички зиддиятлар келтириб чиқаришини англаса ҳам, улар учун муҳими гуруҳ манфаатларини ҳимоя қилишдир. Гарчи бундай вазиятларнинг ҳуқуқий асослари юртимиз Конституциянинг тегишли моддаларида акс этган бўлсада, аввало давлатимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайли ижтимоий заруратнинг йўқлиги, қолаверса халқимизда ижтимоий манфаатни ўйлаб, муросада яшаш фалсафасининг устунлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Демак, анъанавий қадриятлар жамият учун қандай аҳамиятга эга бўлса, қонунлар ҳам шундай аҳамиятга эгадир. Бу ерда анъанавий қадриятлар ва қонунларни диалектик ўрганиш янги тартиб-қоидаларни, қарашларни тезроқ ва кенгроқ ижтимоий воқеликка айлантиради, оддий халқ ҳаётига, онгига уларни тезроқ сингдиради. Бизнингча, ҳар қандай кўринишдаги жамиятни модернизациялаш жараёнида анъанавий қадриятлар билан қонунлар уйғунлигини таъминлашнинг самарали ва таъсирчан механизмини ишлаб чиқиш стратегик аҳамиятга эга вазифадир. Бундай механизм инновацияларни ҳаётга жорий этишни тезлаштиради, янги қадриятларни барча учун баб-баробар ҳаёт тарзи ва фаолият дастурига айлантиради. “Ўзбек модели”даги қонун устуворлигини таъминлаш тамойили ҳам ана шундай механизм асосига қурилган. Дарҳақиқат, қабул қилинаётган ҳар бир қонун миллат дарди, халқ орзусини ўзида ифода этган тақдирдагина ижтимоий воқеликнинг мазмун-моҳиятига айлана олади. Акс ҳолда қонун ишлаб чиқувчиларнинг ўзлари, суд - ҳуқуқ идораларининг

ходимлари, масъул шахслар томонидан бузилса қонунлар оддий халқ дунёқарашида кадрсизланади. Масалан, Конфуций дейди: “адолатпеша одамлар лавозимларга қўйилса, халқ ҳам подшоҳга итоат этади. Мабодо бадният кишилар лавозимларга қўйилиб, адолатпарвар кишилар сиқиб чиқарилса, халқ ҳам итоат этмайди”<sup>155</sup>. Адолатни қарор топтириш ғояси шарқона қадрият бўлиб, унга кўра жамоа ҳаёти ва манфаатларининг устуворлигини таъминлайди. Тўғри, бу жараён ички зиддиятларга тўла. Жамиятда бундай ҳолатларнинг авж олиши халқнинг давлатга, сиёсатга ва қонунларга бўлган эътиқодини заифлаштиради. Шу аснода жамиятдаги ҳуқуқий нигилизм таъсирида онги ва қалбида вужудга келган “бўшлиқни” исломий-ахлоқий меъёрларга асосланган анъанавий қадриятлар билан тўлдиришга ҳаракат қилади. Албатта, қонун устуворлигини таъминлаш, жамият аъзоларида қонунга ҳурмат ҳиссини тарбиялаш узоқ, тадрижий давом этадиган жараёндир. Аммо ушбу жараён ҳар бир ижтимоий-тарихий босқичда аҳолининг асосий қисмини вайронкор хатти-ҳаракатлардан, жиноий уюшмаларга қўшилишдан ушлаб туриши шарт. Бизнингча, тарихий-маданий анъаналарни, ижтимоий ахлоқ меъёрларини, урф-одатларни асрашга ва уларга риоя этишга мойил ўзбек халқида қонунлар устуворлиги кўпинча ана шу норасмий қоидалар орқали таъминланади.

Миллий моделимизнинг асосий тамойилларидан бири кучли ижтимоий сиёсат юритиш анъанавий қадриятларимизга мос бўлиб, бу тамойил моҳияти шундан иборатки, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида давлат аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни ўз зиммасига олади. Бозор иқтисодиётига ўтиш мураккаб ва серқирра жараён бўлиб, жамият аъзоларидан сабр-қаноатлилик, кенг мулоҳазалилик, фаоллик, ташаббускорлик, ҳалол ижтимоий рақобат каби қадриятларни талаб қилади. “Ҳозирги демократик жамиятнинг энг муҳим воқеликларидан бири ижтимоий рақобатдир. Халқимизнинг анъанавий қадриятлари у билан

---

<sup>155</sup>В.Алимасов. Адолат фалсафаси // “Ҳаёт ва қонун” журнали, 4-сон. Т., 2005. Б. 60.

уйғунлаштирилмоғи керак. Бозор тузилмалари ривожланиб боргани сари бу рақобат анча беъмани тус олиши, ижтимоий зиддиятга айланиб кетиши мумкин. Бундай рақобатга маърифий, ижодий тус беришга, уни мусобақага, бунёдкорликка айлантиришга биринчи навбатда иқтисодиёт билан боғлиқ бўлмаган энг аввало маданий-ахлоқий механизмлар ёрдамида эришиш мумкин. Бу механизмлар қайта тикланаётган миллий кадриятлар билан ҳозирги замон цивилизацияси сингдираётган яшаш меъёрларининг умумлашмасидан иборат бўлмоғи даркор”<sup>156</sup>. Шундай шароитда аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож қатламларини ўз ҳимоясига олиш давлатнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Заиф ва ёрдамга мухтож кишиларга меҳр ва мурувват кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш халқимиз турмуш тарзига сингиб кетган анъанавий кадрият сифатида давлатчилик тажрибасида ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, Амир Темур ўз «Тузуқларида» давлат ишларини бошқаришда ўн иккита қоидага амал қилгани яхши маълум. Жумладан, унда: “давлат, салтанат устунларини, аҳолининг барча қатламлари билан қувватлаш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, рабъят аҳволдан огоҳ бўлиш, улуғларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўриш”<sup>157</sup> давлатнинг жамият олдидаги асосий вазифаси эканлиги таъкидланган. Ғарб жамиятида эса шахс ва ҳокимият ўртасидаги қарама-қаршилик табиий ҳолат ҳисобланади. Ҳатто бу икки “куч” ўртасидаги зиддиятнинг кескинлашуви тараққиётнинг негизи сифатида баҳоланади. Миллий тараққиётимиз дастури “ўзбек модели”да эса ушбу зиддиятларни консенсус усулда, яъни аҳолининг ижтимоий мададга мухтож қатламларини ҳимоя қилиш, уларда бозор иқтисодиёти кўникмаларини аста-секинлик билан шакллантириш орқали ҳал этиш кўзда тутилади. “Ўзбек модели”да анъанавий ва замонавий кадриятлар ўзига ҳос тарзда уйғунлаштирилган. “Ўзбек модели”ни бугунги кунда ўзига хослигини

---

<sup>156</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997.– Б. 148-149.

<sup>157</sup> Амир Темур. Темур тузуқлари. -Тошкент: Шарқ., 2005. 32-35-б.

дунёнинг жуда кўплаб сиёсатшунос олимлари Гафарли М.С., Касаев А.Г., германиялик Л.Левитин, Россия Фанлар Академиясининг академиги Ф.Бурлацкийлар ўрганган ва уни юксак баҳолашган<sup>158</sup>.

Хулоса ўрнида таъкидлаш зарурки, мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтишда халқимизнинг анъанавий қадриятлари, демографик шарт-шароитлари, турмуш даражаси, хорижий тажрибаларига асосланиб кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширмоқда.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш тамойили, ўзбек давлатчилиги анъаналарига мос бўлиб, бу тамойил ўтиш даврининг мураккаб ҳарактерини ҳисобга олган ҳолда, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни пухта ўйлаб, ижтимоий ларзаларсиз, тадрижий тарзда амалга оширишни тақозо этади.

Шарқона хусусиятлардан ташкил топган анъанавий қадриятларимиздан бири бўлган, миллий давлатчилик тараққиёти инқилобий сакрашларни четлаб, тадрижий тарзда такомиллашиб борганлигини биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрлари билан асослашимиз мақсадга мувофиқдир: “Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Буни асло назардан қочириб бўлмайди. Яъни, шарқда демократик жараёнлар узвий равишда ва аста секин тараққий топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар яшашга уринишлар ғоят нохуш, ҳатто фожиали натижаларга олиб келади. Инқилобни Ғарб олимлари ҳам “ижтимоий тараққиётнинг ибтидоий ва ёввойи шакли” деб аташганлар. Табиийки, бундай йўл бизга асло тўғри келмайди”<sup>159</sup> деган фикрларнинг нақадар асосли эканлигини ижтимоий тараққиёт ҳам кўрсатиб турибди. Дарҳақиқат, бозор иқтисодиётига тадрижий, аста-секинлик билан ўтилишининг ижобий хусусиятларидан

<sup>158</sup> Қаранг: Гафарли М.С., Касаев А.Г.. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик – тараққиёт асоси. Т.: Ўзбекистон, 2001. –430 б. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Т.: Ўзбекистон, 2000. 368-б. Дональд Карлайл Ўзбекистон, Ўрта Осиё, истиқболдаги ўтмиш ва ҳозирги замон ва бошқалар.

<sup>159</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари -Т.: Ўзбекистон. 1995. Б. 10-11.

бири, халқнинг анъанавий кадриятлари жамиятдан бегоиалашувига сабаб бўлувчи ҳолат, яъни хусусий мулкчиликнинг шаклланиш жараёнидаги зиддиятлар антагонистик курашларга айланиб кетишининг олдини олади.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган "Ўзбек модели" халқимиз ижтимоий-тарихий тараққиёти жараёнида шаклланган анъанавий кадриятлардан озуқа олади, уларни миллий-маданий бойлик сифатида асрашга, улардан янги авлодни шакллантиришда самарали фойдаланишнинг моддий ва маънавий асосларини яратишга кўмаклашади. Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, исталган ижтимоий воқеликдаги замонавийлашиш ҳеч қачон анъанавий кадриятларни рад этолмайди, тадрижийлик асос бўлмаган ислохотлар халқ онги ва қалбидан макон топмайди. Аччиқ тарих гувоҳки, инсоният кўп бора бегона маконда яратилган тартиб-қоида ва меъёрларни қабул қилишга мажбур этилган, бироқ бундай ўзгаришлар халқ ҳаётининг мазмунига айланмаган. Эскилар айтганидек "отни сувга олиб бориш мумкин, лекин сув ичишга мажбурлаб бўлмайди".

### **3.3. Жамиятда анъанавий ва замонавий қадриятлар уйғунлигини таъминлашнинг истиқбол концепциялари ва тараққиёт тенденциялари**

Бугунги умумсайтеъравий воқелик башарият тараққиётининг энг юксак босқичи бўлиб, унда одам ва олам муносабатлари ривожини янги тенденцияларга асосланади, ушбу қарашлар асосида ягона умумпланетар онгни шакллантириш зарурати ётади. Кишилиқ тарихи муайян давр эҳтиёжларидан келиб чиқиб турли таълимотларни яратди. Инсон ўз қадрини англаш даражаси ўсиши билан ҳамоҳанг тарзда таълимотларда гуманистик ғоялар ривожланиб борди. Хусусан қулдорлик ва феодализмдан фарқли ўлароқ капитализм ва социализмда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бирмунча кафолатланган бўлса, либерализм ва демократизмда улар тўла маънода таъминланди. Инсоният тарихий тараққиёт давомида ўз “қадр”ини англаш сари яқинлашиб борганидек, ижтимоий таълимотлар ҳам мукамаллашиб келди. Лекин инсоният бундай беқарор таълимотлардан чарчади, чунки модернизация, либерализм, демократия каби янги таълимотлар айрим шахс ва гуруҳлар қўлида “оммани бошқариш қуролига” айланиб, баъзан муайян этник бирлик анъана ва қадриятларини кераксиз буюмдек четга улоқтирди, гоҳо инсоний туйғуларни ҳайвоний ҳирслардан ажрата олмай қолди. Айниқса инсоният уч минг йиллик тараққиётининг ютуғи сифатида баҳоланаётган бундай таълимотлар бугунги кунда миллатлар ва халқлар ўртасида антогонистик зиддиятларни кучайтириш омили сифатида намоён бўлаётгани, келажакда яратиладиган таълимотларга оддий халқ онгида ишончсизлик ва бефарқлик ҳолатини юзага келтирмоқда. Хусусан бундай таълимотлар “жилови” айрим шахс ёки гуруҳлар қўлига ўтиши, муайян миллат ёки халқ турмуш-тарзи ва тафаккурига бегона қадриятларни мажбуран тиқиштирилишига, бу эса секин-аста ижтимоий нигилизмни юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Шу маънода янгиланаётган жамиятимиз аъзолари учун “идеал андоза” сифатида Ғарб жамияти қадриятлари танланиши, ижтимоий-сиёсий муносабатларни белгилашда уларга тақлидан эргашиш бизнингча, мустақил

фикрли ва собит эътиқодли кишилардан ташкил топадиган фуқаролик жамияти вакиллари учун номақбулдир. Масалан Жанубий-Шарқий Осиёдаги кўпгина давлатларнинг бугунги тараққиёти тўла маънода Ғарб қадриятлари “тантанаси”ни эмас, балки замонавий қадриятларни анъанавий қадриятлар негизида ривожлантиргани асос бўлганини англатади. Ушбу мамлакатлар жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётини ислоҳ қилишда замонавий қадриятлардан воз кечиб, ўзининг анъанавий қадриятлари (ижтимоий масъулият, меҳнатсеварлик, сабрлилик, ўзаро ёрдам, меҳр-оқибат) асосида ривожланиш йўлини танлади. Айти пайтда ҳар қандай кўринишдаги Ғарб “андоза”ларидан тўла воз кечиб маҳаллий имкониятлардан фойдаланишни лозим топди. Америкалик сиёсатшунос олим Сэмюэл Хантингтон ўзининг “Тамаддунлар тўқнашуви” асарида Сингапур давлати ижтимоий ҳаётига инглиз тили чуқур кириб боргани сари аҳоли онгида Ғарб муҳити таъсирига тушиб қолиш хавфи кучайганини, бу эса ҳукмрон доираларни ижтимоий-маънавий соҳада анъанавийликни сақлаб қолиш зарурий воқелик эканлиги ташвишга солганини таъкидлайди. “Анча баҳслардан кейин ҳукумат беш банддан иборат анъаналарга асосланган маънавий-ахлоқий мезонлар тизимини ишлаб чиқди:

- биринчидан, миллат ва жамиятни гуруҳ ва шахсдан устунлиги;
- иккинчидан, оила жамиятнинг асосий ячейкаси;
- учинчидан, шахсни ҳурмат қилиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш;
- тўртинчидан, баҳс ўрнига муроса;
- бешинчидан, ирқий ва диний уйғунлик”<sup>160</sup>.

Ушбу тизимдаги барча хусусиятлар анъанавийлик моҳиятига ҳамоҳанг бўлиб, ижтимоий тараққиёт аввало миллий асосларга таяниши зарурлигини яна бир бор исботлади. Замонавий жамиятларга хос бўлган индивидуаллик, манфаатларнинг инсон “қадр”дан устунлиги ёки “чегара билмас” инсон

---

<sup>160</sup> С. Хантингтон. Столкновение цивилизаций. М.: “АСТ”. 2005. стр. 58.

хуқуқ ва эркинликлари тамойиллари “шахсни ҳурмат қилиш ва ижтимоий кўллаб-қувватлаш” каби анъанавий қадриятлар билан алмаштирилган.

Бугун давлатимизда хорижий тилларга хусусан, инглиз тилига бўлган муносабат аввало, анъана, қадрият ва урф-одатларимизга асосланади қолаверса, ҳукуматимиз уларни қайта тиклаб, ижтимоий-сиёсий ислохотларимизда улардан унумли фойдаланиш усул ва назарияларини ишлаб чиққач, улар миллий сиёсатимизнинг ҳаракатлантирувчи механизмига айлангач хорижий тилларни ўрганишга киришилди. Япония давлати ҳам ўз ижтимоий тараққиётини анъанавий қадриятлар тизимига (жамоада ёши улуғларга итоат этиш, ижтимоий масъулият, ижтимоий садоқат, миллий ор-номус кучлилиги) асосланиб белгилагани учун “япон мўъжиза”сини яратди.

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий тизимини модернизациялашда замонавий қадриятлар (икки палатали парламент, сиёсий ҳурфикрлик, прагматик тафаккур, либерал ва демократик тамойиллар) ҳамда бутун шарқ халқларига хос бўлган ижтимоий-сиёсий кўринишдаги анъаналар тизими (маҳаллийчилик ҳамда қариндош-уруғчилик, сиёсий маҳдудлик, бошқарув тизимларида иерархик муносабатларнинг кучлилиги, ёши улуғларга сўзсиз итоат этиш, мансабдорга фикрий қарамлик) уйғунлигини таъминлаш кўп вақт ва меҳнат талаб қиладиган мураккаб жараён ҳисобланади. Ушбу ҳолатни тадрижий равишда ҳал этмаслик ижтимоий субъектлар ўртасида маълум бир кўринишдаги низоларни келтириб чиқариш мумкин. Бизнингча, ушбу ижтимоий тўқнашувлар аввало, бошқарувда “сўзсиз бажаришга” асосланувчи анъанавий жамият хусусиятлари билан янгича либерал-демократик тамойилларга таянган замонавий қадриятлар кураши, қолаверса, фойдани маънавий мезонлардан устун кўрувчи бозор иқтисодиётига асосланган замонавий жамият қадриятлари билан “қадр”ни “қиймат”дан юқори баҳоловчи анъанавий жамият ўртасида юзага келади.

Мазкур ижтимоий тўқнашувларнинг олдини олишда анъанавий ва замонавий кадриятларни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий жиҳатларини диалектик таҳлил этиш воқеликнинг зарурий талабидир:

- ижтимоий онгда иерархик муносабатларга янгича муносабатни шакллантириш;

- анъанавий кўринишдаги барча кадриятларни замон ва макон воқелигига уйғунлаштириш;

- жамият маънавий ҳаётидаги баъзи анъанавий кадриятларни(лоқайдлик, соддалик, ишонувчанлик, фикрий қарамлик) янгилаш;

- менталитетимиздаги нуқсонларга қарши ошқора оммавий кураш эълон қилиш;

- бозор иқтисодиёти шароитида жамият барча соҳаларида ҳалол рақобатга эришиш ҳамда шу йўл билан Ғарб иқтисодий жамиятидан фарқли бўлган иқтисодий-маънавий тенгликка асосланган жамиятни яратиш.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий тараққиётида анъанавий кадриятлар замирида шаклланаётган замонавий кадриятлар миллий тараққиётимизни янги “андоза”си учун асос бўлмоқда. Лекин ҳар қандай кўринишдаги давлат трансформация даврида бир қанча ижтимоий-сиёсий муаммолар тизимига рўбарў келади. Бу вазиятда айниқса, сиёсий лидер ақлий заковати, стратегик билими жуда катта амалий аҳамиятга эга бўлади. Ушбу муаммоларни ўз вақтида кўра олмаслик оқибатини Грузияда “атиргул инқилоби”, Украинадаги “зарғалдоқ инқилоби”, Ироқдаги “қирмизи инқилоб”лар мисолида англаш қийин эмас.

Замонавий кадриятлар миллатнинг тарихий-маданий парадигмаси бўлган анъанавий кадриятлари билан уйғун бўлсагина ижтимоий тараққиётга хизмат қилиши мумкин. Айнан анъанавий кадриятлар ҳисобга олинмасдан юритилган сиёсат аввало миллат дарди ва руҳиятидан бегона бўлади, қолаверса халқ уни зўравонлик тарзида қабул қилади. Бугунги кунда МДХ ўрнидаги кўпгина давлатларда Ғарбий Европа ва АҚШ ҳудудида шаклланган кадриятлар тизимини ўз келажагида кўриш истаги пайдо

бўлаётганини англаш қийин эмас. Айниқса жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларидаги ўзгаришларда буни яққол сезиш мумкин. Энг хатарлиси, ғарбга хос турмуш тарзининг барча кўринишлари “замонавийлашиш” сифатида қабул қилинмоқда. Ушбу “замонавий кадрият”ларга юзаки муносабат ижтимоий ўсишга тўсиқ бўлувчи иллатларни шакллантирмоқда. Масалан люмпенлашув (шахс қиёфасининг йўқолиши), порахўрлик, коррупция, маънавий таназзул кўринишлари (“инсонийлик” анъаналарининг кадрсизланиши, гиёҳвандлик, оитс, одам савдоси), ижтимоий тушкунлик, ўз турмуш тарзидан қониқмаслик каби салбий ҳолатларнинг пайдо бўлиши индивид онгида ижтимоий жавобгарлик ҳамда ижтимоий масъулият ҳиссини заифлашувига сабаб бўлмоқда. Анъанавий кадриятларнинг энг муҳим жиҳатларидан бири унда ижтимоий масъулиятнинг кадрланишидир. Муайян этник бирлик турмуш-тарзи ва фаолияти барқарорлиги воқеликдаги анъана ва кадриятларга масъулият билан ёндошиш орқали таъминланади. Ижтимоий масъулият анъанавий жамиятларда бир неча вазифалар бажаришлигини Г. Йонас қуйидагича таҳлил қилган: “инсоний муносабатларни сақлаб қолиш, ижтимоий ҳамкорликни таъсис этиш, барқарор ривожланишни йўлга қўйиш”<sup>161</sup>.

Бизнинг жамиятимизда ҳам ижтимоий масъулиятни ҳис этмай ўз манфаатини қулига айланган кимсалар мавжудлиги, бугунги ислоҳотларимиз натижалари самарасини секинлаштирмоқда. “Эл ишониб топширган вазифани суистеъмол қиладиган, шахсий манфаатини халқ ва давлат манфаатидан устун биладиган, ўзига ортиқча бино қўйиб, барчанинг нафратининг кўзғатадиган раҳбарлар билан асло келиша олмаймиз! Одамлар ишончидан маҳрум бўлган бундай кимсалар ўрнини бўшатиб бериши керак. Уларни қонун асосида жавобгарликка тортиш лозим”<sup>162</sup>, президентимизнинг баъзи мансабдор шахсларнинг ўз вазифасини суистеъмол қилгани учун

---

<sup>161</sup>Г. Йонас. Принцип ответственности. М.: “Астра”. 2004. Б. 80.

<sup>162</sup> И Каримов. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7. Т.: Ўзбекистон. 1999. Б. 230.

лавозимидан олиб ташлаш зарурлиги ҳақидаги ушбу фикрлари юқоридаги карашларимизни асослайди.

Албатта жамиятнинг трансформациялашиш даври воқелик кишилари онгида бир қатор ижтимоий-иқтисодий зиддиятларни келтириб чиқаради, хатто муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан, имтиёз ва мулклардан мосуво бўлган қатламлар тафаккурида нигилизм кайфиятини уйғотиши мумкин. Шундай бир вазиятда ўз тақдирига бефарқ бўлмаган халқ ёки этник бирлик ушбу салбий ҳолатларни ижобий томонга ўзгартиришнинг мурватларини яратиши зарур. Бундай шароитда замонавий қадриятларни маҳаллий этник бирлик анъана ва урф-одатлари билан уйғунлаштириш мақсадга мувофиқдир. Биз назарда тутаётган “замонавий қадрият”лар “ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий қадриятлар мажмуаси”<sup>163</sup>дир.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар халқимиз онги ва қалбида янгича кўринишдаги маънавий-ахлоқий қадриятлар тизими шаклланишига асос бўлмоқда, бу эса глобаллашув жараёнида миллий ғурурни ёт таъсирлардан ҳимоя қилиш воситаларини ҳам янгилашга ундайди. Шу маънода, халқ онгида асрлар давомида итоат этиб келган анъана ва қадриятлар ҳамда хўжалик бошқарувининг анъанавий усулларининг қадр ортиб бораверади. Хусусан халқимиз тафаккурида бугунги янгиланишлар миллий анъана ва қадриятларга асосланиши зарурлиги умуммиллий концепция сифатида қарор топмоқда. Ўтмишнинг энг оғир давларида халқ анъана ва қадриятларига таянади, улардан руҳий мадад олади, шунинг учун ҳар қандай даврларда ҳам уларни сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Анъаналар кишилик тарихида ижтимоий муносабатларни тартибга солишда катта аҳамиятга эга бўлган. Анъаналар этник бирлик ижтимоий ҳуқуқ-атворини белгилайди. Улар этник бирлик аъзолари ҳис-туйғуларига маънавий озуқа бўлади. Ушбу фикрларимизни куйида келтирилган социологик сўров натижалари билан асослаш мумкин: “распондентларнинг

---

<sup>163</sup> Нудненко Л.А. Теория демократии. –М.: Юристь. 2001. –С.36.

73.5%и удум ва анъаналарга рухий озуқа олиш манбаи сифатида қарайдилар. Уларнинг 71%и “урф-одат ва анъаналарга амал қилиш ижобий тарбиянинг гаровидир”, дея эътироф қилишган. Уларнинг 64%и урф-одат ва анъаналар билан боғлиқ маросимларда қатнашиш соҳасида янада фаол бўлишлари мумкинлигини билдиришган, 39%и эса, иш, оила ва рўзғор ташвишлари уларга халқ удудмлари билан боғлиқ маросимларда фаол қатнашишиларига ҳалақит берганлигидан афсусланади”<sup>164</sup>. Шу маънода жамият соҳаларини янгилаш жараёнида ушбу омилларни инобатга олиш ислохотлар самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Моддий қадриятлар бирламчи аҳамиятга эга бўлиб бораётган бу дунёда одам ва олам муносабатларининг маънавий жиҳатларини ўрганиш бугунги куннинг концептуал мавзусига айланиб бормоқда. Бу эса ижтимоий фалсафа таркибидаги этник бирлик руҳияти ва зоҳирини тадқиқ этувчи анъанавий фалсафани шакллантириш заруратини юзага келтиради.

Бугунги кунда Ватанимиз миллий генофондини, этник бирлигини сақлаб қолиш, миллий ғояни шакллантириш масалалари миллий анъаналарни алоҳида соҳа сифатида ўрганишни талаб этади. Бизнингча, бугунги кунда жамият сиёсий ҳаётини модернизациялашда либерализм, демократизм билан бир қаторда традиционализм (анъанавийлик) ҳам муҳим ҳодисадир. Жамиятимиздаги ҳукмрон ижтимоий-сиёсий онгда фундаментализм, ақидапарастлик, консерватизм тушунчаларини бир томонлама таҳлил этишга мойиллик бор. Бизнингча, айти пайтда жамиятимиз келажаги ривож учун модернизация, глобаллашув, либераллашув, демократия каби таълимотларни ўрганиш қай даражада зарур бўлса фундаментализм, ақидапарастлик, консерватизм, традиционализм каби таълимотларни ҳам ўрганиш объектив заруратдир.

Лекин мамлакатимизда анъанавийликни ўрганишда биртомонламалик кайфияти ҳукмрон бўлиб қолмоқда, яъни уни яратувчанлик хусусиятларига

---

<sup>164</sup> Хотима Шайхова. Маънавият камолот кўзгуси. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Т.: 2009. Б. 55.

этибор қилинмай, аксинча анъанавийликни тоталитар тузумдан қолган мерос, “сарқит” сифатида ифодалаш ҳоллари кузатилмоқда. Анъанавийликнинг ижтимоий-сиёсий тараққиётга ўтказадиган таъсирини А.Қодиров шундай изоҳлайди: “мустақиллик шарофати билан жамиятда ўтмишга қизиқиш, ўз маънавий илдизларини қидириш бениҳоятда кучайди. Деярли ўн йилдан бўён тарихнинг сарғайган варақларидан турли алломаларни, фозил кишиларни кашф этдик. Бу миллий ўзликни англаш учун зарур албатта. Бироқ бу ўз навбатида орқага, ўрта асрлар маънавиятига, анъанавий жамиятга қайтишга даъватни ҳам англатади. Анъанавий жамият бу кишини яна мутеликка, мўмин қобил бўлишга, итоатгўйликка, сабр-қаноатли бўлишга ундовчи жамиятдир. Анъанавий жамият инсон ҳаётини барча жабҳаларини такрорланиш қонуниятига асосланган жамиятдир. У турғунликка элтади<sup>165</sup>. Албатта ушбу қарашларни мутлоқ ҳақиқат сифатида қабул қилиш мантиқан нотўғри. Чунки бугун бизга дунё тақдим этаётган қадриятлар анъаналаримиз каби халқпарварлик, меҳр-оқибатлилик, мурувватлилик, яшовчанлик, беғаразлилик, ўзликни сақлаб қолишга мойиллилик каби хусусиятларга эга эмас, эга бўлолмайди ҳам. Бунинг сабаби шундаки, анъаналар йиллар давомида аниқ миллат ва халқ эҳтиёжи, орзу-истаклари рўёби сифатида табиий равишда шаклланган бўлса, ҳозир яратилаётган барча кўринишдаги қадриятлар асосан “қиймат”ни “қадр”дан юқори деб англавчи гуруҳлар онги маҳсули бўлиб, фақат “яратган” томон манфаати ва мақсадлари учун хизмат қилади. Ушбу фикримиз исботини бугунги дунё мафкуравий майдонларида бўлаётган минглаб “стратегема”лар мисолида кўриш мумкин.

Собиқ тоталитар тузум давридаги коммунистик мафкура консерватик ғояларга асослангани учун ҳам бугун мамлакатимиз илмий жамоатчилигида анъанавийликни консерватизмни қолдиғи сифатида қараш кузатилмоқда. Асосий масала юртимизда қадриятлар тизими қайтадан шаклланаётган бир

---

<sup>165</sup> Анвар Қодиров. Анъанавий жамият ва уни модернизациялаштириш стратегияси. – Т.: ТДЮИ. 2006. Б. 216.

пайтда консерватизм билан боғлиқ бўлган анъанавийликка янги диалектик муносабатни шакллантириш зарурлигидир.

Анъанавийлик бу этник жамоалар тафаккури, турмуш-тарзи, орзу-истаклари орқали намоён бўлади. Айнан ушбу омилларнинг бирлиги анъанавийлик шаклланиши учун асос бўлади. Бу омиллар таъсирида халқ ўтмиши ва бугунини боғлаб турган миллий спорт турлари, миллий фольклорлари, ижоддаги ташаббускорлик, миллий халқ тиббиёти ва педагогикаси, байрамлари ва диний маросимлари, миллий ахлоқий этикаси ва пазандачилик каби этномиллий тавсифга эга бўлган анъанавийлик муҳити шаклланади.

Анъанавийликнинг субъекти муайян этник бирлик ёки ижтимоий гуруҳ, объектини эса муайян этник бирлик турмуш-тарзи билан боғлиқ анъаналар, урф-одатлар, маросимлар ҳамда авлоддан-авлодга узатиладиган ижтимоий-маънавий кўринишдаги қадриятлар тизими ташкил этади. Авлодлар ўртасида эски анъана ва қадриятлар тизимини янгиланиш жараёни ворисийлик тамойили ҳамда инкорни-инкор қонуни асосида амалга оширилиши анъанавийликни барқарорлигини таъминлайди.

Анъанавийлик жараёнининг субъекти ва объекти ўртасидаги азалий боғлиқликни бузилиши ижтимоий нигилизмни келтириб чиқариши мумкин. Бугунги янгиланишлар даврида анъанавийликнинг субъекти ва объекти ўртасидаги мувоназатни сақлаб қолиш стратегик долзарб масаладир. Шу маънода, бугунги воқелик анъанавийликнинг ижобий хусусиятларини тадқиқ этиб, амалиётга жорий этишни тақозо этади. Бизнингча, бу жараёнда куйидагиларни инобатга олиш мақсадга мувофиқдир: анъанавийликни атрофлича, кенг ўрганиш; ушбу соҳага оид маҳаллий ва хориж тажрибаларини назарий-қиёсий тадқиқ этиш; маънавий камолотга етакловчи миллий-ахлоқий анъаналарни сақлаб қолиш; янги анъаналарни яратишда диалектиканинг инкорни-инкор қонуни талабларига риоя этиш.

Анъанавийлик муайян макон ва замонда бирор этник бирликнинг ижтимоий ҳаётга ижодий ёндошуви таъсирида шаклланган энг муҳим ва

аҳамиятли ижтимоий-маънавий тажрибани авлодлар ўртасида ворисийлик тамойиллари асосида алмашинувига асосланади.

Бизнингча, муайян этник бирликни бирлаштиришга ва келажак авлод фаровон ҳаёти учун ижодкорона яшашга ундовчи, анъанавий қадриятлар асосига қурилган оламни воқеликка мувофиқ янгилаб турувчи жараёнга анъанавийлик дейилади.

Анъанавийлик ҳодисасини ижтимоий фалсафий жиҳатларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, у воқеликдаги ижтимоий жараёнлар тақдирини бутунлай буриб юборишга қодир таълимотлар билан баҳслаша оладиган ўз тамойиллари, категориялари, функциялари, ижтимоий структураси ҳамда баҳс мавзуларига, айти пайтда ўзга таълимотларда учрамайдиган хусусият, яъни турғун яшовчанлик қобилиятига эга бўлган концепциядир.

Айти пайтда анъанавийлик ҳодисаси инсон ва ижтимоий онг шаклларида бири дин ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда катта аҳамиятга эга. Хусусан динлардаги ақидалар, маросимлар, ижтимоий-маънавий идеаллар нафақат анъаналарнинг асосини ташкил этади, балки уларга инсоний мазмун бахш этади. Шу маънода анъана ва дин ўзаро боғлиқ ҳодиса бўлиб, уларни кишилик тарихий тараққиёти жараёнидаги вазифаси бирлаштирган. Яъни, ушбу буюк вазифа - инсон ва жамият маънавий-ахлоқий муҳитини соғломлаштириш ва барқарор ҳолатида, кейинги авлодларга узатишдир. Бу хулосани истисно этувчи ҳолатларга ўтмиш кўп бора гувоҳ бўлган, лекин кишилик тарихи ривожига ушбу икки тушунчани объектив татбиқ этиш ижобий, айрим гуруҳий манфаатлар эҳтиёжига бўйсундирилганда эса салбий жараёнларни вужудга келтирганини кузатиш мумкин. Анъанавийлик ҳодисаси дастлаб диний таълимот сифатида ўрганилган бўлса, бугунги кунда ижтимоий-фалсафий концепция даражасидаги аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Бугунги илмий жамоатчиликда анъанавийлик ҳодисасини янги шаклланган таълимотларга қарши қўйиш ҳолатлари кузатилмоқда. Бизнингча, анъанавийлик ҳодисаси бошқа турдаги таълимотлар каби

“яшаш” ҳуқуқига эга, уни ўзга таълимот зидди ёки қиёфодоши сифатида баҳолаб ижтимоий тараққиётдаги ўрнига бир томонлама муносабатда бўлиш ижтимоий-маънавий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Анъанавийлик ҳодисаси жамият ривожига учун зарур хусусиятлар: барқарорлик, тадрижийлик, ҳаётийлик, тинчлик каби қадриятларга асосланиб, стратегик мўлжалларни белгилайди, бу жараёнда анъаналардаги турғунлик ва ўзгарувчанлик томонларини моҳирлик билан уйғунлаштира олади. Бу каби қадриятларга асосланган жамиятларда трансформациялар даврида кескин ўзгаришлар, ижтимоий онгда чуқур нигилизм, ижтимоий қатламлар ўртасида моддий тафовутнинг кучайиши, маънавий-ахлоқий қадриятларнинг бирданига қадрсизланиш ҳолатлари яққол кўзга ташланмайди.

Бизнингча, бугунги кунда назарий онгда анъанавийлик ҳодисаси янгича ёндошувга эҳтиёж сезмоқда. Аввалгидек уни консерватизм ёки фундаментализмнинг қиёфодоши сифатида эмас, балки уни ижтимоий тараққиётни доимо олға силжитувчи, диалектика қонунларининг амалий ифодаси кўринишида талқин қилиш зарур. Бугунги анъанавийлик аввалги “қиёфодош”лари каби ўз ижтимоий идеал ва мақсадларини ўтмишдан эмас, балки бугун ва келажакдан қидириши билан аҳамиятлидир. Яъни инсоният бирор-бир ижтимоий муҳитда яшаши жараёнида ўша муҳитга хос бўлган ижтимоий қиёфага эга бўлибгина қолмай, у тарихан ўзгариб бораётган воқеликка мувофиқ ҳолатда яшаш учун курашади. Лекин ушбу жараёнда инсоният ўз тарихини инкор этиш давомида ворисийлик тамойилига амал қилсагина ривожланиш бўлади, чунки “таянч нуқта” тарихий тажрибалар негизига қурилмаса нафақат келажакимиз, балки бугунимиз ҳам омонат воқеликка айланиши мумкин. Шу маънода, ижтимоий тараққиёт барқарорлигини таъминлашда анъанавий қадриятлар асрлар давомида ниҳоятда таъсирли ғоявий қуроли вазифасини бажариб келганини илмий таҳлил этиш ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги ахборотлашиб бораётган жараён учун фавқулодда аҳамиятлидир. Бунинг учун турли этник

жамоаларнинг тарихий тажрибаларидан ворисийлик тамойили асосида ижодий фойдаланиш, улар билан ҳамкор ва ҳамнафас бўлган ҳолда ўз анъана ва қадриятларини қадрлайдиган инсонлар жамиятини шакллантириш йўллари, воситалари, услубларини излаб топиш ҳамда маънавий-ахлоқий муҳитни барқарорлаштиришга хизмат этувчи анъанавийлик концепциясини яратиш вақти етиб келди. Анъанавийлик ҳодисаси мамлакатимиз ижтимоий онгида мустақил таълимот сифатида шаклланиши, миллий ғоя, анъана ва қадриятларни сақлаб қолишнинг назарий-услубий асоси бўлиб хизмат қилиши зарур.

Бугунги кунда ер юзидаги барча давлат, халқ ёки миллатлар тараққиёт йўлини белгилашда асрий анъаналари билан бир қаторда либерализм, модернизм, социализм каби таълимотларнинг бунёдкорлик хусусиятларини ўзида ифода этган миллий ғояга таянмоқда. Ушбу таълимотлар жамият барча соҳаларидаги муаммоларни ҳал этишда миллий ғояга назарий ва амалий кўмаклашади. Шу маънода, анъанавийлик улкан бир дарахт бўлса, унинг илдизи миллий ғоядир. Таъкидлаш зарурки, миллий ғоя ва анъанавийлик узвий боғлиқ тушунчалар ҳисобланиб, бири иккинчиси шаклланиши ва ривожланиши учун негиз ҳисобланади. Шу маънода юртимиздаги анъанавийликни тадқиқ этиш натижасида “миллий ғоя”нинг халқимиз ўтмиши билан боғлиқ жиҳатларини бугунги мезонлар доирасида ўлчаш имкони юзага келади ҳамда уларни амалий ҳаётга жорий этишнинг назарий-услубий асослари аниқлашади. Чунки миллий ғоя бугунги ривожланишга назарий-услубий асос бўлса, анъанавийлик миллий тараққиётни барқарор ва абадий ҳаракатлантириб турувчи механизмдир. Миллий ғоя ижтимоий тараққиётни ҳаракатлантирувчи “ички куч” бўлиб, у этнос руҳий ҳолатини тез ва тўғри англайди, шу асосда халқ орзу-истакларини амалга оширишга қодир бўлган ўзга мафкуралар ютуқларидан самарали фойдалана олади.

Анъанавийлик моҳияти негизида шаклланган ва ривожланган миллий ғоя орқали жамият маънавий ҳаёти барқарор ва ўзгармас ахлоқий меъёрлар

тизими билан янада кенгаяди, бу эса жамият маънавий муҳитида соғлом турғунлик ҳолатини юзага келтириб, ислохотлар жараёнида рўй бериши кутилган деструктив вазиятларни олдини олади. Анъанавийлик хусусиятларини ўзида сақлаган миллий ғоя кишилиқ тараққиётининг энг оғир дамларида ҳам этник бирликни ўз “Мен”ига хос хусусиятларини сақлаб қолишга кўмаклашади ҳамда ташқи таъсирларга қарши ўзида рухий - маънавий куч топа олади. Анъана ва миллий ғояни бирлаштириб турган омил - ҳар иккисида ҳам халқ дарди ва орзу-мақсадлари инъикос этганидир. Миллий ғояга нисбатан анъаналар халқ қалбига яқинроқ. Чунки тарихий тараққиётнинг турли босқичларида мустамлакачилик таъсирида миллий ғоя элементлари тайзиқ остига олиниб қадрсизланади, маълум маънода оддий халқ ўз ҳаётини сақлаб қолиш учун улардан вақтинча бўлса-да воз кечишга мажбур бўлади. Хусусан юртимиз тарихий жараёнларидаги араблар, мўғуллар ҳамда рус мустамлакачилари истилоси оқибатида аجدодларимиз эъзозлаб келган миллий ва маданий мерос аёвсиз таланди ва оёқ ости қилинди. Улар бу худудда ҳукмронликни абадийлаштириш учун ўз мафкураларини мажбуран халқ онги ва қалбига тиқиштирди, оқибатда маҳаллий халқ мафкураси қадрсизланди, баъзи ҳолатларда таҳқирланишига олиб келди. Бу эса халқнинг қадриятга айланган ўтмишидан, ижтимоий-маънавий идеал ва мақсадларидан мажбуран бегоналашувига сабаб бўлди. Шундай вазиятларда халқ орзу – истаклари ва руҳиятига маънавий мадад берган ҳодиса унинг анъаналари бўлди. Айнан анъаналар халқнинг оғир ва енгил кунларида ҳамроҳ бўлувчи буюк қадриятдир, улар миллатимизнинг бугунги ва кейинги авлодлари учун янги синовлар даврида куч ва матонат манбаи бўлиб қолади.

Бугун “модернизация” деб аталаётган жараён анъанавийлик хусусиятига эга бўлган миллий ғояни ўз таъсирига олиши ёки инкор этиши мумкин эмас, аксинча, “модернизм” жамият барча соҳаларидаги ўзгаришларни этник бирлик турмуш-тарзига мос ҳолда амалга ошириши, янада аниқроқ айтганда, у халқ кадр-қиммати ва ўзига хослиги чегарасини белгиловчи мезон бўлиши

зарур. “Бугунги кунда миллий ғоя жамиятни демократлаштириш ва янада модернизациялашишига хизмат қила бошлади. Чунки миллий ғоя ва мафкура янгича фикр, ёндошувларни, услуб ва воситаларни эътироф этган ҳолда инсоннинг фаол иштирокига ҳалақит қиладиган, демократияга зид қарашлар, интилишларни тан олмайди. Инсонларнинг эркин фикри ва фаолиятини демократияни янада чуқурлаштириш омили сифатида баҳолайди ва кадрлайди”<sup>166</sup>.

Бугун ривожлантирилаётган миллий ғоямиз мазмун ва моҳиятини бойитишда ушбу ҳудудда яшаб ўтган минглаб буюк инсонлар назария ва қарашларининг аҳамияти беқиёс. Ушбу қарашлар замирида шаклланган маънавий кўринишдаги анъанавий қадриятларни эъзозлаб, уларни яшаш тарзига айлантирилиши миллий феъл-атворимизда ўзига хос хусусиятларни вужудга келтирди. Анъаналар халқ руҳи ва дардига яқин бўлгани учун миллий ғояни халқ онги ва қалбига сингдиришда улардан фойдаланиш ижобий самара беради. Анъаналар орқали этник бирлик ички дунёси, тафаккур даражаси, ижтимоий-маънавий идеаллари каби хусусиятларини аниқлаш мумкин. Миллий ғоянинг ҳаётийлик, халқчиллик тамойиллари айнан ушбу хусусиятларни ўрганиш натижасида ривожлантирилади. Шу маънода миллий ғояни яратишда, тарғибот-ташвиқот қилишда анъаналарни бирма-бир тадқиқ этиш ҳамда натижаларни мафкуравий амалиётга татбиқ қилиш, миллий ғояни халқ онги ва қалбига сингдиришда жуда катта амалий ёрдам бўлар эди. Анъанавий хусусиятларни сақлаган барча кўринишдаги ғояларни тизимлаштириш, халқимизни беқарор даврда ўзига хослигини сақлаб қолиш учун анъанавий моҳиятга эга бўлган мафкуравий парадигмани ишлаб чиқиш бугунги куннинг муҳим муаммоларидан биридир.

---

<sup>166</sup> Эргашев И., Жакбаров М., Назаров Н. Жамиятни демократлаштириш ва миллий ғоя. Т.: “Академия”. 2007. Б. 65-66.

### **3.4. Анъанавий қадриятларни амалиётга замонавий асосда татбиқ этишда юзага келувчи деструктив омиллар ва уларни бартароф этиш йўллари, воситалари**

Анъана ва қадриятларнинг оммалашиб, муайян халқ онги ва қалбига сингиб кетиши натижасида миллат менталитети шаклланади. Кўриниб турибдики, менталитет ва анъана кишилиқ тараққиёти жараёнида ёнма-ён ривожланиб келган тушунчалардир. Шу маънода, бугун ижтимоий жараёнларга анъанавий қадриятларни уйғунлаштиришда миллий менталитетимиздаги деструктив ҳолатларни тадқиқ этиш ҳамда уларни амалиётга татбиқ этишнинг назарий-услубий асосларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Миллий менталитетимизнинг таркибий тизими анчагина хилма-хилдир. Лекин айнан анъана ва қадриятлар этник бирликнинг узок тарихий тараққиёти давомида шаклланиб, этник жамоа дунёқараши, орзу-мақсадлари, фикрлаш ва яшаш тарзи, умуман олганда ижтимоий фаолияти маҳсули сифатида намоён бўлади. Бизнингча, анъана ва қадриятлар ва миллий менталитет узвий боғлиқлиги қуйидагиларда кўринади:

- анъана ва қадриятлар менталитетнинг “ташқи” хусусиятларида намоён бўлса, миллатнинг маънавий-руҳий ўзига ҳослиги унинг “ички” моҳиятини ифода этади. Ушбу “ташқи” ва “ички” уйғунлик менталитетнинг давомийлигини таъминлаб, унга куч бағишлайди. Ижтимоий трансформация жараёнларида миллат менталитети анъана ва қадриятларга нисбатан секин-аста ўзгариши мумкин. Чунки анъана ва қадриятлар инсон ҳамда нарса ва ҳодисалар бирлиги ҳосиласи бўлса, менталитет эса шахс маънавий-руҳий олами маҳсули сифатида намоён бўлади;

- мавжуд воқеликка мос бўлган менталитетни шакллантиришда ижтимоий-маънавий эҳтиёжлар заруриятидан келиб чиқиб, янгича кўринишдаги анъана ва қадриятлар тизимини ишлаб чиқиш, уларни тадрижийлик асосида ижтимоий тараққиётнинг объектив қонуниятлари доирасида туб халқ орзу-истаклари негизида яратиш мақсадга мувофиқдир. Янги шаклланаётган анъана ва қадриятларда ўзга маданият таъсирларига қарши бардошлилик ва

курашчанлик қобилиятини кучайтириш лозим. Шундагина янги анъана ва қадриятлар ижтимоий-маънавий тараққиёт омилига айланиб, миллий менталитетни такомиллашувига олиб келади. Ижтимоий тараққиётда анъана ва қадриятларнинг янгиланиш жараёнида уч омил муҳим аҳамиятга эга:

- миллий сиёсат;
- халқ маънавий эҳтиёжлари;
- жамият зиёли қатлами.

Ҳукуматимиз жамият маънавий соҳасига оид кўплаб ислохотларни амалга оширмоқда. Ушбу жараёнда халқ маънавий эҳтиёжлари миллий сиёсат объекти сифатида танланиб, жамият барча соҳаларида уларни рўёбга чиқариш учун кенг кўламли Давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, амалий ҳаётга жорий қилинмоқда.

Янгича кўринишдаги анъана ва қадриятларни жамият маънавий ҳаётига кириб келишида зиёли қатлам алоҳида аҳамиятга эга. Улар янги анъана ва қадриятларни аввало ўз оила ва маҳаллаларида жорий қилиб, “синов” дан ўтганларини қабул қилиб, уларни халқ ўртасида оммавийлаштириш ишларига бошчилик қилсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бугун мустақилликни мустаҳкамлашда “зиёли” қатлам ўз аждодларига муносиб ворислик қилмоқдами ёки йўқми? Агар ўтмишга назар солсак жамиятни янгилаш объектив заруратга айланган дамларда зиёлилар ҳамма вақт ижтимоий жараёнлар олдида ҳаракат қилиб, янги ғояларни олға сурганлар, уларни амалга ошириш йўлида тинимсиз курашиб, бу йўлда ўз моли, кўп ҳолатларда ўз жонидан воз кечганлар. Конфуций, Сукрот, Галилей, Ибн Сино, Муқимий, Машраб, жадидлар ва бошқаларнинг ҳаёт йўли ушбу фикримизни асослайди. Таъкидлаш лозимки, бугун истеъмолга кириб келаётган тадбиркор, бизнесмен тушунчалари орасида зиёли атамаси ўз мавқеини йўқотиб бормоқда. Бугунги ижтимоий-маънавий янгиланишларга зиёлиларимиз муносабати қандай? Бизнингча, улар миллат ва халққа раҳнамолик вазифасини унутиб қўяётганга ўхшайди. Уларнинг кўпчилиги конформизм ҳолатида бўлиб, ижтимоий-маънавий жараёнларни лоқайд

кузатувчиси, таъбир жоиз бўлса, маънавий муаллақлик ҳолатида турибди. Бизнингча, бугунги зиёли қатламни қуйидаги даражаларга бўлиш мумкин:

- ўзини ижтимоий-маънавий ҳаётдан четга олиб, “сен менга тегмасанг, мен ҳам сенга тегмайман” тамойилида яшаётганлар. Улар асосан маиший, детектив-саргузашт мавзуларда асарлар ижод қилмоқда. Ўзбек йигит-қизлари бегона ғоялар таъсирида шарқона ахлоқ-одоб анъаналаридан бегоналашётган бир пайтда, улар бу жараённи тезлашувига хизмат қилаётган Ғарбона хусусиятларга эга бўлган, таъбир жоиз бўлса, “маънавий бузук қаҳрамон”ларни кашф қилиб энди шаклланиб келаётган ёш авлодга “келажак идеали” сифатида тақдим этмоқда;

- “замон сенга боқмаса, сен замонга боқ” тамойили бўйича яшаётган бу тоифа вакиллари эса, эришаётган ютуқларимизга ҳамду санолар тўқиш, тил ёғламалик, расмиятчилик билан жараёнларни фақат бир томонини (албатта ижобий) шарҳлаш билан банддир. Аслида улар учун миллат ва халқнинг дарди, шахсий ва оилавий манфаатлар олдида умуман кадр-қимматга эга эмас. Бизнингча, тараққиётга ютуқларни мақташ орқали эмас, балки муаммоларни ўртага ташлаш, баҳамжиҳатликда уларни ҳал этиш йўлларини излаш орқали эришилади. Айтиш лозимки, бугун ОАВ менталитетимиздаги нуқсонларни таҳлил қилиш ўрнига уларни мақташдан нари ўтгани йўқ. Айнан ушбу нуқсонлар ижтимоий тараққиётга тушов бўлаётгани кўпчиликка маълумку. Бизнингча, ушбу вазифа зиёлилар зиммасидаги улкан масъулиятдир;

- илмий, бадий ижод қонунларига, анъанавий ахлоқ тамойилларига содиқ, миллат келажаги йўлида ижод қилаётган ушбу тоифа эгалари, том маънодаги зиёлилар, халқнинг ҳақиқий фарзандларидир. Бу тоифа эгалари обрў, ҳурмат, амалга интилмагани учун кўпроқ эътибордан четда, ҳокисорликда яшайди, лекин улар доимо элу-юртнинг юксак ҳурматидадир. Энг муҳими, улар бугун янгилик ва эскилик зиддиятлари кучайган шароитда ўз тарихий вазифасига содиқ қолувчи ягона тоифадир.

Анъанавий қадриятларимиздан бири тўй маросимларни ўтказишда мамлакатимизнинг кўп жойларида дабдабозлик, исрофгарчиликка йўл қўйиш, эл-юрт одат ва анъаналарини менсимаслик каби салбий ҳолатларни олдини олиш мақсадида биринчи Президентимиз фармони эълон қилинган эди. Ушбу фармондан келиб чиқиб зиёлиларга бир неча тавсиялар берилди: “муқаддас динимиз, қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва анъаналаримизнинг ҳақиқий моҳиятини ҳаётий таъсирчан мисоллар асосида кенг халқ оммасига мунтазам етказиш қатъий йўлга қўйилсин ҳамда жамоатчилик кенгашлари билан ҳамкорликда замон талабларига мос, халқимизнинг қарашларига мувофиқ келадиган янги, намунавий анъаналарни ташкил қилиш ва жорий этиш топширилсин”<sup>167</sup>

Демократик тамойилларга асосланган фуқаролик жамиятини қуришда янгича кўринишдаги анъана ва қадриятларни халқимиз онгига сингдирмасдан туриб, миллий менталитет таъсирчанлигини ошира олмаймиз. Бу масалага алоҳида эътибор беришимиздан мақсад шуки, аввало тоталитар тузумдан қутулган бўлсак ҳам унинг маънавий қолдиқлари ҳали ҳам менталитетимизнинг маълум қисмини ташкил этади, қолаверса мустақиллик туфайли юзага келган толерантлик ва фикрлар хилма-хиллиги жараёнларидан ўз ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланаётган турли бузғунчи кучлар менталитетимиздаги соддалик, ишонувчанлик, динни чуқур билмаслик, аҳолининг асосий қисмида фикрий қарамликнинг мавжудлиги, йирик мулкка эга бўлган шахсларга фикрий тобелик каби ҳолатлардан “усталик” билан фойдаланиб ўз қарашларини сингдиришга ҳаракат қилмоқда. Тўғри юқорида санаб ўтилган соддалик, ишонувчанлик каби қадриятларимиз ўтмишда миллатимизнинг фаҳри сифатида эъзозланган. Лекин бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси бу каби “инсоний” мезонлардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга “номус” қилмай, аксинча “шараф” деб билмоқда. Бугунги замоннинг асл “қиёфаси”ни А.

---

<sup>167</sup> Жалилов Ш. Фуқаролик жамиятининг пойдевори. Т.: Ўзбекистон. 2003. Б. 99.

Дугин ўзининг “мутлоқлик йўллари” рисоласида шундай изоҳлайди: “мазкур китоб руҳий “Менни” “бугунги кун Жаҳаннами” дунёсида, Хелдеринг ибораси билан айтганда, “эски худолари ташлаб кетган, янгилари эса ҳали келмаган” дунёда чексиз ва чидаб бўлмайдиган азоблар чекаётган аъло ва камдан-кам учрайдиган инсонлар учун ёзилган. У ҳозирги даврга нафрат билан қарайдиган, шу билан бирга анъаналарга қарши, атеистик, ношуд ва миқдорий цивилизация тавсия этаётган маънавий боши берк йўлдан чиқиш чораларини бефойда ва ёлғонлигини тушунадиган инсонларга мўлжалланган”<sup>168</sup>. Тўғри ушбу фикрларда воқеликка нисбатан кучли нигилистик кайфият сезилиб турса-да, аслида бугунги дунё “қиёфа”сини анъанавий қадриятларнинг антитезиси сифатида намоён бўлувчи замонавийликнинг қуйидаги кўринишлари: космополитизмга мойиллик; кенг маънодаги ранг-барангликнинг заифлашуви; анъанавий қадриятларга беписандлик; “қиймат”ни “қадр”дан устунлиги; ҳузур-ҳаловатда яшашга интилиш; нарса ва ҳодисаларнинг омонатлилиги; ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги беқарорлик; чегарасиз эркинликка интилиш; худбинлик - яшаш қуролига айланиши; истеъмолчилик майлини кучайиши каби белгилар орқали англаш қийин эмас. Агар биз асосан маънавий мазмундаги анъана ва қадриятларни “бор ҳолича” сақлаб қолиб, уларга риоя қилсак, юқоридаги каби миллий тараққиётимизга зид бўлган ғоя ва қарашлардан ўзимизни ҳимоя қилган бўлар эдик.

Мустақиллик туфайли юртимизда кўпгина қадимий анъана ва қадриятлар қайтадан тикланди, янгилари яратилмоқда. Жумладан Мустақиллик куни, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари, Наврўз ва кўпгина маънавий меросимиз асосчилари таваллуд саналарининг тантанали ўтказилиши халқимиз қалбида ўтмишидан фахрланиш, бугунидан розилик, келажакка катта ишонч ва умид туйғуларини шакллантирмоқда. Ушбу анъанавий маросимлар аслида жуда аҳамиятли бўлиб, муҳим тарбиявий мазмунга эгадир. Чунки бу анъаналар

---

<sup>168</sup> А.Дугин “Пути Абсолюта”.- М.: 1989. стр. 7.

аввало халқимизни бирлаштиради, бир-бирларига ғамхўрлик кўрсатиб, яхши-ёмон кунларида мадад бўлишга ва бошқа бир қатор инсоний туйғуларни мустаҳкамланишига ёрдам беради. Энг муҳими бундай маросимлар сабабли инсонлар ўртасидаги гина-қудратлар унутилади, етим-есир, бева-бечора ҳамда ёши улуғлар ҳолидан хабар олинади.

Юқорида санаб ўтилган янги анъана ва қадриятларни шакллантиришда миллий хусусиятларни ҳисобга олиш зарур. Чунки бу ҳолатда “миллий меъёр” билан ҳисоблашмаслик яратилаётган анъана ва қадриятларни халқ менталитетидан йироқда шаклланишига олиб келади. Бу эса авлодлар ўртасидаги маънавий-ахлоқий ворисийликни бузилишига, янги авлод ўз “ижтимоий-маънавий идеал”ини тажрибали ўтмишдан эмас, балки ҳали ўзини англамаган бугундан излашига олиб келади. Фикримиз исботи тариқасида шуни айтиш мумкинки, йилдан-йилга оммалашиб бораётган “Ўзбекистон гўзали” танлови, “Айланай” кўрсатувини миллий анъанага айлантиришга уринишлар қизлардаги шарқона ибо, ҳаё каби муқаддас анъанавий қадриятларимизга путур етказаётган бўлса, “Қопқон” телеўйинида биз учун энг муқаддас анъанавий қадрият “рост сўзлаш” уни жамоани тарк этишига сабаб бўлади. Шу маънода бугун анъанавий қадриятларимиз муқаддаслигини сақлаш учун умумижтимоий курашиш даври келганини англаш жиддий масалага айланиб бормоқдаки, уларга янгича моҳият бахш этувчилар яна бир бор маънавий-ахлоқий меросимизни “миллий меъёр” доирасида ўргансалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Айтиш лозимки, ҳукуватимиз мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб анъана ва урф-одатларни тиклаш ҳамда уларни халқимиз ўртасида тарғиб-ташвиқ қилиш ишларига катта эътибор қаратмоқда. Шу маънода, номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги “2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори

хамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 24 майда қабул қилган “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамиятга эга. Ушбу Дастурда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ёш авлодни қадимий ва бугунги тарих туташган манзиллар ва осори-атиқалар билан таништириш мақсадида саёхатлар уюштирилмоқда. ОАВ орқали маънавий-маданий меросимизнинг энг ёрқин жиҳатларини ўзида акс эттирган турли мақола, эшиттириш ва кўрсатувлар “Муқаддас аجدодларимиз илмий меросини ўрганамиз” шиори остида халқимиз эътиборига ҳавола қилинмоқда, бу эса улғайиб келаётган ёш авлод онги ва қалбида ворислик масъулиятини янада кучайтирмоқда. Чунки аجدодларимиз ҳар қандай вазиятда ҳам миллий меросимизни бизга етказиш йўлида ўз жонларини аяшмаган. Шу ўринда биринчи президентимизнинг “шундай даҳшатли даврларда ҳам ҳар қандай зулм ва истибдодга қарамасдан, халқимиз ўзини, ўзлигини йўқотмади. Тилини ва динини, иймон-эътиқодини сақлаб қолди. Халқимизнинг асрлар синовида янада кучайиб, тобланиб борган мустаҳкам иродаси, иймон-эътиқоди нафақат қадимий маънавиятимиз, балки миллий ўзлигимизни сақлаб қолишга асос бўлди”<sup>169</sup> каби фикрлари айни ҳақиқатдир.

Асосий Қомусимиз ҳам анъана ва қадриятларимиз мазмун-моҳиятини ўзида намоён этади. Жумладан 64-моддада “ота-оналар ўз фарзандларини вояга етказгунга қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар...”<sup>170</sup>, дейилган бўлса, шу пайтгача ер юзида қабул қилинган бирор-бир давлат конституциясида белгиланмаган ҳодиса 66-моддада “вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар”<sup>171</sup> дея миллий анъаналаримиз қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган. Аслида ушбу миллий одатларимизнинг бажарилишини қонуний

---

<sup>169</sup> Ўша манба. Б. 25-26.

<sup>170</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон. 2003. Б. 12.

<sup>171</sup> Ўша манба. – Б. 13.

назоратга олиниши аянчли ҳолатдир. Чунки миллий тарбиямиз тарихидан маълумки, ота–она ва фарзандлар ўртасидаги турли муносабатлар бутун давлат миқёсида ошкора эмас, фақат оила даврасида ҳал этилган. Бу каби анъанавий қадриятларни қадрсизлантириш тоталитар тузум сиёсатининг асосий мақсади эди. Бу даврда баъзи ота-оналар ўз фарзандларини меҳрибонлик уйларига ташлаб кетиши, ёшликда меҳр кўрмаган фарзандлар эса ўз отаси ёки онасини қариялар уйларига олиб бориш ҳолатлари кучайган. Афсуски ўша давр оқибатларини бугунги кунда ҳам учратиш мумкин. Ушбу анъаналарни қонунлаштирилиши аввало миллий менталитет “асл” қиёфасини сақлаб қолишга хизмат қилади, қолаверса анъана ва қадриятларимизни умрбоқийлигини таъминлайди.

Бизнингча, воқеликда заруратга айланган – фуқаролик жамиятини ривожлантиришда жамоавийлик хусусиятига янгича ёндошиш жамият тараққиёти жараёнида юзага келадиган муаммоларни умумдавлат миқёсида ҳал этиш имконини беради. Чунки фуқаролик жамиятини ривожлантиришдан жамият кўпроқ манфаатдордир.

Маълумки, менталитетимизга кўра, индивид онгидан жамоа онги кўпроқ қадрга эга. Хусусан бир қишлоқда яшовчи аҳоли дунёқараши ўзаро уйғундир. Чунки ушбу ҳудудда қадимдан бирга истиқомат қилиш асносида шаклланган урф-одат, анъана ва маросимлар уларни руҳан ва ақлан бирлаштирган. Замонавий жамиятлар ижтимоий муносабатларида ҳар бир шахс ўз фикри ва ахлоқига эга бўлса, Шарқда шахс ахлоқи умумийликни бўлаги сифатида намоён бўлади, яъни у ижтимоий идеалга интилади.

Анъанавий-маънавий қадриятлардан бири жамоавийликнинг шаклланишида дастлаб Хоразм, Сўғд, Бактрия, кейинроқ уни янада такомиллашувига сомонийлар, хоразмийлар, темурийлар давлатлари бошқарувидаги умумийлик-деспотияга асосланган ҳокимият мавжудлиги, ягона ислом динига эътиқод, доимий босқинчилар хавфи борлиги, оила-қариндошчилик ва жамоавий ҳаёт кечириш катта таъсир кўрсатган. Хусусан подшоҳлик томонидан аҳолини суғориш иншоотларини, сардобалар,

кўприклар, йўлларни қуриш ёки таъмирлаш ишларига оммавий тарзда, аксарият ҳолларда мажбурий жалб этиш ҳам жамоавийликни шаклланишига ижобий таъсир кўрсатган. Бугунги кунда ўз кадрини йўқотиб бораётган анъанавий кадрият “хашар” ҳам юқоридаги фикримизни исботлайди.

Жамоавийлик кўринишларидан бири маҳалла анъанавий кадриятлар “бешиги” сифатида замонавий кадриятлар билан муроасага келолмай, бир қатор муаммоларни юзага келтириши мумкин. Масалан бозор иқтисодиёти асосларини ифода этувчи хусусиятлар (ижтимоий табақаланиш ривожланиши, “қиймат”ни “кадр”дан устун қўйиш) маҳаллани маънавий-ахлоқий мезон сифатидаги ўрнига салбий таъсир этаётгани сир эмас. Шу боис маҳалладаги ижтимоий-сиёсий муносабатлар жараёнида анъанавий ва замонавий кадриятлар уйғунлигига эришиш зарурий талабдир.

Жамиятимизда миллий ривожланишга тўсиқ бўлувчи бир қатор ёмон иллатлар (лоқайдлик, боқимандалик, фикрий бир хиллик) ҳалигача мавжуд, аксинча бугун уларнинг зидди сифатида намоён бўлаётган янгича иқтисодий тушунчалар (прагматизм, фойда кетидан қувиш, ҳар бир фаолиятдан моддий манфаат кутиш, вақт - бу пул) кишилардан тезликни, фаолликни талаб этади. Бир маконда шаклланаётган ушбу икки ҳодисани ижтимоий-иқтисодий қонунлар асосида уйғунлаштириш мурватларини яратиш бугунги воқелик талабидир.

Анъанавий жамиятнинг яна ўзига хос хусусиятларидан бири уларда диний-ахлоқий меъёрларнинг устуворлигидир. Шу сабабдан, ижтимоий-сиёсий муносабатларда ақлдан кўра ҳис-туйғу, қонундан кўра одатлар кўпинча устун қўйилади. Лекин таъкидлаш лозимки, анъанавий одатларнинг ҳаммаси ҳам жамият тараққиётига ижобий таъсир кўрсатмайди. Хусусан уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик каби ички хавфлар миллий тараққиёт концепцияси ғояларига зиддир.

Анъанавий жамиятларда ижтимоий-сиёсий муносабатлар давлат-жамият-шахс манфаатлари кетма-кетлигига асосланса, замонавий жамиятда эса

шахс-фуқаролик жамияти-давлат манфаатлари даражалари кўринишида намоён бўлади.

Бизнингча, анъанавий кадрятларни модернизациялаш жараёни анъанавий жамиятдан замонавий жамиятга ўтиш деб талқин қилинса мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу жараённинг бирдан бошқасига ўтиши ҳар хил тарихий даврларда ва ҳар хил ҳудудларда кузатилган. Ҳаттоки қадимда ёки архаик жамиятларда модернизациянинг сиёсий-маданий, ижтимоий-иқтисодий жиҳатларини кузатиш мумкин. Анъанавийликдан замонавийликни ажратган асосий белгилар жамиятнинг иқтисодий-сиёсий ва технологик соҳаларида эришган ютуқлар бўлди. Албатта бу табиий жараён бўлиб, узок йиллар давомида тўпланган турли концепциялар ҳулосалари мажмуаси ҳосиласи эди.

Ушбу жараён бир текис, узлуксиз кечмайди. Баъзида у бошланиши билан ҳеч қандай натижаларсиз тугаши, гоҳо “замонавийлик” ниқобидан фойдаланиб, ошқора ёки яширинча ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ҳаракатлантирувчи мурватига айланганини гувоҳи бўламиз. Худди шу каби анъанавий жамият маконларидан бири Марказий Осиёда жамиятни янгилаш, модернизациялаштириш анъаналари узок тарихга эга. Бизнингча, анъанавий кўринишдаги кадрятларнинг модернизация жараёни ўрта асрлардан, яъни ислом дини жамият ва давлат бошқаруви учун “асос” бўлган вақтда бошланган. Аввалдан ҳар бир этник бирлик анъаналари негизида диний кадрятлар муҳим аҳамиятга эга бўлган, лекин бу билан анъаналар фақат дин таъсирида ривожланган демоқчи эмасмиз. Тадқиқотчилар фикрича, анъаналар доимо такомиллашиб борадиган ҳодисадир<sup>172</sup>.

Жамиятни янгилаш, диний ғояларни ҳаётий яратувчилик ғоялари билан уйғунлаштириш ҳақидаги илк ғояларни, хусусан буюк аллома Хожа Баҳоуддин Нақшбандий илк бора ўз ғояларида диний кўринишдаги анъанавий жамият кадрятларини янгича тушунча ва қарашлар билан

---

<sup>172</sup>Умрзакова О. П. Общечеловеческие ценности: национальные обряды и традиции в развитии // Общественные науки в Узбекистане. -1991.

бойитиб, анъанавий қадриятларни модернизациялашнинг мукамал “дилинг Аллоҳда, кўлинг меҳнатда бўлсин” ақидасини яратди. Ушбу яшаш тамойили Гегелнинг “айнан протестантизм Худо билан инсонни яраштира олди ва эришилган ярашувга мувофиқ айнан дунёвийлик ҳақ ғояга эга деган англашув яратилди ва аксинча, муқаддас дунёвийлик ёвузлик, эзгуликка қодир бўлмаган қандайдир ташқари бир нарса деб тушунилар эди. Энди эса давлатда ахлоқийлик ва адолатлилик илоҳий эканлиги ва бу орқали Яратувчининг иродаси ифодаланиб, мазмун жиҳатдан бундан юқори ва муқаддас нарса йўқлиги намоён бўлади”<sup>173</sup> фикрлари билан ҳамоҳангдир. Ёки М.Вебер ўзининг “протестант этикаси ва капитализмнинг руҳи” рисоласида ушбу қарашни янада аниқроқ изоҳлайди: “Шарқ Уйғониш даври илмлари орқали оёққа турган Ғарб цивилизацияси айнан протестант меҳнат этикаси туфайли тараққиётида Шарқдан илгарилаб кетди”.<sup>174</sup>

Бу ўринда Ғарб тамаддунининг юксалиши XVI-XVII асрлардаги буюк географик кашфиётлар, буржуа инқилоблари билан боғлиқ бўлса, айнан ушбу давларда Шарқ цивилизациясининг таназзули сабаби “қўшҳақиқат”чиларнинг сўл гуруҳи мутакаллимларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётига кириб келиб, плюралистик ҳарактердаги ислом дини қадриятларини консерватик кўринишдаги ақидаларга айлантириб, ижтимоий тараққиётнинг барча соҳаларида турғунликни юзага келтириши билан боғлиқдир. Бугунги тадқиқотчи олимлар ушбу жараённи модернизация тамойиллари нуқтаи назаридан таҳлил этиши мақсадга мувофиқдир. Тўғри “келажакка кўприк ўтмишдан бошланади”. Лекин ушбу даврни ўрганишда диалектика қонунларига риоя қилинмаса, “асл” исломий қадриятларни англай олмаймиз, бу эса диний кўринишдаги турли хуружларни урчиши учун шароит яратиши мумкин.

Бугун ер юзи манфаатлар учун кураш майдонига айланган. Энг қизиғи, ушбу воқелик иштирокчилари оддий инсон ёки йирик давлат ҳам бўлиши

---

<sup>173</sup> Гегел. Философия истории. СПб., 1933. С.428.

<sup>174</sup> М.Вебер Протестантская этика и дух капитализма. - Изб.произв. - М.: Процесс, 1990. С. 61-306

мумкин. Шу маънода бугун ижтимоий-маънавий соҳалардаги барқарор тараққиётни таъминлаш омилларидан бири анъанавий қадриятларни қайта баҳолашда қуйидаги замонавийлик хусусиятларини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга:

- дунёнинг янгича қиёфаси инъикоси сифатида намоён бўлаётган умуминсоний меъёрлар тизими;

- турли макондаги этник бирликлар ўртасида юзага келган зиддиятларни консенсус усуллар воситасида ҳал этишнинг янгича йўналишлари;

- ахборотлашиб бораётган жамият ютуқ ва камчиликларидан хабардорлик;

- дунё фан-техника ёрдамида эришган иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий тажрибаларидан танқидий фойдаланиш ва б.

## Бобга оид хулоса

Инсоният жамият бўлиб яшаган илк даврлардан бошлаб ахлоқий ва маънавий кадриятларни ижтимоий барқарорлик омили сифатида эъзозлаб келмоқда. Ушбу кадриятлар тарихий тараққиёт жараёнида ижтимоий ҳаётга маънавий-рухий озуқа бериб, инсонларни доимо эзгуликка, яхшиликка чорлаб келаётгани учун ҳам асрлар давомида йўқолиб кетмади. Аксинча тадрижий равишда такомиллашиб, ривожланиб замон ва макон воқелигига янги қўшилган нарса-ҳодисаларга “маънавий” меъёр бўлиб келмоқда. Ҳозирги кунда ушбу ҳодисани анъанавий кадрият сифатида тадқиқ этиш зарурати етилди. Чунки бугун биз қураётган жамият ушбу маконда қадимдан шаклланган маънавий-ахлоқий мезонлар мажмуасига асосланиб ривожланмоқда. Шу маънода, ушбу ҳодиса билан боғлиқ илмий ва методологик манбаларни ўрганиш, таҳлил этиш ва умумлаштириш асносида ҳозирги янгиланишлар жараёнига жавоб бера оладиган мукамал концепцияни яратиш тадқиқот мақсади сифатида белгиланган.

Жамиятимизда олиб борилаётган янгиланишлар тажрибалари, сабоқлари шуни кўрсатмоқдаки, адолатли, фаровон ҳамда барқарор келажак куриш учун халқимиз тафаккурида анъанавий ва замонавий кадриятларни уйғунлаштириш вазифасини амалга ошириш зарур. Шу маънода халқимизнинг сиёсий, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларда атрофдаги воқеа-ҳодисаларга даҳлдорлик туйғусини шакллантириш учун анъанавий кадриятларни ривожлантиришга муҳим аҳамият берилмоқда. Зеро, юксак маънавият эгаси ҳар қандай вазиятда ўз миллатига, оиласига, шаънига содиқ қолади, эзгу мақсадлар учун бутун умрини бағишлайди. Шунинг учун давлатимиз маънавий кадриятларни юксалтириш ишларига раҳбарликни ўз зиммасига олиб, ушбу соҳа ислоҳотини устувор вазифа сифатида белгилаб келмоқда.

Изланишлар шундан далолат берадики, бугун жамиятимизда шаклланаётган замонавий кадриятлар миллий-маънавий кадриятлар билан ўзаро уйғун ва диалектик боғлиқликда ривожланмоқда, ушбу диалектик

мутаносиблик умумижтимоий кадриятлар тизими барқарорлигини таъминлайди. Лекин ушбу барқарорликни мутлақо ўзгармас деб баҳолаш нотўғри, чунки тадрижий ривожланиш жараёнида кадриятлар тизимидаги ўзгаришлар бирдан кўзга ташланмайди. Шунинг учун доимо давлат жамият аъзолари ва ижтимоий институтларни мурасага келтирувчи анъанавий кадриятлар мезонларини сақлаб қолиши ва ўз ҳимоясига олиши зарур.

Баъзида шаклланган янги кадриятлар тизими амалиётга татбиқ этилганда ижтимоий тараққиётга акс таъсир этиши ёки ўз вазифасини бажара олмаслиги мумкин, бунда жамиятнинг ҳар бир соҳасига оид алоҳида кадриятлар тизимининг бир-бири билан ўзаро алоқадорликда, уйғунликда ривожланишини таҳлил этиш ёки янги кадриятлар тизими жамият аъзоларининг эҳтиёжлари, манфаатларини қондириш даражаси ўрганилиши лозим бўлади. Аслида жамиятда янги кадриятлар тизимининг шаклланиши объектив тарзда амалга ошиши зарур. Бу жараёнга субъектларнинг таъсири ундаги “ўзига хос” хусусиятларни моддийлаштириб, ўз моҳиятидан бегоналашувига олиб келиши мумкин. Шу маънода анъаналар замонавий кадриятларни объектив ривожини белгиловчи бирламчи асосдир.

Анъаналар гарчи бир хиллик, турғунлик каби хусусиятларга эга бўлсада, улар доимо ўзгариш ва такомиллашувдадир. Ушбу ўзгаришлар диалектик инкор қонуни асосида амалга ошади. Анъанавий кадриятлар тизими ички боғланиш ва диалектик уйғунлик мавжудлигига асосланган бўлсада, ушбу кадриятлар тизими ўзаро қарама-қаршилик ва номутаносибликлар негизидагина ривожланиши мумкин.

Айниқса сиёсий кадриятларнинг янгиланиши жуда мураккаб ва зиддиятли жараёндир. Ушбу воқеликда ижтимоий институтлар ҳамда турли этник бирликлар қандай кадриятлар ортидан эргашаётгани, уларнинг мақсад ва интилишлари мазмун-моҳиятини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб боради. Бугун сайёрамизда сиёсий бўҳронларнинг кучаюви, мафкуравий жараёнларнинг мураккаблашуви энди шаклланаётган кадриятлар тизимини фақат диалектик тафаккур орқали англашни заруратга айлантиради. Айтиш

лозимки, жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотлар инъикоси - янгича кадриятлар моҳиятини диалектик тушуниш бугунги ўзгаришларни холисона ва танқидий баҳолашга имкон беради.

## ХУЛОСА

Бугун сайёрамиз аҳолиси кишилик тарихидаги энг оғир, аксиологик трансформация жадаллашган даврда яшамокда. Бугунги кунда замонавий жамиятлардаги янгича кадриятлар илмий-технологик билимлар негизида шаклланмоқда, кадриятлар иерархиясида аввалги сакрал мазмундаги ғоялар ўрнига десакраллашган, яъни фуқаровий-ахлоқий мезонларга асосланган аксиологик тафаккур шаклланмоқда. Бу каби кадриятлар тизими технологик ўсишга тўсиқ бўлувчи сакрал қарашлардан фарқ қилиб, кадриятлар ва техник тараққиёт ўртасида уйғун муносабатни шакллантirmoқда. Бугунги воқеликда кадриятлар - ижтимоий ҳаётда субъект ва объектларни боғловчи ҳодиса, моддий ва маънавий жараёнларни ҳаракатлантирувчи механизм, индивидуаллик ва умуминсонийликнинг қиёслашга шароит яратувчи ижтимоий-фалсафанинг концептуал тушунчаларидан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Кадриятларнинг келиб чиқиш жараёни бир неча омилларга боғлиқ бўлиб, уларни ижтимоий тараққиётдаги аҳамияти субъект фаоллиги ва объектив шарт-шароитга қараб ортади, камаяди. Моддий ва ижтимоий кўринишдаги нарса ва ҳодисалар кадриятлар ҳаракати учун макон ва шарт-шароитни яратади. Воқеликдаги ушбу ҳолат кадриятлар билан ассимиляцияга киришиб, уларнинг фаолияти учун ҳаракат дастурини яратади. Индивиддаги яхши ва ёмон хулқларнинг шаклланишига инстинктлар, интуиция, атроф-муҳит каби бир неча омиллар таъсир этади. Ушбу омиллар индивиднинг ташқи оламга муносабатида намоён бўлади. Бу жараёнда ақл ва имон кадриятларнинг маънавий мезонини белгилайди ҳамда индивидни оламни диалектик тушунишга ундайди.

Ушбу монографияда аниқланган кадриятлар таснифи плюралистик моҳиятга эга. Кадриятларнинг намоён бўлиш чегараси одам ва олам муносабатларининг кадриятли жиҳатларига асосланади, бу эса уларни хилма-хил турларини умумий тизимга киритиш имконини беради. Шу

маънода анъанавий қадриятлар тадрижий ривожидан қадриятлар умумий доирасининг ворисийлигини белгилайди. Айтиладики, у ҳар бир давр воқелигидаги инновацияларни қабуллаш, бойитиш, узатиш қобилиятига эга. Анъанавий қадриятлар шаклан консерватив кўринишда, у моҳиятан демократия, модернизация ҳамда бағрикенглик тамойилларига асосланади ҳамда ҳар бир субъект ва жамиятни ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини инобатга олиш имконини беради.

Анъанавий ва замонавий қадриятлар гармониясини таъминлаш “умумбашарий” маънавий-ахлоқий қадриятларни шакллантириш, ўз манфаатларини нафақат оила ёки Ватани, балки умумжаҳон манфаатлари билан уйғун кўра оладиган шахсларни тарбиялаш билан боғлиқдир. Бу каби инсонлар эркин қарашлари, ғоялари ижтимоий ҳаётнинг маънавий “булоғи” қиёфасида намоён бўлади. Бу жараён жамиятнинг маънавий йўлбошчилари томонидан амалга оширилгани сабабли ижтимоий-маънавий қадриятлар тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи мурвати сифатида фаоллашади. Ушбу маънавий йўлбошчилар воқеликни кейинги ривожидан учун асос бўладиган маънавий-ахлоқий концепцияларни яратишга, уларнинг амалий ҳаётдаги ўрнини белгилашга қодир куч сифатида тарих майдонига келади. Бундай маънавий йўлбошчилар асосан жамият трансформацияси зарурияти сифатида сиёсий сахнага чиқади, қадриятларни баҳолаш қобилиятига қараб ижтимоий тараққиётни юксакликка ёки таназзулга бошлайди. Хусусан президентимизнинг “инсонга хос орзу-интилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечирishi учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсласак, ўйлайманки, ўринли бўлади. Қачонки ана шу икки муҳим омил уйғунлашса, том маънодаги қўш қанотга айланса, шундагина инсон, давлат ва жамият ҳаётида ўсиш-ўзгариш, юксалиш жараёнлари содир бўлади”<sup>175</sup> ушбу фикрлари бугунги кундаги янгиланишларнинг таянч мезонидир.

---

<sup>175</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 67-б.

Шунингдек ушбу монографияда анъанавий ижтимоий тузилма бўлмиш маҳалла инсон ва жамият ҳаёти учун энг муҳим бўлган анъана ва кадриятлар ижодкори ҳамда уларни ижтимоий онгга тез ва таъсирчан воситалар ёрдамида сингдиришда беқиёс тажрибага эга бўлган дунёда қиёси йўқ энг халқчил институт сифатида тадқиқ этилди. Мустақиллик туфайли ушбу институт ўтмиши ва бугуни илмий-назарий жиҳатдан теран таҳлил этилиб, унинг келажакдаги мукамал қиёфасини яратиш йўлида тинимсиз изланишлар олиб борилмоқда. Ушбу монография ҳам ушбу йўлдаги изланишлардан бири бўлиб, унда маҳалла анъанавий ва замонавий кадриятлар туташган, уйғунлашган макон сифатида ўрганилди. Анъанавий кадриятларни бугунги воқелик мезонлари билан уйғунлаштиришда маҳалланинг ўрни ва вазифалари таҳлил қилинди ҳамда уни янги қиёфаси учун зарур бўлган объектив ва субъектив омиллар ўрганилиб, тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Сиёсий кўринишдаги анъаналар бизнинг худудда узоқ тарихий илдизга эга бўлиб, жамият ҳаётида давлат ҳокимиятидан мустақил ҳолда шаклланган ҳамда халқимиз бу кўринишдаги урф-одатларга умумий, тенг, ихтиёрий равишда итоат этган. Шу маънода, улар бугунги воқеликда юртимиздаги этник бирликлар ижтимоий-сиёсий муносабатларини тартибга солувчи меъёр сифатида намоён бўлиб, сиёсий жараёнларни барқарорлаштириш омили сифатида аҳамиятлидир. Лекин уларнинг баъзилари янгиланиш жараёнлари суръатини секинлашувига ҳамда сиёсий вазиятни кескинлашувига сабаб бўлмоқда.

Сўнги пайтларда жаҳон сиёсий майдонида анъанавий ислом ва унинг институтларини қадрсизлантириш орқали моддий манфаатдорликка эришиш мақсадида, ислом динини сохталаштириш ҳамда сиёсийлаштиришга уринишларнинг вужудга келиши оқибатида умумпланетар онгда ислом динини радикал, деструктив, консерватив таълимот сифатида тарғиб-ташвиқ этиш кузатилмоқда. Шу маънода бугун жамиятимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни барқарор ушлаб туриш:

- анъанавий ислом дини ва институтларини қўллаб-қувватлаш ва уларга нисбатан ижтимоий назоратни кучайтириш;

- анъанавий ислом кадриятларини тўғри ва ҳолис таҳлил этадиган ҳамда уларни ҳимоя қилишга қодир бўлган мутахассисларни тайёрлаш;

- ушбу кадриятларга асосланиб миллий ўзликни ривожлантиришга йўналтирилган ташвиқот, тарбия ва таълимнинг бирлигини таъминлашни тақозо этади. Шунинг учун ижтимоий онгда турфа хил дунёқараш, кадрият ва анъаналарга эга бўлган жамоаларнинг бир-бирига ўзаро ҳурмат ҳиссини ривожлантириш учун умумпланетар тафаккурда “ўзингга раво кўрган нарсани, ўзгага ҳам раво кўр” тенденциясини шакллантириш зарур.

Бугунги ижтимоий тараққиёт тафаккурининг аксиологик дихотомияси ташқи реаллик ва субъектнинг баҳолаш шаклларининг дуализмидан ташкил топган. Янги тафаккур космополитизмга мойил бўлиб, тараққиёт янги сифат босқичига ўтмоқда. Ҳозирги замонавий жамиятларда шаклланаётган кадриятларнинг омонатлилик, эгоистик ва плюралистик характери ахборот технологиялари воситасида энг олис манзилларга ҳам қийинчиликсиз кириб бормоқда. Таъбир жоиз бўлса, ушбу ҳодиса “эпидемия” каби тез тарқалиб, иммунитет (бу ўринда маънавий, мафкуравий) заиф инсонларни ўз домига тортмоқда. Шубҳасиз, юртимиз ҳам шу каби “эпидемия” эътиборидан четда эмас. Шу маънода бугунги ёшлар дунёқараши ва руҳий оламини ўрганиш мақсадида олиб борилган ушбу эксперимент орқали ёшларнинг хиёбонларда, кўчаларда, аудиторияларда, жамоат транспортларида ўзини тутиши, атрофдагиларга муносабати, ўзаро мулоқоти анъанавий ижтимоий хулқ-атвор мезонларига қиёсан кузатилди. Ушбу кузатишлар таҳлили, бугунги ёшларнинг баъзилари онги ва руҳиятида ўзига хос қуйидаги хусусиятлар мавжудлигини (ёки ривожланаётганлигини) кўрсатди:

- ёшлар ҳаётида сиёсий-ҳуқуқий кадриятларга нисбатан анъанавий-маънавий кадриятлар кучлироқ мавқега эга бўлиб, витал (инсон ҳаёти илоҳий кучлар томонидан бошқарилишига ишонч), гедонистик (хузур-

халоватда яшашга интилиш), иқтисодий (хусусан энди шаклланиб келаётган янги авлод) қадриятларнинг нисбатан юқорилиги;

- тез суръатларда ўсиб бораётган глобаллашув таъсирида ранг-барангликнинг заифлашуви баъзи ёшлар дунёқарашида оламни мазмунсиз, оқ-қора инъикос этишига бу эса уларни ҳаётга бепарво, лоқайд муносабатини шакллантириши;

- ўткинчи шахсий ҳис-туйғулар, эгоистик майлларга эргашишнинг кучлилиги таъсирида “ғарблаштириш” ниқоби остидаги космополитизм томон ўзгариши; кундалик ҳаёт муаммоларига иродасизлик; баъзи анъанавий қадриятларга беписанд (меҳнатсеварлик, меҳр-оқибатлилик, ростгўйлик, ҳалоллик ва б.) муносабатнинг шаклланиши.

Албатта ушбу натижалар объект ҳақида тўғри ва холис хулоса бермайди. Ватанимиз келажаги бўлмиш ёшларнинг асосий қисми ўз мустақил фикрига, собит эътиқод ва метин иродага эга бўлиб камолга етаётгани албатта, қувонарли ҳолдир. Лекин “бугунги ютуқ ва марраларга эришганини холисона баҳолаб, ҳар қандай кибр-ҳаво кайфиятларига берилмасдан, оёғимиз ердан узилмасдан, эртанги ёруғ, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган келажагимизга онгли равишда”<sup>176</sup> қадам қўйишимиз учун баъзи ёшларимиз тафаккури ва руҳиятида юқоридаги каби салбий иллатларни илдиз отишига йўл қўймаслик лозим. Шу маънода юртимиз келажаги хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ушбу омиллар сабабларини ўрганиш, уларни олдини олиш чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш стратегик аҳамиятли вазифадир.

Қадриятлар воқеликдаги нарса ва ҳодисалар мазмун-моҳиятига шахс орқали таъсир этади, ушбу жараённинг оқибати албатта, шахснинг қадриятларни қай тариқа баҳолаш қобилиятига боғлиқ бўлади. Яъни шахс воқеликни онгида идрок этади, уни ижобий ёки салбий томонга ўзгартириш

---

<sup>176</sup>Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. Т.: Ўзбекистон. 2012. Б. 12.

индивид хоҳиш-истагидан келиб чиқади, бунда нарса ва ходиса тақдири шахс онгидаги маънавий дастурга боғлиқ бўлиб қолади. Яъни, замонавий жамият кишиси бутун дунё каби ошқора тизимга айланмоқда, унинг онги ва қалбида ўзи тўғри деб билган анъана ва урф-одатлар, қарашлар, эътиқодлар бегона таъсирлар натижасида қоришиб кетмоқда. Бундай жараён универсаллашиб бормоқда, энг хатарлиси бу ҳолатда қандай қадриятлар ҳукмрон бўлаётганини англаш муҳимдир, чунки айнан ушбу қадриятлар сайёрамиз учун стратегик моҳиятга эгадир.

Мазкур монография ўта мураккаб, ҳали кўп масалалари, йўналишлари аниқланмаган, ижтимоий ҳаётда азалдан мавжуд бўлсада, илмий онгда алоҳида воқелик сифатида ўрганилмаган муаммога бағишланган. Лекин илмий изланишлар билан тадқиқ этилаётган объектнинг идеал андозаси ўртасидаги қаршилиқлар объект ҳақида тўлиқ маълумотлар олишга тўсқинлик қилади. Шу маънода бир тадқиқот доирасида объектнинг умумий, хусусий ва алоҳида жиҳатларини ўрганиш, қиёслаш, англаш ҳамда юзага келган воқелик сабаб-оқибатларини аниқлаб, муаммо ечимларини топиш бир мунча мушкул вазифадир. Шунинг учун ушбу монографияда анъанавий ва замонавий қадриятлар уйғунлиги диалектикаси умумлашган ҳолда тадқиқ этилиб, ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинди.

## Фойдаланган адабиётлар рўйхати

### I. Расмий ҳужжатлар

1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 40.

1.2. Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишда партиялар ролини янада кучайтириш тўғрисидаги Қонун. 2006 йил 8 ноябрь. // ЎзР Олий Мажлиси Ахборотномаси. – Тошкент, 2006. – № 11. – Б. 75.

1.3. Таълим тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1997 йил 29 август // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, 1997. – Б. 20-29.

1.4. “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1993 йил 2 сентябрь. // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – Тошкент, 1993. – № 9. – Б. 23-29

1.5. “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрири) /Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 80 б.

1.6. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1997 й. 29 август // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, 1997. – Б. 30.

1.8. “Обод маҳалла йили” дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссиясини тузиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 16 декабрдаги Фармойиши // Халқ сўзи. – 2002. – 17 декабр.

1.9. Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган тадбирлари давлат дастури тўғрисида: Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 январь қарори // Халқ сўзи. – 1998. – 28 январь.

1.10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги “2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори // Халқ сўзи. – 2010. – 8 октябрь.

1.12. “Баркамол авлод йили” давлат дастури. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

1.13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги Фармони

1.14. “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти фарори. 2017 йил 28 июл, “Халқ сўзи ” рўзномаси

## **II. Раҳбарий адабиётлар:**

2.1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.

2.2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Т.2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.

2.3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т.3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.

2.4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. – Т.4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 349 б.

2.5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. – Т.5. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.

2.6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. – Т.6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 342 б.

2.7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 410 б.

2.8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.

2.9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. – Т.9. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 432 б.

2.10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашамиз. – Т.10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.

2.11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.

2.12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. – Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.

2.13. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Т.13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.

2.14. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. – Т.14. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 280 б.

2.15. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. – Т.15. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 320 б.

2.16. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.16. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 368 б.

2.17. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

2.18. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш - бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. –Т.: Ўзбекистон, 2009.– Б. 29-65.

2.19. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. Т.18. –Т.: Ўзбекистон, 2010.– Б. 280.

2.20. Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. – Т.: Ўзбекистон, 2011. Б.

2.21. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Т.20. - Т.: Ўзбекистон, 2012. Б.

2.22. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь.-Т.: Ўзбекистон, 2010. Б. 56

2.23. Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. Т.: Ўзбекистон. 2012. Б. 30.

2.24. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2013. Б.

2.25. Каримов И.А. “Она юртим бахту-иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир” Тошкент. “Ўзбекистон” 2015 й

2.26. "Ислом - ҳақиқатни англаш демакдир". Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Шавкат Миромоновичнинг ИХТнинг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган 43-сессиясида сўзлаган нутқи. 2016 йил 18 октабр.

2.27. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимиغا киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016. – 56 б.

2.28. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. «Миллий тараққиёт

йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз»– Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.

2.29. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси. 2017 йил, 22 декабр. “Халқ сўзи” газетаси

### **III. Китоблар, монографиялар, мақолалар тўплами**

а) бир муаллифликда чоп этилган:

3.1. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Мерос, 1993. Б. 210 б.

3.2. Абу Райҳон Беруний. “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”. –Т.: Фан, 1972. – Б. 68.

3.3. Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр.-Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. Б. 242-246

3.5. Амир Темур. Темур тузуклари. –Тошкент.: Шарқ, 2005. Б. 32-35.

3.6. Абдулла Орипов. Адабиёт ва замон. //Мустақиллик даври адабиёти.//Тўплам. Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. Б. 7.

3.7. Аверинцев С. С. Судьба европейской культурной традиции в эпоху перехода от античности к Средневековью // Из истории культуры средних веков и Возрождения. - М.: 1976. стр. 224.

3.8. А.Дугин “Пути Абсолюта”.- М. 1989. стр. 7.

3.9. Айтматов Ч. Верю в человека. // Собр. соч. В 7-ми т. Т. 7. –М.: 1998. Б. 478.

3.10. Алимасов Виктор. Фалсафа ёхуд фикрлаш чанқоғи. Т.: “Фалсафа ва ҳуқуқ”, 2007. Б. 47.

3.11. А.Алиев, Т.Ҳошимов. Сиёсий фикрлар тарихи. Монография. ТДИУ «Иқтисодиёт» нашриёти, Т.: 2008. Б. 58.

3.12. Анвар Қодиров. Анъанавий жамият ва уни модернизациялаштириш стратегияси. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. Б. 216.

- 3.13. Алексеева Т.А. Либерализм как политическая идеология. – М.: Полития, 2000. – 220 с.
- 3.14. Бердяев Н. Свобода о человека. М. 2003. С. 149.
- 3.15. Бэкон Ф. Новый органон. Предисловие [Текст] / Ф. Бэкон. // Соч. Т.1. – М.: 2008. стр. 114.
- 3.16. Васович В. Переход и демократия в посткоммунистических странах (парадоксы перехода и демократизации) – М.: 1998. стр. 176.
- 3.17. Вернадский В.И. Биосфера и ноосфера / В.И. Вернадский. – М.: 2009. стр. 400.
- 3.18. Вейнберг И.П. Рождение истории: Историческая мысль на Ближнем Востоке середины II тысячелетия до н.э. М.: Наука, 1993. стр. 125.
- 3.19. Виктор Алимасов. Ижтимоий-маънавий мерос ва шарқона демократия. – Т.: Ношир, 2013. Б. 38.
- 3.20. Виктор А. Фалсафа ёхуд фикрлаш чанқоғи. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2007. Б. 52.
- 3.21. Виктор Алимасов. Фалсафа ёхуд фикрлаш санъати. “Ношир”, - Т.: 2008. Б. 85.
- 3.22. Витгенштейн Л. Философские работы: В 2ч. М., 1994
- 3.23. Гафарли М.С., Касаев А.Г.. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик – тараққиёт асоси. Т.: “Ўзбекистон”, 2001. Б. 430.
- 3.24. Генон Р. Символы священной науки. - М.: 1997. стр. 35.
- 3.25. Генон Р. Кризис современного мира. - М.:, 1991, стр. 117.
- 3.26. Гегел. Философия истории. СПб., 1933. С. 428.
- 3.27. Г. Йонас. Принцип ответственности. М., “Астра”, 2004. стр. 80.
- 3.28. Гумилёв Л.Н. Этногенез и биосфера Земли [Текст] / Л.Н. Гумилёв. – М.: Мишель и Ко, 2010. – 206 с.
- 3.29. Гуревич П.С. Философская антропология. - М.: Вестник, 1997. С. 217-218.
- 3.30. Галбрайт Ж.К. Тъе Анатомий оф Повер. Лондон, 1984. п. 76.

- 3.31. Гоббс Т. Левнофан или материя, форма и власть государства церковного и гражданского // Соч. В 2-хт. – М.: Мысл, 1991. – Т.2. – стр. 96.
- 3.32. Дугин А. Философия традиционализма. -М., 2002, с. 72.
- 3.33. Дж. Х. Хеллоуэл. Моральные основания демократии. М., «Юность», 1993. стр. 41.
- 3.34. Жалилов Ш. Фуқаролик жамиятининг пойдевори. Т: Ўзбекистон, 2003. Б. 99.
- 3.35. Иброҳим Каримов. Фалсафа яхлит фан. Т.: “Қатортол-камолот”, 1998. Б. 49.
- 3.36. Иброҳим Каримов. Фалсафа фанидан ваъз (лекция) матнлари. Т.: 2003. Б. 103.
- 3.37. Иброҳим Каримов. Имон ва маслак тарихи. ”Янги нашр”, Т.: 2010.
- 3.38. Иброҳим Каримов. Маънавият, фалсафа ва ҳаёт. Т., “Фан” нашриёти, 2007. Б. 73
- 3.39. Каган М.С. Системный подход и гуманитарное знание. Л.Наука 1991. С. 196.
- 3.40. Каган М.С. Философская теория ценностей [Текст] / М.С. Каган. – СПб.; ТОО ТК «Петрополис», 2007. стр.153
- 3.41. К.Ясперс. Смысл и назначение истории (Тарихнинг маъно-моҳияти ва рисолати). –М., 1994. Б. 90.
- 3.42. Лихачев Д. С. Человек в литературе древней Руси. М.-Л.,: Изд-во АН СССР, 1958. стр. 186.
- 3.43. Махмудов Р. Дегонимни улусқа марғуб эт. Т.: “Ўзбекистон”, 1992. Б. 21.
- 3.44. М.Вебер Протестантская этика и дух капитализма. - Изб.произв. - М.: Процесс, 1990. С. 61-306.
- 3.45. Мельник Н.Б. Сущность человека в понимании Ж.-Ж. Руссо [Текст] / Н.Б. Мельник // Человек – Культура – Общество. Актуальные проблемы философских, политологических и религиоведческих

исследований. – М., 2008. – Т. 1. 180 с.

3.46. М.Қаҳҳорова Маънавий идеал. Т.: “Маънавият”, 2008. Б. 55.

3.47. Михайлов А.Н. Диагностика виртуальной образности [Текст]  
А.Н. Михайлов, Н.А. Носов. – М., 2008. стр. 8.

3.48. Мадаева Ш.О. Миллий менталитет ва демократик тафаккур: (XX аср сабоқлари ва ХХИ аср истиқболлари). –Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2007. – 127 б.

3.49. Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари.-Т.: Ўзбекистон”, 2007. Б. 217-232.

3.50. Н.И.Конрад. Запад и Восток (Ғарб ва Шарқ). –М.: 1972. Б. 27.

3.51. Назаров Қ. Аксиология. Қадриятлар фалсафаси. - Т.: “Маънавият”, 1998. Б. 47.

3.52. Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси. – Т.: Файласуфлар миллий жамияти, 2004. Б. 14.

3.53. Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси. - Т.: “Академия” 2012. Б. 69.

3.54. Наджимов Г.Н. Народные традиции и культура. Т.: Узбекистан, 1992. стр. 14

3.55. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сияр ул-мулук. Т., “Адолато 1997. Б. 17.

3.56. Ник Бостром. Пъ.Д., ис Дирестор оф Охфорд Университйос неву Футуре оф Ёуманитй Институте. Угрозы существованию человечества. Анализ сценариев вымирания. // 2007. Ётп://www.никбостром/сом.

3.57. Ницше Ф. Воля к власти. Опыт переценки всех ценностей (1884-1888). - М.: 000 “Транспорт”, 1995, с. 86

3.58. Нудненко Л.А. Теория демократии. –М.: Юристь. 2001. –С.36

3.59. Отамуродов С. Глобаллашув ва миллат.-Т.: Янги аср авлод, 2008. -202 б.

3.60. . Очилдиев А.С. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. –Т.: Мухаррир, 2009 – 96 б.

- 3.61 Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти.-  
Тошкент:Шарқ, 2002, 171-172-б.
- 3.62. Риккерт Г.О. Понятия философии.СПб.,Логос, 1914;
- 3.63. Саид Шурмухаммедов. Миллий ғоя – ижтимоий тараққиётнинг  
қудратли омили. Т.: 2010. Б. 20.
- 3.64. С. Хантингтон Столкновение цивилизаций. М., “АСТ”, 2005, стр.  
58.
- 3.65. Тилаб Маҳмудов. Мустақиллик ва маънавият. Т.: Шарқ, 2001. Б  
116.
- 3.66.
- 3.67. Тоҳир Карим. Муқаддас “Авесто” изидан. – Т.: Чўлпон, 2000. –  
218 б.
- 3.68. Туйчиев Б.Т. Политическая культура и демократизация общества.  
–Т.: Шарқ, 2009. – 219 с.
- 3.69. Тоффлер Э. Метаморфозы власти. М., АСТ, 2004, стр.75.
- 3.70. Тўраев Ш. Демократик жараёнлар ва миллий ғоя. – Т.:  
Маънавият, 2008. – 96 б.
- 3.71. Туленов Ж. Диалектика назарияси. Т.: Ўзбекистон, 2001. Б 262.
- 3.72. Хайек Ф.А. Общество свободных. Лондон. 1990. Б. 76.
- 3.73. Хайруллаев М.М. Ўрта Осиёда ИХ-ХИИ асрларда маданият  
тараққиёти (Уйғониш даври маданияти). – Т.: Фан, 1994. – 168 б.
- 3.74. Хотима Шайхова. Маънавият камолот кўзгуси. Ғ.Ғулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий уйи, Т.: 2009 йил, 59-бет.
- 3.75. Эркаев А. Миллий ғоя ва маънавият. – Т.: “Маънавият”, 2002. Б.  
181
- 3.76. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билик. – Т.: Фан, 1971. – Б. 103.
- 3.77. Ядов В.А. Социальная идентичность личности. М., 1994. стр. 112.
- 3.78. Қуронов М. Биз англаётган ҳақиқат. –Т.: Маънавият, 2008.–152 б.
- 3.79. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар,  
мафқуралар, маданиятлар. – Т.: Шарқ, 1998. – 221 б.

3.80. Қирғизбоев М.Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба.-Тошкент: Янги аср авлоди, 2006, 45-46-б.

3.81. Шаповалов В.Ф. Основы философии современности. К итогам XX века.М., Флинта-Наука, 1998.С.121

3.82. Швейцер А. Благовение перед жизнью. Москва, 1992. С.63.

3.83. Ғуломов Л. Маҳалла фуқаролик жамиятининг асоси. – Т.: “Адолат”, 2003. Б. 194.

3.84. Ҳақиқат манзаралари. (96 мумтоз файласуф). “Янги аср авлоди”, 2010. Б. 138.

б) икки муаллифнинг:

3.85. 3.95. Б.Алиев., Т.Хошимов. Амир Темурнинг давлатчилик тамойиллари. - Т.: 2006. 20-37 б.

3.86. Бобоев Ҳ., Ҳасанов С. “Авесто” – маънавиятимиз сарчашмаси. – Т: Адолат, 2001. – Б. 54

3.87. Гафарли М.М., Касаев А.Ч. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик-тараққиёт асоси. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 430 б.

3.88. Кузнецов Ю., Никольский В. Введение в теорию национальной безопасности. – М.: Культура – Сеть, 2000. – 395 с.

3.89. Социология” А. А. Радугин, К. А. Радугин, Москва, 2003 г. Издательство “Центр”. Стр. 49

в) уч муаллифнинг:

3.90. Эргашев И., Жакбаров М., Назаров Н. Жамиятни демократлаштириш ва миллий ғоя. Т.: “Академия”, 2007. Б. 65-66.

3.91. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 330.

3.92. Мамашокиров С., Отамуродов С., Холбеков А. Марказий Осиё: ғоявий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар. – Т.: Ижод дунёси нашриёти уйи, 2002. – 31 б.

г) бутун манбага ҳавола:

3.93. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик / Асқар Маҳкам таржимаси. –

Т.: Шарқ, 2001. – 395 б.

3.94. Американская социологическая мысль: Тексты. М., Изд-во МГУ, 2004. стр. 184.

3.95. Глобальные проблемы и общечеловеческие ценности. М., 1990. стр. 125.

3.96. “Диалектика” Тарихий-фалсафий трактат (русча). Олма-ота, 1985. Б. 15.

3.97. Ёшлар онгида ғоявий дунёқарашни шакллантириш. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2002. – 188 б.

3.98. История современной зарубежной философии (Хозирги замон хорижий Шарқ фалсафасининг тарихи). –СПб., 1997. –Б. 29.

3.99. Ислом: бағрикенглик ва мутаассиблик. –Т.: Мовароуннахр, 1998. – 128 б.

3.100. Ислом. Справочник. Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси.Т., 1989. Б. 62.

3.101. Маънавий-ахлоқий қадриятлар ва уларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни. – Тошкент: 2004. – Б. 42.

3.102. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 60 б.

3.103. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар: (изоҳли кўргазмали воситалар). – Т.: Янги аср авлоди, 2001. – 148 б.

3.104. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қисқа изоҳли тажрибавий луғат).–Т.: Янги аср авлоди, 2002.–192 б.

3.105. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар (Олий таълим муассасалари учун тажрибавий қўлланма). – Т.: Янги аср авлоди, 2001. – 200 б.

3.106. Миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда ташкилий-услубий ёндашувлар. – Т.: Академия, 2002. – 280 б.

3.107. Миллий истиқлол ғояси. – Т.: Академия, 2005. – 312 б.

3.108. Миллий истиқлол ғояси: назария ва амалиёт. – Т.: Янги аср авлоди, 2001. – 198 б.

3.109. Миллий истиқлол ғояси ва мафқураси: фалсафий ва ҳуқуқий жихатлар. – Т.: Янги аср авлоди 2001. – 211 б.

3.110. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. – Т.: Академия, 2007. – 352 б.

3.111. Минг бир ҳадис. – Т.: Мовароуннаҳр, 1994. – 24 б.

3.112. Новейший философский словарь. – Минск: Поппури, 1999. – 877 с.

3.113. Политология тушунчалари ва категориялари луғати. Т.: 2004. Б.

3.114. Социологический энциклопедический словарь. – М.: Норма - ИНФРА, 1998. – 575 с.

3.115. Философский словарь.(Сокращенный перевод с немецкого). Москва,изд. Иностранной Литературы, 1961.стр.207.

3.116. Философия культуры. Становление и развитие. - Санкт-Петербург.: 1998.- С.177.

3.117. Фалсафа қомусий луғат. Қ.Назаров таҳрири остида. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 496 б

3.118. Философский словарь. – М.: Инфра, 1999. – 575 с.

3.119. Фалсафа. Энциклопедик луғат., “Ўзбекистон миллий энциклопедиси” нашриёти. Т., 2010 йил, 102-бет

3.120. Ўзбекистон Республикаси энциклопедияси. –Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1997. – 653 б.

3.121. Ценность. // Новейший философский словарь.- Мн.: В.М.Скакун, 1998. - С.798

Кўп томлик китоблар:

а) бутун манбага ҳавола;

3.122. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 2-том. Давлат илмий нашриёти. Т.: 2000 йил, 610-бет

3.123. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 томлик. – Т.4. – Т.: Ўзбекистон

миллий энциклопедияси, 2008. – 608 б.

3.124. Ўзбек совет энциклопедияси. 14 жилдлик Т.: 1980. 14-ж. Б. 7.

#### **IV. Диссертация ва авторефератлар**

4.1. Мусаев Ф. Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. Фалс. фан. док. ... дис. автореф. – Т.: ЎЗР ФА, 2008. – Б. 41.

4.2. Ачилдиев А. Миллий истиқлол ғояси – миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш омили. фалс. фан. док. ... дис. Автореф.— Тошкент: ТошДУ, 2004. – 46 б.

4.3. Қамбаров А.А. Жамиятнинг маънавий янгилиниши жараёнида илмий қадриятларнинг роли. фалс.фан. номз. дисс. – Ф.: 2006. Б. 14.

4.4. Дугин А.Г. Трансформация политических структур и институтов в процессе модернизации традиционных обществ. дис.док.пол.наук. Ростов-на-Дону, 2004. стр. 256

4.5. Идиоров У.Ю. Особенности демократизации в условиях независимого развития Узбекистана. Автореф.дисс...кан.полит.наук. – Ташкент, 1993. Б. 2.

4.6. Сугрей Л.А. Традиционализм в контексте социально-философского анализа. Ставрополь. Автореф. док. филос. наук. 2003. стр. 16

4.7. Назаров Қ.Н. Қадриятлар тизими: барқарорлик ва ўзгарувчанлик диалектикаси. фал. фан. док. дисс. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 1996.— 294 б.

4.8. Маматов О.В. Мустақиллик мафқурасининг шаклланишида ворислик муаммоси: Фалс. фан. номз....дис. автореф. –Т.: ЎЗФА, 2002. –25 б.

4.9. Пахрутдинов Ш.И. Дунёвий демократик давлатчилик қурилиши амалиётида диний экстремизм таҳдиди: Сиёс. фан. номз. ... дис. автореф. – Т.: Академия, 2001. – 27 б.

4.10. Собирова М. А. Миллий истиқлол мафқураси: моҳияти, манбалари ва ижтимоий вазифалари (ижтимоий-фалсафий таҳлил): Фалс. фан. номз. ... дис. автореф. – Т.: ЎЗМУ, 2001. – 25 б.

4.11. Тўраев Ш.Н. Ўзбекистонда демократик жамият қуришда миллий ғоянинг аҳамияти: Фалс. фан. номз. дис. автореф. –Т.: ЎзМУ, 2007. – 22 б.

## **V. Журнал ва газета мақолалари**

5.1. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. “Халқ сўзи”, 2009 йил 14 февраль

5.2. Владимир Пластун. Такой разный ислам. Центральная Азия и Кавказ. Стокгольм. 2000. №5(11) С. 15

5.3. Новинская М. Коммунитарная парадигма: модификация левой идеи в западной политической культуре: // Мировая экономика и международные отношения, 2000, №4. – С. 37

5.4. Бахтиёр Омонов “Янгилаштириш - табиий жараён” // Жамият ва бошқарув., 2007 йил, 2-сон, 40-бет.

5.6. В.Алимасов. Конфуций // “Шарқ юлдузи”, 2005, 2-3 сон. Б. 177.

5.7. В.Алимасов. Адолат фалсафаси // “Ҳаёт ва қонун” журнали, 4-сон. Т., 2005., 60 бет

5.8. Анвар Зиё. Кучли жамият фалсафаси. “Тафаккур” журнали, 2000 йил, 1 сон, 28-бет.

5.9. Баҳодир Зокир. Глобаллашув зиддиятлари. “Тафаккур”, 2000 йил, 2-сон, 35-бет

5.10. Иброҳим Каримов. Зардуштийлик ҳақида ҳақиқат. “Мулоқот”, 1992 йил, 11/12-сон, 24-29 – бетлар.

5.11. Саидов А. Х. Нужен новый закон о неправительственных организациях. Правда Востока. 1998. 18 сентябрь.

5.12. Иброҳим Каримов. Нажот – имонда. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1995 йил, 17март.

5.13. Ғаввосларга зориққан уммон. “Миллий тикланиш” ҳафтаномаси, 1995 йил, 19 сентябрь

## **VI. Конференция материаллари**

6.1. “Ёш авлодни ғоявий таҳдид ва паст савияли “оммавий маданият”нинг зарарли таъсирларидан ҳимоя қилишнинг илмий-

методик масалалари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси. 2010 йил, 22 июль. – Т.: Ношир, 2010. – 236 б.

6.2. Миллий ғоя ва мафкуранинг фалсафий-ҳуқуқий фанлар ривожига аҳамияти: Илмий–амалий конференция материаллари. 2008 йил, 2 май. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2008. – . 510 б.

6.3. Қамбаров А., Гуломов А. Ёшлар дунёқарашида миллий истиклол ғоясини шакллантиришнинг фалсафий масалалари // Миллий ғоя ва мафкуранинг фалсафий-ҳуқуқий фанлар ривожига аҳамияти: Илмий-амалий конференция материаллари. 2008 йил 2 май. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2008. – Б. 41-43.

## **VII. Интернет сайтларига ҳаволалар**

1. [www.google.uz](http://www.google.uz)
2. [www.gov.uz](http://www.gov.uz).
3. [www.philosophy.ru](http://www.philosophy.ru).
4. [www.history.ru](http://www.history.ru).

ҚДПИ илмий Кенгашининг 201 \_\_ yil \_\_\_\_ №\_\_ - сонли йиғилишида  
нашр учун тавсия этилди.

**“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналиши  
талабалари ва барча ижтимоий фанлар ўқитувчилари учун**

Компютерда саҳифаловчи:	Ш.Худойбергенов
Техник муҳаррир:	О.Шариопва
Корректор :	О.Ортиқов

Бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub> “Times New Roman”  
гарнитураси. Офсет усулида босилди.  
Босма табағи \_\_ Адади \_\_ Буюртма № \_\_  
“\_\_\_\_\_” нашриёт-матбаа  
марказида чоп этилди.